ЮСУФ ХОС ҲОЖИБ

ҚУТАДҒУ БИЛИГ

ЮСУФ ХОС ҲОЖИБ

«Қутадғу билиг» («Саодатга бошловчи билим»)
Ҳозирги ўзбек тилида баён қилувчи ва сўзбоши муаллифи
Боқижон Тўхлиев

Рассом Шомаҳмуд Муҳаммаджонов

Муҳаррирлар
УСМОН ҚЎЧҚОР ва ЧОРИ АВАЗ

Қадрли болалар!

1989 йилда бобокалон шоиримиз Юсуф Хос Ҳожиб яратган буюк ёзма ёдгорлик — «Қутадғу билиг» асарининг ёзилганига 920 йил тўлди. Жаҳон адабиётининг нодир асарларидан бири «Қутадғу билиг»да энг яхши инсоний фазилат ва хусусиятлар асар қаҳрамонлари сифатида рамзийлаштирилган. Жумладан, адолат Кунтугди деб номланади ва шоҳ вазифасини бажаради. Давлат — Ойтўлди — унинг вазири, ақл-заковат — Ўгдулмиш, қаноат — Ўзгурмиш шоҳнинг маслаҳатчилари сифатида баён этилади.

Асарни ўзбек тилига бадиий таржима қилиш борасида ҳам тажрибалар олиб борилмоқда. Ана шундай тажрибалардан бўлмиш шоир Саъдулла Аҳмаднинг таржимасидан айрим парчаларни ушбу китобга илова қилиб беряпмиз. Тушунишингиз осон бўлиши учун китоб охирида луғат ҳам берилган.

Х $\frac{4803620100—42}{360(04)90}$ 38—89

ISBN 5-8250-0113-1

© «Юлдузча» нашриёти; 1990

«Қутадғу билиг» «Қутга, яъни бахт-саодатга эриштирувчи билим» демакдир. Уни бобокалон шоиримиз Юсуф Хос Ҳожиб бундан 920 йил олдин — 1069 йилда ёзган.

Мазкур китоб шоирнинг ўзи айтганидай:

Бошдан охиргача донолар сўзи,
Гўёки тизилган маржондек ўзи.

Ўн саккиз ой — бир ярим йилда ёзиб тугалланган ушбу асарни яратиш учун шоир жуда узоқ вақт тайёрланган кўринади:

Мунуқи таруғлақ Қуз ўрду эли,
Туб — асли насабдин юримиш тили.
Бу туғмиш элиндин чиқиб борғони,
Китобни қўшубон тугал қилғони.
Барусин битимиш, етурмиш низом,
Бу Қошғар элинда қўшулмиш тамом.

Ҳозирги ўзбекчаси:

Қуз ўрду ўлкаси аслида эли,
Туб-асли насабдан сўз очди тили.
Туғилган элидан чиқиб боргани
Китобни жам этиб тугал қилгани.
Борини битибдир не эса калом,
Бу Қашқар элида тугади тамом.

Бу ерда шоирнинг ватани (Қуз ўрду, яъни Боласоғун) ва асарнинг тугалланган ўрни (Қашқар)дан ташқари, асарни ёзиш учун «туғилган элидан чиқиб боргани» ҳақидаги қайд ҳам мавжуд. Бундан шоирнинг кўплаб ўлкаларга сафар қилгани, турли маданий-адабий ёдгорликларни ўрганганини тахмин этиш мумкин. Фикримизни қуйидаги мисралар ҳам тасдиқлаб туради:

Чинийлар «Адаб ул-мулук» деб атар,
Мочинлар «Анис ул-мамолик» деяр.
Бу Машриқ элининг донишмандлари,
«Зийнат ул-умаро» дейишди бари.
Эронлик «Шоҳнома» деди белгилиг,
Туронлик ном қўйди: «Қутадғу билиг»

Булар шоирнинг Чин (Хитой), Мочин (Шарқий Туркистон), Эрон ва Турон (Туркистон ва умуман туркий халқлар яшайдиган ўлкалар)да бўлгани ҳамда у ерларда мавжуд бўлган адабий анъаналардан яхши хабардорлигини кўрсатди.

Юсуф Хос Ҳожибнинг ўзи тўғрисида ҳозирча «Қутадғу билиг»дан бошқа бирор тарихий манбада маълумот йўқ. Шоир ўз номини асарида эслатиб ўтади, холос.

Асар муқаддимасида эса достоннинг Тавғочхон ҳузурига келтирилгани, хон уни қадрлаб шоирга Хос Ҳожиб унвони бергани тўғрисида гапириб ўтилган. Эътибор бердингизми, юқорида келтирилган парчада бир неча ўлка ва халқларнинг номи тилга олинган, демак, асар ўша юртларда ҳам машҳур бўлган. Бугина эмас, достоннинг бир нусхаси 1439 йилда Ҳирот шаҳрида қайта кўчирилган. Бу даврда Ҳирот маданиятнинг гуллаб-яшнаган ўлкаларидан бири эди. Худди шу даврда бу ерда Атоий, Саккокий, Лутфий сингари «сўз мулкининг малик ул-калом»лари ижод этардилар. Табиийки, бадиий асарга нисбатан ниҳоятда баланд талаблар қўйиладиган бу ерда «Қутадғу билиг»нинг кўчирилиши, бир томондан, маънавий эҳтиёж натижаси бўлса, иккинчи томонидан, асар бадиий қимматининг қонуний эътирофи эди.

XIX асрда Волга дарёси киргогига жойлашган Саройчуқ деган шаҳар га яқин бир жойдан оддийгина сопол кўзача топилди. Аммо бу оддий кўзача олимлар эътиборини тортди, чунки унда «Қутадғу билиг» достонидан олинган мисралар битилган эди. Ана шу далилларнинг ҳаммаси асарнинг халқ орасида жуда яхши маълум бўлганини кўрсатиб турибди.

V—VII- асрларда бутун Ўрта Осиё араблар зулми остида колди. Аммо X асрнинг охири XI асрнинг бошларига келиб араблар истило қилган ерларидаги ўз нуфузларини қўлдан бера бошлади. Араблар истилоси даврида кўплаб маданий ва адабий обидалар йўқ қилиб юборилди, уларнинг жуда катта қисми барбод бўлди. Эл-юртнинг ўз она тилида ўқиш истаги эса ҳеч қачон пасаймайди, аксинча, таъқиб қанча кучли бўлса, истак шунча баланд бўлади. Асар ёзилган пайтда шу маънавий эҳтиёж ҳам тобора ортиб бормоқда эди.

Асарда тилга олинган масалаларнинг кўлами шунчалик кенгки, уларни оддийгина санашнинг ўзи ҳам бир неча саҳифаларни ташкил этади. Тасаввурларимизнинг аниқлашиши учун уларнинг айримларини эслатайлик:

Етти сайёра ва ўн икки бурж.

Инсон фарзандларининг қадри билим ва тафаккурда

Тилнинг фазилат ва манфаатлари

Китоб эгасининг узри.

Билим ва ақл-идрокнинг фарқи тўғрисида

Баҳор мадҳи.

Кунтуғди элиг ҳақида.

Ойтўлдининг бахт ҳақидаги ҳикояси

Кунтуғдининг Адолат ҳақида айтганлари.

Ўгдулмиш элигка дек (лашкарбоши, ошпаз, хазиначи, эшик оғаси элчи, дастурхончи...) қандай бўлиши кераклигини сўзлайди.

Ўгдулмиш Ўзғурмишга олимлар (шоирлар, табиблар, таъбирчилар, ҳунармандлар, деҳқонлар, чорвадорлар, турли,табақадаги кишилар) билан муомалада бўлиш сирларини ўргатади.

Ўғил ва қизлар туғилса қандай тарбиялаш лозимлигини айтади.

Меҳмонга борганда ўзини қандай тутиш лозимлигини сўзлайди.

Кўриниб турибдики, «Қутадғу билиг»да тилга олинган мавзуларнинг қамрови жуда кенг. Аммо унда битта бош нуқта борки, у бутун асардан қизил ип бўлиб ўтади. Бу ИНСОН масаласидир.

Инсоннинг ижтимоий моҳияти, унинг ҳаётдаги ўрни, ижтимоий вазифаси шоир томонидан турли йўналишларда таҳлил этилади.

Асарда оддий халқ, меҳнаткаш инсон алоҳида эҳтиром билан тасвирланган. Айниқса, деҳқонлар, чорвадорлар, ҳунармандлар ҳақидаги боблар илиқ меҳр билан йўғрилгандир.

Асардаги турли-туман касбларнинг саноғи, бу касб-ҳунар эгаларида бўлиши керак бўлган хислат-фазилатларнинг баёни айни пайтда ўша касб-ҳунарларига бўлган ҳурмат ва эътиборнинг эътирофи ҳамдир.

Шоир комил инсон ҳақида гапирар экан, камолотнинг қатор белгиларини кўрсатиб ўтади. Уларнинг энг асосийси алоҳида шахснинг ўз манфаатлари, шахсий истаклари доирасини ёриб чиқиб, бошқалар гами билан ҳам яшаши, кўпчилик манфаати учун фидойи бўла билишдир.

«Қутадғу билиг»да билим ҳақида алоҳида боб ҳам мавжуд. Бу боб «Билиг, уқуш адримин, асғин аюр» («Билим ақл-идрок фарқини, нафини айтади») деб номланган.

Билимнинг асосий хусусияти киши учун фақат нафдан иборат эканлигида, унга қадр-қиммат, ҳурмат ва эҳтиром келтиришда, деб билади шоир.

* * *

«Қутадғу билиг» саҳифаларини варақлар экансиз, гоҳ мозийнинг кўз илғамас сарҳадларига, гоҳ Юсуф Хос Ҳожиб даври зиддиятларига, гоҳ туркийларнинг қадим баҳодир ўғлони Алп Эр Тўнга, улуғ Фирдавсийнинг «Шоҳнома»си қаҳрамонлари даврига бориб қолгандек бўласиз.

Асарда шоир фикри гўзал образлар, ҳаётий ўхшатиш ва лўнда истиоралар, таъсирчан тамсил ҳамда мўъжаз рамзлар билан зийнатланган. Юсуф Хос Ҳожиб сўз қудратини, она тилининг ички имкониятларини нозик ҳис этади. Унинг ўзи: «Мен туркча сўзларни ёввойи тоғ кийиги каби билдим. Шунга қарамай уларни авайлаб-асраб қўлга ўргатдим», деб ёзади.

Ана шу «қўлга ўргатилган сўзлар» орасида кўплаб халқ мақоллари ҳам мавжуд.

Буларнинг барчаси Юсуф Хос Ҳожиб ижодининг ғоявий-бадиий илдизлари ҳаётбахш чашма — халқ даҳосининг сўнмас ижоди билан ниҳоятда зич алоқадорлигини яна бир марта таъкидлаб туради.

«Қутадғу билиг» ҳозир жаҳоннинг кўплаб халқлари тилларида жаранглamoқда. Бу асар ўзбек, уйғур, қозоқ, қирғиз ва бошқа туркий халқлар тилларга ҳам тадбил қилинган (мослаштирилган). Асар рус тилига, Европанинг бир қанча тилларига таржима қилинган.

Европа аслида бу асар билан XIX асрнинг биринчи чорагидаёқ танишиб улгурган эди. Ҳозир асарнинг немис ва инглиз тилларига тўлиқ таржимаси бор. Шунингдек, айрим европа тилларига қисман парчалар тарзидаги таржималари ҳам мавжуд.

«Қутадғу билиг» Ўзбекистонда тўлиқ ҳолда 1971 йилда нашр этилган. Бун нашрни филология фанлари кандидати Қаюмжон Каримов амалга оширган. Унда асар матни транскрипцияда берилиб, ўзбекча илмий тавсифи ҳам илова қилинган эди.

Қўлингиздаги китоб илмийликни даъво қилмайди. Китобнинг бош мақсади асар мазмуни ҳозирги ўзбек китобхонларига (шу ўринда асосан болаларга) тушунарли тарзда етказишдан иборат.

Маълумки, «Қутадғу билиг» шеърий асар. У аруз вазнида (мутақориб баҳрида) битилган. Биз болаларга тушунилиши осон бўлишини кўзда тутиб, буни насрий тарзда беришга уриндик. Ўрни билан шеърий парчалардан ҳам фойдаландик.

Ғоявий-бадиий хусусиятларига кўра, ўзига хослик касб этувчи, шунингдек, тарбиявий мақсади тақозосига кўра, бу нашр доирасига сиғмайдиган ўринлар четлаб ўтилди ёҳуд улар қисқартирилди.

Аммо асарнинг композицион яхлитлигини тўла тасаввур этиш учун кўмак берадиган барча ўринлар, хусусан сюжет чизиғидаги воқеалар ривожи билан боғлиқ ҳолатлар имкони борича сақланди. Тақозо этилган ўринларда кенгроқ шарҳлар берилди.

«Қутадғу билиг» XI асрда яратилган. Табиийки, унинг луғат бойлиги ҳам ўша давр тилини акс эттиради. Бизнинг давримизга келиб асарда қўлланган айрим сўзлар истеъмолдан чиқиб кетган. Шунингдек, айрим образлар, асар бадиий либосидаги қисман ўринлар ҳозирги китобхонга тушунарли эмас. Баъзи атамалар ҳам изоҳ талаб қилади. Шундай ҳолатларни кўзда тутиб, китоб охирида луғат ва изоҳлар илова қилинди. Ўйлаймизки, улар китобхонга яқиндан ёрдам беради.

Ўрни келганда шу нарсани алоҳида таъкидлаш лозимки, «Қутадғу билиг» асарининг илмий жиҳатдан ўрганилишида жаҳоннинг кўплаб туркшунослари жуда катта ҳисса қўшишган. Айниқса. В. В. Радлов, А. Вамбери, П. М. Мелиоранский, А. А. Самойлович, Р. Р. Аратларнинг номи бу рўйхатнинг бошида туради.

Асар мукаммал матнининг нашрини амалга оширишда, уни атрофлича илмий тадқиқ этишда ўзбек олими Қаюмжон Каримовнинг хизматлари ҳам беқиёс.

Таъкидлаш жоизки, номлари саналган олимларнинг, яна кўплаб бошқа тадқиқотчиларнинг ишлари бўлмаганида, қўлингиздаги мазкур китоб ҳам юзага келмасди. Шунинг учун ҳам биз асар тадқиқотчиларининг барчасига ўз миннатдорчилигимизни билдирамиз.

Юсуф Хос Ҳожиб «Қутадғу билиг»ининг ҳозирги ўзбек тилидаги болаларбоп баёни фарзандларимиз маънавий камолотига салмоқли ҳисса қўшади, деб умид қиламиз.

БОҚИЖОН ТЎХЛИЕВ,
филология фанлари номзоди

МУҚАДДИМА

Бу китоб:

Бошдан охиргача донолар сўзи,
Гўёки тизилган маржондек ўзи.

Машриқ маликлари-ю, Мочинлар беги, яна қанчадан-қанча билимли, заковатли кишилар бу китобни бир-бирларига оширишган. Бугина эмас, уни хазинанинг энг қимматбаҳо дуру жавоҳирлари сақланадиган хонасига яширишган. Уларнинг мақсади бу китобни авлодлардан авлодларга мерос қолдириб, нодонлар қўлига тушиб қолишининг олдини олишдир.

Ушбу китобнинг нафи беқиёс. Чунки китоб сўзлари кишининг қўлидан тутади, уни эзгу йўлга бошлайди. Бу ҳикматни кўплаб китобларни ўқиган одамгина англаб етади.

У қаерга етиб борган бўлса, фақат таърифу таҳсинларга сазовор бўлган: *Мочинлар ҳакими, Чин* бошлиқлари оламда бундан яхшироқ китоб йўқ деб айтишган бўлса, *Машриқ* элида, *Туркдан* Чингача бўлган жойда ҳам унинг муқобилида тура оладиган китоб топилмайди, дейишган.

Китоб қадрини ҳамма эмас, билимдон, доно кишиларгина билади. Нодон кишилардан билимсизликдан бошқа нима келади?!

Китобни ҳар бир дуч келган одамга беравермаслик керак. У энг яқин дўст бўлганида ҳам китобни ишонишдан олдин, яхшигина синовдан ўтиши лозим. Буни билимсизлар асло англамайди. Заковатлилар эса буни зийраклиги туфайли пайқай олади.

Ушбу китоб:

Буғрахон вақтида ёзилди аён,
Яна хон тилича этилган баён.
Бу янглиғ китобни ким айтган азал,
Кейин ҳам ким айтар бу қадар гўзал?!

Оламда худди шундай китоб ёза оладиган бирор кимса борми? Агар бўлса, кўрсат, мен уни кучим етгунича мақтайин!

Ушбу китоб қайси иқлим ёки мамлакатга, қайси қишлоқ ва шаҳарга

етиб борган бўлса, ўша ерда бир муносиб ном берилди. Чинликлар *«Адаб ул-мулук»* дейишган бўлса, мочинликлар *«Анис ул-мамолик»* деб аташди, Машриқ элининг *уламолари,* донишмандлари эса якдиллик билан *«Зийнат ул-умаро»* дея ном бердилар.

Эронликлар буни *«Шоҳнома»* деб қабул қилишди. *Туронликлар* орасида эса у «Қутадғу билиг» номи билан машҳур бўлди.

Бу китобга тилда мавжуд бўлган турли ҳикматли сўзлар жамланган. У дунёдаги ҳамма ишларда қўл келади. Унда мулк тутишнинг сиру асрори, мамлакатни идора қилиш тартиби, шарти, шунингдек, молу мулк, эл-юртнинг мангу қолиши, гуллаб-яшнаши ва унинг хароб бўлиш белгилари, лашкар ва хос йигитлар, бошқа масалалар сайланиб, танланиб гапирилган.

Мулк-мамлакатни маҳкам тутиш истагидаги одамнинг иши яроқли йигитларга тушади:

Бу янглиғ йигитлар ҳар ишда чирой,
Мисоли чироққа ёғду берган мой.

Подшоларнинг йўл-йўриқлари, уларнинг атрофидаги кишилар билан муносабатлари ҳам китоб саҳифаларидан ўрин олган. Шу ерда Юсуф Хос Ҳожибнинг ўзи ҳақида ҳам айрим ишоралар мавжуд.

Боқиб кўр: китобни яратган киши
Ҳунарли эр эмиш, кишилар боши.

Китоб муаллифи Қузўрдуда туғилгани, туғилган элидан чиқиб боргани ва китобга киритиладиган нарсаларни жамлаб, тугал қилгани ҳақида ёзади. Асар Қашқар элида тугатилган.

Малик ҳузурида ўқиди уни,
Тавғоч Қора Буғра — хонларнинг хони.
Оғирлади ортиқ адиб хизматин,
Инъом берди қалам ҳаққи-ҳурмати.
Хос Ҳожиб унвонин лойиқ билди у,
Ўзига энг яқин одам қилди у.

Китоб муаллифининг Юсуф Хос Ҳожиб деб шуҳрат қозонганининг сабаби ҳам — шу. Бу китоб асосида тўрт нарса ётади.

Бири тўғриликка таянч — АДОЛАТ,
Бири ДАВЛАТ эрур, у қутли ғоят.
Учинчи — улуғлик АҚЛ ҳам ЗАКО,
Тўртинчи — Қаноат эрур бебаҳо.

Буларнинг ҳар бири яна алоҳида-алоҳида номларга эга. Адолатнинг номи — *КУНТУҒДИ.* У асарда *элиг* вазифасида келади. Элиг подшо демакдир.

Давлатнинг исми — *ОЙТЎЛДИ.* У вазир мансабида. Заковат, ақл эса *ЎГДУЛМИШ* дейилган. Ўгдулмиш Ойтўлдининг ўғли сифатида намоён бўлади.

Қаноат *ЎЗҒУРМИШ* номини олади. У асарда вазирнинг қариндоши сифатида кўринади.

Арабча, тожикча китоблар жуда кўп. Аммо бизнинг тилимизда бу хил китоб эндигина яратилган. Билимнинг қадр-қимматига билимдон кишилар етади. Ақл-идрокли кишилар билим қийматини уқиб олишади. Менинг тилагим эса шундай:

Бу туркча қўшуқлар тузаттим сенга,
Ўқисанг, дуо қил менинг ҳақимга.

БАҲОР МАДҲИ

Эса келди Шарқдан баҳорнинг ели
Оламга очилди гўзаллик йўли.
Бўз ер ипорланди қору муз кетиб,
Безанади олам чирой кўрсатиб.

Ғолиб келди қишдан баҳор чиройи,
Янгидан қурилди баҳорнинг ёйи.

Қуёш қайтди яна келиб ўрнига —
Балиқ қуйруғидан Қўзи бурнига.

Баҳорга етишган дарахтлар сариқ, кўк, яшил ва қизил ранглар ёпиниб безанди.

Ер юзи ҳарир кийимлар кийган ёш қизлардай бўлиб ороланди. Бу гўё хилма-хил матоларни ортиб олган Чин карвонининг молини ёйган ҳолатига ўхшайди. Тоғлар, қирлар, далалар ҳам бутунлай яшил ва оқ рангларга бурканган. Минглаб гуллар, чечаклар ер остидан шодиёна бош кўтаришди. Бутун олам муаттар ҳидларга тўлди.

Чиннигул ҳидини ёяркан сабо,
Бутун дунё тўлди *ипорга* гўё.

Ғоз-ўрдак — жами қуш ҳавода шодон,
Ўйинга берилди қувониб чунон.

Кўкиш турна кўкда навосин чалар,
Туя карвонидек тизилар, чопар.

Бирови қўнар, кўр, бирови учар,
Бирови чопар, кўр, бири сув ичар.

Қўшиқ айтди гўзал каклик тоғ ора,
Қизил оғзи қондек, қоши қоп-қора.

Қулоққа чалинар қора зоғ сози,
Гўё нидо солган қиздек овози.

Чечаклар оралаб юраркан булбул,
Оламни қуршади ширин бир ғул-ғул.

Чечаклар устида ўйнар оҳулар,
Буғулар бўйлашар, нозик оҳ урар.

Қовоқ осар осмон, кўзи ёш сочар,
Чечаклар-чи, қувноқ, кулиб юз очар.

Фалакда чарх уриб олам қушлари,
Бири келди *Румдан, Ҳиддан* аксари.

Чиройга кўмилган кўкатлар ўзи,
Яшилга беланган бу ернинг юзи.

Баъзиси ҳидидан берар дилга жон,
Уларнинг ранги-ла мунаввар жаҳон.

ИНСОН ҚАДРИ БИЛИМДА

Яна бир ҳикмат бор: Ҳазрати одам
Билим, ақлу идрок сабаб мухтарам.

Одамзод наслининг улуглиги билимдан. У ақл-идрок туфайли не-не тугунларни ечишга қодир. Укув-идрок ва билим эгаси бўлган ҳар қандай одам шарафлидир.

Билимни буюк бил, укувни улуг,
Шу икков улуглар кишини тўлик.

Бунга асос бўладиган бошқа сўзлар бор. Уларни эшитиб йўл-йўрик тузса бўлади. Мана:

«Укув қайда бўлса, улуглик бўлар.
Билим кимда бўлса, буюклик олар.

Укувли укару билимли билар,
Билимли, укувли шодликка тўлар»

Билим ҳақида айтилган фикрларга қулоқ тутилса, уларда шундай ҳикмат мавжуд: «Билимдонга бало йўқ». Билимга интилмаган кишида-ми?

Билимсиз кишида касаллик бўлар
Касал эмланмаса, яшамас, ўлар!

Шунинг учун ҳам:

Келу касалингни тузатгин, нодон.
Билимсиз тубандир, билимдон шодон

Билим, ўйлаб кўрилса, мисоли бир жилов. У барча ёмон, ярамас ишлардан тийиб туради. Билим эгаси ўз тилакларини топади, орзу-мақсадларига эришади.

Ақл-идрок эгаларининг нафи ҳар доим кўпчиликка тегиб туради. Билим эгалари эса элда азиз бўлади, ҳурмат қозонади. Бутун ишлар уқув-идрок билан амалга ошади. Барча мураккаб ишлар билим билан ҳал этилади.

ТИЛИНГНИ АВАЙЛА ОМОНДИР БОШИНГ

Уқув ва билимнинг тилмочи, таржимони тилдир. Кишига рўшнолик, яхшилик ва эзгуликлар тил туфайли келади, буни яхши билиб олиш керак. Қут-иззатни ҳам, обрў-эътиборни ҳам киши тил орқали топади. Агар тилга эътибор бермаса, уни ноўрин қўлласа, одам бошининг ёрилиши ҳеч гап эмас.

Тил арслон мисоли ётар қафасда,
Бехабар бошини у ер нафасда.

Тилидан тутилган не деяр, эшит,
Амал қил бу сўзга, ўзингга иш эт.

Бало келтиради бошга бу тилим,
Бошимни у кесмай, қилайин тилим.

Сўзингни тийиб юр, бошинг ёрмасин,
Тилингни тийиб тур, тишинг синмасин

Доно қардошларнинг тилига қулоқ сол. Улар:

— Эй тил эгаси, бошингни асра! — дейишган. Ўзига эсонлик тилаган ҳар бир одам тилидан яроқсиз сўзини чиқармасин. Билиб сўзланган сўз донолик саналади. Билимсизнинг сўзи эса ўз бошига етиши мумкин.

Ортиқ сўзда асло бўларми фойда,
Зиёндан бўлак йўқ сўз ортиқ жойда

Ҳеч қачон кўп гапирма. Жуда оз сўзла. Туман сўз тугунини битта сўз билан ёзиб юбор, яъни оз сўзларга кўпроқ маъно сиғдириш пайидан бўлгин. Чунки:

Киши сўз туфайли бўлади малик.
Ортиқ сўз бу бошни этади эгик.

Ортиқча айтилган сўз киши кўнглига малол. Аммо сўзламаслик ҳам мумкин эмас. Бу ҳолда соқов деган номни орттириб олиш мумкин. Шунга кўра ўртача йўриқ тутиш лозим. Йўриқни ўртача тутган одам қут-иқболга эришади.

Тилингни авайла омондир бошинг.
Сўзингни авайла узаяр ёшинг.

Тилнинг келтирадиган нафи жуда кўп. Уларни ғофиллик қилиб қўлдан чиқармаслик керак. Тил гоҳо мақталса. гоҳо сўкишга мос бўлади. Шунинг учун қачон ва қанча сўзласанг ҳам билиб гапир. Гапирган гапинг кўр одамлар учун кўз бўлсин.

Назар солиб қарасанг. билимсиз одам кўзи кўр кишига ўхшайди. Унинг кўзини очиш учун билимдан ҳисса бериш лозим.

Туғилган одам албатта ўлади. Ундан ҳеч бир нишона қолмайди. Лекин унинг сўзлари эзгу бўлса. бошқалар юрагидан жой олиб улгурса. унинг номи мангу қолади. тиллардан-тилларга. диллардан-дилларга кўчиб юраверади.

Инсон икки нарса туфайли қарилик нималигини билмайди. Уларнинг бири хуш қилиқ. бошқаси — эзгу сўздир. Туғилган одамдан қоладиган мерос — сўз. Унинг ўзи ўлиб кетади. сўзи эса мангу қолади.

Оламдаги барча сўзларни ақл-идрок жамлолмайди. Бироқ керакли сўзларни айтиши учун кишини мажбурлаш шарт эмас. Бу сўзлар мендан кейинги авлодларга мўлжалланган:

Сенга сўзладим мен сўзим. эй ўғил.
Сенга ўгит бердим ўзим. эй ўғил.

Кумуш қолса мерос бўлиб гар сенга.
Уни тутмагин сен бу сўзга тенг-а!

Кумуш ишга тушса олқинар. тугар.
Сўзим ишга тушса олтинлар тўкар.

Кишидан кишига қоладиган мерос — сўз. Унга амал қилсанг. минг-минг фойда ва нафлар оласан.

Заковат ҳар доим шундай уқтиради: дағал сўз киши бошига офат. Ҳасадли сўз кишининг қизил рангини сомонга айлантиради. Сўзлашда хато қилмайдиган одам йўқ. Хатога йўл қўймайдиган одамларни санаб бера оласанми?

Билимсиз кишилар — донолариинг душмани. Билимсиз доимо доноларга хорлик тилайди. Бу улар кўнглининг туб-тубига чўкиб ётган ҳасад аломати:

Киши фарқи бордир кишидан азим,
Билимдан бу фарқ деб уқтирар сўзим

Сўзни билимдон кишига сўзлаш керак. Билимсизнинг тилини тушуниш қийин. Тўғри, сўзни сўзлаганда ҳар ким хатога йўл қўйиши мумкин. Аммо бу хатони доишманд ҳакимлар бартараф этишади.

Сўз туя бурнига ўхшаш — унга жилов солса бўлади. Ёхуд у туянинг бўйни кабидир — етовга юраверади.

Дунёда ҳар бир сўзини ўйлаб, тушуниб, торозига солиб гапирадиганлар ҳам талай. Уларни тушунганлар эса азиз ва мўътабар. Олам яхшиликларининг ҳаммаси учун сабаб билимдир. Билим билан ҳатто кўкка ҳам йўл топса бўлади. Шунинг учун қаерда билим бор экан, сен ўзингни ўша ерга ёндоштир, ундан баҳра ол. Билим ёт-бегонани ҳам, ўз кишиларингни ҳам улуглайди:

Яшил кўкдан инди бу бўз ерга сўз,
Сўз билан инсонда ёруг бўлди кўз.

Киши кўнгли гўё туби йўқ денгиз,
Билим бор тубида, у инжу тенгсиз.

Агар ана шу инжулар денгиз тубида қоладиган бўлса, буларнинг тоза ёки инжу эканлигини қандай фарқлайсан. Шунингдек, билимларга тўлиб-тошган сўзлар киши қалбининг туб-тубида чўкиб ётар экан, бу сўзларнинг қадр-қимматини ҳам англаш мумкин эмас.

Ахир ер остидан қазиб чиқарилган соф олтин тошлар киши бошига безак бўлади-ку! Шу туфайли:

Билимли билимин қилмаса баён,
Билими ёришмас ўтса ҳам замон

Доно, ақли пишган киши билим ва ақл-идрок ҳақида шундай дейди

Уқув билан олди оламни олган,
Эл-юртнинг дилига билим йўл солган

Одамзод ер юзида пайдо бўлган дастлабки пайтларданоқ билим сари, ўрганиш сари интилган. Бугун ҳам, бундан жуда кўплаб замонлар илгари ҳам билимлига буюкроқ ўрин теккан. Уларнинг жойи — уйнинг тўри.

Заковат кишидаги айб-нуқсонларни тозалайди. Билим эса инсоннинг инсонийлигини оширади. Дунё шодлигини олмоқчи бўлган одамга чора — эзгулик. Эзгулик кўрмоқчи бўлган одамнинг ўзи бошқаларга ҳам эзгулик қилиши лозим.

Киши мангу бўлмас, бу мангу оти
Қолар ёдгор ундан бу эзгу оти.

Ўзинг мангу эмас, отинг мангудир,
Отинг қолар бўлса, мангулик шудир.

ИККИ ХИЛ НОМ ҚОЛАР ТИЛДА БЕГУМОН

Қўлинг эл аро узун бўлса, сен ўз феъл-атворингни эзгу тут. Йигитлик мангу эмас, у жуда тез кечади. Тириклик чироғи ҳам кўз очиб-юмгунча ўчади. Ҳаёт тушдек гап. У яшиндек тез кўчади. Тирикликда жами эзгуликларни йигмоқ керак. Улар кейинчалик егулик ва кийгулик бўлади. Кишиларнинг эзгуси бу ҳақда шундай деган:

— Бу нафас олувчи, яъни тирик жон, охир-оқибатда ўлади. Ахир оламда туғилган одамзоднинг бири озроқ, бошқа бири кўпроқ яшайди, сўнг, барибир, вафот этади. Лекин подшонинг ҳам, одлий одамнинг ҳам вафотидан кейин қоладиган нарсаси — номи бор.

Агар сенга шу навбат жойи теккан бўлса, сен унга муносиб тарзда яшагин.

Тирик охир ўлар қора ер қучиб,
Ном эзгу эса-чи, кетарми ўчиб?!

Икки хил ном қолар тилда бегумон
Бири яхшилигу бириси — ёмон.

Доно мақтов олар, нодон-чи, сўкиш,
Ўзинг ўйла, сенга маъқул, қайси иш?!

Эзгуларнинг номи буюк бўлади, ёмонлар насиби эса қаргиш ва сўкишдан бошқа нарса бўлмайди. Бунга тарихдаги қуйидаги ҳодиса жуда яхши мисолдир:

Недан бўлди *Заҳҳок* сўкишга дучор
Фаридунга нечун омад сазовор.

Бири эзгу эрди — олди у дуо,
Эниз бўлгани-чи, сўкиш беадо.

Ана энди ўзинг айтгин-чи, сенинг табиатингга эзгулик мосми ёхуд ёмонлик? Сен ўз шаънингга мақтов истайсанми ёки сўкиш-каргишми?

Тилагинг қанақа бўлса шундан келиб чиқиб ўзинг бирини танлаб ол. Кейин ўкиниб юрма.

Шунга ўхшатибди синаган одам,
Синаган одамга аёндир олам.

Яхши ном олади кўр, эзгу киши.
Ёмонлар насиби - эл-юрт қаргиши

Тажрибаларда жуда кўп марта тасдиқланган шундай хикмат бор: ёмонларнинг омади ҳеч қачон келмайди, уларнинг иши ҳар вақт орқага кетади:

Ёмонлик гўё ўт, ёндирар, ёқар.
Ўтишга кечиг йўқ: у сой тез оқар

Агар ўтмишдаги аждодларга назар солгудай бўлсанг, бир ҳолатни кузатасан: оддий одам ҳам, катта мартабадаги кишилар ҳам билимли ва доно бўлса, улар эл-юрт тадбирини ўйлашган. Бугун ҳам эзгу деб аталган ҳар қандай одам эзгуларга бош бўлади. Бошлиқ билимли ва доно бўлса, атрофига ўзига ўхшаганларни йиғади. Бу хил бошлиқ элини бойитади. Билимли ва доно бошлиқ сахий деган ном олади. Сахий ўлса ҳам номи тирик қолаверади.

Жаҳонда билимдан улуғ, билимдан азиз нима бор? Билимсиз десалар, бу инсон учун ҳақоратдир.

Нима дер, эшитгин, билимли киши,
Жаҳонни кўп кўриб, оқарган боши:

Билимсизга тўрдан ўрин бўлса, кўр,
Бу тўр пойгак бўлди, пойгак эса тўр

Аммо донога қуйидан, пойгакдан ўрин тегса, ўша пойгак тўрдан ҳам баланд саналади. Донога кўрсатиладиган бундай иззат-икром, ҳурматнинг сабаби, ҳеч шубҳасиз, билимдир.

Билимсиз киши йили — ҳайвон билан тенг. Билим оталар сўзида жамланган:

Оталар сўзидир биз учун мерос,
Оталар сўзининг нафи беқиёс.

Билимсизни ақл-идрок эгалари кўзи кўр одамга қиёслашади. Эй ўғлон, билимдан улуш олгин!

Киши кўрки сўзу бу сўз бепоён,
Э тил, мақта эзгу кишини ҳар он!

Масал бор туркчада, бунга қиёслаб,
Ўшани дейин мен сўзимга мослаб.

Уқув кўрки сўзу бу тил кўрки сўз,
Киши кўрки юзу бу юз кўрки кўз.

Киши сўзини тили билан сўзлайди. Сўзлари яхши бўлса, унинг юзи

сув олади, яъни обрў қозонади, эътибор топади. Бунга қадимги турк халқларида мисоллар кўп:

Бу турк бекларининг етук, сараси
Алп Эр Тўнга эди — ёйилган саси.

Алп Эр Тўнганинг билими улуғ, ҳунари талай эди. Унинг тенги топилмасди. Тожиклар уни *Афросиёб* деб аташган.

Ҳунарлар керак эр йигитга, билим
Агар етсин деса ҳар ишга қўлим.

Тожиклар китобда битишган буни,
Битигда бўлмаса ким уқар уни.

Жуда яхши деган озиқли ботир,
Тугунлар ёзишга озиқли қодир.

УҚУВ ҚУТ БЕРАДИ, БИЛИМ — ШАРАФ-ШОН

Уқув-идрок, билим ҳақида алоҳида тўхташ жоиз. Уқув-идрок қоронғи тундаги машъалга ўхшайди. Билим эса ўша машъалдан таралаётган нурга қиёс. У кишини ёритади, унга рўшнолик беради.

Уқув қут беради, билим — шараф-шон,
Шу икков туфайли улуғдир инсон.

Бунга ишонмасанг, шубҳа қилсанг, кўзингни катта оч! Ўзингни заковат нури билан ёритиб кўр. Менга донишмандларнинг битта ҳикматли сўзи яхши маълум: билимдон ўз билимлари туфайли бало-офатлардан омон қолади.

Телба, нодон киши ўлса, ажабланмаслик керак: аслида уларнинг тирик чоғлари ҳам ўлимдан фарқ қилмайди. Уқувсиз кишининг иши юришмайди.

Ҳурмат кишининг уқув-идрокидан келади. Уқув-идроксиз киши бир ҳовуч кепак билан тенг. Буларнинг барини кузат, қара, бил! Шунда уқув-идрокли доно кишиларнинг туб-асли сенга маълум бўлади.

Уқув-идрок кишини покиза қилади. Билим эса юксалтиради. Инсон замирида пайдо бўлган экан, бошқа мавжудотлардан ўз билими билан фарқланади.

Дунёдаги турли-туман санъат, сон-саноқсиз ҳунарлар уқув ва билимга таянгани учун мақталади, тиллардан тилларга кўчиб юради. Уқув-идрокдан озгина улуш олган киши ҳам талай наф кўради. Зеҳн солиб қара ва билгинки, қуйидаги тўрт нарсанинг озини ҳам асло оз ҳисоблаб бўлмайди.

Бу тўртнинг бири ўт, бирови — *ёғи*,
Учинчи — касаллик — умр тузоғи.
Яна бу билимдир уларнинг бири,
Бошингда баланд тут, шу улар сири
Билим кимё мисол: у туради жам,
Заковат саройи каби ўзи ҳам.

Билим ипор билан жуда ўхшаш. Уларнинг ҳар иккисини ҳам яширмоқ беҳуда. Ипорни яширсанг, ҳиди билдириб қўяди. Билимни яширсанг, тилинг фош этади. Билим аслида битмас-туганмас бойликка ўхшаш. Аммо унинг бошқа бойликлардан туб фарқи бор:

Билим — бойлик ахир, заволдан йироқ,
Уни ола билмас қароқчи бироқ.

Билим ва заковат кишига қўйилган ўзига хос кишандир. Кишанланган от, одатда ёвуз ва ярамас нарсалардан узоқ бўлади. Шунингдек, суюкли зўр отлар ҳам кўпинча тушовланган бўлади. Суюкли отнинг тушовланишига сабаб — унинг эҳтиётланиши.

Кишанлик қочолмас, керакча юрар,
Тушоқлик кетолмас, тургунча турар.

Заковат ўзаро онт ичишиб дўстлашган кишиларга ўхшаса, билим яқин қариндошларга ўхшайди. Буни дилга тугиб олиш лозим. Дўст-оғайнилар, қариндош-уруғлар даврасидаги киши ўзини дадил сезади. Билимсизлар-чи?

Билимсизга душман билим, қилиғи,
Етар икковининг шу қилғилиғи.

Шунга ўхшар энди бу туркча мақол,
Ўқигин уни сен, дилу жонга ол:
Уқувли кишига заковати эш,
Билимсиз кишига мукофот — сўкиш

Билимлига билим тугал тўн, ош-эй,
Билимсиз қилиғи ёвуз йўлдош-эй!

Эй заковатли инсон! Қаҳру ғазабдан йироқ тур. Эзгу йўлни — билим йўлини танлагин. Агар қаҳру ғазаб ишга тушадиган бўлса, барча тириклигу кечаётган ҳаётинг бекор.

Ўкинчли бўлади ғазабнинг иши,
Ишида адашар ғазабкор киши.

Йигитга оғирлик ярашади. Қилиғи гўзаллик унга чирой. Унинг феъл-атвори худди Кун ва Ойдек бошқаларни ўзига жалб этсин.

Уқувли бўлса, то фарқласа кишин,
Билимли бўлса, то соз этса ишин.

Қобил-ноқобилни кўролса тугал,
Керак-кераксизни билса мукаммал.

Йигит деган ҳар ишнинг уддасидан чиқса. Бутун ишда ўзини қўлга ола билганлар барча ишларни тўла ва тугал адо этишади. Билимлиларнинг ишни ҳал этиш усуллари шу. Бундай одам тилагига етади, мақсадига осон эришади.

Ёвуздир кишига бу *қаҳру итоб*,
Булардан ширин жон чекади азоб.

Донишмандлар кузатиши шундай ҳикматни юзага келтирган: одам қаҳрланса, билимсиз бўлади, жаҳл келса, ақл кетади:

Бу бир қанча нарса кишига бало,
Буни билиб олсанг, бўлади аъло.

Буларнинг бошида тилнинг ёлғони,
Яна бири — алдов, билиб ол они.

Яна бир бошқаси май ичса суйиб,
Бўлар иш бўлади, дил қолар куйиб.

Яна бири ортиқ қилиқ, ҳаракат,
Бу ортиқ қилиқдан кетар баракат.

Яна бири яроқсиз ёмон феъл бутун,
У қўзғар кишилар уйида тутун.

Булар гар бирикса бари ўзаро,
Муқаддас саодат кетар аввало.

Фалак боқмас унга — боши айланар,
Бошида тегирмон тоши айланар.

Киши эзгулик қилиши керак. Эзгунинг ҳар бир иши чиройли, ҳар бир қадами гўзал. Эзгу асло қаримайди. Ёмон юзга кирса ҳам эзгу бўлолмайди. Ёши кичик ёмон ўкинч билан қарийди. Узун ёшли эзгу эса севинчда юради. Эзгу ҳар куни янгидан-янги тилак-мақсадларга эришаверади. Ёмонларнинг эса кундан-кунга мунг ва алами ортади.

КИТОБГА НОМ БЕРИЛИШИНИНГ САБАБИ

Китобга «Қутадғу билиг» деб ном қўйдим. У қут келтирсин, ўқувчининг қўлидан тутсин. Сўзларимни сўзладим, *битиг* битдим. Булар икки жаҳонни тутишга ҳам йўл очсин.

Сўзимнинг бошида Қунтуғди элиг номини атадим, бунинг сабабини айтиб бераман. Кейин Ойтўлдини санадим. У туфайли муқаддас, қутли кунлар ёришади.

Қунтуғди деганимиз тўғри, одил Адолатдир. Ойтўлди эса қут-бахтдир. Ундан кейин Ўгдулмиш келади. Ўгдулмиш уқув-идрокнинг номи. У кишини улуғлайди. Бўлаги Ўзғурмишдир. Уни *Офият* дедим.

Барча сўзимни шу тўрт нарса ҳақида айтдим. Уларни ўқисанг, кўзинг очилади.

Севинчда юрувчи эй эзгу йигит, сўзимни беҳуда кўрма, чин дилдан эшит. Иродали бўл, тўғри йўлдан янглишма, йигитликни беҳуда ўтказиб юборма, унинг нафини олиб қол. Йигитликни, ёшликни азиз тут, у қушдек тез учиб кетади. Қанчалик қаттиқ ушламагин, барибир, йигитлик қочиб кетади.

Ўзим йигитликни соғинаман, уни қўлдан берганим учун ўкинаман. Аммо эндиги ўкинчдан наф йўқ.

Кимнинг ёши қирқдан ошса, унга йигитлик йиллари хайрлашиш учун қўл узатади.

Менга эллик ёшим қўл тегизди. У қора қузғундек бошимни оққушга айлантирди. Эллик ёш мени ўзига чорламоқда. Агар пистирма бўлмаса, у томон бораман.

Ким олтмиш ёшга етса, ундан ҳаловат кетади, ёзи қишга айланади.

Ўттиз ёш йиғиб берганини эллик ёш қайтариб олади. Агар олтмиш ёш қўл тегизса, кишининг аҳволи нима кечади?

Эй эллик ёш, мен сенга нима қилган эдим. Нега ўч олиш учун менга юзландинг?!

Тотли эди барча йигитлик ишим,
Оғу қилди энди менинг ер ошим.
Бўйим эди ўқдек, кўнгил эди ёй,
Кўнгил бўлди ўқдек, бўйим бўлди ёй.
Неки берган бўлса йигитлик менга,
Қарилик нақд олди, у келгай сенга.

Оёқларим кишансиз ҳам чалишяпти. Кўрувчи қароқ ёришмаяпти. Тотли дамлар кетди, бағир ўти сўнди. Йигитлик оти мендан узоқлашяпти.

КУНТУҒДИ ҲИКОЯСИ

Кунтуғди исмли элиг (подшо) бўлиб, у доно ва адолатли эканлиги билан донг таратган эди. Унинг ҳиммат ва мурувваги ҳам чек-чегара билмас эди. Элиг мамлакатни обод, эл-юртни эса шод-хуррам яшатиш

истаги билан ёнарди. Унинг шуҳрати бутун оламга ёйилади. Ишларини олижаноблик ва саховат билан юритганидан мамлакатда фаровонлик ва осойишталик ҳукм сурар эди. Подшо мамлакатдаги барча донишмандларни ҳам эзгулик ишларига жалб этади.

Жам этди оламнинг сараларини,
Билимдон, одамнинг сараларини

Мамлакатни бошқариш иши кундан-кунга мушкуллашади. Шунинг учун у тадбиркор ва оқил, ҳозиржавоб ва ишнинг кўзини биладиган ёрдамчиларга, бир сўз билан айтганда, комил ва етук, фаол кишиларга муҳтожлик сезади.

Элигнинг юритаётган ишлари эл-юрт олқишига сазовор бўлади. У ҳақдаги гап-сўзлар мамлакат ташқарисига ҳам етади. Худди шу пайтда Ойтўлди исмли донишманд йигит элиг хизматига киришни истаб пойтахтга келади. Унинг:

Ўзи ёш эди-ю, қилиғи равон,
Билимли, уқувли, оғир, навқирон.

Юзи кўркли эди, кўриб *кўз қамар*,
Тили тотли эди, гўё бол томар.

Ойтўлди ўзидаги санъат-ҳунарларнинг ҳеч кимга наф бермай қолиб кетаётганини ўйлаб, элиг хизматига чоғланган эди.

Ахир:

Уқув қадрини ҳам уқувли билар,
Билим сотса доно, билимли олар.

Чунки билимнинг отини билимлигина билади. Билимсиз киши билимнинг қимматини қаердан билсин?! Зар қадрини заргар билади-да!

Шу ўйлар билан Ойтўлди отини минди, тўн ва бошқа керакли нарсаларини олиб йўлга чиқди. У ёшлигиданоқ турли билимларни эгаллаган, санъат-ҳунарлар билан зийнатланган киши эди. Бироқ у мусофирликда кўп азият чекади, қийналади. Хушмуомала ва тадбиркорлиги учун тезда яқинлар ҳам орттиради. У *Кусамиш* исмли йигит билан дўстлашиб, пойтахтга келишдан мақсадини баён этади. Кусамиш элигнинг *Эрсиг* деган Хос Ҳожиби билан учрашади ва унга Ойтўлдини таништиради. Эрсиг Ойтўлдининг қаердан келгани, қандай жойлашгани, соғлик-саломатлигини суриштиргач, унинг мақсадлари билан қизиқади. Мана Ойтўлдининг жавоблари:

Бу Ойтўлди айтди: э қутли ҳожиб,
Севиндим Кунтуғди номин эшитиб.

Эшитдим йироқдан унинг номини,
Билиму уқуви, зако, шонини.

Унинг даргоҳига юз бурдим ўзим
Элиг орзусида югурди кўзим...

Эрсиг Ойтўлдидан хурсанд бўлади. Йигитдаги қобилият ва заковатга ўзи шахсан ишонч ҳосил қилгач, уни Кунтуғди элиг суҳбатига йўллайди.

Ойтўлдининг ўзини тутиши, феъл-атвори, сўз-фикри ва билим даражасини кўрган элиг ҳам йигитни ёқтириб қолади ва ўз ёнига — саройга таклиф этади.

Хизматда оғишмаслиги, садоқати ва ҳар бир ишда билимга таяниши туфайли Ойтўлдининг мартабаси кундан-кунга ортиб боради.

Кйши хизмат этса оғишмай агар,
Бу хизмати сингса, тилагин топар.
Ойтўлди ҳар дамда ўринлатди иш,
Бера берди унга элиг ҳам улуш.

Бўла борди ўзи кундан-кун улуғ,
Алами йўқ бўлди, севинчи — тўлиқ.

Ишига берилди Ойтўлди тамом,
Элиг ҳам ҳимматин оширди тамом.

Бутун ишларида уни синади,
Ўзин бахтиёр деб элиг санади.

Элиг Ойтўлдини турли иш ва топшириқлар бериб синаб кўради. Жумладан, бир куни у йигитни ўз ёнига чорлайди. Уни ўтиришга ундайди. Ойтўлди ёнидан бир тўп (копток) чиқаради-да, ўшанга ўтиради.

Элиг унга кўплаб саволлар беради, йигит жавоб қайтаради. Кунтуғди бундан шодланади, чеҳраси очилади. Буни кўриб, Ойтўлди кўзларини юмиб олади. Элиг ҳайратга тушади:

Ғазабланди элиг, юзи кўп қаро,
Деди: Шошқалоқлик кишига бало!

Ишончда янглишдим чоғи мен ўзим
Нима деб очайин кишига сўзим?!

Нима дер, эшитгин, билимлига боқ,
Шошилинч юмушнинг ўкинчи узоқ.

Шошилинч юмушлар ярамас бўлар,
Шошиб пишган овқат бўлади заҳар.

Шошилиш — адашган кишилар иши,
Босиқлик қилиши керак ҳар киши.

Хатойим шу бўлди: мен ўзим шошиб,
Сени яқин тутдим тамом адашиб,

Хизматни этмаса киши то бажо,
Ҳеч одам унга иш кўрмасин раво.

Чиниқтирсин аввал юмушда уни,
Ардоқласа арзир кейин тун-куни...

Юмушинги кўрмай билибман аъло,
Тугалроқ синамай қилибман хато.

Элигнинг бу мулоҳазаларига Ойтўлди шундай деб жавоб беради:

— Эй элиг, сен менинг қиёфамда давлат ва бойликни кўрмоқчи эдинг. Мен уларни аниқроқ тасаввур қилгин, деб шу ишларни қилдим. Тўп (копток) давлат (бойлик) ка жуда ўхшайди. Уларнинг иккаласи ҳам бир жойда тўхтаб турмайди, юмалаб кетаверади. Менга кулиб боққанингда, кўзларимни юмиб олишимга сабаб, давлатнинг кўзи кўр эканлигини сенга уқтириш эди. Бойлик билан давлат кўзи кўр одамларга ўхшайди. Ким бойлик ва давлатнинг қўлидан тутса, ўшанга эргашиб кетаверади: бу яхши, мана буниси эса ёмон, деб ажратиб ўтирмайди. Оқар сув, йўриқ тил ва қут бир жойда тўхтаб турмайди.

Олам кезувчилар йўл юриб тинмайди. Бахт-давлат ҳам бир жойда қўним билмайди.

ФАЗИЛАТ ВА НУҚСОН

Элиг Ойтўлдидан қандай фазилатлари борлигини сўрайди.

— Фазилатим жуда кўп, — деб жавоб беради у. — Кишиларга наф тегадидан бўлса, албатта мен туфайли бўлади. Менинг қилиғим — хатти-ҳаракатим доимо гўзал ва ёшим кичикдир. Ҳар қандай истак мен туфайли қўл беради.

Тугал орзу-умидлар мен билан ёнма-ён юради. Севинч — менда. *Эмгак* менга яқин йўламайди. Қувонч ва шодлик менда. Қайгу-ғамлар менга бегона.

Бу қут қайда бўлса бўйин бер, яраш,
Қўлга қут киритсанг, қайғу-ла кураш.
Қут келса қутланар кишилар куни,
Туман орзу бирла яқин бўл, яраш.

— Энди нуқсонларинг ҳақида ҳам гапириб бер — дейди Кунтуғди.

— Аслида нуқсоним йўқ, — жавоб беради Ойтўлди. — Мен (яъни Ой) ўзгариб, янгиланиб тураман. Ахир эски нарса яроқсиз бўлади. Янги нарса борида эски нега керак?! Етук нарса борида ёвуз, яроқсиз нарса нима учун керак?!

Менинг ягона нуқсоним ўзгарувчанлигим. Шунинг учун кишилар мени бевафо деб аташади.

Вафосиз бўлмаса бу давлат ўзи,
Не эзгу бўларди бу давлат, қўзим?!
Келиб, кетмас эса бу давлат яна,
Қораймас эди-ку ёришган кун-а!

Элиг:

— Бу ўткинчилигингни англадим. Аммо сени тутишнинг йўли борми? — дея савол беради.

Ойтўлди шундай жавоб беради:

— Мен кийикка ўхшайман. Истаган одам мени топа олмайди. Борди-ю, топса ҳам, узоқ ушлаб туролмайди. Мени қўлга киритган одам қаттиқ ушласагина ундан қочолмаслигим мумкин. Аммо бунинг бир қатор шартлари бор.

Энг аввало, мени қўлга киритувчи кишининг қилиги равон, кўнгли юмшоқ, тил ва сўзи ширин бўлиши лозим. Ўзини эҳтиёт қилса, ғурурланмаса, ёвуз ва ярамас ишларга яқин турмаса кифоя. У катталарга хизматни, кичикларга ширин сўзни раво билсин. Гердайиб кишиларни оёқ ости қилмаса, ўзидан кичикларга менсимай қарамаса, феъл-атворини тўғриликда тутса яхши.

Кимда-ким мана шуларга риоя қилса, мен у билан бирга қоламан, бўлмаса, кийикдек қочиб кетаман. Унда менга ким ета олади?!

Бу жавобдан кейин элиг яна-да хурсанд бўлиб кетади. Ойтўлдининг донолиги, тажрибакорлигига қойил қолади. Сўнг ундан давлатли ва бахтиёр бўлишнинг йўлларини сўрайди. Ойтўлди бунинг йўли зарифлик, дили равшанлик, камтарлик, ёзув-ярамаслардан узоқ туриш, ўзидан улуғларни ҳурмат қилиш, кичикларни эъзозлаш, ҳасаддан йироқлик, исрофгарчиликдан асраниш, ҳийла-алдовлардан йироқда туриш эканлигини айтади.

Кунтуғди элиг Ойтўлди исмининг маъносини ва нима учун шундай ном қўйилганининг сабабини сўрайди. Ойтўлди унга шундай жавоб беради:

Ой туғса, энг аввал у кичик бўлар,
Кунига улуғлаб юқори оғар.

Тўлин бўлса бу ой, чиқиб юқори,
Яна емирилар, кетар кўрк бори.

Ёруғи камаяр, яна йўқ бўлар,
Туғилса яна у оз-оздан тўлар.

Менинг ўзлигим ҳам шу янглиғ эрур.
Гоҳо бор бўларман, гоҳо йўқ бўлур.

Бошқа бир куни Кунтуғди элиг Ойтўлдини яна ҳузурига чорлайди. Унинг ёнига кирган Ойтўлди ҳайратдан ёқа ушлайди: элиг уч оёқли курсида ўтирар, унинг қўлида ўткир пичоқ, ўнг томонида шакар, сўл

томонида заҳар турган эди. Унинг қоши тугилган, юзи тўмирилган. Йигит соқовдек бўлиб қотиб қолади. Бу ҳолатнинг сабаби билан қизиқади.

Кунтуғди айтади:

— Сен давлат ва бойликни изоҳлаб берган эдинг. Мен подшо сифатида адолат тимсолиман. Шунинг учун мен ҳам ўз хислатларим билан сени таништирмоқчиман. Қўлимда кескир ханжар. Бу — менинг кимлигимга ишора. Мен ҳар қандай ишни мана шу кескир ханжардай қирқаман — ҳал қиламан.

Кимга етса хорлик, қилурман ҳиммат,
Менинг ҳузуримдан топгай адолат.

Шакар ичганидек шод бўлар ул киши,
Севинчга тўлади, тарқар ташвиши.

Менинг заҳаримни ул одам ичар —
Ўзи золим бўлса, ростликдан қочар.

Ҳузуримга келса бирор бемаъни,
Заҳар ичган мисол қақшайди тани.

Бу қошим тугуги ҳам кўрксизлигим,
Зўравон аҳлига бу — юзсизлигим.

Ўғлим ёки яқинларим, ёхуд чақмоқ каби ўткинчи меҳмон бўлсин, адолат борасида улар мен учун бир хилдир. Мен учун мезон ва асос-тўғрилик. Бошлиқ элига тўғрилик ва адолат кўрсатса, у барча тилак ва орзуларига етади.

Ойтўлди ҳам Кунтуғдининг номи англатган маъно билан қизиқади. Мана элигнинг жавоблари:

Элиг деди: мени кўриб кўп доно,
Кунтуғди атади, бу сўз — пурмаъно.

Фалакда ловуллаб турган кунга боқ,
Етуклик рамзи у — мунаввар, порлоқ.

Менинг қилигим ҳам қуёшга қиёс,
Адолатим ортар, у бўлмагай оз.

Менинг хислатим шу: мангуман ўзим,
Бари халққа бирдек қилиғим, сўзим.

Учинчи, бу Кундан тафт олар замин,
Гўзал гуллар тутар бутун ер юзин.

Менинг адолатим қайга етса то,
Яшнайди эл-элат, тош-қоя ҳатто.

Туққан кун яхши-ёмон демайди, барча нарсаларга бир хилда нур сочаверади, аммо ўзи камаймайди. Мен ҳам унга ўхшайман: ҳамма нарса мендан улуш олади. Ёруғлик сочишдан бошқа ишим йўқ, аммо ўзим ўзгармайман.

Ойтўлди элигнинг худди шу хислатларини қадрлагани учун ҳам унинг хизматига келганлигини таъкидлайди. Элиг ўзига ёқмайдиган бир қанча одатларни санайди. Булар:

Суқ.эса қилиғи, кўп хасис ўзи,
Жоҳил бўлса, ёки уятсиз кўзи.
Ғазаб қилса элга, қаҳр эса йўли,
Нафи йўқ, май қули, ё эгри қўли

Бу янглиғ кишилар менга ярамайди. Буларни сенга очиқ-ойдин айтиб бердим. Менинг ишларимга ярамоқчи бўлсанг, шу яроқсиз одатлардан фориғ бўлишинг керак. Булар қаторида ёлғончилик ва зулмкорлик ҳам саналган. Элиг билан Ойтўлдининг суҳбати давом этади. Йигит Кунтуғдидан эзгуликнинг қандай намоён бўлишини сўрайди.

Элиг деди: эзгу киши одати —
Наф беради элга ҳар кун-соати.

Бори элга элтар фақат эзгулик,
Яна миннат урмас егу, кийгулик

Ўз нафин ўйламас яхшилик қилса,
Яна кутмас ундан ўзига ҳисса.

Ойтўлдининг ростлик, тўғрилик қандай бўлади деган саволига. Кун туғди шундай жавоб беради:

Элиг деди: кўргин, тўғрининг ўзи
Тили ҳам, дили ҳам, бир бўлар сўзи

Ташидек ичи-ю, ичидек таши,
Бу янглиғ бўлади чин, ростгўй киши

Тўғрилик керакдир йигит кишига,
Тўғрилик қут берар киши ишига.

Камёб эмас киши, кишилик камёб,
Одам ноёб эмас, бу ростлик ноёб.

Бунга қиёс этар шоир сўзини,
Сенга сўзлади у, эшит ўзини:

Югуриб елувчи халқ кўп, шубҳасиз,
Одил, соф йигитлар мен учун азиз.

Киши ноёб эмас, ноёб — кишилик,
Одил киши достон тилларда ҳаргиз.

Элиг эзгу кишиларнинг икки гуруҳи ҳақида ҳам маълумот беради. Уларнинг бир гуруҳи, — дейди у, — туғилгандан бошлаб умрининг охиригача эзгулик йўлидан оғишмайди, улар фақат тўғрилик йўлини адо этишади.

Иккинчи гуруҳ эса ўз қарашларида собит туролмайди. Улар ёмон ва ярамас кишилар орасига тушиб қолса, ўзлари танлаган йўлдан четга чиқишлари, хато ва адашишлар сари кетишлари ҳам ҳеч гап эмас.

Агар бўлса эзгу ёмонга улфат,
Ёмондан кўра кўп келтирар кулфат.

Айни пайтда ёмонлар ҳам икки тоифадир. Уларнинг бир тоифаси ўжар, қайсар ва ярамас бўлиб, уларнинг қилмиш-қидирмишлари тубанликдан иборат.

Оқ сут билан кирса қайси бир қилиқ,
Ўлим тутмагунча ўзгармас йўриқ.

Мижозга қўшилиб келаркан одат,
Уни буза олур бир ўлим фақат,

Бир удум яралса қоринда агар,
Қора ер қаърига кирганда кетар.

Аммо уларнинг бир тоифаси эзгуларга қўшилгудай бўлса, ўз рафторларини ўзгартириши, тубан ва ярамас хулқ-атвордан воз кечиб, эзгуликка юз буришлари ҳам мумкин. Бунинг учун эса яхши (эзгу)ларнинг мадади даркор:

Ёмонга қўшилса, кўр, эзгу билиб,
Йўлини ростлагай ёмон ҳам кўриб.

Шунинг учун кўпчиликка бош бўладиган кишилар, албатта, эзгу бўлмоғи, эзгулик зийнатлари билан безанмоғи шарт. Мамлакат осойишталиги, эл-юрт фаровонлиги ҳам бошлиқларнинг эзгу ёки ярамас эканлиги билан кўп жиҳатдан боғлиқ.

Эзгулик қимматбаҳо гавҳар, асл ипак ва тоза шоҳи мисоли — у доимо баланд қадрланади, доимий эъзозда бўлади. Ёмонлик эса қадрсиз нарсадай гап, у доимо оёқ остида қолиб кетаверади.

Эзгу эзгуликдан чекмагай фиғон,
Ёмон ўз феълидан бўлар пушаймон.
Ёмонлик қилганнинг улуши — ўкинч,
Ёмонга яхши бўл, майли ҳар қачон.

Эзгу доимо мақталади. Унинг яхши хислатлари ёмонлар орасида ҳам ҳикоя қилинади. Аммо эзгулар камтар бўлгани учун ёмонлар уларнинг кунини ёритмайди. Ким эзгулик қилса, унинг ўзи ҳам эзгулик топади.

Эзгуликка ким тўяди?!

Эзгулик ҳозирги кунинг учун зарар эмас. Аммо кейинги кунлар, келажак учун унинг нафи янада кўп. Эзгулик — ўнг, ёмонлик — чандир. Кимда-ким ёмонлик кўргандан кейин ҳам яхшилик қилаверса, мен ўша одамни орзулайман. Агар беклик ёмонлик орқали келадиган бўлса, бундай бекликни четда қолдираман. У менга керак эмас.

Қайси эзгу ўз эзгулиги учун ўкинади. Номи чиққан ёмонлар ҳам охирида ўз ишларидан пушаймон қилади.

Пасткашлик, тубанлик, ёмонлик ёмонлар қилиғидир:

Бало, машаққатлар, ўкинч ва алам
Ёмонлар улуши бўлади, болам.

БОШИНГНИ ЎЙЛАСАНГ, АСРАГИЛ ТИЛИНГ...

Ойтўлди элигга катталар сўрамасдан туриб сўз бошлаш одобсизлик эканлигини айтади. Кимки бошқаларни ўз ҳузурига чорлар экан, сўзни дастлаб чорлаган киши бошламоғи жоиз. Сўрамасдан олдин сўз бошлаш инсоний одатларга зид бўлиб, бу ҳайвонлар қаторидаги иш бўлур эди. Телба, тентак, ақли заиф бўлганларгина бошқаларнинг савол ва қизиқишларини кутиб турмасдан, гап бошлаб юбора берадилар. Шунинг учун ҳам улар кўп дакки эшитишади.

Қизил тил қилади қисқа ёш сени,
Эсонлик тиласанг, пишиқ тут уни.

Нима дер, эшитгин, тилин қисган эр,
Эсонликда яшар ўзин босган эр:

«Қора бошга ёвуз ёвдир қизил тил,
Не-не бошни еди, яна егай, бил,



Бошингни ўйласанг, асрагил тилинг,
Истаган онида бошга етар тил».

Аммо тирик кишининг сўзламасдан юриши, ҳар доим жим бўлиши маҳол.

Кўпчилик олдида мутлақо оғиз очмаслик икки гуруҳга хос: улардан бири табиатан гапириш қобилиятидан маҳрум бўлганлар, яъни соқов, гунг (лол) кишилар. Бошқаси эса билимсиз кишилар ҳисобланади. Улар билими етишмаслиги туфайлига суҳбатга аралаша олмайди. Билими кўп, ҳар нарсадан хабардор одамлар эса суҳбатнинг гулига айланади.

Доно сўзи гўё оқар сув эрур,
Сув оқса ер узра кўп неъмат унур.

Шони камаймайди доно ўртоқнинг,
Суви камаймайди зилол булоқнинг.

Донолар бўлади мисоли чимзор:
Қайга оёқ қўйсанг, у ерда сув бор.

Билимсизнинг кўнгли қум эрур гўё,
Ўт-ўлан ўсмайди кирса ҳам дарё.

Керак сўзнинг сўзланмоғи шарт. Чунки тилнинг зараридан қўрқиб юрилса, кўпгина фойдали фикрлар ҳам пинҳона қолиб кетиши мумкин. Ёмон ва яроқсиз сўзлар билимсиз тилидангина чиқади. Шунинг учун ҳам билимсизларни доно кишилар йилқи — ҳайвон қаторига қўшади.

Жоҳил қорни тўйгач, унинг машғулоти ҳўкиздек ағанаб ётиш ва беҳуда сўзларни сўзлашдан иборат. Билимли, донолар эса танни ижтимоий меҳнат билан «койитиб», билим билан овунадилар, бунинг ҳисобига эса жон семиради. «Жоннинг семириши» бу ўринда маънавий завқ туйғулари билан чулғаниш деган маънога эга. Ахир:

Тананинг улуши томоқдан кирар,
Жон улуши — сўз қулоқдан кирар.

Аслида билимнинг белгиси ҳам икки хусусиятга таянади. Улар туфайли кишининг юзи ёруғ бўлади. Булар:

Бири тил эрур, кўр, бириси — *бўғиз*,
Уларни тиёлсанг фойдаси — денгиз.

Доно тилу бўғзин асраши керак,
Бўғиз, тил асраган донодир бешак.

ти.

Кишилар эзмаси ёвуздан ёмон,
Ардоқли кишилар камгап ҳар қачон.

ОТАЛАР СЎЗИ АҚЛНИНГ КЎЗИ

Ойтўлдидаги бундай хислат ва фазилатларнинг кўплиги, унинг доно ва камтарлиги Кунтуғди элигни тобора хушнуд этади. Элиг унга вазирлик унвонини беради. Унга муҳр беришади, қўлига тугини тутқазишади. Сарполар кийгизишади.

Ойтўлдининг вазирлик мартабасига эришуви эл-юрт учун ҳам нафли бўлади. Мамлакат гуллаб-яшнайди. Халқнинг ташвиши ариб, ғамлари кетади.

Элда янги қишлоқ ва шаҳарлар барпо бўлади. Хазина тўлиб-тошиб боради. Элигнинг шуҳрати ҳам тобора ортиб бораверади. Эл-юрт бойийди. Орадан йиллар ўтади.

Ойтўлди ҳам орзу-тилакларини тўла топди. Аммо ўзи қариб қолди. Неъмат тугал бўлса, уни тўла еб бўлмайди, деганларидек, дононинг шундай сўзи бор: дононинг сўзи билимсизга кўздир.

Йиқилган, пасайган кўтарилади, кўтарилган эса пасаяди. Ёришган қоронғилашади, юрувчи тинади. Шунингдек. Ойтўлди ҳам тилакларига эришди, аммо тириклиги ҳам охирлаб қолди:

Яна емирилди бу тўлган ойи,
Қодир қишга кирди баҳор чиройи.

Яшиқ мижози қоришди тугал,
Бириси кучайди, бирин босса сал.

Мижози айниди, ош бўлди заҳар,
Чўкиб кетди кўнгли, дард ошди баттар.

Оғир дард келиб уни тўшакка ётқизиб қўйди. Турли табиблар келди. Унинг томирини кўришди. Ҳар бир табиб ўз билганларини айтди. Улар кўрмаган даво, эм қолмади. Унинг касали тобора кучаяр, мадори қуриб борарди.

Ойтўлдининг яккаю ягона фарзанди бўлиб, унинг исми Ўгдулмиш эди. Ўгдулмиш бу пайтда жуда ҳам ёш эди. У ўғлини ёнига чақириб, кўзларидан дув-дув ёш тўкди.

Деди: ўғлим, ўлим домига олди,
Ана: ўрним, дунё — барчаси қолди.

Сен эдинг кўзимга нури беадо,
Кетарман, жон ўғлим, энди алвидо.

Бу ҳақда турк беги яхши сўзлаган,
Ўғил-қиз — кўрар кўз нуридир, деган...

Шундан сўнг Ўгдулмишга Ойтўлди бир қатор насиҳатлар беради: — Менинг ягона ташвишим, — дейди у, — сенинг келйинги ҳаётингдир. Отанинг иш-амали ўғлига сингса, унинг хулқида жилвагар бўлади. Болани тергаб-назорат қилиш ота-она юзининг ёруғлигини таъминлайди.

Назоратдан ташқаридаги бола бебош ва ярамаслик сари оғади. Эрка бўлиб ўсган ўғил-қизлар хатти-ҳаракати ота-онага мунг ва алам келтиради.

Кимки фароғатли кунни истаса, у феъл-атворини созлаши, тўғрилик ва ростликни танлаши лозим. Кўпчиликка бош бўлган кишининг йўли адолат, феъли — равон, қилмиши эзгулик бўлмоғи, ёмонлардан узоқ турмоғи шарт. Ёмонлик илонга ўхшайди: у чақиши, ҳатто ҳалок этиши ҳам мумкин.

Дўстликка ярамайдиган шахснинг энг ярамаси — чақим-

Барча сўзни эшит, аммо дарров ишона қолмагин. Уни мантарозисига солиб кўр. Ўз сирларингни ҳар кимга очма

Юмшоқ кўнгиллилик одатинг бўлсин. Ҳасаддан йироқ тур. Уятсиз кишидан мудом узоқ бўл. Номусли, уят-андишали билан дўст тутин. Бирор ишда шошилма. Сабр ва қаноат қил. Йўл-йўриқнинг ўртачасини тут. Тилингни ҳам, бўғзингни ҳам, кўзингни ҳам асра. Хиёнат элидан четда бўл. Ўзингга лойиқ билмаган зиённи ўзгаларга ҳам лойиқ билма. Ғазабингни бос, доимо оғирлик қил. Сабр қилиш ҳам — жасурлар иши. Шунингдек:

Тилингдан чиқарма бу ёлғон сўзинг,
Бу ёлғон туфайли қорадир юзинг.

Ёру дўстга доим яқинлик ула,
Улуғу кичикка боқа бил кула.

ВАСИЯТ

Ойтўлдининг дарди оғирлашди. Унинг ўлими яқинлашмоқда. Бу — ҳаммага аён. Аммо буёқда қолаётган кўзининг оқу қораси — яккаю ягона фарзанди ҳақидаги ўйлар ота қалбини кемирмоқда. У подшога васиятнома ёзишга қарор қилади:

...Кўп узоқ яшагин, эй элнинг қути,
Сендан ажралмасин шу беглик оти.

Элчисин юборди бу ўлим энди,
Қутулар ерим йўқ, кўзларим тинди.

Иноятинг менга ҳеч бўлмади кам,
Топинолмай аммо кетарман, бўтам.

Фазлингга жавобим бўлсин ушбу хат,
Уни сенга атаб ёздим мен фақат.

Нима дер, эшитгин, меҳрибоң киши,
Меҳрибонлик — асли кишилик боши.

Оқибатли киши ўгитини ол,
Бу ўгит бўлади зўр давлат мисол.

Меҳрибон кишидир кишининг чини,
Унинг ўгитлари улуғлар сени.

Эй элиг, менинг ҳам меҳрим бор сенга,
Сўзимга ишонгин, кўнгил бер менга.

Бу кун мен борарман поилож, ночор.
Сенинг ҳам кетимдан жўнамоғинг бор

Ўлим тутмасидан уйғон, эй ҳоқон,
Тадбирингни кўргин айни шу замон,

Эсонлик чоғида эзгулик қилган,
Мол-дунё борида улашиб билгин.

...Сиёсатни одил юрит элингга,
Эзгулик тўлади ўнгу сўлингга,

Кишилар суқига бермагин ишинг,
Вафосиз кишига едирма ошинг.

Шундан кейин Ойтўлди элигни фақат яхшилик қилишга, эл-юрт манфаатинигина ўйлашга даъват этади. Бу дунё, — дейди у, — мисоли бир экинзор. Ҳар ким ўз эккан уруғининг ҳосилини йиғиб олади. Бир нарсанинг уруғини қадаб туриб, бошқа бир нарсанинг мевасини кутиб бўлмайди. Ўзгалар молига кўз олайтириш, бегуноҳлар қонини тўкиш оқибатида кишининг азиз жони ўртанади. Бундай тириклик бенишон кетади.

Бахилликдан сақлан, эй сахий ҳоқон, — деб таъкидлайди Ойтўлди, — сахийнинг номи ҳеч қачон ўчмайди, у мангу тирикдир.

Бойликка ҳирс қўйиш нодонликдир. Ўйлаб кўрилса, бойлик шўртанг сувга ўхшайди. Сувсаган киши шўртанг сувни қанчалик ичгани билан унинг чанқоғи асло пасаймайди, аксинча, шу сувдан янада кўпроқ ичгиси келаверади. Бойлик кўланкага ҳам ўхшайди, қувсанг қочиб кетаверади, аммо ундан қочгудай бўлсанг, у сенга ёпишади, орқангдан эргашиб келаверади.

Эй элиг, ҳушёр бўл! Сенинг саройингда талай оч бўрилар йиғилган. Халқ — мисоли қўй. Бек эса қўйчивондек гап. Қўйнинг посбони меҳрибон бўлмоғи, қўйларни бўрилар чангалидан омон сақламоғи керак.

Иш чоғида ғазабдан узоқ тур, ўзингни бос. Ғазаб кишини бузади, асабни эговлайди. Дағал сўзларингни бировга билдирма. Дағаллик худди ўт-оловдек куйидиради. Ҳамиша мулоҳаза билан иш юрит, ўйлаб андишали бўл. Эзгу ишларгагина қўл ургин.

Бу оламда кўпчиликка бош бўлган киши бир неча яроқсиз нарсаларга яқин юрмаслиги даркор. Буларни санайман: ҳаромга қўшилма, зулм ва зўравонлик қилма, киши қонини тўкма, асло ўч, кек, гина сақлама. Фасоддан йироқ тур. Буларнинг барчаси бошлиқ ишига раҳна солади.

Ғофиллик — душманинг, ҳушёрлик дўстинг бўлсин. Шунда кутилмаган ногаҳоний балолар юз бермайди. Ҳавас кучайган чоғида ҳам ғазабинг ошган пайтда ҳам ҳукм чиқаришдан асран. Барча эзгуларни қадрла, уларни қўллаб-қувватла. Ёмонларни элингдан йўқот, уруғини қурит.

Бу хил бошлиқ агар қўшин бошласа,
Баланд бўлар қўли, оёқ ташласа.

Лашкар бошлиғи ёвга ҳамла қиладиган бўлса, уйқусини ҳайдаб, тун-кун ҳушёр туриши керак. Қўшин бошлиғи айғоқчи ва қоровулларни, соқчи ва бутун қўшинни кузатиши керак. Ёв лашкарини асир тушириш ғалабанинг тезлашишини таъминлайди.

Тетик туриб аввал «тил» олиш керак,
Бу «тил»дан ёв ишин тез билиш керак.

Ёвни енгишнинг иккита асосий йўли бор. Уларнинг бири — ёвни чалғитиш, унга ҳийла қўллаш. Бошқаси эса — пухтакорлик. Аммо урушга ҳеч қачон шошилмаслик лозим. Иложи бўлса, элчи юбориб ярашиш йўлини излаш керак. Унда ҳам бўлмаса, ёв ишини тезроқ тугатиш пайида бўл:

Олисдаги ёвнинг ваҳмаси катта,
Кўрсанг, аён бўлар кучи, албатта.

Ёвингга олов бўл, олдирма сиринг,
Кечиксанг, босар ёв, қолмас ғафлатда.

Уруш кўрган, оқсоч баҳодирларни олдингги сафларга қўй. Улар лашкарга далда беради. Чунки кичик ёшли аскарлар шиддатли бўлишига қарамай ёв юз тутгудек бўлса, ўзларини йўқотиб қўйиши, саросимага тушиб қолиши мумкин.

Ишончли кишиларни лашкар сафларининг олди ва орқасига қўй. Ўнг ва сўлда ҳам бошқалари бўлсин.

Алп эр *черик* кўрса, ҳаяжони ортади, у ёвга қоришиб кетса, бошқаларга навбат ҳам етмайди.

Ев от солиб, сенга дағдага қилса, бардош кўрсат, орқа берма, тарқалса қаттиқ бос. Ёв қочгудек бўлса, тўхта, изидан йироқ бормагин, агар у яна ортига ўгирилса, қочолмай қолишинг мумкин. Танг аҳволга тушган ёв ўлимга юз ураверади. Ўлимга юз бурса унинг рўпарасида ким тура олади?!

Киши ғофил бўлса, юрган йўлида ҳам ўлиши мумкин. Ғофил бўлмаганлар тилагини топади.

Ёвни бир марта тарқатишга улгурсанг, у қайта терила олмайди. Ахир ёнаётган ўтнинг устига сув қўйиб юборсанг, у қайта ёнмайди-ку!

Шундай қилиб Ўгдулмиш лашкарбоши ҳақидаги сўзларини ҳам охирига етказди. Аммо ҳали элигнинг сўроқ-саволлари кўп эди. Жумладан, у энди элчилар ҳақидаги фикрлар билан қизиқаётганини билдиради. Бу борадаги ҳикоя кейинги бобдан ўрин олган.

Ўгдулмиш:
— Эй ҳоқон, бу ишда билимни ишга сол, дея сўз бошлади

Бу ишга бутун, эр сараси керак,
Билимли, уқувли, етук, шер юрак.

Одамзод наслининг энг сайлангани,
Кишилар эзгуси — элчи бўлгани.

Элчи билан битар, билки, барча иш,
Элчи билан бўлар бутун зўр юмуш.

Элчи учун хос бўлган хислатлар билимдонлик, босиқлик, хотиржамлик, чечанлик ва тадбиркорликдир.

Элчи сўз маъноларининг зукко билимдони бўлиши керак. У сўзнинг ичини ҳам, ташини ҳам англай олмоғи, яъни сўзнинг оддий ва кўчма, ошкор ва яширин маъноларидан хабардор бўлмоғи шарт. Токи бу хусусият бузилган ишларни созлаш учун қўл келсин. Ақл-идрок — элчининг зийнати.

Қайси ишда устун эса заковат,
Кузатсам, ўша иш гуркирар фақат.

Қайси ишга доно билим қилса йўл.
Уни ушлар, олар, тегизади қўл.

Элчи кўзи тўқ, кўнгли бой бўлиб, феълидаги айб-нуқсонларни аритмоғи керак. Содиқ одам дилга яқин бўлади.

Садоқатли ходим жигар-жонингдек,
Жигардан ҳам яқин, юрак қонингдек.

Кўзи суқ элчиликка нолойиқдир, чунки кўзи суқ одамнинг эркн чекланган-чегараланган бўлади.

Кўзи тўқ абадий бойдир. Оғир одам ишда унади. Суқлик таъмагирликдир. Таъмагирлик — кишининг бошига битган бало. Таъмагирликнинг асл оти пастлик, гадоликдир. Эшитгин, кўзи тўқ киши нима дейди. Кўзи тўқ-бойларнинг бошлиғидир:

Гадой қилса кимни кўзи суқлиги,
Уни бой этолмас олам тўқлиги.

Таъма қилган одам қул бўлади қул,
Унинг озодлиги ўлим билан, бил.

Кўзи суққа ўгит-панд берувчи янада яхши айтган:

Тугал бой-бадавлат бўлишнинг йўли — кўнгил бойлигини тутишдир. Агар киши қул бўлса-ю кўзи тўқлигини сақласа, у ҳоқондир. Қайси бой суқлик қилса, шубҳасиз у гадойдир, ҳатто гадойдан ҳам пастроқдир. Суқ кишининг беклигидан қуллик афзал.

Элчи уят-андишали, собит ва тетик бўлиши керак. У ҳар бир мамлакат ёзувини ўрганса, ярашади. Элчи турли-туман санъат-ҳунарлардан хабардор бўлсин. Уятни билмаган киши пасткашлик қилади. Уят собит бўлса, мақталади, феъли мулойим бўлса, бошқалар муҳаббатини қозонади.

Турли-туман фан асосларини ўргансин, айниқса, бадиий сўз сирларини яхши ўзлаштирсин. Агар шеъриятни яхши ҳис этса, тушунса, бунинг устига ўзи ҳам шеърлар ёзса, нур устига нур бўлади.

Элчи астрономия, *ҳандаса,* илдиз чиқариш, ер сатҳини ўлчаш, математика-геометрия илмларини мукаммал билмоғи лозим.

Шахмат ва *нард* ўйинлари — элчининг фазилатини оширади. У бу санъатларни шу даражада ўзлаштириши лозимки, токи ҳарифлари ундан устун бўлмасин.

Чавгон ўйинига моҳир, ёй тортишга қодир, қушчилик, овчилик сирларидан хабардор бўлиш ҳам элчи фазилатларини оширади. У:

Туман тилни билса, тебранса тили,
Турли хатни билса, ёзолса қўли.

Элчи тетик бўлса, доно ва зийрак,
Беги наф олади, у топар кўмак.

Элчи ёвуз бўлса, ёмонлар қули,
Шубҳасиз тугайди бекда *юз суви.*

Элчи дадил бўлсин. Ҳар бир ҳунардан хабардор турсин. Қайси одам ўз сўзларини сўзлай бошласа, ундан кўзда тутилган мақсадни аниқ англай оладиган бўлсин. Чунки кимнинг ҳунари бўлса, унинг оти элдан-элга ўтиб юради, ҳунарсиз киши от-шуҳратсиз қарийди. Санъат-ҳунар билан бир киши бошқасидан афзал бўлади. Ҳунари кўп киши гўё ҳаволаб учади.

Қўлин чўзса йигит ҳунарга тегиб,
Улуг тог бошини ололгай эгиб.

Ҳозиржавоблик унинг бош фазилатларидан бири.

Элчи мутлақо май ичмаслиги керак. Ўзини тутган киши қутга таянч бўлади.

Билимли май ичса билимсиз бўлади. Шундай экан, билимсиз май ичса, қандай аҳвол юз бериши мумкинлигини тасаввур этиш қийин эмас.

Ичимлик ақл-идрокка ҳам, билимга ҳам ёвдир.

У уруш ва жанжалларнинг асоси.

Не-не доно ва ақл-идрокли кишилар ҳам май ичганидан сўнг тубанлик қилиши, ножўялик сари юз буриши мумкин. Не-не андишали, феъли соз кишилар ҳам бошларини майга суққанларидан сўнг ўз ишларини бузишган.

Уят, андиша, заковат, ақл-идрок сингари қанчадан-қанча яхши фазилатлар нопокларда майга қўшилиб кетади. Мана шу ярамас май туфайли кўплаб яхши одамлар ҳам телба, тентак деган ном олишади. Қорнига кирган май ичкаридаги сўзларни ҳайдаб чиқаради. Бу сўзлар кейин ўзингни ўртайди. Донишманд бу ҳақда шундай деган:

Агар ичсанг, кайфни оширади май,
Кўнгил сиррин очар у битта қўймай.

Билимли май ичса билимсиз бўлар,
Билимсиз-чи, ичса қолмас паст бўлмай.

Элчининг ақли кенг, қўли очиқ, тили ширин бўлиши лозим. Сўзга чечанлик — киришимлилик аломати. Сўзи гўзалнинг иши ҳам юришади. Хотира бақувватлиги — элчига зийнат.

Элчи ширин сўз бўлмоғи шарт. Ширин сўзга ҳамма — катта ҳам, кичик ҳам эрийди. Элчининг иши сўз билан битади. Сўзи яхши бўлса, у тилагига етади. Агар элиг шундай одамни топса, элчилик мартабасини унга берсин. Элчи йироқни яқин, яқинни меҳрибон қилувчидир.

Элчи ҳақидаги боб ҳам ниҳоясига етади. Кейинги саҳифаларда хат ёзувчи котиб тўғрисидаги мулоҳазалар билан танишасиз.

ХАТ ЧИРОЙЛИ БЎЛСА КЎНГИЛ ОЧИЛАР

Ўгдулмиш яна жавоб бера бошлади:

— Эй элиг, бу ишга лойиқ бўлгулик одам қўл урсин. Бошлиқнинг ўзи қанчалик доно бўлмасин, барибир, у котибларсиз ишни битира олмайди. Котиблар ҳар қандай яширин сўзларни ҳам эшитишга лойиқ одамлардир. Котиблар сирни яширишнинг уддасидан чиқмас экан, сири фош бўлган одамнинг жони ўртанади. Сирни айтгандан кейин уларнинг инжиқликларини ҳам кўтариш лозим.

Сирни эшитишга қобил бўлган икки киши бор: уларнинг биринчиси — вазир, бошқаси — котиб.

Сўзни ҳамиша сир сақлаш жоиз. Сақланмаган сўз ўлимга ёндоштиради.

Кишининг оғзи ўрага қиёс. Сўзлар мисоли ерга сочилган уруғ дони. Агар оғиздан чиққудек бўлса, уларни битталаб териб олиш мумкин эмас. Эл-юрт эшитганидан кейин бу сўзларни пардалаб бўлмайди.

Оғиздан гоҳо ўт, гоҳо сув чиқар.
Яшнатар бириси, бириси йиқар.

Ёнар ўт мисоли кераксиз сўзинг
Оғиздан чиқармас, куярсан ўзинг.

Ширин ва эзгу сўзлар оқиб турган зилол сувга ўхшайди. Зилол сув қаерга оқиб борса, у ердан анвойи чечаклар униб чиқади.

Сир сақланиши керак бўлган сўзларнинг жойи — дилнинг туби:

Кўнгил сирин асра, чиқарма тилга,
Чиқдими, чўзилгай ўкинчи йилга.

Қизил тил қора бош ёви беаёв,
Ёвни ким тутади, айт-чи, бетушов?!

Шунинг учун котиб доно, идроклигина эмас, хати хуш, сўзи гўзал бўлсин.

Хат чиройли бўлса кўнгил очилар,
Ўқиш майли ортар, диллар овунар.

Гўзал хат бирикса балоғат билан,
Ёзилган бўлади камолот билан.

Ила донишманди шундай деган: хабар беришнинг энг қулай усули ёзувдир. Чунки барча эзгу сўзлар ёзувда жамланган бўлади. Хотирада сақланадиган кўплаб эзгу сўзлар сабаби ҳам ёзув. Агар бизгача сақланиб қолган бу қадар кўп мактуб ва ёзувлар бўлмаганида билим ва ҳикматларни, илм-фанни ҳам англаб бўлмас эди.

Битиб қўймасайди доно қалами,
Қоронғи қоларди мозий олами.

Ёзув бўлмаса, оддий сўзларга ҳамма ҳам ишонавермайди. Хусусан, бошқаларга, узоқ элларга хабарлаш эҳтиёжи туғилганида, бу ишни бирор мулозим ёзувсиз эплай олмайди.

Мамлакат ишига нафи энг кўп тегадиган тоифа уч хилдир: биринчиси, билимли, донишманд кишилар, турли касб-ҳунар эгалари; иккинчиси — ботир, шерюраклар. Улар бўри-ёвга қарши кураш пайтида асқотади; ниҳоят, учинчи гуруҳни сўзамол котиблар ташкил этади.

Доно, заковатли кишилар қийин муаммоларни ҳал этишда ёрдамга келади.

Ботирлар қўлига қилич тутгудай бўлса, ёв титроққа тушади.

Ёзувчи-котиб эса эл ишини осонлаштиради. Ундан машаққат тугунлари ечилади.

Агар шу уч тоифа бир ерга жамлангудай бўлса, барча тилаклар амалга ошади. Бошқаларнинг барчаси уларга эргашади.

Фозилдир билимдон эса ҳар кишн,
Қилич қайрамоқ ҳам йигитнинг ишн
Қиличга бош эгар гарчи юрту эл,
Қаламдан яшнагай элат ёз-қишн.

Кўзи тўқ, самимиятли, таъма дарди йўқ кишилар котиблик учун ярашади. Чунки кўзи тўқлар таъма дардидан халос кишилардир. Таъмадан халос бўлган кишилар эса кўзини тўқ тутади, бировлар молидан умид тутмайди.

Таъмагир — дунё молининг қули.

Унинг шу ночор аҳволига қараб туриб эҳсон қилиб турмоқ керак. Таъмагир, қайси мартабада туришидан қатъи назар, қулдир.

Котиб суқ ва таъмагир бўлса, ишини бузади. Ўз ният-мақсадини очиб беролмайди. Кумуш ва олтинга, яъни мол-мулк ҳамда бойликка маҳлиё бўлиб, хат эгасининг бошига кулфат ва балолар ёгдиради.

Ичкилик ичиш котиб учун қусур. Котиб ичкилик ичиш билан машғул бўлса, қўлидан хато ўтади. Хатолар эса тўғри фикрлаш йўлидан четга чиқаради, оздиради.

Кишилар орасида энг сара ва кераклиси икки тоифадир:

Бириси — котибдир, бехато хати,
Бири элчи эрур — ширин суҳбати

Яқин ёки йироқда, ошна-оғайнилар ёки бегоналар орасида адоват қўзғаладиган бўлса, кўпинча шу иккаласи сабаб бўлади. Ишларнинг яхшиланишига ҳам боис — улар. Агар юқорида айтилганларга амал қилса, шундай одам котибликка муносиб ва лойиқдир.

Элиг Ўгдулмишнинг сўзларини мароқ билан тинглади. Унга қараб туриб, яна бир илтимосини баён этди. У энди хазиначи ҳақидаги сўзларни эшитмоқчи эди. Ўгдулмишнинг бу борадаги фикрларини билмоқчи бўлсангиз, кейинги бобга ўтинг.

КИШИ ЭЗГУЛИККА ШИРИН ЖОН БЕРАР

Элиг Ўгдулмишга юзланиб шундай деди:

— Хизмат қилувчи ходимлар бу қадар хилма-хил бўлар экан уларнинг ҳақлари қандай тўланади? Шу ҳақда ҳам гапириб бергин

Бу Ўгдулмиш айтди: бек зиммасида
Ходимлар ҳақи бор иш ҳиссасида.

Булар икки оғиз гап билан битадиган иш эмас. Энг аввало ходимлар ош-сув, емак-ичмак билан тўла таъминлансин. Хизмат қилмоқ — оғир иш. Хизмат қилувчи тану жонини фидо қилади.

Ходимнинг ўзи машаққатлар чекиб хизмат қилади. Ёвга қиёмат-қойим солади. Ходимнинг яхшиси тунни кунга улайди, яъни

кечаси ҳам, кундузи ҳам ўз қилаётган хизматини ўйлайди. Шунинг учун ҳам уларнинг ҳақи ўз пайтида тўланиши лозим.

Нима дер, эшитгин, *Уч ўрда* хони,
Элида сараси, кишининг чини:

Аё, бек бўлувчи элида улиғ,
Ходимни азиз тут, тақдирла тўлиқ.

Кишиликнинг, одамийликнинг асоси — мурувват. Мурувват чин инсонийлик йўлидир. Хизмат аҳли ўз меҳнати натижасидан умидвор туради. Умидини топмаган ходим кўнгли синади.

Аммо хизмат қилувчиларнинг ҳаммаси бир хил эмас. Улар турли-туман тоифаларга бўлинади. Ходимларнинг наф келтирувчилари бор, шунингдек нафи йўғи ҳам анча.

Наф келтирувчи кишига хизматига лойиқ равишда тортиқлар бериш керак. Хизматига лойиқ тақдир кўрган ходимнинг боши кўкка етади. Инсон дегани, ахир, ҳайвон тенги эмас. Ана шуни билиб, унга амал қилинса, барча иш кўнгилдагидай бўлади. Чунки инсон ҳатто йилқини ҳам аввал қорнини тўйдириб, кейин уни ишга солади.

Ширин сўз аялмас экан, ходим ҳам ўз жонини фидо қилаверади.

Кўпни кўрган, билим билан қўлларини узайтирган кишилар бу ҳақда шундай дейишган:

Киши эзгуликка ширин жон берар,
Бир эзгу жавоби ўн бўлиб борар.

Одамзод манфаат топадиган бўлса, эзгуликка қул бўлади, бошқалар ғам-ташвишини ҳам ўз зиммасига олади. Шунинг учун ҳам:

Хизматига қараб хазинангни оч,
Юпунлар кийинсин, тўйиб олсин оч.

Элда «қул», «гадо» деган номлар бор экан, бу эл қут-баракали бўла олмайди.

Бошқалар меҳнатининг қадрига етиш инсонийликнинг энг йирик аломатидир.

Нима дер, эшитгин, оталар сўзин,
Ота сўзи очар йигитлар кўзин:

Киши хизмат этса агар ўзгага,
Кишилик қилади асли ўзига.

Киши меҳнатини менсимас инсон,
Киши ҳисобланмас, аталар ҳайвон.

Хизмат қилувчилар икки гуруҳга бўлинади: уларнинг бири озод, эркин ва бошқа бирлари ҳожат аҳли — қулдир. Қул — эрксиз хизматкор. Улар кўнгил иши билан қизиқмайди, шунинг учун ҳам дангаса ва ялқов бўлади. Бу тоифанинг мукофоти — танбеҳ.

Озод эса ўзини қул қилиб ишга берилади. Бу хил кишиларнинг оғирини енгил қилиш керак. Бўш-озод кишилар эзгулик қули бўлади. Уларга эзгулик ва мурувват эшиклари доимо очиқ бўлсин.

Озод ва эркин кишиларни нафс қуллари билан ёнма-ён тутмаслик керак. Уларнинг ўзлигини ёдда сақлаш лозим.

Ходим бойиса, эл бошлиғининг шуҳрати ҳам ортади. Унинг оти оламга ёйилади. Номи мангу қолади.

Хизмат қилувчи ходим билан эл бошлиғи харидор билан сотувчига ўхшайди:

Сотувчи унга мол берар ҳар куни,
Олувчи кўрсатар бор элга уни.

Мамлакатни қўриқлаётган ходим қўлида қилич тутиб жангга кирганида ҳам ўз жони кўзига кўринмайди. У ёв бошини янчади. Булар ҳеч шубҳасиз нафлидир. Наф берганни эса асраш, авайлаш керак. Жаҳонни кезган киши бу ҳақда шундай деган:

Наф келтирувчи киши ўғилдан ҳам яқин бўлиши мумкин. Беҳуда ишлар билан банд бўладиган ўғил эса ёвдан ҳам ёмон.

Аслида бутун қимирлаган жон наф ва эзгуликни ўйлаб ҳаракатланади. Шу нафи бўлмаганида эди, овчи ҳам уйидан чиқмас эди.

Эл бошлиғи учун аскар гўё қушнинг қаноти ва пати мисолидир. Демак, эл бошлиғи ҳам аскарсиз ҳеч нарсага қурби етмайди. Унинг кучи аскар билан. Аскар туфайли не-не берк тугунлар ҳам ечилади.

Санъат-ҳунар кишига чирой. Турли-туман ҳунарларни ўрганмаслик — тубанлик белгиси. Санъат-ҳунар оққушга ўхшайди. Ҳумоқуш сояси тушган одам давлат ва саодатга эришганидай, ҳунар ва санъат эгалари ҳам бахтиёр бўлади. Катта ёшлилар бу ҳақда шундай дейишган:

Билим, ҳунар ўрган, оғир тут уни,
Оғир тутар охир ҳунар ҳам сени.

Билим бил, уқув уқ, юрма беҳуда,
Пайти келса ёрир бу хил эр куни.

Элиг Ўзғурмишнинг сўзларидан хурсанд бўлди:

— Сен кишилик асосларини яхши кўрсатиб бердинг, — деди у. — Булар вафоли кишиларнинг чинакам йўлидир. Аммо менинг кўнглимдан бошқа ўйлар кечаётир.

Ҳозир элда менинг қўлим узун. Лекин ўз ҳузур-ҳаловатим, роҳат-фароғатимни ўйлаш билангина яшай олмайман. Менинг мақсадим эл-юртни бойитиш, уларнинг устидан машаққат юкларини олиш.

Менинг мол-дунёларим ҳам халқимга бахшида. Ниятим шуки, бутун хизмат аҳли меҳнатларига мувофиқ эвазларини ҳам олса.

Тилагим: ким хизмат этса жон койиб,
Мендан кейин қолса, шодланиб бойиб.

Ўзим кўчсам, кетсам, қолса бу элат,
Дуо билан хотир этса бас фақат.

Ўгдулмиш шундай деди:

— Эй ҳоқон, сен инсон ва инсонийлик ҳақидаги сўзларни яхши англадинг. Ўлган одамдан нима қолиши мумкин?

Ундан қоладиган яккаю ягона нарса номдир. Агар ундан эзгу ном қоладиган бўлса, бу одам мангу тирикдир. Эл бошлиғининг кучи халқ билан. Шунинг учун бошлиқ бой эмас, аксинча, халқ тўқ бўлсин.

Олам эгаларининг қўли очиқ бўлса, уйнинг тўри доим уларники. Бахиллик билан элни бошқариб бўлмайди. Бахил ва сахий бир-бирига қарама-қаршидир.

Бахилдан қочади бор ҳунарли эр,
Доим сахий билан бирга бўлсам, дер.

Эл бошлиғи учун бахиллик — нуқсон. Бахил ҳар ерда ўзига нафрат уйғотади. Кўпчиликни бошқаришнинг, идора қилишнинг икки усули бор: уларнинг бири — қилич, бошқаси — саховат.

Сахийлик билан тут элни белгилиг,
Сахийлик билан бек буюк, эй элиг.

Олтин билан узун бўлса бек қўли,
Элни бошқаради қиличсиз тили.

Дунё таомилида шундай қонуният мавжуд: бахилга ҳақорат, сахийга олқиш тегади.

ЎГДУЛМИШ МАҚТОВИ

Эй Ўгдулмиш, — деди ҳоқон. — Сени барча донолар мақташади.

Ишончли, меҳрибон, содиқсан бутун,
Кишилик билан сен қўл чўздинг бу кун.

Мендан керак энди бир эзгу улуш,
Лойиқ жавоб олсин ўзинг қилган иш.

Нақадар севинди сендан бу кўнгил,
Севинчларинг ортсин сенинг ҳам, ўғил.

Ўгдулмиш ҳам бу мақтовлардан хурсанд бўлди.

Оғишмади, тун-кун хизмат қилди тахт
Хизмати қўл келди, эшик очди бахт.

Йигит ақл-идрок билан ишлади. Унинг шарофати билан даврон яхшиланди. Ўзининг ҳам қўли узун бўлди.

Ақл-идрокли кишиларнинг иш шароитлари ҳам яхши бўлиши керак. Шунда уларнинг барча имкониятлари юзага чиқади:

Умринг узун бўлсин, эй жўмард, ботир,
Буни яхши тингла, эй мард баҳодир:

Кимда давлат бўлса, узаяр қўли,
Бутун ишлари ўнг, равондир йўли.

Олам файласуфин моли бўлмаса,
Неча чечан бўлсин, тийилар тили

Оламнинг йўл-йўриқлари шунақа. Дунё-давлат ёвузга юз тутадиган бўлса, унинг юзи сувланади, яъни обрў-эътибор топади. Давлат кичикка қўл берса, у буюклик олади.

Дунё-давлат келса ҳамма орзулар ушалади. Одам донг таратади, оти оламга ёйилади. Аммо давлат кетса, мағрур бошлар ҳам ерга эгилади. Худди шунинг учун ҳам мол-мулкка кўнгил қўйиш ақллилар иши эмас.

Элиг кўнглидан кечган бу гаплар уни эзгуликка ундади. У халққа наф келтирадиган юмушлар билан банд бўлди.

ЭЛ НИМА ДЕЙДИ?

Кунлар шу тарзда ўтмоқда эди. Бир куни элиг Ўгдулмишни чорлайди. Унга бир неча саволлар билан мурожаат қилади:

Ўгдулмиш, айтгин-чи, не хил кечар кун,
Қашшоқми кўп элда ё бағри бутун?

Эл ичида қандай ёмон, ёвуз бор?
Элат ҳолин айтгин яширмай бирор.

Эл тилида қандай сўзлар юради,
Сўкишми ё кўпроқ мақтов келади?

Нуқсонларим кўпми фазилатим ё?
Менга айтиб бергин, қилайин даво.

— Эй элиг,— деб ўз жавобини бошлади Ўгдулмиш. Ҳозир эл орасида алам қисқа, севинчлар — узун. Шаҳар-қишлоқлар обод. Муродлар — ҳосил.

Ахир, адолат сувга, зулм ўтга ўхшайди. Зилол сув ҳар доим бало-офатларни келтирувчи оловни ўчиради. Мамлакат зулмдан йироқ. Аслида зулмни юзага келтирувчи сабаблар учта бўлади: биринчиси, бошлиқ ғофил бўлса, айш-ишратларга берилса; иккинчиси, у заиф бўлса; ниҳоят, бошлиқ суқ, очкўз бўлса, эл бағрини ейди, унинг бошига балолар ёғдиради.

Сенда-ку кўринмас бу учдан бири,
Демак, хавотирсиз элнинг тақдири

Албатта, қандай айб ва хато содир бўлса, мен ҳам кузатиб тураман.

— Сени учратганим жуда эзгу иш бўлди,— деди элиг.— Киши қанчалик уринмасин, ёлғиз ўзи, бошқаларнинг кўмагисиз ишларини авж олдиролмайди. Ёлғиз киши ишнинг ичинигина кўради. Унинг ташқи томони эътибордан четда қолади. Менинг эзгу ном олишимга сабаб — ўзинг. Оламда чин ва сара кишилар бўлмаганида чин инсонийлик ҳам бўлмас эди. Минг афсуски, отангдан бир ўзинг қолдинг. Агар ўзингга ўхшаган яна бир одам бўлганида, сен билан елкама-елка турар эди. Ёлғизлигинг кўнглимга ғашлик солади: ахир барча ишлар сенинг зиммангда:

Қому қариндошлар кўнглини билгин,
Шундай одам борми? Сен дарак қилгин.

ЎЗҒУРМИШ ҲИКОЯСИ

Ўгдулмиш жавоб берди:

— Ҳоқон, менга қийин бўлди, дея хаёлингга келтирма. Агар эл ишига кўпроқ наф беришни орзуласанг, бу бошқа гап. Доноларнинг шундай гапи бор:

Эл ишида кўмакчилар кўп бўлса, ишлар авж олади, роҳат ортиб, машаққат камаяди. Сен айтган одам қариндошлар ичида йўқ эмас. Доно, турли хислатлар билан зийнатланган, тадбиркор, оқил, ишбилармон бир қариндошим бор.

Феъл-атвори тўғри, оти — Ўзғурмиш,
Фақат эзгуликдир қўли етган иш.

Аммо у дунёдан юз ўгирган. Тоғ ичига хилват бир гўшага кириб кетиб, танҳоликни ихтиёр қилган. Унинг санъат-ҳунари мендагидан минг карра зиёд. Агар у мен билан ёнма-ён бўлса, билимлари бутун ишларга бош бўлар эди.

Бу таърифдан кейин элиг Ўзгурмиш билан кўришиш иштиёқида қолди, у Ўгдулмишга юзланиб шундай деди:

Бу иш чорасин айт нима бўлса ҳам,
Менга яқин қилгин уни, эй бўтам.

Қандай чорлаш керак уни бу томон,
Хабарчи бир киши борсин шу замон.

Мактуб керакми ё сўз айтган маъқул?
Қайси лозим бўлса, сен ўшани қил.

Ўгдулмиш:

— Мен шундай қариндошим борлигини баён этдим, — деди. — Аммо унинг бу ерга келиш-келмаслиги аён эмас. Агар келса, бош устига. Келмаса-чи? Унда сенинг фармонинг бекор бўлиб қолмайдими? Қолаверса, мен ҳам айбдор бўлиб қолишим мумкин?

Элиг шундай деди:

— Биз бир-биримизнинг фикримизни эшитдик. Шундай экан, сен уни таклиф қил, келса, яхши, борди-ю келмаса, нима учун сендан хафа бўлишим керак?!

Сен уни билимли, уқувли, соз ва эзгу дединг. Шунинг учун уни орзулаяпман. Ҳар қандай иш билимдонга маълум. Донолар шундай дейишган:

Билимдан ёзилар бор тугун, чигал,
Билим бил, уқув ол ўзинг ҳар маҳал.

Билимни ишга сол, ўрган ҳар куни,
Яна ўрган, этгин илминг мукаммал.

Кишининг қариндош-уруғи бўлгани яхши. Кимнинг қариндош-уруғи бўлмаса, у дўстларни кўпайтирсин.

Жуда яхши деган, кўр, элчи боши,
Ҳаммадан кучлидир қардошли киши.

Қардошли кишининг шуҳрати баланд,
Дўст-ёрли кишининг ҳурмати баланд.

Ўгдулмиш деди:

— Агар астойдил истаган бўлсанг, бунга бир чора излайлик. Элиг маъқул кўрса, ўзим борайин. Уни бу ерга таклиф қилайин. Тилимда турли-туман сўзларни ишга солиб, уқув-идрокимни, фаросат ва билимларимни қўллаб кўрайин. Сен эса битта мактуб ёзиб бергин, токи у донишманд буни билсин. Бу ишлар мен томонимдан эмас, балки сендан бўлаётганини сезсин.

— Агар фақат шугина бўладиган бўлса, майли, — деди элиг. — Сен бир оз кутиб тур. Мен мактуб битай, унгача сен ҳозирлик кўравер.

ЎЗҒУРМИШГА ХАТ

Кунтуғди қўлига қоғоз, давот олди ва мактуб ёзишга киришди:

Аввал салом билан бошладим битиг,
Эсонлик ичида битдим, эй тетик.

Ҳаёт ато этмиш сенга эзгулик,
Билим, уқув-идрок бериб белгилик.

Бу янглиғ рафторинг эшитдим ўзим,
Сени орзуладим, э кўркли юзим.

Элга наф келтиргин, мунглига яра,
Қардошга кўнгил бер, кўнглига қара.

Етим, тул, бева, кўр, чўлоқ ёки шол —
Ҳолидан ҳамиша бориб хабар ол.

Мана шу саноғим зўр тоат бўлар,
Бу тоат билан сўнг зўр роҳат бўлар.

Буларнинг барини қўйиб бир ўзинг,
Номоз, рўза билан ўтди кундузинг.

Жуда яхши деган киши афзали,

Кишига меҳрибон, феъли ўзгача

Киши эзгуси шу — ўз нафин қўйиб
Бўлаклар нафини деса кўп куйиб.

Куйинчак бўлса эр, меҳри очилиб,
Эзгуликлар этса адолат қилиб.

Тирик инсон ўғли фойдали бўлса,
Фойдасиз кишилар яшамай ўлса.

Кишига наф берар киши эзгуси,
Киши эзгусидир эл-юрт кўзгуси.

Шунинг учун ҳам сени чорлаётирман, эй Ўзгурмиш. Аммо ўз нафимни ўйлаётганим йўқ. Агар келсанг, нафи, фойдаси — сенга. Келмасанг ҳам мен учун зарар йўқ. Сени эл нафи учун таклиф қилаётирман. Бу нафни атайлаб йўққа чиқарма. Бу сўзларни мулоҳаза қилиб кўр. Кўнглинг ишонч ҳосил қилса, кейин биз томонга марҳамат қил.

Тожик донишмандларининг жуда яхши нақллари бор: бошлиқ эзгу бўлса, бутун эл қут-саодат топади. Оддий одамнинг нафи бир кишига тегади. Бошлиқ нафи эса эл-юрт учун бўлади.

Киши деб атарлар, қани ул киши,
Кишига наф берса, соз бўлса иши.

Эзгу шуки, элга наф берса фақат,
Бу наф билан эли тополса роҳат.

Эзгу бўлар халққа меҳрибон киши,
Меҳрибон бўлгин, эй эзгулар боши.

Мана, мактубни ҳам тугатдим. Бошқа сўзларни қариндошинг етказади.


Элиг мактубни ўради. Муҳрини босди. Ўгдулмиш мактубга қўл чўзди. Элиг унга шундай деди:

— Сен Ўзғурмиш ҳузурига бориб мақсадимизни тушунтир. Буёққа келтириш учун уриниб кўргин. Эй баҳодир йигит, ҳузуримга усиз қуруқ қайтиб келмагин. Сенга иш ўргатишнинг ҳожати йўқ. Нима чораси бўлса, ўшани ўринлатгин. Сенга ишонаман.

Ўгдулмиш:

— Хўп, бўлади, — дея ўрнидан қўзғалди.

Бу пайт кеч тушган, осмон қоронғилик пардасига ўралган эди. У тунни ўтказиб, тонг отиши билан отини ҳозирлади. Сўнг қариндоши томон равона бўлди.



ЎЗҒУРМИШ ҚАБУЛИДА

Ўзғурмишнинг эшигига етиб бориши билан йигит отдан тушди. Эшик қоқди. Секин овоз қилди. Ўзғурмишнинг ўзи унга пешвоз чиқиб келди. Қардошини кўриб қучоғини очди. Улар юз-кўзлардан ўпишиб эсонлашишди. Ўзғурмиш йигитни ичкарига бошлади. Тўрдан ўрин берди. Ўзғурмишнинг кўнгли ёзилди, қариндошини кўрганидан боши осмонга етди. Ахир узоқ кўришмаган кишилар яқинлик билдириб, бирининг орқасидан излаб келса, бу иш кўркли бўлади-да. Бу ҳақда жуда яхши бир гап бор:

Бутун ғойиб қардош кўрсатса кўзин,
Алам қисқа бўлар, севинчлар — узун.
Не кўркли бўлар, кўр, киши айрилиб,
Саломат кўрсатса тағин ўз-ўзин.

Ўзғурмиш барча қариндош-уруғлар, яқин дўст-оғайниларнинг ҳол-аҳволларини суриштирди. Сўнг унинг ташриф буюриш сабаблари билан қизиқди.

— Мен сени элиг билан бирга деб эшитдим, — дейди у. — Элга нафинг кўп тегаётган экан, бу ерга нега келдинг? Нега кундалик одатларинг маромини буздинг?

— Э кўркли юзим, — деди Ўгдулмиш. — Мен сени соғиндим. Шу сабабли ҳам кўришга келдим. Сени анчадан буён кўрмоқчи бўлиб юрган эдим. Бугун энди фурсат топдим.

Эсон бўлса агар одамзод ўзи,
Ҳар қандай тилакка етар, эй қўзим!

Чин дилдан истаган одам нима дейди, эшит: Одам тирик бўлса, албатта, тилагини топади. Тириклик тилак топиш учун бир тиргак.

Шундан сўнг Ўгдулмиш бу ерга келиши сабабларини баён этди.

— Киши ўз тилагича йўл юрадиган бўлса, — дейди у, — унга қайғу етмайди, чарчоқ босмайди. Синаган кишилар шундай дейишган:

— Қайси ишда орзу-тилак етакчилик қилса, унга барча эшиклар очиқ бўлади. Тилак билан юрилса, йироқ ер ҳам яқиндир.

Сен шаҳар-қишлоқларни қолдириб келдинг. Атрофингда тирик жон йўқ. Оғир юк кўтардинг, машаққат — йўлдошинг, ташвиш ишинг бўлди. Барча қардошлар сен учун қайғурмоқда. Сени бу аҳволда ташлаб қўйиш биз учун оғир. Ахир:

Ёлғизлик — одамзод наслига бало,
Ёлғизликда дард ҳам озаймас асло.

Шу қайғу бор тинчимни олди. Жонни нега бу қадар қийнайсан? Менга очиқ гапиравер, фикрингни баён қил.

— Сўзларингни эшитдим, — деди Ўзғурмиш. — Энди буларга жавоб

беришим керак. Сенинг айтган сўзларинг яқинликдан нишона. Қардош ғамини қардош емаса, бўлаклар бу ҳақда қачон бош қотирарди?

Мен бу ерга тоат-ибодат учун келдим. Киши аввало ортиқча орзу-истаклардан ўзини чегаралаб олиши керак. Ҳою ҳавасларга эрк берилса, у тезда кишини мағлуб қилади. Ҳою ҳавасларни енгиш воситаси уқув, ақлу идрокдир. Бу ишда ҳам билим ёрдамга келади. Мен шунинг учун ҳам шаҳар-қишлоқларни қўйиб, бу ерга келдим. Кишилардан четга чиққан бўлсам-да, қуруқ сўз ё ғийбатли гапларни гапирганим йўқ.

Боримдан эл фойда топмаса агар,
Яна кўрмагайлар йўғимдан зарар.

Фойда-зарар кўришга ёхуд яхши-ёмон бўлишга инсоннинг ўзи сабаб. Эй қариндош, сен мени кишилар орасига ундайсан, аммо уларга қўшилишнинг қандай сирлари бор?! Битта ўзинг билан мулоқотда бўлиб, қанча ибодатдан қолдим. Агар кўпчилик билан аралашсам, менинг ҳолим нима кечади?!

Ўгдулмиш:

— Сен айтган сўзларнинг барчаси гўёки фойда. Аммо унда ҳақиқат, чинлик қани?

Кишиларга то наф, беролсин киши,
Оти тирик бўлсин, мақтовли — иши

Тириклик нишони, недир белгиси,
Кишига бўлмаса унинг эзгуси?!

Оила қуриш, ўғил-қизларни ўстириш лозим. Фарзандсиз десалар, бу жуда оғир гап. Фарзандсиз кишилар тилда ҳам, дилда ҳам ўкинишади. Отадан кейин кишининг фарзандлари қолса, уни тирик деб ҳисобла. Фарзандсиз киши оламдан ўтадиган бўлса, унинг уруғи қурийди, номи ҳам ўчиб кетади.

— Бу гапларинг маъқул, — деди Ўзғурмиш. — Аммо оламда булардан бошқа гаплар ҳам мавжуд. Агар ўғил-қизнинг қилиғи, одатлари соз бўлса, сен айтгандек бўлади. Ундай фарзанд — кўрар кўзларнинг нури.

Бордию фарзанд ёмон бўлса, сени улитади. Ўлсанг, орадан ҳеч қанча фурсат ўтмай, сени унутади. Унинг ярамас хулқ-атвори одамлар нафратини қўзғайди. Ундан нотаниш, бегоналар ҳам ҳазар қилади. Фарзанд тарбияси — оғир иш. Донолар бошлиғи бекорга айтмаган: фарзандни тарбиялаш тадбири кўздан кетмас шарпадир.

Оила қурган киши кеманинг ичига тушган одамга қиёс: кема денгиз ўртасига йўл олади. Ўғил-қизнинг туғилиши бу кемани бошқаришни қийинлаштиради. Энди кемачидан куч ва маҳорат талаб этилади.

Ўғил-қиз ота-она орзуси. Аммо ёмон фарзандлар ота-онадан кейин уларнинг номини ҳам атамайди. Бу хил ворисдан вафо кутиб бўладими?! Бу тонфанинг қилиғи ёвуз, қилмиши — жафо!

Ўғил-қиз отаси ғам-ташвиш чекади, бало-офатларга фил каби тоқат топади.

— Эй Ўгдулмиш, сен жўра, улфат тутиш керак деб айтдинг. Аммо улар келтирадиган юкни ғапирмадинг. Бу ҳақда донишмандлар айтган фикрни эсла:

Кўнгил деганлари мисоли шиша,
Синиб қолмасин у, асра ҳамиша.

Кўнгил нозиклиги бу сўзга нишон,
У иссиқ-совуққа боғлиқ ҳар қачон.

Жўра кўнгли синса, бўлар ички ёв,
Қайда ёв бўларкан, кеки — беаёв!

Ёви бор одамнинг ҳаёти тотли бўлармиди?! Ёвнинг бўлиши чирой эмас. Ёвинг қанчалик кичик ёки кам сонли бўлса ҳам, сен уни улуғ деб билгин, эй кўнгли ўктам инсон. Ҳатто чивин ҳам фил учун арзимас душман эмас! У чақадиган бўлса, филдек жонивор ҳам сакраб кетади. Ёви бўлган, ёви билан уруша-уруша қариган киши нима дейди, эшитгин:

Душманим кичик деб ғафлатда қолма,
Нега қўрқайин деб сен шов-шув солма.
Ёвинг бўлса, асло ғофил бўлмагин,
Ёвга ёв, яхшига яхши бўл, толма.

Шундан кейин Ўгдулмиш Ўзғурмишга юзланди:

— Кўпчиликка наф бермайдиган киши тирик эмас. Кимнинг дўсти кўп бўлса, унинг номи ёйилади. Барча ишлари ўз вақтида адо этилади. Дўстлар кишининг яхши томонини оширади, айб-нуқсонларини яширади.

Кимнинг хислат-фазилати кўп бўлса, унинг ёви ҳам бўлади. Кимгаки ёвлар кўплашиб ёндошар экан, ўша кишининг хислат ва фазилатлари кўп деб ўйлайвер. Ёв билан беллашган мардларнинг номи оламга ёйилади. Ёвсиз кишининг отини ким ҳам биларди?!

Сен «ҳеч кимнинг пайини қирқмадим, ёки ўзгалар ҳақида ғийбат сўзлар гапирмадим», дединг. Ахир атрофингда ҳеч ким бўлмаса, эл-юрт орасида яшамасанг, кимни сўзлайсан, ким ҳақида бир гап айтасан?

Эл-юрт орасида юрса-ю, тилини тия олса, ўша одам мард бўла олади. Дағалга мулойим, аччиқ сўзга ширин жавоб бера олиш ҳам мардлик.

Кишилар қўлидан юкини олиб, вафо йўлидан юриш жасурларга хос. Кўнглида кек, гиналарни чиқариб, дилида борини тилига чиқара олса, қандай кўркам бўлади.

Нима дейди, эшит, киши эзгуси,
Эзгулик туфайли аниқ белгиси.

Кишиларга асло сўзлама дағал,

Дағал сўзга кўнгил оғрир ҳар маҳал
Сени ким сўксами мақтагин уни,
У тубан бўлар, сен — саралар сони.

Жафо қилувчига этабер вафо,
Вафони мард қилар, номардлар — жафо.

Агар яқин дўстлар, қариндош-уруғлар оёқ узиб қўйса, сен ўзинг яқинлик ипларини улагин. Ҳозир бир ўзинг якка-ёлғиз қолиб, қандай эзгулик топдинг, эй феъли гўзал?

Сен роҳат, орзу-неъматлардан бебаҳрасан. Ер-сув, от-асбоб, ўғил-қизларинг ҳам йўқ. Демак, кишилар, билан бирга бўлиш учун сенда куч-қудрат ҳам мавжуд эмас!

Неча йиллар уриниб орттирган нарсанг — зоҳидлик. Аммо сабру қаноатни парда қилиб олган ҳар бир нодон ҳам бу номга эриша олади-ку! Мард шуки, орзусини олса-ю, аммо ундан юз ўгиришнинг уддасидан ҳам чиқса.

Мардларнинг марди шу бўлар доимо,
Оламни олса ҳам керилмас асло.
Киши марди яна шундай бўлади,
Минг орзу олса ҳам, ер бўлар гўё.

Бу жавоблар Ўзғурмишнинг ҳайратини оширди:

— Тилагинг нима, эй чиройи ой? — савол берди у. — Нима сўзласам ҳам сўзимни кесасан. Далил келтириб фикримни қайтарасан. Очиқ айтгин-чи, эй жўра, истагинг нима?

Ўгдулмиш жавоб бе́рди:

— Мен ҳузурингга ягона тилак билан келдим. Кунтугди элиг сен ҳақингда хабар топди. У сени кўриш иштиёқида. Мен эса элчи бўлиб келдим. Сенга қанчалик оғир бўлмасин, бир марта боришинг керак, элигга кўринишинг лозим.

Элиг ҳам кўп эзгуликлар эгаси. Халқига меҳрибон, элида ардоқли одам. Одил сиёсатли киши, шубҳасиз, эл-юрт учун қут, саодатдир. Одил сиёсат пойдеворга ўхшайди. Пойдевор мустаҳкам бўлмаса, ўй ҳам баланд кўтарилмайди.

Мана, мен ҳам ўз ақлу идрокимни эзгулик ишларига сарфламоқдаман. Сендан ҳам элга наф етади деган ўй билан элиг таклиф қилмоқда. Мана шу таклифни айтиш учунгина келдим. У бир мактуб ҳам берган эди.

У хатни тутди. Ўзғурмиш мактубни ўқий бошлади. Мактубни ўқигач, узоқ ўйланди. Сўнг Ўгдулмишга боқди:

— Мактубда етук сўзлар битилган, — деди у. — Элиг мени бу ёнга келгин, — дебди. Бундан келадиган барча эзгуликларни санаб кўрсатибди. Албатта, бу ишлар мен учун жуда буюк. Нима қилай, айт, Ўгдулмиш, менга кенгаш бер.

Ўгдулмиш шундай деди:

— Элиг ҳар куни сенинг номингни тилдан қўймайди. Ахир кўнгил кимни суйса, тилида ҳам шу ном бўлади-да:

Кўнгил кимни суйса, кўрар кўзда у;
Кўнгил қайга борса учар юзда ул.

Кўнглида не бўлса орзую тилак,
Оғиз очса, чиқар тилу сўзда ул.

Ўзғурмиш Ўгдулмишга:

— Кенгаш бер, эй баҳодир йигит, — деди. — Менинг меҳрибон ва яқин қардошим — ўзинг. Қардошлик ҳақини ўтаб, йўл-йўриқ кўрсат. Нима десанг ҳам сенга ишонаман.

Ўгдулмиш қийин аҳволда қолди. Унинг боши қотди.

— Мен чопар бўлиб келдим,— деди у.— Борайлик дейишдан бўлак сўзим йўқ. Ахир мен қандай қилиб «бормагин» дея оламан?!

Иккаламиз бирга бўлсак, фойдамиз ҳам кўпроқ тегади. Лекин ақл-идрок ўз нафини ўйлашни хушламайди.

Нима дейди, эшит, билимли *чигил*,
Билимсиз, эшитгин, бўйин бер, эгил:

Ўз нафингни тилаб сўз очма зинҳор,
Сенга нафи бўлмас унинг, эй ҳомдор.

Кенгаш қилгин ўзинг шундай кишига,
Ки нафни тортмасин ўз юмушига.

Ўз нафин тиловчи тилаги учун,
Гоҳида ишлатар бор жонин, кучин.

Шунинг учун барча ишда кенгашмоқ, кўнгил чопса ўша ишни қилмоқ керак. Ўзинг учун куйинадиган одам сенинг ўзинг. Шунга кўра, қандай қарорга келсанг, ўзинг ҳал қил.

Сени чорлаб келдим узун йўл юриб,
Кенгаш шуки, боргин мен билан туриб.

Барча наф ҳам, эзгуликлар ҳам одамлар орасида. Бу ерда топилмайди. Буни яхши англаб ол. Шаҳар, қишлоқлар ичида не-не эзгуликлар борлигини сенга очиқ-ойдин қилиб айтдим. Тилагим фақат эзгулик, сен бўлсанг кишилардан қочасан. Кишилар сенга нима ёмонлик қилди? Эл-юртсиз яшаб бўладими? Бошқаларнинг эмас, ўз айбингни кўр!

Доно нима дейди, бу сўзни эшит,
Уқиб ол, кейин сен ўзингга иш эт:

Эзгулик учун бер ҳар қаерда қўл,
Туби-аслин дема, ўзинг эзгу бўл.

Киши эзгусин кўр, унутмас ўзин,
Қаерда бўлса ҳам қилар эзгу йўл.

Киши эзгу бўлса, хулқ-атворини эзгу тутса, ўзи бахтга сазовор бўлади. Эзгу ҳеч ерда ўз одатларини ташламайди. Унга қайтадиган эваз ҳам — эзгулик.

Аммо Ўзғурмиш яна ўз фикрларини ўтказиш учун кўп фикрларини баён этади. Мана улар:

Бу дунё сенга ўзини жуда ҳам севдирибди. Унинг барча нуқсонлари ҳам сенга фазилат бўлиб туюлади. Бу ҳайратли эмас, чунки мақолда айтилганидек, «қайси нарса севимли бўлса, унинг айби кўринмайди».

Севган киши нима дейди, эшитгин: Севганга севилганнинг айби фазилатнинг боши бўлиб кўринади. Севишнинг нишони, шубҳасиз, шуки, севганнинг айби фазилат бўлиб кўринади, эй шуҳратли.

Бу дунё молу мулки киши кўнглига ўзгача ҳаваслар солади.

Одамзод бойиса ортар ҳавоси,
Камтарлик биландир дил муддаоси.

Тирикликнинг охири — ўлим. У фурсат пойлаб туради. Ундан омон қолгудай жон йўқ.

Жуда азиз ахир тириклик куни,
Бекор ишга сарфлаб бўлмагай уни.

Тириклик ҳар эзгу ишга асос. Уни елга берма. Дунё ўткинчи нарса. У берган нарсаларини яна қайтариб олади. Ўлим ҳеч кимни фарқлаб ўтирмайди: унга шоҳ ҳам, гадо ҳам баробар. Унга яхшининг ҳам, ёмоннинг ҳам айирмаси йўқ.

Дунё кўланкага ўхшайди: қувсанг, олдингга тушиб қочиб кетаверади, қочсанг, сенга ёпишади, изингдан эргашиб келади. Кимда-ким унга кўнгил бергудай бўлса, ҳаёти зое бўлади.

Дунё лаззатларининг энг кераклиси — тинч-омон ҳаёт кечириш. Емак-ичмак ҳам лаззат. Бу лаззат аслида томоқники. Аммо ош сингмай қолса, мижоз бузилади. Мижоз айниса, унинг иложи нима бўлади?

Бу дунёдаги энг йирик ёв — нафсинг. Унинг тузоғи доимо ёйиқ. Нафсдан жон учун етишадиган нарса — машаққат. Нафси бузуқнинг давосини ўлимдан бошқа ҳеч нарса тополмайди. Шу нафс гоҳ югуртириб, гоҳ елдиради, гоҳ кулдириб, гоҳ йиғлатади.

Кўзни суқ қиладиган ҳам шу нафс. У туфайли киши гоҳ тўқ, гоҳ оч бўлади. Бир орзуни топса, бошқаси қолади. Нафс семирса, охир-оқибатда эгасини йиқитади.

Кишининг нафси овчи итга қиёс: агар у семириб кетса, эгасининг ҳақини ҳам танимайди. Ёки киши нафси ёш болага ўхшайди: қорни тўйса бас, чопиб кетаверади, сен эса унинг орқасидан излаб юрасан.

Бўгиз тотиғи — қорин тўйдириш. Қорин тўйса, арпа ҳам, ҳолва ҳам бир хил — иккаласи ҳам ортиб қолаверади. Шакар, ҳолва еган лоф уради, мақтанади, аммо бир марта ётиб турса тамом: яна очиқиб қолади. Кўзи ҳам, кўнгли ҳам бой бўлган бир киши жуда яхши деган:

Ўзинг единг доим шакардан неъмат,
Кепак, тариқ ичра мен топдим тоқат.
Иккимиз ҳам тўйиб тенг ётдик тунда,
Кечиб борди ҳаёт кунлари фақат.

Ахир гадой ҳам, бой ҳам ўлимидан кейин тенг бўлади-ку! Шунинг учун ҳам олам териш, мол-дунё тўплаш ярашармикан?!

Нафс — кўринмас ёв. Бу ёвни йўқотиш керак. Ўтган тириклик қайтмайди.

Эй Ўгдулмиш! Мени шаҳар сари чорламоқдасан. Агар нафсим мени асир этса, ким асраб қолади. Нафсдан ҳам даҳшатли ёв — бойлик. Бойликнинг ҳам тузоғи ёйиқ.

Билимсиз бўлади киши белгилик,
Фақат нафси учун этса эзгулик.

Уқувсиз кишилар ўлик, эй қардош,
Ҳово-орзуларга ўзин қилса бош.

Мана шундай эрур аслида олам,
Борин айтдим, англа, эй улуғ одам!

Ўгдулмиш ҳам сўз навбатни олди:

— Сен дунё ҳолини фақат шундай дея билмагин. Бунда ўз ҳаётингни аччиқ қиласан. Агар оламдаги барча одамлар ўзлари яшаётган қишлоқ, шаҳарларни қўйиб, жонларига қасд қилганча тоғлар орасига чиқиб кетса қандай бўлади? Дунё вайрон бўлади, ер юзи қуп-қуруқ бўлиб қолади-ку!

Ахир одам боласи очиқади, яна тўяди. Эгнингга кийим, томоққа овқат керак. Эй қариндош, булар ҳаётнинг эми. Тирик одам булардан воз кечмайди. Сен фақат тоатингга ишониб юрма. Менинг сўзларимга ақлингни югуртириб кўр.

Ўзғурмиш бошини қўллари орасига олди. Ўйлаб-ўйлаб ниҳоят тилга кирди:

— Эй қариндош, мени деб сенга машаққат тегди. Албатта, сен барча сўзларни яқинлигинг туфайли сўзладинг. Менинг ғамимни единг. Сенинг ҳам ишларинг унсин, камол топсин.

Қанча ўйлаб кўрмайин, бу ишга кўнгил чопмаяпти.

Кўнгил чопмаган ишни қилиш — хатар. Бу ҳақда доно ўгит қилиб, шундай эзгу билим берган:

Қайси ишни қилмоқ тиласанг ўзинг,

Кўнгил билан аввал кенгаш ҳар сўзинг.

Барча сўзни бошқалар билан кенгаш, лекин кўнгил истамас экан, ўзингни четга ол. Ҳаммадан ҳам сен учун бағирдош — сенинг ўзинг. Ўз кўнглинг маъқулламадими, бу ишни қўйгин, сўзни тўхтатгин. Кўнгил маъқулламаган ишда наф бўлмайди. Таклифингни кўнглим хоҳламаяпти, шунинг учун сендан узр сўрайман. Мени қўя бергин, эй кишиларнинг сараси. Элиг учун наф берадиган бирор хислатим ҳам йўқ. Ўзим у ёқдан қочиб келган бўлсам, яна қандай қилиб қайтиб бораман. Энди сен бу ерга қайтиб келма. Керак бўлса, ўзим излаб бораман.

Яқин бўлса кўнгил, йироқ ер яқин,
Вафо билан аммо яқинлик тағин.
Шарқу Ғарб ораси бир ўрлам ердир,
Вафо деб билса ким яқинлик ҳақин.

— Тилагинг шундай бўлса, сени зўрламайман,— деди Ўгдулмиш. Сўзларим тугади. Саломат қолгин. Фақат элигга бир мактуб ёзиб бер. Ахир у ҳам сенга ўз қўли билан битиг битган эди. Сен ҳам менинг *юзимни ол қилма.*

ЎЗҒУРМИШНИНГ МАКТУБИ

— Эй тетик,— деди Ўзғурмиш, — майли, мактуб десанг, мактуб битайин. — Сўнг у давот, қоғоз олди, қалам сўради ва элигга мактуб ёзишга тутинди.

Эй элиг!

Сенга дуолар билан тўла ушбу мактубимни йўлламоқдаман. Сен мактуб орқали мени йўқлабсан, уни ўқидим. Кўзим ёруғ бўлди. Сен эзгу ёрлиғ, кўпдан-кўп ўгит ва насиҳатлар билан менга марҳамат кўрсатибсан.

Мактубингда ваъда қилинган жуда кўп эзгуликларни ҳам илғаб олдим. Инсон яхши ниятлар, эзгу орзуларни дея тиним билмайди. Аммо ҳеч бир хизмат қилмасдан совға-инъом олиш ғалати бўлмасмикан?! Бунинг бирор миннатли томони бўлмаса-да, барибир, бу одатдаги нарса эмас.

Бундан келадиган зарар ҳам бор. Буларнинг бири — хизмат йўқлиги. Бошқаси — менинг элга вафо қилмаганим.

Булардан ҳам оғирроғи менинг эл-юрт урф-одатларини билмаслигим. Яна бир андиша ҳам бор: сен ҳам, мен ҳам инсонмиз. Иккаламиз ҳам инсон бўлганимиздан кейин нима учун мен сенга топиниб-сиғинишим, сенга хизмат қилишим керак?!

Эй элиг!

Сенга хизмат қилишга тайёрман. Бунинг учун битта шартим бор. Уни бажарсанг, ҳар қандай ишларингга бўйин бераман:

Бажо этгин аввал сўнгсиз тириглик,
Яна бир — қарилик кўрмас йигитлик

Саломат тут кейин — бўлмайин касал.
Бир бойлик бергинки, бўлмай камбагал

Бу тўрт тилагимни ўзинг раво қил,
Кейин хизмат этай бўлиб сенга қул.

Буларни беролсанг, эй элга бошим,
Сенга қул бўлайин, эгайин бошим!

Агар буларни муҳайё этишга куч-қудратинг етмаса, сенинг қандай фазилатинг бор?! Менинг ҳамма нарсам: кийимларим ҳам, озиқ-овқатларим ҳам бор. Яна керак бўлса, улар топилаверади.

У ёққа борсам, сен мени эмас, аксинча, мен сени асрашим керак. Токи сен тўймас экансан, менга ош ҳам тегмайди. Агар хатога йўл қўйсам, табиийки, сен кечирмайсан.

Эй элиг, бу дунё — ўткинчи. У ҳар куни олқинади: камайиб, озайиб бораверади. Назар сол: ота-оналар, қариндош-уруғлар қани? Улар ўтиб кетишди. Энди уларга ўз фарзандларини кўрмоқ қаерда?! Одамзод бир куни ўлишга маҳкум. Шунинг учун:

Ғофил бўлма элиг, ухлама, кўз оч,
Сендан кейин қолсин, эзгу уруғ соч!

Сенга нима наф келтиришим мумкин?!

Мен энди қолган умрини тоат-ибодатга сарфломоқчиман. Ниманики топган бўлсам, ўша кифоя. Ортиғи энди кераксиз. Аслида бутун дунё борлиғи — бир сиқим. Борига қаноат қила билиш ҳам бахт.

Чинакам наф кўрмоқчи бўладиган бўлсанг, мендан ҳам нафлироқ, мендан кўра кўпроқ наф берадиганлар бор. Бу — билим, ақл-идрокдир.

Агар эзгу тутмоқ тиласанг мени,
Ўзинг эзгу бўлгин, эй эл ҳоқони.

Минг эзгу этагин тутгунча ўзинг,
Эзгу бўлсин бир бор қилиғинг, сўзинг.

Элиг топар мендан не хилда фойда,
Ҳаловат кетади нафи йўқ жойда.

Мен энди ўтиндим узримни сенга,
Мени қўя бергин, қош тугма менга.

Бошқа гапларни қариндошимга айтдим. У оқизмай-томизмай сенга етказади.

Шундай дея Ўзғурмиш мактубига нуқта қўйди. Қоғозни қуритиб, *мактубни ўради.* Уни боғлаб Ўгдулмиш қўлига тутқазди.

Нима дейди, эшит, *Уч ўрда* хони,
Талай эл ичида ёйилган шони:

Элчи сўз бузмаса, кўрмагай зиён,
Элчи сўзга собит бўлар ҳар қачон.

Элчига ўлим йўқ, билиб қўй яна,
Эшитган сўзини деса росмана.

Ўгдулмиш:

— Сўзларингни эшитдим, фикрингни тушундим, — деди. — Элиг мактубига жавобни битдинг. Мен элтаман. Лекин, менинг назаримда, элиг сени элдан ташқарида қўйиб қўймайди. Кўнглим сезяптики, мени яна қайтаради. У сени чорлайверади, эй феъли гўзалим. Сен бормасанг, элиг кўнгли чўкади.

— Бундай дема, — деди Ўзғурмиш, — кўнглим синади, ўзим қийналаман. Шаҳарга зинҳор бормайман. Ўзингни қийнаб бу ерга келиб юрма.

Эшит, нима дейди, доно инсонни,
Синаб билган бутун яхши-ёмонни:

Берилмас нарсага бўлма зўравон,
Топилмас тилакни тилама ҳеч он

Ҳар ерда бормагин югуриб-елиб
Агар борсанг, ташвиш чекар ширин жон.

Ўзғурмиш Ўгдулмишга яна ўтинди:

— Эй жўра, сенга ёлбораман, энди қайтиб келмагин, шу таклифни такрорламагин.

Ўгдулмиш ҳам ўз билганларини тўкиб солди. Сўнг улар хайрлашишди. Ўгдулмиш от миниб уйига равона бўлди.

ҚАНИ ГАПИР, БЎТАМ...

Шарқдан кўтарилди оловдек ёлин,
Юзин очди олам мисоли келин,

Ўрлаб келди бу дам маржон шодаси,
Оқ дур бўлди олам юзи барчаси.

Ўгдулмиш саройга йўл олди. Рухсат теккач, элиг ҳузурига кирди. Кунтуғди унга юзланди: ундан Ўзғурмишнинг ҳол-аҳволини сўради:

Элиг деди: нечук экан Ўзғурмиш,
Қани гапир, бўтам, нечук бўлди иш?

Ўгдулмиш аввал ўрнидан туриб келтирган хатини топширди. Элиг қўлига олди. Уни ўқиб чиқди. Юзи ўзгарди, сал қизаринқиради. Кулимсираб чуқур нафас олди, ўйга толди.

Дедики, қардошинг, сўзлабди дағал.
Лекин барча сўзи тўғри, мукаммал.

Тўғри сўз дағалдир, ким айтса экан,
Мен ипак жўнатдим, у берди тикан.

Ўзғурмиш мактубдан ташқари яна нималарни айтди. Уларни бирма-бир айтиб бергин.

Ўгдулмиш тилга кирди:

Деди: суҳбат бўлди турли аснода,
Лол этди у мени билим, закода.

Нима айтсам, берди жавобига сўз,
Қаттиқроқ қистасам, юмиб олди кўз

Нима демай, ўзи бу ён келмади,
Нима деб атамай, дили бўлмади.

Элиг:

— Қардошинг етук киши экан, — деди. — Кошки унинг сўзларини эшитмаган бўлсам. Энди бу сўзларни эшитдим, шунинг учун мени тилагимга етказ. Биз тилаган нарса ўз элимиз ичида бўлса-ю, унга эришолмасак, ноқулай бўлмайдими?

— Мен ҳам бу гапларни айтдим. Элиг мени қайта жўнатади деб таъкидладим, — жавоб берди Ўгдулмиш. — Лекин у умидни уздирди. Қайтиб келма, истагим йўқ, менга зўрлик қилма, деб тайинлади.

— Бу гаплар ҳеч гап эмас, — яна уқтирди элиг. — Сен яна бир марта боргин.

Ўгдулмиш шундай деди:

— Сўзни сўзламасанг, сенга қул бўлади. Агар оғиздан чиқарсанг, у сени қул қилади. Шунинг учун сўз айтишда шошмаслик керак. Шошиб айтилган сўз сўнгги пушаймон. Ўзғурмишни бундай тасаввур қилмаганлигимдан афсус чекдим. Ахир у — донишманд.

Сен бир марта истасанг, кўнглим минг марта тилайди. Унинг нафи менга ҳам келади-да.

Яна боргин десанг, борайин ўзим,
Ерда қолмаса бас бу гал ҳам сўзим

Элиг эса ёзсин яна битта хат,
У хатни ўқисин, ишонсин албат.

Битта хат ёзганимда ўхшатиб жавоб қайтарди, — деди элиг. — Энди яна қандай қилиб хат ёзай. Сен ўзинг хат ўрнини босаверасан.

— Элчи қанчалик содиқ ва ростгўй бўлмасин, — деди Ўгдулмиш, битилган битиг бўлмас экан, кўнгил ишонмайди. Танувчи кишиги хат ишора. Ишора аниқ бўлса, бошқа тадбирнинг ҳожати йўқ.

— Шундай бўлса, майли, — дея Кунтуғди мактуб ёзишга рози бўлди.

ИККИНЧИ МАКТУБ

Элиг яна давот ва қоғоз талаб қилди. Қўлига қалам олиб мактуб ёзди:

Аввало сенга кўп олқиш, юз минг саломлар йўллайман, эй заковати тугал. Кўнглимда бор гапларни битиб мактуб юборяпман. Қандай яшаяпсан, эй донишманд? Ҳузурингга қариндошингни юборган эдим. Тилагим сени буёққа келтириш эди. Буёққа келишни ҳам, юзимни кўришни ҳам истамабсан.

Хатимга хат билан жавоб йўллабсан, тилда айтган сўзларингни эса қариндошинг етказди.

Мактубингни ўқидим, фикрларинг аён бўлди. Энди сен ҳам менинг сўзларимни тинглагин, ўзингни олиб қочма.

Сенга шакардан ширинроқ сўз айтган эдим, оғудан ҳам аччиқроқ жавоб келди.

Сўзларимни яна бир марта эшитиб, кўнглингга ол, эй бағирдош мардим. Сен зоҳидлик отини олдинг, шу сабабли тоғлар орасида макон тутдинг. Отинг шу' шуҳрат билан ёйилди, у кишилар орасида буюк белги бўлди.

Тоат-ибодат қилишинг ана шу отинг учун, аммо ўз қадрингни зўрма-зўракилик билан ерга урма.

Буён кел, тоат-ибодат қилаётганингни ҳеч ким билмасин. Эл-юртга аралашиб юр. Ҳалол дунё қозон, ўз камчиликларингни тўлдир. Оч-яланғочларни тўйдир, йиртиқ-ямоқни бута.

Эй мен томон келмаган, бу сўзни эшит, покиза, асли улуғ доно нима, дейди:

«Кишиларга нафли бўлгин, эй доно, кишиларга наф келтирган кишини ҳақиқий эр деб аташ керак».

Шунинг учун ҳам биз томонга кел, фойдали бўл. Кўпчиликнинг мунгига яра. Наф келтирмайдиган одам тирик кишилар орасидаги ўликдир.

Ўз нафин тилаган одамми бўлар,
Киши улки, доим эл *осғин* тилар.

Нарса улашиш — сахийлик эмас. Сахийлик жони ва борини фидо эта билишдир.

Мана мен ўларман, эй элнинг қути,
Қолиб кетар ўғлим — бу бағрим ўти.

Сендан илтимосим, паноҳингга ол,
Ёмон кўчаларни қилмасин хаёл.

Қараб турма: ўргат билим ва ҳунар,
Ҳар қандай эзгулик ҳунардан унар.

Хуш бўлсин қилиғи, йўриқлари соз,
Оларини олсин хизматига мос.

Беҳуда, бўш қўйма, тергаб тур фақат,
Тергаб турса, ўғил сўнг топади бахт.

Нима дер, эшитгин, қари бир кўши,
Синаган, кўп билган, сертадбир киши:

Кичикликдан билим ўргат ўғилга,
Фойдаси тегади ўшанда элга.

Ойтўлди хатни тугатиб ўғлига тутқазади. Бу васиятномани элиг қўлига топшириши лозимлигини уқтиради. Улар видолашадилар. Ойтўлди оламдан ўтади.

Оламда нима бор ўлимдан ёмон,
Ўлимни ўйласанг, чулғайди армон

Ўлим бир денгиздир: йўқ учи-боши,
Туби йўқ чоҳ эрур ўлим бегумон.

ОТ ЎРНИНИ ТОЙ БОСАР

Ойтўлдининг вафоти элигни чуқур қайгуга солади. Ахир у ишбилармон вазиридангина эмас, содиқ ва меҳрибон, маслаҳатгўй ва жонкуяр дўстидан ҳам айрилган эди-да!

У узоқ ўйга толади. Ниҳоят Ойтўлдининг ёлғизгина бир ўғли борлигини хотирлайди. Уни саройга чорлаб, ўгитлар беради:

— Дунёнинг ўз қонун-қоидалари мавжуд: олдин ғам келса, унинг кетидан севинч етишади. Бу алам ёлғиз сенгагина тегишли эмас. У менга ҳам дахлдор. Бироқ инсон ўзини овутмоғи, ғам йўлини боғламоғи ҳам керак.

Отанг ўлган бўлса, ота мен сенга,
Оталик қилайин, ўғил бўл менга,

дейди у. Бу гапдан Ўгдулмишнинг боши осмонга етади. Ўз миннатдорчилигини изҳор этади:

— Эй ҳоқон, доимо омон бўл, узоқ умр кўргин. Отам сенинг хизматингга ўзини аямаган эди. Мен ҳам сенга жонимни фидо қиламан. Отам сенга бир хат ҳам қолдирган эди, — деб отасининг хатини ёнидан чиқариб берди.

Элиг хатни қўлига олади, ўқиб ҳаяжонга тушади.

— Наҳотки, — дейди у, — бу улуғ инсон ўлар чоғида ҳам ўзини эмас, бизни ўйлаган бўлса. Ҳақиқий одамгина шундай бўлади.

Элиг йигитни ўз тарбиясига олади, унга йўл-йўриқлар кўрсатади.

Ўгдулмиш ота мотамини ўтказди. Ўзига яхши кишиларни яқинлаштирди. Отасининг ўгитларини қаттиқ тутди. Унинг кундан-кунга қути ортди, кунлари ёришди. Ақлли киши ўз бошидан кечирганлари ҳақида шундай деган:

Отанг пандини сен қаттиқ тут, қаттиқ,
Куninг қутли бўлар, келтирар *тотиғ*.
Отангни, онангни севинтир мудом,
Юмушинг эвази бўлар минг *осиғ*.

Элиг ҳам ишларига қаттиқ киришди. Сиёсатни ҳар куни адолат билан юритди. *Будуни* бойиди, эл-юрти яшнади. Халқ элигга дуолар қилди.

Кунларнинг бирида давлат ишлари билан қаттиқ шуғулланаётган элиг кўпгина мураккаб тугунларга дуч келади. Унинг ақли ҳайратда, кўнгли безовта эди. Аммо кимдан сўз сўрашга ҳайрон. Ойтўлдини эслаб яраси тирналади:

Саройга кўрк эди, менга эзгу эш,
Элга наф берарди ундан чиққан иш.
Қуруқ қолди ўрни, бузулди ишим,
Қани бу нуқсонни тузатар кишим?!

Шу чоғ унинг хаёлига яна донишманд Ойтўлдининг ўғли Ўгдулмиш келади: ота ўлган бўлса, унинг тирик ўғли бор-ку! Бирини йўқотдим, энди бу бирини қаттиқ тутайин. Шу ўйда у Ўгдулмишга тезлик билан киши юборди. Хабарчи зум ўтмасдан унинг ҳузурига бориб етди.

Ўгдулмиш элиг ҳузурига етиб келади. Ҳоқоннинг йўқлатганидан боши осмонга етганини изҳор этади. Ҳоқон унга ўз хизматига киришни таклиф этади:

Элиг айтди: Бундан нари, эй ўғил,
Менга хизмат этгин, чўктирма кўнгул.

Менда кўп эди-ку отанг меҳнати,
Ўтай олмадим лек, қолди кўп ҳақи.

Бу ҳақни ўташим керакдир сенга
То келмасин кўплар таънаси менга.

Эшитгин, уч ўрда беги не деган,
Бу гапга ақлини пешлаган экан:

Киши хизмат этса сенга белгилиг
Унутма, бўлмагин мисоли ўлик.

Кишиликни қўйма, эй асли киши,
Кишилик қилиб юр, бу — марднинг иши.

Хизмат қилса биров бир ёхуд мингдир,
Эвази учун сен кўп хизмат сингдир.

Киши меҳнатини билмаган киши
Ҳайвон қаторидир, эй элчи боши.

Кел, ҳайвон аталма, кишиликни қил,
Кишига киши бўл, кишиликни бил.

Кишилик туфайли киши топар ном,
Кишилик туфайли олар эҳтиром.

Шу кундан бошлаб Ўгдулмиш хизмат камарин қаттиқ боғлади. Ўзини ҳар қандай юмушларга чоғлаб юрди. Тун-кун чарчаш унга бегона бўлди. Ҳатто ўша ерда ётиб, овқатни ҳам ўша ерда еди. Элиг ҳам Ўгдулмишни тобора ўзига яқин тута бошлади. Турли-туман ишларнинг йўл-йўриқларини навқирон йигитга ўргатди.

Ўсимлик қуриса, деб ўйлади элиг, унинг уруғи униб чиқади, кўкаради. Ота ўлган бўлса, ўғил унинг ўрнини босади. Ўгдулмиш кўринишидан бўладиган болага ўхшайди. Унинг ёшлигидан бўлак нуқсони йўқ. Уни қанотим остига олсам, отасининг ҳақини ҳам ўтаган бўламан. Ахир, яхшиликка яхшилик билан жавоб қайтариш эзгу одамлар йўриғидир.

Нима дейди эшит, оталар сўзи,
Оталар сўзин тут, унутма, қўзим.

Эзгулик қила бер, эй эзгу одам,
Қаримас бўлади эзгу сира ҳам.

Эзгулик қаримас, синмас қаноти,
Умри узун бўлар, бузилмас оти.

Элиг Ўгдулмишни қадрлади. Уни турли ишларда синаб кўрди. Ўзининг излаган одамини топганига ишонч ҳосил қилди. Забардаст фил ҳам, бўладиган йигит ҳам ёшлигидан маълум бўлади. Мен унда шу белгиларни кўрмоқдаман, — деб ўйлади у.

Бўлар нарсаларнинг бордир белгиси,
Кичигу улуғда шу хил бўлгуси.
Анвойи неъматни унганида кўр,
Ҳар ерда шу сўзим тўғри бўлгуси.

ФОЙДАЛИ ФАЗИЛАТ ВА ЯРАМАС ОДАТ

Элиг бир куни Ўгдулмишни чорлаб ундан инсондаги фойдали фазилатлар ҳамда ярамас одатлар қандай бўлади? — деб сўрайди. Ўгдулмиш жавоб беради:

— Эй элиг, — дейди у, — оламдаги энг улуғ фазилат эзгу қилиқ ва гўзал хулқдир. Иккинчиси — ростлик, учинчиси — ҳаё ҳисобланади. Мана шу уч фазилат бирлашса, киши бахтиёр бўлади, қут-иқбол унинг ҳузурига бош уриб келади. Чунки кимнинг хулқи гўзал бўлса, уни барча халқ севади. Хулқи соз бўлган одамга доимо тўрдан жой тегади.

Ҳаё ярамас ишлардан тияди. Ҳаёсизлик аслида жуда ёмон дард, бориб турган балодир. Ростгўйлик, ҳаё ва хуш хулқ бирлашган жойда бахтиёрлик бўлади.

Кишига наф бермайдиганлар ҳам уч хил бўлади. Уларнинг дастлабкиси ўжар ва феъли ёмон кишилар, кейингиси ёлғон тўқийдиганлар ва ниҳоят, охиргиси бахил ва пасткаш кишилардир.

Кимнинг феъли ёмон бўлса, унинг омади келган чоғида ҳам, ишлари чаппа бўлиб кетаверади.

Кимда-ким ёлғончилик билан машғул бўлса, ростгўйлар орасига сиғмайди.

Очкўзлик тубанлик демакдир. Кимда-ким шундай экан, унинг қут-иқболи кетади, оти қолмайди.

Элиг Ўгдулмишдан:

— Киши онасидан доно бўлиб туғиладими ёки муайян бир ёшга етганидан кейин заковатли бўладими? — деб сўрайди.

Ўгдулмиш шундай жавоб беради:

— Эй элиг, бу санъатнинг номи билим ва уқувдир. Одамзод онасидан албатта билимсиз туғилади. Аммо у билиб, ўрганиб тўрга чиқади. Уқув ва зеҳн эса киши табиатида бўлади. Билим кўп ўқиш ва ўрганиш маҳсулидир.

Элиг бу жавоблардан қаноатланади. Ўгдулмишни тобора кўпроқ қадрлайди. Унинг мартабасини оширади. Ўгдулмиш ҳам кўнглини очиқ тилини ширин тутди. Унинг ўртоқлари кўпайди. Ахир, дўсти кўп одам мустаҳкам қояга ўхшайди.

Бахт-иқбол очиқ кўнгил одамга ярашади. Агар у камтар бўлса, ҳусн устига ҳусн.

Кўчатга ўхшайди бу қутнинг ўзи,
Кўнгил камтарлиги — унинг илдизи.

Хушфеъл киши нақадар эзгу. У жуда ярашиқ бўлади, ишлари ҳам ривож топаверади. Мутакаббир, гердайган киши яроқсиз бўлади. Унинг иши юришмайди, орқага кетади. Давлат ҳаммага ҳам ярашади, аммо уқув-идроқли донишманд кишига у кўпроқ мос бўлади. Давлат нодон билан фақат ёнма-ён туради, холос, бироқ у доно билан ҳақиқий гўзаллик касб этади.

Элиг бу хилдаги синовларни давом эттирди. Йигитнинг етук ва комил эканлиги кундан-кунга аён бўлаверди. Ўгдулмиш қадр топган пайтда кўксини кермади, эътиборсиз қолганида ҳам юзини бургани йўқ. У хазина бошлиғи қилиб тайинланади.

Ўгдулмиш ўз ўгитларини беришда давом этди:

Бу дунёда олтин ва кумуш ниҳоятда қимматли нарса. Аммо ўзини тутган киши улардан ҳам қадрлироқ. Донолар софдил кишини кўзингга сур, дейишган. Заковат, содиқ кишига жонни фидо қилсанг ҳам камлик қилади, деб уқтиради.

Бутун деб атарлар, қандай бўлар у?
Омонатга содиқ бўлади мангу.
Лашкарда қай бири тугал эр бўлар?
Хулқи гўзал бўлса, ўшал эр бўлар!
Кишилардан кими лойиқ тақдирга?
Сахий мақтовгаю бахил — таҳқирга!

Дунёда одамзод фарзанди турли юмушлар билан банд. Уларнинг бири югуриб-елиб оламни кезади, бошқаси тиним билмасдан, жонини фидо қилиб, денгизларда сузади:

Қоя қўпоради, тоғ қазар биров,
Бири *ер қулочлар,* кезади яёв.
Бири ўғри, қотил, яна йўлтўсар,
Бири босмачи ҳам қаллоб, бошкесар.

Шунча ҳаракатлар боиси томоқ ва кийимдир. Дунёда мақтови ҳамда бойлигим ортсин деган одам одамгарчилик қилади. Кўнгил ва тилни тўғри тутсанг, эй доно, сенинг ризқинг ҳеч қачон озаймайди. Бойлик тўғриликдадир. Кунларини тўғрилик билан ўтказиш кишига кўрк. Одамгарчилик ҳамма эзгу ишларга асос бўлади.

ЎГДУЛМИШ ВАЗИР

Элиг Ўгдулмиш хизматларининг қадрига етди. Унга баланд унвон вазирлик муҳри, турли-туман зийнатлар берди. Бош-оёқ либос кийгизди. Ўгдулмиш вазирликда янада эзгуроқ сиёсат юритди. Барча одамларнинг қадрига етди.

У халқни зулму ситамдан озод қилди. Ўзидаги яроқсиз одатларни ҳам тамом йўқотди. Эл-юрт адолатдан баҳраманд бўлди. Мамлакат обод-

лашди, халқи шод-хуррам яшай бошлади. Йигитнинг қўли баланд бўлиб берди. Уни севадиганлар кўпайди, севмайдиган ёвлари элдан кочди уларнинг туги мажақланди.

Ўгдулмишнинг хулқ-атвори атрофдаги одамлар муҳаббитига сазовор бўлди. Унга ором ва фароғат етишди. Тириклиги ҳам татий бошлади. Бундай наф, бу хил эзгулик фақат доно, билимдон ҳамда ақлу идрок эгаси бўлган кишилардангина келиши мумкин. Шунинг учун эзгу номлар ҳар доим мақталади, жоҳил эса дашном олади, танбеҳ эшитади.

Билимдон кишининг барчаси — нафли. Нодоннинг иши яроқсизгина эмас, хавфли ҳамдир. Қут — донога ярашиқ. Билим — мардларга зийнат.

Нима дер, эшит, бу *Ила* бег сўзи,
Сўзининг маъноси — билимсиз кўзи:

Билимсизга давлат ёки келса қут,
Халойиқ бузилар, бўлар элга ют.
Уқувли бўлсами олам бошчиси,
Элга роҳат берар — ундан шуни кут!

Яна яхши сўзлар шоирнинг тили,
Ипорга ўхшайди унинг тамсили:

Билимсизга давлат ярашса келиб,
Билимлига ортиқ ярашар билиб.

Кунлар шундай ўтаверди, одамлар шод-хуррам яшайверди. Элигнинг қўл остидаги эли тугал бой бўлди. Кишининг сарасигина шундай қилади. Бошлиғи шундай бўлса, эл бахтга ёр бўлади. Халқи содиқ бўлса, бошлиқ кўнгли тўқдир.

БИЛИМДАН БОШЛАНАР ДОНОЛИК ЙЎЛИ

Элиг бир нарсага ҳайрон эди: Ўгдулмишнинг отаси ўлган пайтда бу йигит жуда ёш қолди. Аммо ундаги бу комиллик, ақлу заковат қаердан етишди? Билимни билувчилар қандай билиб олишади? Донолик йўли қандай? Ўзининг шу саволлари билан у Ўгдулмишга мурожаат қилди.

— Эй элиг, — деб сўз бошлади йигит. — Кимки марҳаматга сазовор бўлса, ўша эл-юрт орасида машҳур бўлади, номи ёйилади:

Бунга мослаб айтди бир туркий мақол,
Бошидан кечирган бу кўкчин соқол.

Буларга қўшилса ота олқиши,
Фаровон кечади киши ёз-қиши.

Отамдан олгандим, кўр, эзгу дуо,
Бу дуо сўзини мен этдим бажо.

Элиг сабаб бўлди бунга албатта,
Билим-ҳунарлардан қолмадим четда.

Бунинг асосида сенинг ўзинг ҳам борсан. Чунки кишининг кўнгли боққа ўхшайди. Бу боғнинг яшнатувчи суви беклар — бошлиқлар сўзидир. Бу сўзни қадрламоқ лозим:

Сув келса қай боққа камаймай сира
Унда гул очилар хилма-хил, сара.

Бек тилида бўлса ширин, эзгу сўз,
Қул кўнгли ўсади, порлаб кетар кўз.

Эзгу сўз бўлмаса агар ушбу тил,
Очилган чечак ҳам тез қурийди, бил.

Донолик йўли билим билиш, турли соҳадаги маълумотларни ўрганишдир. Билимга эришиб доно бўлганларнинг элга ҳам нафи кўп тегади. Туғилган пайтида уқуви бўлмаса, унинг тилаклари ҳам амал олмайди.

Болам тутсин десанг донолик йўлин,
Кичикликдан тегиз билимга қўлин.

Агар бола кичикликдан билим ўрганса, унинг идроки ҳам яхши бўлади, заковати ортади.

Лекин билим билан уқув-идрок бир хил нарса эмас. Уқув-идрок киши миясига жо этилган. Бошнинг азизлиги шундан.

Уқув-идрок киши учун кишандай гап. У ёмон ва ярамас ишларга яқин йўлатмайди.

Уқувли тирикдир, уқувсиз — ўлик,
Келу, эй уқувсиз, уқув ол *улиг*.

Киши уйга, оддий эмас, қоронғи уйга ўхшайди. Уқув-идрок эса машъал каби унга нур сочади, шу уйни ёритади, яъни кишини равшанликка элтади. Оламдаги турли эзгуликлар уқув-идрок туфайли содир бўлади.

Билим эса кишини юксалтиради, унга улуғлик келтиради.

Иккови туфайли улуғдир инсон,
Адолатга бошлар улар ҳар қачон.

Билим билан киши жудо ҳайвондин,
Буюкроқ нима бор, қани айт ондин?!

Бу жавобларни эшитганидан кейин элиг яна бошқа савол билан мурожаат қилади: — Менга уқув-идрокнинг суратини чизиб бергин, токи мен бу суратга қараб унинг ички оламини ҳам очиқ тушуниб олай.

Уқув-идрокнинг юзи, чиройи қанақа? Унинг хулқ-атвори қандай бўлади? Туриш-турмуши нечук?

Ўгдулмиш шундай жавоб берди:

— Уқув-идрок кишига қувонч келтиради. Бу қувонч узлуксиз бўлиб, ойда ҳам, йилда ҳам тугамайди. Уқув-идрокнинг юз чиройи гўзал, ёши — навқирон. У оламдаги барча эзгуликларга элтувчи равон йўл. Хулқ-атвори — ёқимли, қилиғи — гўзал. Ўзи оғир ва вазминдир. Уқув-идрокнинг қўли етган жой бўстонга айланади. Унинг истараси иссиқ, барчага манзур бўлади. Одамзод насли ундан ҳузур олади.

Уқув-идрокнинг кўзи ўткир. У қай ишга киришса, унинг барча сир-синоатларини охиргача ўрганади.

Жами ярамас, булғанч ишлар уқув-идрок туфайли покланади, тозаланади. Тугун тушган ҳар бир иш ҳам у туфайли ечилади, ўз маромига етади. Уқув-идрок ўнгдан ҳам, сўлдан ҳам, яъни ҳамма ёқдан хабардор. У қочганга етади. Учган ҳам унинг қўл остидан чиқиб кета олмайди. Бутун бузуқ ва яроқсизликлар у туфайли тузалади, бут бўлади.

Уқувсиз киши доимо ўкинч билан яшайди. У ғам-аламларга чулғанади. Ахир, уқув-идрокдан улуш олмаган киши тирик эмас, ўликдир.

Уқув-идрок қоронғи кечадаги машъал, кўр одам учун кўз, ўлик танларга жон ҳамда соқов ва гунг одамлар тилидаги сўз кабидир.

Уқув-идрокнинг хулқи ўнг, яъни тугал ва етук, унинг сўли — ярамаслиги ёхуд қусур-камчилиги йўқ. У бутун, чин, пок бўлади. Касали бўлмайди. Кимда уқув-идрок бўлса, унинг белгиси мана шу мен айтганлардан иборат. Буларни уқув-идроки бор кишилар тезда билиб олади.

Уқув йигит эрур — чолдек ақли бор,
Уқув қайда бўлса, қил ўзингга ёр.
Қариси — салобат, ёши — суюкли,
Унда наф талайдир, эзгулик — бисёр.

Бу сўзларни эшитган элиг беҳад суюнди. У Ўгдулмишга юзланиб деди:

— Мен ҳаётда кўп эзгуликларни кўрдим. Улар орасида сен мен учун алоҳида туҳфа бўлдинг. Ахир эл-юртни бошқариш, уни идора қилиш бир кишига оғир.

Бунча машаққатлар оғир бир отга,
Унга дош берганлар етар муродга.

Менинг юким олдинг, тилак эш бўлди,
Мен-ку ғамдан тиндим, сенга иш бўлди.

Элиг бир куни Ўгдулмишни ҳузурига ундади.

— Жон ва тан *етти андомга* боқса, кўриладики, ҳар бир аъзо ўз улушини талаб қилади. Кўнгил ҳамда кўзнинг *тотиғи* — муддаоси нима? Улар орқали жон нима улуш талаб қилади?

Ўгдулмиш жавоб берди:

— Кўнгил орзулари кишини қаттиқ оҳ уришга мажбур қилса, тотиғ шудир. Ёқтирган кишининг юзини кўрса, бу кўзга хуш келади, орзуга эришиш кўнгилга хуш келади.

Кунтуғди яна савол берди:

— Ёқтиришнинг нишонаси қанақа? Ҳамма яхши кўраман, ёқтираман деб даъво қилади, бу даъвонинг маъниси нима?

Ўгдулмиш жавоб берди:

— Севучи кишининг юзига қаралса, севиш-севмаслигини билиш мумкин. Кўз билан қаралса, ҳамма нарсада парда-тўсиқ бўлиши мумкин, аммо кўнгил билан қаралса, уни ҳеч қандай парда тўса олмайди. Шунга кўра, ёқтириш-ёқтирмасликни билиш учун кўнгил билан қараш лозим.

Ёқтирган кишининг юзида белгили аломатлар мавжуд. Бу нарса кўз кўзга тушганида аён бўлади. Шоирнинг сўзи бунга ўхшайди. Уни тинглаб, қулоғингга ол:

Севимли кишининг юзи белгилиг,
Тил очса маъноси, сўзи белгилиг.
Севар-севмасини билайин десанг,
Сенга тикка боқса — кўзи белгилиг.

Албатта, сенинг бу қадар ҳалол ва сидқидиллик билан хизмат қилаётганинг жигаргўшалик, яъни яқинлик аломатидир.

Орадан кунлар, ойлар ўтди. Элигда янги-янги саволлар туғилди.

— Агар тинглаш билан чин донолик эгалланар экан, — дейди элиг, — кўп сўзлаш бошнинг кетишига сабаб бўлади. Аммо савол сўраган зориққан бўлиб қолмайдими?

Ўгдулмиш жавоб беради:

— Сўрамоқ осон иш. Жавоб бермоқ — мушкул. Бироқ сўзлашдан кўра эшитмоқ афзал:

Сўзни сўзлагучи койитар жонни,
Тингловчи овутар руҳи равонни.

Жаҳонда кўпни кўриб, кўпни синаган донишмандлар оз сўзлаб, кўп тинглашни маслаҳат беришган.

Сўзни сўзламасанг соф олтин сана,
Тилдан чиқса мисга тенгдир росмана.

БИР ЙИГИТГА ҚИРҚ ҲУНАР ОЗ

Ўгдулмишнинг жавоблари элигни қаноатлантиради. Лекин унинг билишга бўлган интилишлари шунчалик кучли эдики, саволлар тобора ортиб боради. У турли-туман касб-ҳунарлар, амал-мартабалар, уларни эгаллаши лозим бўлган кишиларнинг қандай хислат-фазилатга эга бўлиши ҳақида ҳам билишни орзулайди.

Халқнинг орасида билимли ва билимсиз, *чиғой* ва бой, уқув-идрокли ва зеҳнсиз, бечора ва гадойлар бор. Уларни йўлга бошлаш учун бек қандай бўлиши керак? Унинг номи ёйилиб, ишлари яхшиланиши учун нималар лозим?

Токи эли яшнаб кетса, будуни бойиса, эзгу ном чиқариб, халқи кўпайса! Кумуш ва қимматбаҳо жавоҳирлар билан хазинани тўлдириб ёв бўйнини янчса! Мана шуларга эришиш учун нима талаб этилади?

Ўгдулмиш жавобда:

— Эй элиг, беклик ишни беклар билади. Мен бир сўз айтишдан ожизман, — дейди.

Элиг:

— Иш қилган ўз ишига баҳо бера олмайди. Бу ишга баҳо бериш — кузатувчининг иши. Мен ишни қилувчиман, сен — кузатувчи.

Менга хизмат этдинг болаликдан то,
Сен қилган ишларнинг бари-бехато.

Бор ишларни тугал ўргандинг ўзинг,
Садоқат тимсоли қилмишинг, сўзинг.

Содиқ эрга очар ҳар ким ўз сўзин,
Содиқ фидо этар кишига ўзин.

Содиқ бўлганинг-чун ишонгум сенга,
Садоқат билан айт бу сўзни менга:

Эшитгин-а не дер бир содиқ киши
Садоқатдир асли кишилик боши.

Содиқларни мақтар зако бехато,
Содиқ эр азиздир элда доимо.

Содиқ эрни топсанг қучоғингни оч,
Менга шундоқ деди билимдон зако.

Ўгдулмиш бек (мамлакат бошлиғи) бўладиган одам қандай фазилатларга эга бўлиши ҳақида шундай дейди:

— Бек доно, ботир, шерюрак бўлиши керак. Унинг билимли, заковатли, мулоҳазакор бўлиши тақозо этилади. Очиқ юзлилик — бекнинг яхши фазилатларидан бири.

Одамзод насли аслида ер юзидаги барча жонлилар орасида энг улуғидир. Аммо бу улуғлик билим билангина тўлиқлик, мукаммаллик касб этади. Беклик муқаддаслик ва покликни талаб этади. Ҳушёрлик, сергаклик у қўйган талаблар қаторининг бошида туради.

Эл боши керакдир баҳодир абжир,
Ҳар ишга қўл урса у кейин арзир.

Ўтукон беги не дейди, сен эшит,
Синалган бу сўзни ўзингга иш эт:

Сара бўлсин жуда элнинг сардори,
Тил, дили чин бўлсин, гўзал — атвори.

Билимли, заколи, етук — нуқси йўқ,
Қўли очиқ бўлса, кўзи, кўнгли тўқ.

Бундан ташқари, бек эзгулик йўлида собит ва комил турмоғи, ақл-идрок йўриқларини тутмоғи керак. Билим иш бошини белгиласа, идрокни юритиш барча юмушларни ўнглайди. Билим билан эл ёмон йўлдан асранади. Билимсиз кишининг қўли калта бўлади.

Бекларнинг касаллиги — хатосини тузатувчи дори-дармон ҳам ақл ва билимдир. Кимда-ким бузуқ феъл бўладиган бўлса, уни замона ўқи қаттиқ ярадор қилади. Ярамас қилиқли кишидан омад ҳам юз ўгиради, у ғамга гирифтор бўлади.

Андишали ва хулқи покиза кишилар софликка интилади. Андишали киши ўз кўнгил истакларини тийишнинг уддасидан чиқади. Андишасиз бўлса, у нуқсонли, нопокдир. Қарор ва чидам — эл бошлиғига кўрк.

Идрокли одамгина ишбоши бўлишга лойиқ. Жоҳил ва беғам одамларнинг ишдан йироқ тургани маъқул. Кўнгилсиз кишининг кўзидаги нурдан ҳам наф йўқ, у атрофни керагича кўрмайди, кузата олмайди.

Донишманд киши бу ҳақида шундай деган:

«Уқувли-идрокли бўлса қай одам,
Киши деб атагин, мақтагин ҳар дам.
Ёвузни эзгу тут, кичикни улуғ,
Уқув-идрок, билим бўлса унда жам».

Ақлу идрок чек-чегарасиз эзгулик демакдир. Ақлу идроки бўлсагина, ундай одамни доно деб аташ мумкин.

Шошилмоқ енгил-елпи ишларни қилмоқнинг оқибати даҳшатли бўлади, булар барча одамларнинг ёвуз ёвидир. Бундай нолойиқ одат кўпчиликка бош бўлган кишиларда бўлса, уларнинг юзи бўзга айланади, яъни қадр-қиммати бўлмайди, обрўси тўкилади.

Шошилиш, енгил-елпи ишларга ҳавас, жаҳлдорлик — нодонлар иши.

Шошиб қилинган ишнинг охири бахайр бўлмаганидек, шошилиб пиширилган овқат ҳам кишини касал қилади.

Булардан ташқари, яна қуйидаги хусусиятлар ҳам эл бошлигида бўлиши шарт:

Кўзи тўқ, уятли бўлса гар ўзи,
Очиқ бўлса юзи, кўнгил ҳам сўзи.

Ҳеч тўймас бўлади кўзи суқ киши,
Кўзи суққа етмас бу дунё оши.

Суқлик бир дард эрур, йўқ чора, эми,
Уни тузатолмас дунё ҳакими.

Еса, ичса охир бари оч тўяр.
Кўзи оч очлигин ўлганда қўяр.

Мол-мулк ила бўлмас кўзи суқлар бой
Оламни олса у, барибир, гадой!

Хулқи андишали, хуш бўлган одам
Ёвуз, ёмон ишга қўймайди қадам.

Табиат берса гар уят — *кўз суви*,
Тугал келар унга давлат — *юз суви*.

Кишига чиройдир уят-андиша,
У асрар ножўя ишдан ҳамиша.

Тили чин керак, бўлса кўнгли улуғ,
Нафи тегса унинг элига тўлиқ.

Беклар хиёнатга бўлса гар мойил,
Элига наф етмас ундан, эй ўғил.

Кўнгил, тил, қилиғи соз бўлмаса гар,
Чораси топилмас, элдан қут қочар.

Сўзидан қайтадиган бекка умид тутма: тириклигинг бекор кетади, ўзинг ўкинч оласан. Бек соғ, ҳушёр, сергак бўлиши лозим. Улар ғофил бўлса, бало ёндошади. Эл учун икки нарса мустаҳкам таянчдир: бири — ҳушёрлик, бошқаси адолат. Шу иккаласи эл омонлигининг илдизидир. Қайси бек ҳушёр бўлса, элини мустаҳкамлайди, ёв бўйнини янчиб, унинг устига балолар ёгдиради. Қайси бек элида тўғри (одил) сиёсат юритса, элини яшнатади, унинг кунларини ёритади. Мана шу икки нарса тугал бўлса, эл ҳам мангу тураверади.

Ҳушёрлик элни орттиради. Ғофиллик бекликни бузадиган йўлдир.

Шунинг учун ҳушёр бўлиш, ёв бўйнини янчиб ташлаш лозим, токи у элюртга дахл қила олмасин.

Ўз элингга адолатли бўл. Шунда тинч бўласан. Эл бузилса ёхуд у тўзийдиган бўлса, бунинг сабаби иккита:

Бири — зўравонлик, ғофиллик — бири.
Шулардан бузилар бошлиқ тадбири.

Ёв бўйнини янчиб ташлашни истаган киши тунда ҳам, кундузи ҳам қулоғини соғ — ҳушёр тутиши лозим. Ҳушёрлик туфайлигина ёвни енгиш мумкин. Ғофиллик беклик боғини бузади. Ғофилларнинг мўлжаллаган ишлари ҳеч қачон битган эмас. Улар қут-саодатнинг ҳам қўлидан тута олмайди.

Соғ-ҳушёр ботирлар ғофил душманнинг бошини кесади. Агар ёв ғофиллик қилмаганида уни енгиш осон кечмас эди.

Бошлиқ ҳушёр бўлса, эл-юрт бало-офатларни кўрмайди. Бордию бало-офат тутадиган бўлса, ҳушёр бошлиқ бунинг тезда чорасини топади.

Нима дер, эшитгин билимли сўзин,
Тутолмайди элни золим кўп узун.

Ёнар ўт мисол зулм, ёқар, куйдирар,
Адолат сув эрур — неъмат ундирар.

Элга бош бўлайин десанг, тоабад
Одил бўл, элингни асрагин фақат

Эл ортар адл ила, безанар олам,
Зулму кучдан қулар, бузулар олам.

Талай жой бузулди золим ўчидан
Золим ўлиб кетар охир очидан.

Тўғрилик ва адолатга таянувчи беклик бузилмайди. Оламда энг ёмон иллат, нуқсон бу бошлиқнинг «ёлғончи» деган номни олишидир.

Бошлиқ тўғрисўз, бутун ва соғлом бўлиши керак, токи эл-юрт унга ишониб кўнгил қўйсин.

Ёлғон гапирувчи вафосиз бўлади. Вафосиз киши ўз яқинларига, дўст-ўртоқларигагина эмас, барча элига ҳам ёмон ишлар қилади, бало келтиради.

идир.
унинг
итса.

Нима дер, эшитгин, вафоли киши,
Вафодир кишига кишилик боши.

Тили ёмон эрга жафо белгидир,
Жафо кимда эса, ўша йилқидир.

Ёлғончи кишида бўлмагай вафо.
Бу сўз кўп қадимги, талай йилгидир

Эл бошлиги юракли бўлиши керак, токи юраксизлар ҳам ундан юрак олсинлар. Юракли юраксизга бош бўлса, юраксиз ўз феълини ўзгартиришга мажбур бўлади. У ҳам довюраклик қилади. Бунга ҳаётдаги бир ўхшатишни мисол қилиб келтирса бўлади:

Агар кўппак (ит) ларга арслон бош бўладиган бўлса, барча кўппак (ит)лар ҳам арслон сингари яшайди. Арслонга кўппак бош бўлса-чи? Унда арслон ҳам шу кўппак ҳисобига киради.

Бошлиқ фазилатларидан яна бири — очиққўллилик, сахийликдир. Озиқли баҳодирларга жаҳон бойлиги камаймайди. Ахир учиб юрган қушларнинг ризқи — дон-дун ҳам озаймайди-ку!

Бошлиқ бешта ишдан узоқ турмоғи, улардан асранмоғи шарт.

Булар:

Бириси — шошилмоқ, бири — кўзи оч,
Бири жаҳолатдир, яқинлашма, қоч.

Тўртинчи — ёвузлик, бузуқ феъллилик,
Охиргиси — ёлғон, қўпол тиллилик.

Бу беш ишдан бошлиқ йироқ турса, то
Номи булғанмаса, бўлмаса хато.

Булардан тубани ёмон феъл эрур,
Ёмон феъл кишига аламлар берур

Қадимги шоирлар буни шундай таърифлашган:

Бузуқ феъл кишини ҳар доим босиб турадиган оғир юкка ўхшайди. У кишига азоб беради. Ёхуд бундай одам мисоли итдир. Бу ит оддий бўлмай, қутурган, қопағон итдир. У ўзи истаган пайтда сенга ташланиши мумкин. Ёв қилмайдиган ишни ҳам ёмон, ярамас хулқ-атвор қила олади. Шундай экан тубан феъллиликнинг ёвдан нима фарқи бор?!

Шунинг учун:

Тили бўлса унинг шакардан ширин,
Улуғ ҳам, кичик ҳам беради бўйин.

Очиқ юз, ширин сўз, майинлик керак,
Феъл-атворда мослик, тайинлик керак.

Тили юмшоқ эса ҳам очиқ қўли,
Бировларга яна куйинса дили.

Ҳунарларни билса талай ҳам тугал,
Яроқсизлар ишин эта берса ҳал.

Чунки тугуг юз, яъни қовоғи солиқлик, дағал сўз, такаббурликка асосланадиган қилиқ киши кўнглини совутади, улар одатдаги йўриқларни бузади.

Яроқсиз ишлар, шошилмоқ, енгил-елпилик — тубан одамларга хос бўлган одатлар. Улардан йироқ туриш лозим. Тубанларнинг яқинлашиб келиши — бало ва азоблар аломати.

Эл бошлиғи беҳуда ишлар билан овунмаслиги керак. Агар у беҳуда ишлар тизгинини ушлайдиган бўлса, эли бузилади, ўзи бир гадога айланади.

Фисқу фасод — қут-саодат душмани. Фасодчи элни бузувчидир. Қут, яъни бахт-иқбол муқаддас бўлиб, у покликни тақозо этади.

Эл ичида бирор ножўя иш қилувчи киши топилиб қолгудай бўлса, уни эл бошлиғи тартибга чақиради, тўғри йўлга солади. Бордию бошлиқнинг ўзи ножўя қадамлар ташласа, яроқсиз ишлар сари майл билдирса, уни ким тузатади?!

Нопок, яроқсиз, кир нарсаларни эл-юрт сув билан ювиб тозалайди, поклайди. Агар сувнинг ўзи кир, ифлос бўлса, уни қандай тозалашади?! Ёки буни бошқа бир ҳодиса билан қиёслаш мумкин:

Кишининг тоби қочса, касал бўлса, уни табиб эмлайди, даво-дармон қилиб тузатади. Аммо табибнинг ўзи соғлигини йўқотгудай бўлса, унга ким ёрдам қўлини чўза олади?! Уни ким тузатади?!

Шунинг учун ҳам бошлиқнинг хулқ-атвори покиза бўлса, эл-юрт йўл-йўриқлари ҳам шундай бўлади. Бошлиқ сиёсати — эл-юрт одати.

Керилиш, такаббурлик кераксиз нарса. Такаббурлик тўғри йўлдан оздиради. Кўнглини кичик тутган, камтарлик йўлида юрган киши улуғликка етади.

Ғурур, кибрлилик — *осиғсиз*, у кўнгилни совутади. Кўнгил камтар тутилса, кишини улуғлайди. Бек юмшоқ кўнгил, камтар бўлиши керак, агар шундай бўлмаса, сен ундан юзингни тескари бур, умидингни уз. Бек очиқ кўнгил бўлиб, ёзиқ қилган кишининг ёзиқларини кечира олса, киши кўнгли илийди, унга бағирдош бўлади. Бағирдош киши содиқдир. Халқ бошлиғига шундай ҳиммат лозим. Бу ҳимматга муносиб мурувват лозим. Ҳиммат ва мурувват билан шуҳрат таралса, киши тилагини топади, ови юришади.

Эл-юртни бошқариш асосида икки нарса ётади: бири адолат кўрсатиш бўлса, иккинчиси, улардан марҳаматни аямасликдир.

Агар бек этмаса ўз элини ёд,
Уларни таласа келиб ўзга, ёт.
Халойиқ тарқалар, бузулар эли,
Қулаб тушар беклик, бертади бели.

Элга бошчилик қилиш оғир. Бу ишнинг ташвишлари, бош оғриқлари кўп:

Ҳоқон бўйни — қилча, *ўкакча — боши*,
Буларга ишонмас ҳеч фозил киши.

Элиг бош оғриғи улуғдан улуғ,
Кунига хатарли унинг ҳар иши

Элга бошчилик қилиш шундай оғирки, ундан бировлар ошини еса, бировлар ўз бошини ейди. Роҳатни истаган бошлиқ қуйидагиларга амал қилмоғи шарт:

Бутун халққа бўлгин содиқ, меҳрибон,
Тугал, эзгулик эт ўзинг ҳар қачон.

Эл-юртга нафли бўл, зарар келтирма,
Ёмон-ярамасга омонлик берма.

Эй элиг! Элга бошлиқ бўладиган одам ҳақида билганларим шулар эди. Уларни сенга бирма-бир баён этдим, — деб Ўгдулмиш ўз сўзини тугатди. Элиг ундан миннатдор бўлади. Сўнг вазирлик мартабасига лойиқ бўладиган одам ҳақидаги фикрларини сўрайди.

КИМ ВАЗИР БЎЛАДИ?

Ўгдулмиш Ойтўлдининг саволига шундай жавоб беради:
— Эй ҳоқон!
Вазир эл бошлиғининг ўнг қўлидир. У, шубҳасиз, жуда керакли киши бўлади. Чунки вазир эл-юрт ишининг ҳозирлигини кўрадиган энг катта кишидир. Вазир туфайли оғир юклар енгиллашади, ишлар пишиқ-пухта бўлади.

Вазирликка етук, сара эр керак,
Оқил бўлса токи, яна довюрак.

Баланд бўлса илми, уқуви — чуқур,
Бажо этса ишни, юзни ёритур.

Бугина эмас, у пишиқ ва одил бўлиши, бошқаларни ҳам шу йўлга ундаб туриши лозим. Вазирлик — улуғ иш. Бу ишга ишончли, етук ва сара, уқув-идрокли, доно ва юмшоқ кўнгил, айни пайтда дадил ва журъатли кишилар керак.

Номусли, имонли, яна нуқси йўқ,
Элу юрти бўлса ундан кўнгли тўқ.

Номусли кишидир киши сараси,
Бева-бечоранинг удир чораси.



Номусли ҳар ишда чин, ҳушёр бўлар.
Яроқсиз иш қилмас, меъёрни билар.

Уятли, етук ҳам кўзи, кўнгли тўқ,
Уятсиз, кишининг кераклиги йўқ.

Вазир кўзининг тўқ бўлиши уни ҳар хил мол-мулк олдида суқланишдан асрайди. Кўзи оч одам бор оламни еса ҳам тўймайди.

Кишилар орасида энг етуги — номусли, уят-андишалилардир. Номусли одам кишиларнинг сараси бўлишга лойиқ. Номуслига ҳар қандай ишни топшириш хато эмас. Номуссиз пасткаш бўлади, у ҳеч қандай тубанликдан қайтмайди. Пасткашдан йироқ тур. Унга иш берма.

Номус, андишаси бўлмаган одам ҳар қандай пастликдан қайтмайди. Бахиллик уларнинг доимий одати. Уятсизнинг тили ҳам дуруст сўзламайди:

Нима дер, эшитгин, номусли, одил,
Ўгитлар беради сенга сидқи дил.

Уятсиз кимсадан андиша йироқ,
Уятсиздан йироқ юрган яхшироқ.

Уятсизнинг юзи — гўштсиз бир суяк,
Уятсиз касалдир, тузалмас бешак.

Ҳа, уятсизнинг юзи гўштсиз суякка ўхшайди. Гўшти шилиб олинган суяк кимга керак?! Ҳеч кимга! Унга ҳатто итлар ҳам қайрилиб қарамайди. Бундан келиб чиқадиган хулоса шуки, уятсизнинг ҳеч кимга, жамиятга кераги йўқ. Уятсизлик оғир дард, касалликдир. Уни тузатиш амри маҳол.

Уят кишининг юзига сув беради. Кишининг юзига сув тегса, у чиройли бўлади, бошқаларнинг диққат-эътиборини тортади, обрўси ортади.

Вазирнинг кўриниши ёқимли, ишлари тўғри, феъл-атвори шуларга мос бўлса, эл-юрт ҳам ундан доимо баҳра топади. Кишининг ташқи кўриниши унинг ички оламидан, яъни маънавий бойлигидан хабардор қилиши мумкин. Синаб, яхши-ёмонни билган киши шундай дейди:

Киши кўриниши — феълининг эши,
Юзи, қилиғида тенг турар киши.
Ташини кўриб бил унинг ичини,
Ташидек ичидир, ичидек таши.

Булардан ташқари, вазир доно, ўктам, ҳисоб-китобни жуда пухта биладиган, тетик ҳамда турли-туман ёзувларни биладиган бўлиши ҳам талаб этилади.

Вазирлик иши ҳисоб-китоблар билан боғлиқ. Ҳисоб-китоб жойида

бўлмаса, ишлар чала қолади. Ҳисоб-китоб туфайли иш-амаллар ойдинлашади, ою йилнинг иши у туфайли ҳал этилади.

Тетик бўлмагунча ишлар ўнгланмайди. Одам барча ишларни тетиклик билан амалга оширади.

Ҳисобни қадимда дейишган *соқиш*,
Аслида қаралса соқиш бу соғ иш.

Битиг билан одам битар билганин,
Ёзаркан англайди нелар қилганин.

Тетиглик нишони бўлар бу битиг,
Битиг билгучи эр бўлур зўр, тетиг.

Битиг билмас эса киши ўғлони,
Нечук билинарди йил, ой, кун сони?!

Доно ёзиб қўймас эса бирма-бир,
Ҳисоб учун қолгай эди не табир?!

Кўнгил камтар бўлса кишини севинтиради. Кишини севинтирганлар, эш-оғайниларнинг кўнглини овунтиради. Вазир очиқ дил, кўнглида кир сақламайдиган бўлмоғи керак. Очиқ дилли кишининг сўзларига боқ:

Суюкли бўлади очиқ дил киши,
Дили тошнинг қарғиш қозонмоқ иши.

Улуғлик олади киши камтари,
Улуғликка етмас дағал аксари.

Вазирликка бутун, ростгўй, ёзув-чизув ишларидан тўла хабардор бўлган киши керак. Унинг қилиғи, хулқ-атвори кўпчиликка манзур, тили билан дили бир бўлиши лозим. Уят-андиша эгаси, дили кирсизлар бу амалга муносибдир. Кўзи тўқ, абжир, билағон, сезгир, яхши-ёмоннинг фарқига борувчилар вазирликка лойиқ бўлади.

Уят-андишали, бўлса содиқ, чин,
Очиқ кўнгил билан ўтаса бурчин.

Тилакдек соз бўлар элигнинг иши,
Элида бўлмагай бойимас киши.

Вазир бўлса элга яроқсиз, ёвуз,
Эл-юрт шодлигига етар тажовуз.

Вазир эзгу бўлса, эли наф олар,
Эл нафидан элиг севинчга тўлар.

Билимдон кишилар тажрибасида синалган кўплаб хикматлар бор. Уларнинг бирида шундай фикрлар мавжуд:

«Бошлиқ тили ва кўнглини тўғри тутадиган бўлса, унинг ходимлари, қўл остидаги ишчилари ҳам тўғрилик йўлини танлайди. Бошлиқлар золим бўлса, уларнинг ҳаёти афсус билан ўтади. Унинг қўл остидагилар ҳам эзгу ишни, яъни тўғрилик йўлини йўқотишади».

Вазир ёмон бўлмагунча, бу даргоҳга ёмонлар ёндона олмайди.

Ёмон қаерда бўлса, унинг ёмон, ярамас жўралари, дўст-огайнилари ҳам ўша ерда бўлади. Ёмон билан яхши бир-бирига қоришмайди. Тўғри билан эгри бир жойда туролмайди:

Қора тун, ёруғ кун — бир-бирдан йироқ,
Яшил сувга қизил ўт бўлмас қўшоқ.

Агар нотаниш одамнинг кимлигини билмоқни истасанг, унинг таниш-билишларини сўра, суриштир. Шунда ҳамма нарса ойдинлашади. Чунки табиатда ҳам, жамиятда ҳам барча мавжудот ўз тўши, тўдаси билан бирга яшайди:

Бу сўзнинг исботи — сўзимни ўқи,
Бу байтни ўқигин, у кўнгил тўқи:

Юрувчи, учувчи бу тўп жонивор,
Тенгини эш тутар ўзига зинҳор.

Ёмон билан яхши қоришмас, қочар,
Бор оламга мансуб шундай қонун бор.

Вазир юрт бошлиғига кенгашчи бўлади. Кенгашчи бир ишни тенг қилувчидир.

Ёмонга қўшилма, чунки ёмоннинг яхшиси ҳам, барибир, ёмондир. У охир-оқибатда ғам-аламларга гирифтор қилади.

Бошлиққа эзгу киши яқин бўлса, унинг овозаси оламга ёйилади. Эл-юрт ишлари ҳам яхшиланади. Борди-ю унга ёмон одам яқинлик қилса, номи ҳам, эл-юрт юмушлари ҳам булғанади.

Эй элиг, мен айтган сифатларга эга бўлган вазирни топсанг, у сени роҳатга етказади, элиг ҳам фароғат топади. Ундан тилагинг тугал бўлади, ишинг қай ҳолда бўлмасин, бажарилади. Булардан мамлакат яшнайди, аҳоли бой-бадавлат бўлади, хазина кўпайиб, элнинг кунлари бахтиёр ўтади. Қозонган эзгу отинг мангу қаримас бўлиб қолади.

Яхши вазир — юртга бойлик, элга — роҳат.

Ўгдулмиш сўзини тугатди. Элиг ундан мамнун бўлди. Сўнг лашкарбоши ҳақидаги фикрини сўради. Бу саволга берилган жавоб кейинги бобдан ўрин олган.

ҚЎШИН БОШЛИҒИГА КЕРАК КЎП ҚИЛИҚ

Ўгдулмиш яна жавоб беришга киришди.

— Эй, хоқон, — деб бошлади у. — Қўшинга албатта битта бошлиқ керак. Бу бошлиқнинг номини эшитибоқ ёв лашкарининг уйқуси ўчиб кетсин.

Бу ишга пишиқ, пухта йигит лозим. Унинг ўзи кўп нарсани бошидан кечирган, дадил, шерюрак бўлгани яхши.

Лашкарга бош бўлиш — оғир иш. Ахир у ёв билан юзма-юз туради. Шунинг учун йигитлар орасидан сара, мард ва кучли, мерган ва саховатли кишини ажратиш лозим.

Аммо ғофил кишилар бу ишга ярамайди. Дастурхони кенг, қўли очиқ кишилар кўпчиликнинг бошини қовуштира олади. Саховат кўрган лашкар ҳам бир-бирининг қўлидан қаттиқроқ ушлайди. Уларнинг жипслиги ортади. Лашкарбоши кўп нарсалардан тийилиб, ўзи учун бир от, тўн, қурол билан кифояланган маъқул.

Ўзини ўйлаб дунё йиғиш, ер-сувим, боғ-роғим деб олтин-кумушга кўнгил бериш унга бегона бўлгани яхши.

Унинг ёнига йиғилган баҳодир, ботирлар жонларини фидо этиб, тоғ қояларида ётган чоғларида ўз бошлиқларидан ўрнак олишади. Билим, эс-ҳушлилик, алпзўрлик ва жасорат — уларнинг зийнати. Жангу жадалларда юраксиз киши — кераксиз. Юраксиз жангчи аёллар қаторига мансуб.

Юраксиз битта қўрқоқ бутун бошли қўшинга таъсир ўтказади, уни бузади. Қўшиннинг бузилиши алп эрларга ҳам кучини кўрсатади: улар камида саросима ва ваҳимага берилиши мумкин.

Ўлим бор нарса: у ҳаммага келади, амма вақт-соатсиз, бемаҳал ўлим бўлмайди. Ўлим унутилса, ёв енгилади.

Лашкар бошлиғи уят-андишали, ор-номусли бўлсин. Эркак киши ор-номусини деб ёвга отилади, ундан ўчини олади. Ор-номус туфайли у ёв лашкарини пароканда қилади.

Урушда энг аввал беномуслар чекинади, орқага қараб қочади. Номусни деб қўрқоқ ҳам алплик қилади. Ўкинч ичида қолган одам ўзини ўлдиради.

Юракли дегани аслида номусли дейиш билан баробар. Номусли одам ҳалок бўлса ҳам жанг майдонида урушиб ҳалок бўлади.

Лашкарбоши қилиғи қулай, камтар, кенг кўнгил, ширин сўз, кишининг кўнглини овловчи бўлгани яхши. Бу хусусиятлар уни элга севдиради. Кўнгли мулойим бошқалар дилини ҳам иситади. Тили тез, жоҳиллардан одамлар ўзларини четга олишади.

Қўшин бошлиғи кўнглини улуғ тутса унинг бошига ёв таёғининг учи тегади. Кўнгил гурури ғофилликнинг остонасидир. Ғофил эса ё эрта синади, ёхуд бевақт ҳалок бўлади.

Аскарлар тепасида турган киши салобатли ва хушчирой, айни пайтда қаттиққўл ва талабчан бўлиши шарт, бу ёмонларни қўрқитади.

Қўшин ташланаркан ўзи ҳолига,
Бузилар, аслига бўлолмас эга.

Ёмонларга ғазаб, яхшиларга ҳурмат кўрсатилиши керак. Эзгулар эзгуликдан баҳра олишади. Киши эзгуликни кўриб ўз тани, жонини ҳам фидо этади. Кишилар севинчини тилаб, уларнинг қўлларидаги юкини ол:

Эзгулик этгин сен — олам қул бўлур,
Олам эзгуликка тўла, мўл бўлур.

Кишилик қилишга киши бўл мудом,
Чин инсон бўлишга шу хил йўл бўлур.

Ўгдулмиш сўзини давом эттириб шундай дейди:

Қўшин бошлиғига керак кўп қилиқ,
То ёви юз урса, тузолса йўриқ:

Урушда зўр арслон юраги керак,
Курашда-чи, қоплон билаги керак.

Тўнғиздек ҳужумкор, бўридек кучи,
Айиқ шиддати-ю қўтоснинг ўчи.

Яна уста бўлса қизил тулкидек,
Туя эркагидек қила олса кек.

Зағизғон мисоли ҳушёр, соғ ўзи,
Қоя қузғунидек кўролса кўзи.

Ҳиммати бўлса бир зўр арслонча бор,
Мисли бойқуш бўлса тунлари бедор.

Агар ана шу хислатлар жам бўлса, ўша одамни лашкарбоши қилиб тайинлаш ўринли бўлади. Бундай бошлиқ ёв билан курашда ўчини олишнинг уддасидан чиқади.

Лашкар бошлиғининг сўзи чин, дили ишончли бўлсин. Ёлғончига эл ишонмайди. Сахийлик ҳам лашкарбошига фазилат. Саховат эр номини ёяди. Емак ва ичмак — тириклик эмидир. *Ила номдори* «дастурхонингни кенг очиб тут» деган. Бахилдан эл безор. У яна қўрқмас ботир бўлиши керак. Юраксиз ёвни кўрибоқ чўзилганча ётиб олади.

Лашқарбоши тадбиркор бўлиши лозим. Чора-тадбир туфайли арслон ҳам ботирлар тузоғига тушади:

Шу хил ҳунар билса лашкар бошлиғи,
Ёви енгилади йиқилиб туғи.

Бағирсоқлик эрмас ўзин кезласа,
Бағирсоқ удирки, кўпни изласа.

Эзгу киши дейишади, бу қайси киши? Буни менга айтиб бергин, эй доно. Эзгу қайғудаги одамга эмдир.

Бу сўзларни англа, уларга ақл-идрокингни юрит. Айтган сўзларим чин бўлса, бери келгин. Узун сўз зерикарли бўлади. Уқувли кишилар сўзни оз қилишади. Шу сўзлар кифоя. Энди яна уқув, билим билан боғлаб сўзни кўпайтирма. Қолган сўзларни қардошинг етказади.

Элиг хатни тугатди. Қаламни ювди, хатни қуритиб қаттиқ боғлади. Устидан муҳрлаб Ўгдулмишга узатди.

— Ҳаракат қил, қандай тадбири бўлса ҳам уни шаҳарга, қишлоққа келгин, деб чорла. Нима тилаги бўлса, бу ерга келгач, мен адо этаман. — деб элиг Ўгдулмишга яна бир марта уқтирди.

Ўгдулмиш «хўп бўлади», дея ўрнидан турди. У уйига жўнади.

Етиб келди уйга, у чўкди оғир,
Узоқ ўйга чўмди — юмуши оғир.

Юзини яширди ерга рум қизи,
Олам ранги бўлди зангилар юзи.

Жойига чўзилди, ўйланди узоқ,
Қардошига айтар сўзин ушбу чоғ.

Осмон бўлди мисли Қора қуш ранги,
Оламни қоплади қора қуш юнги.

Уйқу ўчди, турди ўрнидан секин,
Қора тун кўтарди секин этагин.

Қуёш турди, ердан кўтарди бошин,
Ёруғ юзли гўзал кўрсатди тишин.

ИККИНЧИ УЧРАШУВ

Ўгдулмиш отини минди. Кўнгли ширин орзуларга тўлиб, йўлга чиқди. Тез орада қариндоши томон етиб борди. Отдан тушиб эшик томон яқинлашди. Аста эшикни қоқди. Ичкаридан Ўзғурмиш чиқиб келди. Аввал қўл олиб кўришдилар, кейин ҳол-аҳвол сўрашишди. Ўзғурмиш савол назари билан қаради. Улар орасида суҳбат бошланди.

Деди: қардош, нега ором билмадинг?
Шубҳасиз, бу ерга бекор келмадинг.

Очиқ айтдим сўзни, эшитдинг уни,
Нега қийнагайсан бу қадар мени?

Нима дейди, эшит, таълимни билган,
Яхши-ёмонларни кўп синаб келган:

Кишини синашга бир бор кўрса бас,
Суяр-суймасини тилда сўрса бас.

Мис билан олтинни фарқлай олмаса,
Олиб озгина сир тошин сурса бас.

Жавобда Ўгдулмиш деди: эй ошнам,
Менга аччиқ қилма, чекма бунча ғам

Ходими кўз очса кўрар бегини,
У ижро этади айтса беги не.

Элигга етказдим битигинг, сўзинг,
Барин айтдим, неки дединг сен ўзинг.

Сўзингга жавобан берди у битиг,
Дея хатни бериб, туриб қолди тек.

Ўзғурмиш мактубни ўқиди туриб,
Бир оз ўйга толди маънисин кўриб.

Ўзича ўйланди: «Бу қандай бўлди,
Қардошим изимга бунча тикилди?!»

МУНОЗАРА

Ўгдулмиш жавоб берди:

— Эй, қариндош, сўзни эшитиб, билиб ол. Элигнинг сенга тилаги — эзгулик! У шу эзгулик туфайли ўзига ҳам эзгуликдан улуш олмоқчи, холос. Бу ерда қиладиган тоат-ибодатларинг қанчалик яхши-ёмонлиги маълум. Шаҳар ва қишлоқларда эса яна мен айтган бир неча эзгуликлар мавжуд.

Агар бу дунё эзгуликларини олиб кишининг қути юксаладиган бўлса, улар ёвуз эмас. Бу дунё нарсасини еса, халққа берса, шулар туфайли юзини ёруғ қилса, уларни ёвуз деб бўлмайди. Сахийлар сахийси янада яхши айтган, эй эзгу киши, уни сен ўқигин:

Моли бўлса, киши ақл, билим ўрганади, барча эзгуликка қўл чўзади. Бу мол билан киши тилак тиласа, мол-дунёси бир йўлак, яъни восита бўлиб, юқорига кўтарилади.

Олиб беришга кишининг моли бўлмаса, барча эзгуликларга ҳам

унинг қўли қисқалик қилиб қолади. Бу эзгуликларни нега қолдирмоқчисан? Бу ўгит-насиҳатларни нима учун хоҳламаяпсан?

Сенга айтган сўзларимга назар сол. Ҳақиқат мен айтганларимда эмасми, айтгин-чи? Шундай бўлса, сўзларимни ол, эй кўнгли тўғри. Ҳавасга асир бўлма, кўнгилни тўғрила, кишиларга қўшилиб осойишта юргин.

Ўзғурмиш жавоб берди:

— Эй қариндош, мени гамга қўйдинг, ошимни оғули қилдинг. Айтайлик, сен айтган сўзларни инобатга олиб, элиг хизматига борсам, энг аввало хизмат қоидаларини билишим лозим. Кириш-чиқиш, ўтириш-туриш қоидаларини билган яхши-да. Одамлардек хизмат қилиш қоидаларини билмаса, киши машаққат тортади.

Хизматни билган киши нима дейди, эшитгин. У синаб билганларнинг озгина учини чиқариб айтади:

Беклар ишин қилмоқ тиласанг ўзинг,
Кўнгил, тилни соф тут, асрагин сўзинг.

Расму одат била ўрган юмушни,
Юмуш билсанг, ёруғ бўлади юзинг.

Мен одамлардан йироқда қолдим. Урф-одатларни, расму қоидаларни ҳам билмайман. У ерга муносиб қилиғим ҳам, айтадиган сўзларим ҳам йўқ. Бегингга қандай хизмат қила оламан, қарагин, менга барча эшиклар ёпилган. Нима учун мени мажбур қиласан, қаттиқ тутиб элиг хизматига ундайсан?

Ўгдулмиш жавоб берди:

— Гапим шу, уни терс тушунма, эй кўнгли тўғри. Элиг расму одатларга риоя қилиш талабини сендан кўтаради.

— Бу сўз ҳам яхши эмас, — деб жавоб берди Ўзғурмиш. — Расму одатларни билмасдан гангиб юриш менга ярашадими?

Элни яшнатиш, уни бошқариш, идора қилишга, шунингдек, оламни обод қилишга беклар бунёд бўлган. Бу ишлар урф-одат, расму қоидалар билан амалга ошади. Шундагина беклар қўл узатади, уқув-идрокни ишга солиб, билим юритади. Билимли, уқув-идрокли бўлган халқ бошчиси жуда яхши айтган:

«Оламни тутиш учун киши уқув-идрокли бўлиши, халқни идора қилиш учун ақлли ва юракли бўлиши керак. Шундагина бошлиқларнинг кучи ортади, ёв бўйнини янчиб, ундан ўчини олади».

Ўгдулмиш жавоб берди:

— Эй қариндош, булар қийин иш эмас. Бу қонун-қоидаларни мен биламан. Мен айтайин, сен кўриб ўрган. Киши билмаса, қонун-қоидаларни ўрганади, сўнг тилагини топади. Бу ҳақда билимли киши жуда яхши айтган. Бу сўзни кўнглига олмайдиган одамнинг билими пучдир:

Туғилгандан бошлаб ўрганар одам,
Тил сўзни ўрганар соат етган дам.

Киши ўрганишдан доно бўлади,
Билим билгач, киши асло бўлмас кам.

Ўзғурмиш деди:

— Сенинг тилагинг шундай бўлса, менинг бўлак айтадиган сўзим йўқ. Бугун мени элиг ёнига чорламоқдасан. Айтгин-чи, хизмат турлари қандай бўлади. Кўнгилга ёқармикан, сўзларингни тинглайин. Ўргана олармиканман, қани, қонун-қоидаларни номма-ном айтгин-чи?!

Ўгдулмиш бу жавобдан суюнди.

— Олдинги гапларинг заковатдан анча узоқ эди, — деди у. Энди чин йўлга кирдинг. Майли, мен сенга хизмат қоидаларининг ҳаммасини тушунтираман, сен диққат билан эшит.

ЎГДУЛМИШ ЎЗҒУРМИШГА ХИЗМАТ ҚИЛМОҚ УРФ-ОДАТЛАРИНИ ЎРГАТАДИ

Икки турли бўлар юмушчи киши,
Юмуш билан ҳар кун юксалар иши.

Бири ёшлигидан юмушда бўлар,
Яна бири ўсиб, улғайиб келар.

Иккиси ичида сараси деб бил,
Кичикликдан ишга қўйса ким кўнгил.

Бу кун айтар бўлсам фикримни ўзим,
Кичиклардан бошлаб айтайин сўзим.

Сўзни сирли тутсанг, дард бўлар фақат,
Инсон ишонч билан топар саодат.

Бундай одам илк ёшлигидан бошлаб хизматга киришса, ўзининг ҳам, элигнинг ҳам хизматлари ўнгланади. У барча ишларга муносиб ва лойиқ бўлади. Ходим тетик ва қилиғи бутун бўлса, қут топади, саодатга эришади.

Мерган, довқур йигитларнинг иши — ўқ-ёйчилик. Феъли тўғри, ишончлилир тамғачи, яъни муҳрдорликка лойиқ. Ҳисоб-китоб ишларига моҳир кишилар учун мос вазифа — хазиначилик. Ёзув-чизув усталари котиблик лавозимига мувофиқ келади.

Киши қайси ишда бўлмасин, унга муносиб хатти-ҳаракатлар қилса, севинчга сазовор бўлади. Хизмат қилиб, шу меҳнати билан тилагига эришган киши нима дейди, эшитгин:

Хизматда турадиган одам эҳтиёт бўлиши, тилини ҳам, кўзини ҳам асраши керак. У кўнгил ва тилни рост тутсин, сўзларини пишиқ қилсин.

Барча ишлар хизмат-юмуш билан адо этилади. Эзгу кишилар ҳам

хизмат чоғида аён бўлади. Шунинг учун эзгуликни истаган одам хизмат қилиши, меҳнат билан банд бўлиши керак. Қилинган меҳнат кишни юзини ёритади. Давлат бошлиғига яқин бўлган одам қулоғини соғ, кўзини ўткир тутсин.

Хулқ-атворларингни меъёрида тутишга урин. Сендан сўз сўралса, сўзнинг тўғри-чинини равон қил. Ярамас, ёвузларга зинҳор ёндошма.

Бу айтилган гаплар бажарилса, кишининг қути ортади, иши кундан-кунга яхшиланади. Шундан кейин бир неча касб-ҳунарлар, амал-мартабалар саналади. Улар қуйидагича: лашкарбоши, ҳожиб, котиб *ўгалик, кўк айиқлик...*

Кимки ўз хизматига лойиқ иш тутса, унинг жавобига келадиган нарса — мақтов ва олқиш. Бунга шубҳа йўқ.

Жуда яхши деган билимдон доно,
Нолойиқ одамга иш берма асло.

Билим бу ҳақда яна ҳам яхшироқ сўзлайди: «Билимсизга ҳеч қачон қўл берма», яъни уни ўзингга яқин келтирмагин.

Ақл-заковати бўлмаган кишидан билим ҳам йироқ кетади. Билимсиз киши элни бузади. Заковатсиз киши улуғликка эришса, дастлаб эгасининг бошини ейди, эй элчи боши. Шунга кўра:

Ходимни керакдир кузатмоқ, синаш,
Закоси тенги сўнг лозимдир сийлаш.

Ходим бошқалар учун меҳрибон бўлсагина, у учун кишининг ичи ачишса арзийди.

Эл беги бир қарасанг, қут-саодатга ўхшайди. Унинг қўли ҳар қаерга етади. Бир қарасанг, унинг ўт-оловдан фарқи қолмайди. У сени ёндиради, балоларга гирифтор қилади:

Яна яхши деган синаб билган эр,
Юмуш билан ўсган, тилак олган эр.

Қандай эзгу нарса донолар сўзи,
Ипак-шоҳи мисол ҳар сўзнинг ўзи.

Беклар сени қанчалик қадрламасин, эҳтиёт бўл. Улар гоҳо ўт бўлади, гоҳо сув. Баъзан кулдиради, баъзан йиғлатади. Уч нарсага қўшнилик қилмагин: бири тез оқар катта сув, иккинчиси ёниб турган олов, учинчиси эса беклардир.

Беклар арслонга ўхшайди: мақталса, сўзи юмшайди, ғазаби келса, томир тешади, қон сўради.

Яна учта иш борки, улардан узоқ турганларнинг юзи қизил бўлади: бири қаттиқлиқ ва хасислик, уни четга от. Яна бири ёлғон-яшиқларга аралашма, охиргиси — суқлик қилма. Бу учала ишнинг ҳам туби йўқликдир. Улар кишини хароб қилади.

Сени ҳурмат қилганларни эъзозла. Гердайма, қўлингни қўлтиқларинг орасига олиб юришдан ҳам сақлан.

Ўлтирар чоғида ўрнингни билгин,
Ҳеч кимни паст кўрма, кишилик қилгин

Бор овозни қўйиб кулмагин сира,
Тубанлик бўлар бу кишилар ора.

Бошқаларнинг олдида ёнбошлаб ётма. Ёмон феъллик қилиб, унинг сўнгида эзгуликни кутмагин. Ўзингдан улуғларнинг гапини кўтариб юрма.

Уч нарсадан четда тур, улардан асранмасанг, муқаррар равишда зарар қилади. Бириси — катталар гапини сир тутмоқ. Сўзни ҳам киши ўз тани-жонини сақлагандек асраши лозим. Иккинчиси, шу сўзларни киши кўча-кўйларда ёйиб юрмасин. Учинчиси — ёмон-ярамасларга аралашишдан тийилмоқ. Шу ишдан қай бирини қиладиган бўлса, кишининг боши кетади.

Тўрда ўтирган бўлсанг ҳам, ичкарига бошқалар кириб келса, ўрнингдан туриб кутиб ол. Сендан фикр сўралса, сўзни чўзма.

Сени эшитсалар, сўзингда давом эт, сўзингни бўлишса, ўша ерда тўхтат.

Меҳмонга таклиф қилинсанг, ошни одоб билан е. Бировнинг олдидаги овқатга қўл чўзма. Ўзингга яқин турган жойдан ол. Пичоқ ўйнатмагин. Қўлингга суяк олиб, кемириб ўтирма. Бошқаларнинг ош-овқатларини татиб кўришдан асраниш лозим, ўзгаларни зўрлаб-қисташ ярамайди.

Аёлларга ўхшаб бемалол емагин, аммо шошилиш ҳам зарар. Аёллардек серилтифот бўлиш ортиқча. Буларга мулоҳаза юрит.

Қанчалик тўқ бўлсанг ҳам, таклиф қилингандан кейин овқатдан ейиш лозим. Бу сенинг қадрингни оширади. Қайси бир ишни қилишга бел боғлаган бўлсанг, унга астойдил ёпиш.

Ўзингга тиласанг узун эҳтиром,
Ўзгани қадр этгин, аё эзгу ном.

Улуғни улуғла, келтир ҳурматинг,
Шунда сен оласан улуғлик қутин

Эшит, нима дейди, оталар сўзи
Оталар сўзида ҳар ишнинг кўзи:
Улуғни ҳурматлаш қадим одат, кўр,
Улуг келса ўзинг оёқда тик тур.
Улуққа етишса кичик ҳурмати,
Улуг ҳам кичикка ҳурмат кўрсатур.

Ходимнинг вазифалари мана шулар, — деди Ўгдулмиш. Сўзимни яхши тингладинг, демак қиладиган ишларни ҳам англаб олдинг.

Юмушни шу янглиг бажарса ходим
Хизмати сингади, қут келар доим.

Фойдали юмушдан бири — шу, билгин
Билган эсанг, энди амалда қилгин.

Ўзғурмиш энди саройдаги кишилар билан қизиқади Улар ҳақида ҳам гапириб беришни Ўгдулмишдан илтимос қилади.

ОТИМ БЎЛСИН ДЕСАНГ ЭЛ АРО МАНГУ...

— Сарой аҳли уч тоифага бўлинади, — деди Ўгдулмиш. Биринчиси — сендан улуғлар. Уларни улуғлаб, сўзларини қадрла. Донолар бу ҳақда жуда яхши дейишган:

Кичикка улуғлик улуғдан бўлар,
Улуққа эгилса, кичик қут олар.

Улуғлар сўзин тут, юмуш қил, югур,
Улуғ сўзин тутсанг, тилак тез келур.

Булардан бўлаги сенинг тенгдошларинг. Уларни ўзингдан узоқлаштирсанг ёв, яқинлаштирсанг қадрдон дўст бўлишади. Охиргиси — сендан кичиклар. Барча аччиқ-чучук улар билан бўлади. Улар ишини ўринлатса, тақдирлаш, гуноҳ қилса, тартибга чақириш лозим. Ёшларни бекор, беҳуда қўймаслик, ишларини сўраб-суриштириб туриш шарт. Уларни менсимай қўйиш хаёлингга келмасин. Уларга айтиладиган сўзларингни тийиб тут.

Дўст-ўртоқларнинг кўпи яхши. Уларни кўпайтириш — яхши хислат. Нотаниш киши ёв эмас. Ёви бор кишида севинч бўлмайди. Ёвнинг сони кам бўлса ҳам зарари кўп. Эзгу кишиларнинг бирортаси ёвдан фойда, наф келади деб айтган эмас.

Нима дейди, эшит, донишманд бу он,
Неча марта кўрган ёвидан зиён:
Ёвинг бир бўлса-да, мингдир зарари,
Минг дўстинг бўлса-чи, бирга тенг бари.
Киши душманидан кўрмади нафни,
Агар кўрган эса, у мард сарвари.

Қўлдошларинг қайси йўлни тутса, сен ҳам ўшандай қилгин, токи улар бундан севинч топишсин. Ўзингга тенгларни яқин тут. Тенгдош тенгдош учун — кўрк. Ёмон феъл-атвор эгаларини зинҳор яқин тутмагин. Улардан минг-минг зарар бор.

Отим бўлсин десанг эл аро эзгу,
Ёмонга ёндошма, бунинг йўли — шу.

Табиатга қараб ўрнак олса арзийди: ундаги барча нарса: одам ҳам, йилқи ҳам, қурт-қумурсқаю қушлар ҳам ўз хили билан юради. Кўпчиликка бош бўлиб, яхши-ёмонларни жуда кўп синаган киши нима дейди, эшитгин:

Чуғурчуқни кўрдим, қийқириб учмоқда, шеригига назар солсам, иккови бир хил: униси ҳам, буниси ҳам қоп-қора. Яна:

Оққуш қўшилмайди қорақушга, боқ,
Қорақуш оққушдан жуда ҳам йироқ.

ОДДИЙ ОДАМЛАР ҲАҚИДА

Ўзгурмиш оддий одамлар билан муомала қилиш, улар билан муносабатга киришиш сирлари билан ҳам қизиқади. Мана Ўгдулмишнинг жавоблари:



— Эй хулқи гўзал, сен мутлақо керакли кишилар ҳақида эслатдинг. Эшитгин, булар ҳақида ҳам гапираман. Шуни яхши билгинки, халқсиз бирорта ҳам иш битмайди.

Уларга аралаш, қўшил, қариндош,
Уларга бериб тур емак, ичмак — ош.

Нима дер, эшитгин, ўзин тутган эр,
Билим билган, тилин тугиб тутган эр:

«Бор сўзни сўз санаб тебранмасин тил,
Кўриб, ўйлаб сўзла, керагини бил.

Уқувлини кўрдим: оз-соз сўзлади,
Талай сўзладим деб ўкинди кўп йил».

ОЛИМ ИЛМИ ЭЛГА БЎЛАДИ МАШЪАЛ

Тағин бир тоифа донишманд, доно,
Улар илми элга машъал доимо.
Эъзозла уларни то бор имконинг,
Билимларин ўрган токи бор жонинг.
Сенга айтар ёмон-яхшини улар,
Улардир оламда сара, эзгулар.
Хаёлингда бўлсин билимлари ҳам,
Улар учун этма ширин сўзни кам.
Булардир ҳақиқат таянч-тиргаги,
Билимли диёнат асос-ўзаги.
Олимлар йўқ эса эди дунёда,
Емиш ҳам келурми эди бунёда.
Улар илми бўлди халойиққа нур,
Ёриса, бу нурдан киши йўл топур.
Муносиб улуш бер ширин сўз билан.
Ёдиргин, ичиргин ёниқ кўз билан.
Тилингда койима, билиб қўй магар,
Уларнинг дориси бир қатра заҳар.
Ҳеч қачон койима, едир ошу нон,
Уларга бер обрў, шараф бирла шон.
Илмин эшит, ишлат, тилин пойлама,
Ё феъли, хулқини ёмон, паст дема.
Улардан кераги сенга илми ул,
Ҳақиқат сари то айта берса йўл,
Булар қўй сурувда серка мисоли,
У қўйни бошласа, бўлмас заволи.
Буларга қараб тур, бошингда кўтар,

Бу ёруғ жаҳонда сени бахт кутар.
Яна бир тоифа бўлар ўзгача.
Боқиб кўр, билими, феъли ўзгача.

ЮЛДУЗЧИЛАР ҲАҚИДА СЎЗ

Бундан бўлак энди юлдузчилардир,
Боқиб кўрсанг, тамом бу нозик тадбир.
Йил, ой, кун ҳисоби буларда бўлур,
Керакли эрур бу ҳисоб, энг зарур.
Билайин десанг гар, ўқи *ҳандаса*,
Шундан очилади ҳисоблар роса.
Ўқи зарбу қисмат, тугал бил касур,
Тугалга тугал бўл, этмагин қусур,
Таъзиф, тансиф ишин ўзинг етук бил,
Буларни билгач сўнг *адад жазри* қил.
Яна *жамъу тафриқ, масоҳатка* ўт,
Етти қат фалакни хору хасча тут.
Тиласанг, сўнг жабру *муқобилга* боқ,
Кейин *Уқлидуснинг* энигини қоқ,
Десангки, сен ўзинг бир ишни қилай,
Билмоқ керак пайтин: қалтисми қулай,
Кун, ой қутлуғи бор, яна қутсизи,
Сўра, қутлуғин тут, эй элнинг кўзи.
Булар қайғусин қил, ҳолига қара,
Дашном берма, қилма кўнглини яра.

ШОИРЛАР — СЎЗ ТЕРУВЧИЛАР

Энди шоир қолди, у — сўз терувчи,
Тилда олқиш ёки сўкиш берувчи.
Қиличдан ўткирроқ буларнинг тили,
Яна қилдан нозик хотири йўли.
Ҳар хил нозик сўзни англай десанг гар,
Булардан эшит сен сўзни сар-басар.
Денгизга кирар у дил билан тугал,
Гавҳар, инжу, ёқут чиқарар мисол.
Уларни асра, тут эзгу ва омон,
Шоирлар наздидан қолмоқлик — ёмон.
Агар эзгу мақтов тиласанг ўзинг,
Буларни севинтир, ёруғдир юзинг,
Нени сўрар бўлса, ҳозир қил дарҳол,
Уларнинг тилидан ўзни асраб ол.

ДЕҲҚОННИНГ ҚЎЛИ КЕНГ

Тағин бир тоифа бўлади — деҳқон,
Керакли кишилар булар ҳар қачон,
Булар билан яқин бўлгин ҳамиша,
То томоқ ташвишин билмасдан яша.
Қимирлаган жонга наф берар улар,
Ейишу ичишга жон берган шулар,
Нафас олган бутун тирик жонивор
Деҳқондан бўлмоғи керак миннатдор.
Шубҳасиз сенга ҳам керак бу киши,
То тугал ҳал бўлсин томоқнинг иши.
Булар билан бирга бўла бер, қардош,
Тоза бўлар бўғзинг, ҳалол келар ош.
Сахийликда йўқдир асло унга тенг,
Унинг бор вужуди: феъли, дили кенг.
Ундан ризқ топади қимирлаган жон,
У боис бор жонзот яшайди омон.
Буларга қўшилгин, аралаш ўзинг,
Доим яхши сўзла, очиқ тут юзинг.

САВДОГАР — НОМИНГНИ ЭЛГА ЕТКАЗАР

Бундан бўлак гуруҳ қолди — савдогар,
Саʼвдо билан тинмай олар фойдалар,
Уларда бўлар бу олам орзуси,
Эл-юрт гўзаллиги, сара, эзгуси,
Туғардан Ботарга етказиб қадам,
Тилаган тилагинг етказар бекам.
Турли-туман ноёб, олам тансиғи
Буларда бўлур, эй билимдон, сахий.
Бўлмаганда эди бу эл бариси,
Қайдан келар эди сувсар териси.
Хитой карвони туғ тикмаса агар,
Қайдан етар эди ипак-шоҳилар.
Савдогар юрмаса оламни кезиб,
Кўзда ким кўрарди инжуни тизиб.
Санай берса бу хил, анча гап кўпдир,
Тилни тийса аммо сўз чўзмай хўпдир,
Шундай бўлар барча савдогар тўлиқ,
Уларга аралаш, доим пешвоз чиқ.
Урингин, уларни асра, эзгу тут,
Шунда эзгу номинг ёйилишин кут.
Элдан-элга номни элтувчи бўлар,
Ёмон-яхши бўлсин, улар ёйишар.
Агар сенга оз-кўп совға қилсалар,

Эваз қайтар, токи севинч олсалар.
Нозик бўлишади ҳисоб-китобда,
Бунга риоя эт қўшилган тобда.
Нима дер, эшитгин, кезиб юрган эр,
Бошидан кечирган, кўпни кўрган эр
Ном ёймоқ истаса кимки жаҳонда,
Мусофирни эзгу тутсин ҳар онда.
Чинакам донг ёймоқ агар истаса,
Савдогарга берсин эзгулик ҳисса,
Эй ўғил,қилсанг гар эзгу ном орзу,
Мусофир карвонни тута бер эзгу.
Савдогарга қўшил фақат шу хилда,
Сўнг шодон яшагин севинчда элда.

ЧОРВАДОР ҲАММА ҲАЙВОНЛАРГА САРДОР

Булардан бўлаги бўлди чорвадор,
Ҳамма ҳайвонларга улардир сардор.
Бутун, чин бўлурлар, йўқ ер-боғ мулки
Кишиларга тушмас уларнинг юки.
Кийим, овқат, яна от, айғир, байтал,
Юкчи ҳайвон унда бўлар мукаммал.
Қимизу сут ё юнг, ё сузма, қурут,
Намат, кийгиз бўлар чорвадорда бут.
Фойдали кишилар бўлар бу бўлак,
Буларни ҳам эзгу тутмоғинг керак.
Қўшилгин, қорилгин, едир ҳам ичир,
Тўғрилик ичида тириглик кечир.
Нени сўрса бергин, керак бўлса ол,
Чиндан кўрдим: улар билмас ҳийла,*ол.*
Булардан тилама тартиб-қоида,
Бир оз кенглик бўлар феъли-ройида.
Бу хил бўлар барча аҳли чорвадор,
Қўшилсанг, сўзим тут, сенга нафи бор.

ҲАЙРАТЛИ ИШЛАРНИНГ ЭГАЛАРИ

Яна бир тоифа-ҳунарманд бўлар,
Тириклик тилашиб шу ишни қилар.
Булар нафи сенга кўп бебаҳодир,
Керакли, яқин тут уни, баҳодир.
Темирчи, этикчи яна ўймакор,
Бўёқчи, рассом ҳам ўқ-ёйчилар бор
Олам безаклари уларда бўлар,
Ҳайратли иш-амал эгаси — шулар.

Булар билан қўшил, қоришиб тургин,
Уларни севинтир, ўзинг шод юргин.
Ишинг қилсалар, ҳақ бергин ишга тенг.
Едир, ичир, тутгин озиқларин кенг.
Ғийбат қилишмасин сени халқ ора,
Яхши билгин, номинг бўлмасин қора,
Яна яхши деган билимли сўзин,
Дилин поклаб, халққа ёқтириб ўзин:
Тириклик тилама, эзгу от тила,
От эзгу эса шу — тириклик, бил-а!
Ўзинг ўлиб, охир қолар бу отинг,
Номинг эзгу бўлса татир ҳаётинг.
Номи ёмон бўлиб тарқалсами сал,
Тирик турмагани у учун афзал.
Тириклик — қисқа, сен тила эзгу от,
Ёмон эмас, қилгин номни мангу от.

КАМБАҒАЛЛАР ҲАҚИДА СЎЗ

Булардан бўлаги бева-бечора,
Едир, ичир, қилгин дардига чора.
Дуочи эрурлар сенга, эй қардош,
Кўп эзгу нарса бу дуо, қариндош,
Элда қўшилажак шу хил кўп киши,
Сенинғми тушар ё уларнинг иши,
Ишлари тушганда етказгин ҳақин,
Сенга содиқ бўлар барча ҳам яқин.
Чексиз ҳузур олар шу ширин жонинг,
Номинг эзгу бўлар, ёйилар шонинг.

ЎҒИЛ-ҚИЗ ТУҒИЛСА...

Ўғил-қиз туғилса, яхши билки, бас,
Уйда тарбия қил, бошқа ердамас.
Устознинг яхшисин танла албатта,
Ўғил-қиз пок ўсар, ёмондан четда.
Ўғил-қизга ўргат билим ҳам одоб,
Бахтга ёр бўлар у, бўлмагай хароб.
Ўғилга хотин ол, қизни эрга бер,
Қайғу-ғамсиз яна, аё қутли эр.
Ўғил топсин санъат-ҳунарда камол,
Бу ҳунар билан у тера берар мол,
Ўғилни тергаб тур: бўш қўйма зинҳор,
Бенаф, бебош бўлар, югурар бекор.



УЛУҒ БЎЛСАНГ, КАМТАР ТУТГИЛ ЎЗИНГНИ

Яна эзгу тутгин қўлинг остини,
Едиргин, ичиргин, бут қил устини.
Ортиқча машаққат етказма асло,
Улар учун сенга етади жазо.
Улар бўлди кичик, сен улуғ ахир,
Улуғ кичик узра бўлаю кенг бағир,
Улуғ бўлсанг кичик тут энди кўнгил,
Улуққа камтарлик ярашар, ўғил.
Нима дейди, эшит, уқувли сенга,
Бу сўзни ишга сол, билимли кенг-а:
«Агар узун қилсанг халқ узра қўлни,
Кичик тутсанг нафли кўнгилни, тилни.
Ўзингни унутма, йўриқ бузмагин,
Қут келади тутсанг шу соғлом йўлни».
Туз-нон — дастурхонни яна кенгроқ тут,
Отинг эзгу бўлар, кела бергай қут.
Киримга яраша чиқимни қара,
Кирим-чиқим билсанг берар самара.
Қўлинг қисқа бўлиб қолса мабодо,
Бировларга юкинг солмагин асло:
Севаринг ишингга қўлин сунмагай,
Сени севмагучи кулиб тинмагай,
Арзимас тутади ошна, қардошинг,
Кўнгил яраланар, хам бўлар бошинг.
Киши эзгусига қўшилиб яша,
Киши бўл, доим эт кишилик пеша.
Улуғ йўлга тутма уй-жойни яқин,
Бало юз уради, билиб қўй тағин,
Зиқна қўшни тутма, очофатни ҳам,
Дўнгликдан узоқ тур, э феъли кўркам.
Бу уч қўшниликнинг нафи йўқ асло,
Ўрин қоплаб бўлмас, етса у бало.
Уй олмоқ тиласанг қўшнисин сўра,
Ер олмоқ тиласанг, ер-сувин кўр-а.
Ёмонга қўшилма — кўрмайсан завол,
Феълни тўғри тутгин, йўрға от мисол,
Сўзни ўйлаб сўзла — яша қайғусиз,
Бекор берма вақтни — чекмайсан афсус,
Гердайма кўп ортиқ — олқиш оласан,
Хасис бўлма асло — қарғиш оласан.
Нима дейди, эшит, нозик дил киши,
Кишига кишилик бўлган ҳар иши.
Десанг: эзгу номли бўлайин ўзим,
Сахий бўл, урингин, шунга, эй қўзим,
Бошим кўкка тегсин десанг сен юриб,

Билим билан қилгин бор ишни кўриб.
Оламга ёйилмоқ тиласа отинг.
Меҳмонни эзгу тут, югурар отинг.
Эзгуликка етай десанг сен агар,
Нафсингни тийиб тур, бўлма таъмагир
Жуда яхши деган табаррук инсон.
Бу сўзни ишга сол, э феълн ёмон:
Бу нафсингга берма орзу ва ўйин.
Тилак топса, қилар эгасин ўйин.
Эзгулик топса, у қилар ёмонлик.
Ёмон бўлсанг, сенга беради бўйин.

МЕҲМОНДОРЧИЛИК ФАЗИЛАТИ

Ўзғурмиш бу жавоблардан қаноат топди. Бироқ унинг сўрайдиган саволлари кўп эди. Шунинг учун у яна Ўгдулмишга мурожаат қилади:

— Мен кишилар орасига кирсам, табиийки, улар билан муомала қилишим керак. Ахир, мени ошга — меҳмондорчиликка ундаб туришлари бор. Бунинг аксича, мен ҳам бошқаларни уйга таклиф этишим керак. Лекин мен қандай боришни, у ерда ўзимни қандай тутишим лозимлигини ҳам билмайман. Буларни ҳам менга очиқ қилиб айтиб бер, яхшилаб тушунтир.

Ўгдулмиш яна жавобга тутинди:

Жуда турли-туман мулозим киши.
Турли-туман бўлгай қўноқлик оши.
Никоҳ таомидир улар бириси.
Дунёга келса ё ўғилми қизи.
Чақиргай сени ё қариндош-уруғ.
Яқин дўстларингми, кичик ё улуғ.
Ё марҳум номига оши азадир.
Ё унвон олиб, важҳ — овозадир.
Нима бўлмасин бу зиёфат, емак,
Ўйлаб кўр: бориш ё бормаслик керак.
Таклиф этса дўсту қариндошларинг.
Бору намоён эт тузук ҳунаринг.
Агар таклиф этса сени ёт-ўзга,
Озми-кўп тамадди қилиб тур кўзга.
Чақиришса агар яқин қўшнилар.
Ёки дўстинг эса, кўнглинг ҳам тилар.
Улар уйига бор тошиб сен эвин.
Уларни севинтир, ўзинг ҳам севин.
Агар ош қилишса ўзингга атаб,
Боргил одамийлик бурчини ўтаб.
Агар бўлса бундан бўлакчароқ ош,
Бориб юрма, унда қийналади бош.

Нотугал бўлсанг ўша зиёфат.
Кўнгил шодлигига етади офат.
Тўполон чиқарса ё масти бадном.
Сингиб кетмагандай бўлар бу таом.
Кўзи тўқ кишидан ўрнак ол, ўйла,
Суқлик этма — обрў кетар бир йўла.
Нима дейди, эшит, нафсин тиювчи,
Куч топиб, нафсини тийиб қўювчи:
Киши пасти бўлма, бўғиз мойили,
Нафсинг дея бўлма томоқнинг қули.
Неча обрўли, зўр, доно, ботир эр,
Бўғзини тиёлмай охир бўлди ер.
Бировлар қозониб шуҳрат эл аро,
Тия билмади нафс — юз бўлди қаро.
Неча бойни кўрдим нафснинг тутқуни,
Нафси хароб қилди оқибат уни.
Бўғиз қули бўлма, э нафси бузуқ,
Қул бўлсанг чораси топилмас тузук.
Неча турли ошда бўлар эсанг сен,
Одоб билан ош е, билар эсанг сен.
Улуғлар қўлини чўзмагунча то,
Одоблим, қўлингга олмагин *ғизо*.
Бўлак қаршисига узанма сира,
Олиб ё ўзингга бўлса рўпара.
Қанчалик тўқ бўлма, олиб тургин ош,
Одамга қараб ош ейишар, қардош.
Нима олсанг тишла, чайна майдалаб,
Пуфламагин аммо овқатга қараб.
Емакни сурмагин ўзингга яқин,
Озор бермасин бу қилиғинг тағин.
Таълим-қоидани билолмас киши
Гурунгга қўшилса, юришмас иши.
Таомни шодон е, қўлингга олиб,
То бекач севинсин назарин солиб.
Жуда яхши деган бу ҳақда ҳушёр,
Боқиб кўрсанг унда рангин маъно бор:
Киши кўнгли гўё нозик бир шиша,
Синиб қолмасин у, этгин андиша,
Киши кўнгли синса, кетар ҳаловат,
Яқинлик бузилар, етиб фалокат.
Яқинлик тиласанг, бўлгин аҳли дил,
Кўнгил синмогидан узоқлаша бил.
Таом емоғингда бўларкан меъёр,
Сиҳату солимлик бўлар сенга ёр.
Очофат кишининг озиғи — бало,
Озиғи баломи, унга не даво?!
Бу дард ёпишсами, қийналар одам.

Агар эмламасанг, шоширар ҳар дам.
Жуда яхши деган шифокор ҳаким.
Ҳакимлар сўзини ёмон дейди ким:
Касалликдир асли ўлимга доя.
Касаллик келибди — ўлим ҳамсоя.
Ўлим белгиси шу, балою офат,
У бир кулфат эрур, билмас ниҳоя.
Кишиман дегувчи киши доимо,
Совуғу иссиқни қилсин мосуво.
Энг аввал билиб ол: нечук мижозинг.
Нима кўп бўлару нимадир озинг.
Иссиқ кўпми ёки совуқлик, кузат.
Совуғинг ошсами, иссиқ еб тузат.
Баҳор фасли бўлса, йигитлик онинг,
Совуқ истеъмол қил — тезлашар қонинг
Ёшинг қирқдан ўтиб, йил-ой эса куз,
Иссиқ нарса билан мижозингни туз.
Ёшинг олтмиш эса, агар қиш чоги,
Қўлингда тутилсин иссиқлик боги.
Қуруқ совуқ ортса танингда агар,
Ҳўл иссиқ ҳозирла — у тезда кетар.
Ҳўл совуқ қилса гар ўзингга зиён,
Қуруқ нарса фойда қилади аён.
Совуқмижоз эсанг, иссиқликни бил,
Иссиқ бўлса, совуқ емишларни қил.
Мижози нелигин қилолмаса ҳал,
Бир ўрта меъёрга қилсин у амал.
Бу янглиғ тутилса одамда мижоз,
Тириглиги кечкай фаровону соз.
Нима дер, эшитгин, табибнинг сўзи,
Бунинг маънисин уқ, мудом, эй қўзим.
Мижозингни айтай, таърифлайин боқ:
У қизил, сариқ ҳам қора, бўлди оқ.
Уларнинг бириси бирига офат,
Яқинлашса ёвлар, янчилар шу чоқ.
Заковати етса — не тарзда мижоз,
Яраширқ не эса, уни еса соз,
Одам фарқи ҳайвон аро мана шул,
Мижозга мосини емак, эй ўғил.
Нима дер, эшитгин, доно оқсоқол,
Бемаъни атамай, буни уқиб ол,
Киши қирққа кириб, мижоз билмаса,
У йилқи сонидир неча сўзласа,
Замон ўтиб доно бўлмаса инсон,
Уни инсон дема, де йилқи, ҳайвон.
Назар солсанг яхши сўз деган табиб,
«Овқатни оз еган юради кулиб».

Соғлиқ тиласанг гар бедард, бекасал,
«Оз» деган дорини егин ҳар маҳал,
Кўрайин десанг гар сен узоқ умр,
Тез-тез тил гўштини қилгин тановул.

ЗИЁФАТ ОДАТИ

Агар сен чорласанг уйингга меҳмон,
Олдин тараддуд қил, э доно инсон.
Пок бўлсин ошу нон, уй-жой, тўн-тўшак.
Берган тузинг манзур бўлмоғи керак.
Емоқ-ичмоқ бўлсин покиза, эзгу,
Қўл чўзганда бўлсин ҳавас ва орзу.
Таклиф этмасанг-ку айби бир бўлар,
Чорласанг, у кўриб, бирни минг қилар.
Дўсту қардошларинг узоқ ва яқин —
Барини чорла, то ўтагин ҳақин.
Келувчиси келар, келмаса агар
Шу сабаб дили кўп шодланиб қолар.
Томоқ қули бўлса, ахир кўп ёмон.
Кеки ўлса қолар, юрар кўп замон.
Назорат қил, тутгин барчага сув, ош,
Кечикканлар бўлса, хоҳ кекса, хоҳ ёш.
Овқат есалар сўнг, тутгин ичимлик,
Не тиласа бергин, бўлар сингимлик.
Улуғлар ошни еб, бас қилса агар,
Кичикларга овқат узат сар-басар.
Барисига етказ, таъна этмасин,
Сўкишмасин улар, наҳор кетмасин,
Қуюқ-суюқдан сўнг шира-шарбат қил.
Булар билан мева қўйгин қуруқ-ҳўл.
Чорланувчи тўрт хил бўлар доимо,
Борувчи ҳам тўрт хил бўлар, эй доно.
Баъзиси бир таклиф билан борсалар,
Ош-овқатни ейди нима берсалар,
Яна ўз уйига чақирмас киши,
Бош буркаб ейилар уйида оши.
Тагин бир тоифа бориб ер ошни,
Таклиф этар ўзи яна қардошни,
Яна бир бўлаги ошга бормагай,
Бўлакларга бурда нонин бермагай.
У — ўлик, тирикка санама ҳеч ҳам,
Қўшилма, у билан қўймагин қадам.
Бири ошга бормас ҳеч қадам қўйиб,
Аммо тез-тез чорлар сўқимлар сўйиб.
Булардан энг эзгу йўрик шу эрур,

Доно мақтаган феъл тўғлиқ шу эрур.
Хоҳи боргин, хоҳи бормагин ошга.
Нафсингни тий аммо, саломат яша.
Кўп еган одам чин хаста бўлади.
Юз-сариқ, жойи-чи, пастда бўлади.
Табиб сўз айтибди, қара, бунга тенг.
Мижозни билувчи, билим, кўнгли кенг
Дардга сабаб бўғиз — ейилган оши.
Кишин дард қаритар, тугамас ёши.
Бўғизни тийиб юр — сен дардсиз яша.
Бу дарддан қилинар қизил юз иши.
Бу янглиғ бўлар кўр, зиёфат иши.
Чорлаганда борса ё келса киши.

ЎЗҒУРМИШНИНГ УЗРИ

Ўзғурмиш бу сўзларни ҳузур билан эшитди.

— Сен айтган сўзларни кимда-ким тугал билиб, ўрганиб олса, оламда бор тилакларини топади, — деди у Ўгдулмишга. — Аммо менда бошқа андиша бор.

Киши ташвиш чекиб мол-дунё йиғса-ю, ўзи бу дунёда кўп қололмаса, бу юмушлардан нима наф бўлади? Киши бу дунёни деб елиб-югурса, тоат-ибодат иши тўхтаб қолади-ку?!

Сен эшигимга келганингдан бери тоат ишларим тамоман тўхтади. Яккага яқинлик шу қадар бўлса, мени ундамагин, бу — зарар.

Қишлоқ, шаҳарга — одамлар орасига борсам, менинг барча тоат-ибодатларим қолиб кетади. Мен йигитликдан ўтиб бўлдим, энди қаридим. Туну кун тавба-тоат билан яшамоқчиман.

Билими дарё каби кенг бўлган киши шундай деган: «Киши қариликнинг ишини йигитликда қилиши лозим. Одам қариса, куч кетади, ўйлаган ишларини бажариш учун умри ҳам етмайди».

Кичикликдан феълни эзгу тутиш лозим. Улуғ ёшга етишгач, ёшлик ўти ўчади.

Не эзгу бўлар, кўр, йигитлик чоғи.
Эзгуликнинг ортиб борса салмоғи.

Не кўрксиз бўлар, кўр, қариган киши
Қўлида қилинса йигитнинг иши.

Бу дунё моли — тириклик учун. Тириклик тугаса, молнинг заволи ҳам шу-да! Нарса, мол-дунё йиғиб умр ўтказсанг, ўлганингдан кейин улар кимга қолади?!

Дейликки, элиг хизматини қилайин, эл-юрт урф-одатларини ўрганайин. Аммо, барибир, охир-оқибатда ўладиган бўлсам, буларнинг нафи нима? Ахир бизга тегадигани икки газ бўз, холос!

Дунёга машҳур бўлган не-не зотлар ҳам ҳозир йўқ-ку! Мен дунёнинг орзу-ўйларини йиғиштириб қўйдим. Мени тинч қўй.

Мен учун тўн — қўй юнги. Овқатим арпа ош. Аммо шулар билан ҳам менинг кунларим тугал. ҳаётим бекаму кўст. Мехрибон кишининг сўзларини эшит, нима деган:

Оламдан етишди менга иш ўнги.
Кепак озиқ бўлди. кийим — қўй юнги.

Шакардан ширинроқ кепак бўтқаси.
Бу жулдур кийимим — ипаклар тенги.

Егу-ичгуни қорин тўйгунча истеъмол қил. Арпами. бўтқами. қорнингни тўйгазса кифоя. Кўмоч е. гўжа ич. аммо молдек ташланма — мижоз бузилади. Лаззатлар кетидан қувма. бунинг охири — азоб.

Қорнинг бир марта тўйса. икки кун юришинг мумкин. Бир тўн кийсанг. у икки йилга етади. Мана шу иккиси учун ўзимни қул қилиб. кишининг ишини қилсам. ярашармикан?!

Бугун давлат тилагингга мос бўлиб турибди. Бироқ унга ишонма. у тезда кетади. Ўлимни ҳеч қачон унутмаслик керак. У пистирмадан чиққандай пайдо бўлади. Доно ва сергак киши: «Ўлимни унутма. у бало келтиради». деган. Унинг гапларига қулоқ бер:

Талай тўпни тарқоқ қилган шу ўлим.
Ўлимни ўйласам. қалтирар қўлим.

Мен-мен деганларнинг «мен»и қолмади.
Наф бермади асло йиққан мол-ҳолим.

Менинг билганларим мана шулар.

Сизларга мендан нафли сўз керак. бундан бўлак фойдали томоним йўқ. Шунинг учун элиг мени ўз ҳолимга қўя берсин. Фақат мен айтганларга амал қилса кифоя.

Элигдан мен учун кечирим сўра. Эй қардошим. кўнглингга малол келтирмасанг. шу сўзларимни етказ.

Ўгдулмиш бу сўзларни қабул қилди. Улар омонлашишди.

Ўгдулмиш уйга келиб. ўйга чўмди.

У элигга бор гапларни етказди.

Элиг бу сўзларни анча мулоҳаза қилиб кўрди.

Эй Ўгдулмиш. деди яна бу ҳоқон.
Уни чорламоқдан мақсад шу замон.
Сабаб бўлармиди эзгулик ишга,
Кўнгил қолмасмиди ортиқ ташвишга
Тирандш. унамас бу ён киришга.
Ё эш-тўш. қардошлар юзин кўришга.
Унинг деганлари бари чин. сара.
Яна зўрлар бўлсак ярашмас сира.

Сенга ҳам юк тушди ташвишда юриб.
Тилда сўзинг айтдинг, югурдинг ҳориб.
Кутайлик, кўрайлик яна бу аҳвол
Не тарзда тугайди охир, эзгу фол.
Қора тун ичидан бўлар бўлгу иш,
Ёруғ кун ёритур уни, эзгу эш.

Элиг сўзини тугатди. Ўгдулмиш ҳам уйига равона бўлди. Шундан кейин орадан кунлар ўтди. Аммо элиг ўйдан бўшамади. Ниҳоят, у Ўгдулмишни яна чорлаб қолди.

— Қариндошингни пойтахтга таклиф этдик, аммо у келмади,— деди Кунтуғди. — Энди фикрим ўзгарди. Сен бир чора топгинки, унинг юзини бир марта кўрайин. Ё унинг ўзи буёққа келсин, ёки унинг ҳузурига ўзим борайин. Мақсадим — зиёрат.

Ўгит, панд, насиҳат берсин у киши,
Кейин қайтсин, қилсин не бўлса иши.

Ўглудмиш:

— Бу гапинг чиндан ҳам ярашиқ ва кўркам кўринади. Бу бўладиган ишга ўхшайди. Борайин, унга бу сўзларни айтайин. Элиг овора бўлиб бормасин, яхшиси уни шу ёққа олиб келайин. Аммо сен яна битта мактуб ёзиб бер, токи бу гапларга Ўзғурмишнинг ўзи ишонч ҳосил қилсин, — деди.

— Мактуб яна нима учун керак?— ҳайрон бўлди Кунтуғди.— Сен ўзинг борсан-ку, шунинг ўзи кифоя қилмайдими? Мактуб ишончсиз кишилар учун бўлади. Сендан ишончлироқ ким бор?!

Яғмо беги не дер, эшит бу сўзин.
Бутун иш ичида пиширган ўзин.
Элчига ишонса, битиг не керак?
Кечиг саёз бўлса, этиг не керак?
Сўзинг тилга чиқар, эшит уни ҳам,
Яна бир битиг, эй тетиг, не керак?

Бу унчалик қийин иш эмас. Мен ўзимни олиб қочаётганим ҳам йўқ. Шугина таклифга мактуб не лозим? Ўзинг ишончлисан, шу етади.

У келсин, учрашсин, сўнг, майли, изига қайтаверсин. Уни зўрлаб, мажбур қилиб олиб қолмайман. Сен ҳам уни қистайверма, таклиф қилсанг, етади. Борди-ю бу ерга келмаса, мен ўзим унинг ҳузурига борайин. Унинг юзини бир марта кўриб, кейин ортга қайтайин.

— Хўп, жуда яхши. Мен бу орзуларингни тугал қилиш учун яна бир марта уриниб кўраман, — деди Ўгдулмиш. Сўнг уйига йўл олди.

УЧИНЧИ УРИНИШ

Қизғиш қуёш юзи ўнгди бус-бутун.
Тоза бўлди осмон мисоли олтин.
Қуёш тортди юзга сариқ заъфарон,
Ўзин қилди майна рангидек жаҳон.
Осмон ранги мисли дилбар қиз қоши.
Жаҳон бўлди гўё *ҳабашлар* боши.

Ўгдулмиш тамадди қилди, ювиниб, дам олиш учун тўшагига чўзилди. Бир оз мизғиб ташқарига қулоқ тутди: булбул наво қилар эди. Унинг уйқуси ўчди. Яна ташқарига қаради.

Осмон қора кўйлагини йиртмоқда эди. *Ёруғ юзли гўзал* қоматини кўтарди. Ўгдулмиш қўзғалди. Кийиниб, отини миниб, қардоши томон йўл олди. Ўзғурмишнинг уйига яқинлашганида отдан тушиб, эшикни тақиллатди. Оҳиста товуш қилди.

Ташқарига чиқиб келган Ўзғурмиш ҳайрон қолди.

Ўзингни қийнайсан нега куч билан.
Нега ёпишдинг сен менга ўч билан?

Ичкари киргин, юр, менга айт сўзинг.
Нега қайтиб келдинг яна сен ўзинг?

Улар ичкарига киришди. Ўзғурмиш қош-қовоғини уйиб олди. Ўгдулмиш ташриф сабабини баён этди:

Сен айтган сўзларни бузмай, бенуқсон.
Элигга етказдим, этдим хўп баён.
Сени ўз ҳолингга қўйди зиёда,
Фақат бир тилакни этди ифода.
Мени *сўзчи* қилиб жўнатди охир,
Бунга койинмагин, эй мард, баҳодир.
Ҳар нарсанинг ҳадди, фурсатлари бор.
Фурсатдан ўтказма ишни, эй номдор.
Заковатли деган ушбу ишга мос,
Ҳар ишга бўлади ушбу сўз асос:
«Вақтидан ўтказма ишни ҳеч қачон,
Ишдан йироқ тушдинг вақтни берган он.
Бор ишнинг муносиб, тенги бўлади.
Муносиб, тенг билан ҳар нима эсон».
Элиғда ўзгарди олдинги тилак,
Зиёратга чорлар, сен бергин кўмак.
Бориб кўр, ё келсин ўзи сен томон.
Сенинг суҳбатингни қилар у армон.
Бундан зарар етмас сенга ҳеч зарра.
Менга ишон энди, эй багри яра.

Ўзғурмиш деди: бу сўзлар мукаммал.
Заковатга яқин. эй кўнгли тугал.
Бу сўзга эгилдим. берарман бўйин.
Зиёрат қилайин уни мен бу кун.
Бундан олдин бормас эдим мен асло.
Ўз нафин тиларди элиг мутлақо.
Уни қўйди. тутди ҳақ йўлни шу дам.
Ҳақ йўлни танладим. қўйдим мен қадам
Мен ўзим борайин. элиг келмасин.
Менга етсин ташвиш. элиг олмасин.

Энди сен боргин. Элигга менинг сўзларимни етказ. Ёруғ кун қорайса, ой кўрина бошласа, мен бораман, сен жой ҳозирлаб қўй. Мени ўз уйингда кутиб тургин.

Ўгдулмиш бу жавобни эшитиб суюниб кетди.

— Бу жуда кўркли бўлади. — деди у. — Элигнинг жонига севинч киради.

Қуёш ерга қайтиб. дунё кўмир рангини олса. уйда кутиб тураман. сен учун ҳамма ҳозирликларни кўраман.

Шундан кейин Ўгдулмиш отини миниб йўлга равона бўлди. Эшитган сўзларини элигга етказди. Элиг:

Деди: эзгу бўлди ишимиз бари.
Ростдан чин бўлса гар у деганлари
Элиг сўрар: ўзи келади қачон.
Учрашув жойимиз қаер. билағон?

Ўгдулмиш донишманд Ўзғурмишнинг келар пайтини айтди.

Элиг шундай деди:

— Мен деб анча машаққат чекдинг. Лекин дардимизга эм бўладиган ишни амалга оширдинг. Сен уни уйингда кутиб тур. Мен чорловчи юбораман. Ўшанда унинг юзини кўриб. ўзини зиёрат қилайлик. Доно киши сўз маъносини бунга ўхшатиб шундай деган:

Киши кўнгли тилар доим эзгуни.
Овутади умид билан ўзини.
Орзу-тилагини олсами тугал.
Ундан тўлар кўнгил. кесар сўзини

Ўгдулмиш Кунтуғдининг гапларини маъқуллаб уйга жўнади

ЎЗҒУРМИШНИНГ ТАШРИФИ

Қуёш ерга қайтди. яширди юзин.
Қора туман тутди ёруғ ер юзин.
Тул тўнини кийди олам қош тугиб.

Осмон жин юзидек қорайди ўнгиб.
Бор тебранган тинди, юмилди кўзи.
Кесилди ун-шовқин, тириклар сўзи.

Худди шу пайтда Ўзғурмиш етиб келди. Ўгдулмиш уни иззат-икромлар билан қаршилаб олди. Иккиси саломлашиб, қўл олишгач, ичкари киришди. Ўгдулмиш, овқат, шира-шарбатларни муҳайё қилди. Элигга хабарчи ҳам жўнатди. Элиг ҳам тезда жавоб қайтарди. Чорловчи етиб келди.

Уларнинг иккаласи саройга кириб келиши билан ҳоқоннинг ўзи пешвоз чиқди. У салом берди. Ўзғурмиш алик олди. Ҳол-аҳвол сўрашишди. Кунтуғди ўз ёнидан жой кўрсатди, сўнг узр сўради:

— Эй Ўзғурмиш, шундан шунга яёв келиб бир оз қийналибсан-да...

Ўзғурмиш унга жавоб берди:

Ўзим орзу қилиб келдим-ку сенга.
Нечук ташвиш етар, эй элиг, менга.
Киши тилак қилса, етишса бориб.
Тилагин тез топар, қолмайди ҳориб.
Нима дейди, эшит, кўп олий насаб.
Номин зако билан оламга тараб:
Кўнгил орзуласа йироқ ер яқин.
Тилагин топар тез, шодланар тағин.
Кўнгил билан қадам қўйса орзулаб.
Киши тезда етар яқинлик улаб.
Кўнгилсиз қўйилса не ерга оёқ,
Неча яқин бўлсин, туюлар йироқ.

Киши оёғи билан юраркан, унга машаққат етади, аммо мақсадига эришса, бу машаққатлар эсдан чиқади.


КИМ ОЛДИН САЛОМ БЕРСИН?

Элиг Ўгдулмишга юзланиб шундай деди:

Кўнгил билан келдинг сен энди менга.
Рухсат этсанг савол берайин сенга.
Биларсанки, салом фазли кўп улуғ.
Олдин салом деган йўл очар тўлиқ.
Мени кўрдинг, аммо салом қилмадинг.
Нега бу каломни лозим билмадинг?

Ўзғурмиш жавоб берди:

— Сенга атайлаб салом бермадим. Тўғри, салом бериш кишига соғлиқ, саломатлик тилашдир. Салом — соғлиққа асос. У кишига эминлик, омонликдир. Қуйидаги сўзлар жуда яраширқ тарзда айтилган. Унга қулоқ бер:





Омон берди эрга салом қилувчи,
Саломатлик топди алик олувчи.
Салом бўлди одам тинчига гаров,
Соғлик олар салом билан қолувчи.

Саломлашиш қоидасида улуғлар кичикка салом беришса, етук иш бўлади. Кичиклар камтарлик йўлини тутиб, улуғлар сўзини олса, ўзини улуғлик сари элтади.

Ўзғурмиш фикрини давом эттириб шундай деди:

Қандай зарар кўрар мендан бу ҳоқон,
Кичикдан улуққа тегарми зиён?
Элиг қўли бўлди эл аро узун,
Не тиласа, қилар, тумурса юзин.
Мени энг аввало хизматга тилаб,
Саройга чорладинг ўзинг орзулаб.
Ҳануз ийманардим ҳузурингда мен,
Салом билан дилга таскин бердинг сен.
Яна илк сўзига бўлиб умидвор,
Қайтмасин деб тилаб тургандим зинҳор.
Элиг деди: беги учун энг ёвуз —
Тилда айтиб яна қайтиб олса сўз.
Улуғлик емасин у қўли узун,
Амалда қилмаса ўз айтган сўзин.
Олам ишига қўл топмасин киши,
Тили ёлғон эса, ярамас иши.
Не янглиғ бег бўлур элига улуғ,
Тили ёлғон эса, қўли қуп-қуруғ.
Кишига энг ёвуз бу ёлғон бўлар,
Ёвуздан ёвузи сўз қийган бўлар.
Бу ҳақда сўзлаган тўғри сўзли эр,
Мана, сен қулоқ тут, нималарни дер:
Беги бўлса бутун, деса сўз чини,
Сўзидан ким қайтса, мард дема уни.
Гапирган гапидан қайтмади мардлар,
Сўзидан қайтганлар — аёлнинг тенги.

СЕНИ СЎРМОҒИМГА САБАБ БОР ЭДИ

Ўзғурмиш бу фикрларни маъқуллади. Бошлиқ эзгу бўлса, эл-юрт бой бўлади, деди у.

Нима дейди, эшит, оппоқ бошли эр,
Кўп ишларни кўрган, узун ёшли эр:
Урин, то ўзингга қўйгин яхши от,
Вафо этмагай қут, сени қилар ёт.

Ёмонлик ўйлама, эй кўли баланд.
Феълу сўзни қилгин яхшиликка банд.
Улуғлик — бу беклик ўтар, шубҳасиз.
Фақат шу эзгулик ўчирмагай из.
Бу кун эзгулик қил, эл юкин кўтар.
Даврон ўтиб охир эзгулик етар.

Элиг Ўзгурмишни таклиф қилишдан мақсадини очиб шундай деди
Эй улуғ билимдон, уқиб олгин, сендан тилагим шуки, менга бери эшикларни, яъни оламнинг сирли ҳодисаларини очиб кўрсатгин.

Сени бунчалар яқин тутиб истаганимнинг сабаби шу эди, эй кўнгил тўқим. Менга ўгит, панд, насиҳатлар бергинким, қўлим эзгуликларга етишсин. Томоқ дардида юрган одамлар тўла. Аммо тўғри, чин багирдош ларим йўқ. Бу беклар барча орзу-тилакларига эришса ҳам, менга арзигулик таянч бўла олмайдилар. Саройда жуда кўп каллалар жамланган аммо менга наф берадиган киши йўқ, эй билимдон.

Бу байт ўхшаш келди, унга, эй саҳо.
Англай десанг уни ўқи аввало.
Кишиман деганнинг саноқсиз сони.
Кишига нафлисин тиласанг — қани?
Бир одам қилади мингтанинг ишин.
Нафсиз минг йиғилса, қилолмас уни.
Ўзғурмиш жавобда деди: Эй хоқон.
Сиртим мақталгудек кўринар ҳар он.
Агар билсанг эди ичимни, доно.
Ҳайдаб солар эдинг ўзинг аввало.
Менга лақаб бўлди зоҳидлик оти.
Бу от бўлди менга тоатим юти.
Кишининг ташига берилма сира.
Киши қилмишин бил доимо сир-а!
Чиройли бўларкан қовуннинг юзи.
Ҳиди, шакли ёки ранг-рўйи ўзи.
Ичидан мазасиз бўлсами қовун.
Уни четга отмоқ керакдир беун.
Нима дейди, эшит, бу сўзларга боқ.
Ичинг бўш бўлмасин, ташинг — ялтироқ.
Улуғлик аслида ич-ичдан бўлур.
Ичи эзгу бўлса, таши ранг олур.

* * *

Жавоб берди элиг: аё покиза,
Ичи ҳам ташидек бутунлай тоза.
Менга панд-ўгитлар бера қол ўзинг.
Саодатга элтсин халоскор сўзинг.

Менинг сўзларим қандай наф бериши мумкин? деб сўради Ўзгурмиш.

— Бу хил камтарлик фақат сенга хос, — деди Кунтуғди. — Сендан тилагим шуки, мени эзгу ўгитларингдан баҳраманд эт. Менга шу кифоя.

ЎЗҒУРМИШНИНГ КУНТУҒДИГА ЎГИТИ

— Аслида мендан ўгит-насиҳат нега керак? — дея сўз бошлади Ўзгурмиш. — Бу давроннинг, дунёнинг ўгитлари сенга кифоя эмасми?!

Назар солиб кўрсанг, дунёда қанчадан-қанча аждодлар яшаб ўтишган. Ҳозир улар қани? Уларнинг номини бизнинг замонамизгача етказиб келган ишларни қилгин. Ўшаларга амал қил, шунда ташвиш йўқолади. Улар ўлим арафасида нималардан афсус-надоматлар чекишган бўлса, ўша ишлардан тийил.

Агар қилган эсанг ўзинг эзгулик,
Эвази келади сенга мангулик.
Ёмон қечган эса тириклик агар,
Ўкинч билан йигла ўлимга қадар.
Осон эмас топмоқ тирикликни ҳам,
Ёшликнинг кучи-ю йигитликни ҳам.
Эй элиг, боқиб кўр, ўзингдан бурун
Отанг олди энг тўр — баланддан ўрин.
Хазина, мулозим соҳиби бўлиб,
Яшади талай вақт тилаги тўлиб.
Охир тутди ўлим-ҳаёт поёни,
Наф этмади шуҳрат, шарафи, шони.
Отанг ўлди, борди, сенга берди панд,
Отанг пандини бил шакар бирла панд.
Отанг ўлган эса не вақт-пайтидир,
Сенга қараб шундай тилак айтадир:
Ўлимдан омон йўқ тирик кишига,
Мурарват эта бил, ўша қайтадир.
Отанинг, онанинг ўлими тугал
Ўғил-қизга панддир, билсанг ҳар маҳал
Отангни, онангни ўлим қўймади,
Сени ҳам қўярми, ўлим тўймади.
Тирикликни асра, керак ишга сол,
Саховатли бўлгин, киши кўнглин ол.
Талай оч бўрилар йигилди сенга,
Қўйни асра, элиг, қулоқ бер менга.
Элингда бир одам агар қолса оч,
Уни сендан сўрар олам, кўзни оч.
Ёнарсан, эй элиг, мисоли чироқ,
Шуъласи бировлар учундир бироқ.
Адолатдан олар сиёсат барор.

Адолат туфайли элиг барқарор.
Билим берди доно дилига монанд.
Бу сўз ишга солсанг, нафи беадад.
Узатмоқ тиласанг бу беглик қўлин.
Одил бўл, тут одил одамлар йўлин.
Тану жони сенга ўхшаш кўп одам.
Ҳожатманд эрурлар сенга ушбу дам.
Адолат учун деб тиклашди сени.
Одил бўл, адолат узра тур, қани!
Заковат билан эт бутун ишларинг.
Ҳавога берилма тугиб қошларинг.
Олам эзгу бўлсин, десанг сен тўлиқ.
Ўзинг эзгу бўлгин, эй элда улуғ.
Ёмонликни агар десанг қуритай.
Ўзинг яхши бўлгин — ёмон қуригай!
Эй элиг, табиблар мисоли ўзинг.
Халойиқ бемордир, шифоси — сўзинг.
Баъзиси золимдан чекади алам.
Баъзига йўқчилик келтиради ғам.
Бирови қайғули, биров эмас тўқ.
Бировининг эса кийимлари йўқ.
Сенда ахир, кўргин, буларнинг эми.
Тузат дори бирла, ўзинг бўл *қами*.
Бу дунё, эй элиг, мисли экинзор.
Нима эксанг, уни ўрмоқлиғинг бор.
Билим билан билгин туман-турли иш.
Билимдан келади бутун кўркли иш.
Адоватни тугат, яна тўкма қон.
Бу икки гуноҳга жон чекар фиғон.
Кишиларга бўлгин ўзинг меҳрибон.
Бировга соғинма сен асло зиён.
Ёмонлар феълини қилмагунча соз.
Азоб бермоғингни қила кўрма оз.
Бечора, етимга қараб тур фақат.
Уларни ким боқса, шудир адолат.

Шундай қилиб донишманд ўз ўгитларини ниҳоясига етказди. Сўнг кетишга рухсат сўради. Элиг уни овқатга ундади. Ўзғурмиш бир оз тотинган бўлди. Ниҳоят, у ўрнидан турди, элиг билан омонлашди. Кунтуғдининг кўнгли тушиб қолди.

Ўзғурмиш яна тоғ томонга равона бўлди. Уни кузатиб борган Ўгдулмиш ҳам уйига аранг қайтди. У эртаси куни элиг ҳузурига кирганида Кунтуғди Ўзғурмишни қандай кузатганини сўради. Сўнг шундай деди:

— Мен олам юкини елкамга олдим. Ўйлаб кўрсам, менда ҳам битта тана, битта томоқ бор. Шунча ташвишлар битта бошимга нима учун керак?

Ахир гадойлар ҳам очидан ўлмаяпти-ку!

Бу гаплар Ўгдулмишни ўйга чўктирди.

— Гапларинг ҳеч ярашмайди, — деди у. — Бунинг ўрнига ўз орзу-ҳавасларингни чегаралаб, кўпроқ эл-юрт нафини ўйла. Билимдон киши шундай деган: «Йўлнинг тўғриси — ҳавас-нафсини енгиш. Шунда кўнгил эгрилиги барҳам топади».

Сен нега бу қадар алам чекмоқдасан, тириклик сенга нима учун ғамдан иборат бўлиб кўринмоқда?

Элга адолат қил, улар роҳат-фароғатга эришсин. Сенга бунинг эвазига дуолар келади. Шу кифоя эмасми?

— Мен ҳам шуни ўйламоқдаман, — деди элиг. — Бу ишда яна ўзинг мададкорсан. Элни яшнатишнинг қандай чора-тадбирлари бор? Буларни яна бир айтиб бергин, — деган мурожаат билан Кунтуғди ўз сўзларини тугатди. Бу ҳақдаги Ўгдулмишнинг сўзлари кейинги бобдан ўрин олган.

ЎЗИНГ ТУТСАНГ АГАР ФЕЪЛИНГНИ СОДИҚ...

Не учун чўзарсан қилар ҳар ишинг.
Ишинг чўзма, ўтиб борар тез ёшинг.
Бугун қилмаса иш, кейин иш бўлар.
Иш ишга қўшилса, у ташвиш бўлар.
Бугунги ишингни қўймагин кейин.
Кейин қолган ишлар бўлади қийин.
Ўзинг тутсанг агар феълингни содиқ,
Ёмон ҳам феълини соз этар аниқ.
Ёмонга ёндошма — юқтирар бало.
Эзгу элга яқин бўлгин доимо.
Нима дер, эшитгин, киши ростгўйни.
Ҳулқу одатидан тўлиб чиройи:
«Ёмонга қоришма, йироқ тут уни.
Ёқимсиз бўлади ёмоннинг уни.
Ким этса ёмонлик, машаққати бор.
Бу эзгу бахт топар ҳақиқат куни».
Ёмонни бойитма, эй униб-ўсар.
Ёмонлар бойиса, феълини бузар.
Қўли қисқа бўлса, дуруст киши ҳам.
Зориқиб қилади ёмон йўл-қадам.
Зориқса бу эзгу қилиқли киши,
Феълини бузади, бузилар иши.
Севар-севмасларни билиб тур ҳар он.
Бу бирга олов бўл, унга — меҳрибон,
Бир ишни буюрма икковга тенг-а,
Қилинмай қолади, ишонгин менга.
Нима дейди, эшит, меҳрибон киши.
Сўзига баробар қилар ҳар иши:
«Қайси элнинг беги тутса эзгуни,

Ўша эл бошида тугади кўни.
Бекка бойлик бўлур эли бойлиги.
Тиласанг буни қил, тиласанг уни».
Шаҳар, қишлоғингдан ёмонни арит.
Мусофир карвонлар осойишин эт.
Эл ичра қолмасин зўравон, ёмон
Ташингда топмасин қароқчи макон.
Ёмонларга бергин аямай жазо.
Ёмонга ёмонлик бўлар мос, раво.
Яна бу эл ичра тонфаси кўп.
Ўзинг айриб олсанг нафи тегар хўп.
Ундан бири доно олимлар эрур.
Олимлар оламга саодат берур.
Булар ҳақин тийма, бер совға, инъом.
Олимлар зорикса эмас яхши ном.
Диллари тинч бўлиб билим берсалар.
Билимсизлар ундан нафлар кўрсалар.
Булардан бўлаги авомдир қора.
Уларга адолат кўзи-ла қара.
Ер остими жойинг, ё унинг бети.
Йигитга кифоя ёйилса оти.
Раият ҳақи бор, булар уч бўлак.
Ҳақини ўтагин, бажо қил тилак.
Бири — кумуш қадрин элда асра пок.
Йёр ишини доимо бебок.
Яна бир — уларга адолат юрит.
Улар ўртасида низони қурит.
Учинчи — эмин тут бутун йўлларинг.
Қароқчи қўлини кессин қўлларинг.
Сотувчи соз этса омонатларин.
Ҳунармандлар этса насиҳатларин.
Деҳқонлар ишига киритса мадор.
Кўпайтирса молин бутун чорвадор.
Яна бир бўлаги лашкар ҳамиша.
Бўрига-ёвингга улардир пеша.
Икки дунё нафин берадиган сўз
Шу эди, эшитдинг ўзинг, қора кўз.

Ўгду
яшнаб
юртни
Ўгдулм
Ўгд
ўйлаб,
ҳақида

Ўг
кучи
келди
бекор

Бу сўзлардан элигнинг кўзлари порлаб кетди.

— Эй Ўгдулмиш, — деди у. — Энди менга кўп ишлар осон бўлди. Сендай ёрдамчим борлигидан жуда мамнунман. Бундан кейин ҳам шу ишларни давом эттиравер. Сенга чин дилдан ишонаман. Менинг кунларим худди офтоб ёғдуси тушгандай ёришиб кетди. Бунга сабаб — ўзинг.

Жуда яхши деган кўнгил олган эр.
Кўнгил, тил бирикиб яқин бўлган эр:

«Ишонч олган киши ойна мисоли
Қараса, кўринур ўзин жамоли.

Боқиб турса унга кўринар кейин,
Жамики қусурдан бўлади холи».

Киши кўнгли кимга яқин бўлса чин,
Ўшанга узатсин содиқлик қўлин.

Ишонган кишига сўз айтмоқ керак
Ишончли сўзини чин этмоқ керак.

Ўгдулмиш элиг сўзларини охиригача тинглади. Унинг кўзлари яшнаб кетди. Ўша-ўша элиг ҳам ўз роҳатини қўйиб, жон койитиб эл-юртни тузатиш ишлари билан астойдил шуғулланди. Бор ишларини Ўгдулмишга топширди.

Ўгдулмиш умрининг ўтаётгани, нималар қилишга улгурганини ўйлаб, буларнинг барини кўз олдига келтирди. Кейинги боб ана шулар ҳақида ҳикоя қилади.

ЎГДУЛМИШНИНГ ЎЙИ

Ўгдулмиш ёлғиз ўзи ўтириб ўтган умрини ўйлай бошлади: тириклик кучи мендан кетди, — деди у. Қўлимга таёқ тутадиган пайт ҳам етиб келди. Тириклик тугаб, куним қорая бошлади. Кунларимнинг жуда кўпи бекор-беҳуда ўтиб кетди.

Сочим бўлди шунқор тусидек оқиш,
Соқол ёзги майса — қурир боёқиш.
Ўттиз икки тишим — инжу ва садаф,
Узилди ипи, кўр, кетар битталаб.
Бир кунли ерни ҳам кўрарди кўзим,
Хиралашди, кўрмай ёнимни ўзим.
Йироқни илғарди қулоқ тутсам-а!
Бугун оғир бўлди, энди имлама!
Қора эди қузғун тусидек бошим,
Бошга оққуш қўнди — етилди ёшим.
Яна у дедики: «ўзим шошмайин,
Шошилмоқ гуноҳдир, уни қилмайин,
Кенгаш билан қилса ишини билиб,
Кенгашсиз ўкинар ҳар ишда улиб.
Нима дейди, эшит, сўзамол киши:
«Бутун дардга даво бу кенгаш иши.
Кенгашмоқ керакдир, яқинга кенгаш,
Кенгашда келишар турли-туман иш».
Кенгашда ўнгланар кишининг иши.

Ўкинчлиг бўлади кенгашмас киши.
Борайин мен энди қариндош томон.
У билан кенгашай ишни шу замон.
Яроқли деб айтса, бўлсин ушбу иш.
Яроқсиз деса-чи, қолсин бу юмуш.
Ўз ишин билолмас кишининг ўзи,
Бу пайтда лозимдир бўлаклар сўзи.
Кенгашса кенгаяр киши билими.
Билим етса, бўлгай кенгашнинг эми.
Нима дер, эшитгин, кенгашган киши,
Кенгашда битади кишининг иши:
«Нима иш қиларинг кишига кенгаш,
Кенгашсиз кишини яқин тутма эш.
Нима ишни қилсанг, кенгаш, сўнгра ки
Кенгашда бўлади муродинг ҳосил».

МАСЛАҲАТ

Ўгдулмиш ўрнидан турди, сўнг саройга отланди. Мақсади — ўз ўйла ри, мулоҳазалари билан Кунтуғдини таништириш, унинг маслаҳатини олиш эди. Шунинг учун у элигга:

— Қариндошим Ўзғурмишни кўриб келмоқчиман, рухсат берсанг, ўша ёққа борсам, — деб илтимос қилди.

Элиг рухсат берди.

Ўгдулмиш тайёргарлик кўриш учун уйига кетди.

Олам ранги бўлди бу олтин мисол,
Қуёш ранги бўлди заъфарон жамол.
Фалак уйди қошин, қорайди юзи,
Зулумот-ла тўлди кишилар кўзи.
Бир оз мизғиди у, бўлди кўп уйғоқ,
Ўйлаб кетди: яқин қолди саҳар чоғ.
Тўшагига кириб ўйланди узоқ.
Чўчиб кетди ўзи уйқуда бироқ.
Кейин юмилмади бир дам ҳам кўзи.
Узоқ хаёл сурди, зерикди ўзи.
Боқиб кўрди: *Туғар* томонда Қуёш,
Гўё олов бўлиб кўтарарди бош.
Йилдриқ билан *Айғир* ёришди секин,
Нишон берди ўздан *Эрантиз* кейин.
Булбуллар таратди ажойиб оҳанг,
Исрофил найига монанд бир жаранг.
Қуёш таратарди олам ичра нур,
Осмоннинг юзида олов кўринур.
Маъшуқа кулардек ёришди олам,

Узун бўлди севинч, алам эса — кам.
Яна турди, кейин кийимин кийиб,
Отин минди, тоққа юз урди елиб.

ДИЙДОР

Ўгдулмиш етиб бориб секин эшик қоқди. Ичкаридан Ўзғурмиш чиқиб келди. Иккаласи қўл олишиб, ҳол-аҳвол сўрашиб ичкари киришди.

Ўзғурмиш ҳайрон қолиб сўради:

— Эй ой юзли қардошим, нега келдинг? Менинг қайтганимга бир ой ҳам бўлмади-ку! Хафароқ кўринасан, қизил юзинг ҳам сариқроқ кўриняпти?! Сенга нима қайғу тегди? Қани гапир, нима бўлди?

Ўгдулмиш жавоб берди:

— Ўйлаб кўрсам, умрим ўтиб бормоқда. Қора қузғундек бошим оққушга айланди. Дунё ишлари билан бўлиб тоат-ибодатдан четда қолдим. Донолар ибодатни йигитлик ёшида қил, қарилик етишса, куч кетади, дейишган. Шуларни ўйлаб ҳузурингга келдим. Ўзинг менинг жонимга куядиган, яқин кишимсан. Яроқли мулоҳазаларингни айтгин. Уларни эшитиб, кўнглим ишонсин. Келишимдан мақсад ҳам мана шу.

йла-
тини

ЖАВОБ

Ўзғурмиш Ўгдулмишнинг сўзларини диққат билан эшитди. Унинг ниятини маъқуллади. Сўнгра ўз мулоҳазаларини баён этишга киришди.

— Бу ишнинг ўйўл-йўриқлари битта эмас, улар жуда хилма-хил, — деди у. — Майли, мен айтай, сен уларни дилингга жойлаб ол.

Уларнинг биринчисини айтаман, диққат билан эшит, сўнг бунинг яроқли-яроқсиз эканлигини кўриб, кузатиб ўз ишларингга тадбиқ этасан. У ерда, яъни одамлар орасида, эл-юрт ичида яшаш — сенга лойиқ иш. Менга лойиғи эса, бу ер — тоғлар орасидир. Элиг ҳам, элинг ҳам бугун сендан кўпдан-кўп нафлар олмоқда. Агар бу ишларнинг яроғи бузилса, ҳамма нафлар ҳам елга кетади.

Элиг қўлингни узун қилди. Бунинг устига номинг ҳам кундан-кун қут олмоқда, эл-юрт орасида шуҳрат тутмоқда. Мамлакат халқи роҳатга етишди, шунинг учун ҳам уларнинг тили дуолардан тинмайди. Кишиларга доим наф берадиган киши шундай дейди (бу хил одам кишиларнинг кишисидир):

Кишилар аро чин киши ул бўлар,
То ундан кишилар нафини олар.
Нафи йўқ кишилар кишига зарар,
Нафи бор кишидан эл қутга тўлар.

Киши эзгу ният қилса, кўнглида фақат яхшиликларни ўйласа, унинг оламда қиладиган ҳар қандай иши ҳам ўз тилагидек бўлаверади. Эзгулик

эзгу ниятли кишиларгагина хос. Яхши ният эгаси шу ният-мақса баробарида нафини ҳам олади.

Сенинг у ерда бўлишинг элнинг бахт-саодати. Бундан эл-юрт кўп манфаатлар топади. Ахир сен туфайли мамлакатдаги сиёсат қонун-қоидалар тугаллик касб этди. Ёмонлар тугади, улар ўз *ғайли олларини* тамомила ташлашди. Шунча эзгуликларни у ёнда қолдириб ўзинг бу ерга келадиган бўлсанг, шубҳа йўққи, бутун меҳнатларинг чиппакка чиқади, кўрилган барча чора-тадбирлар бузилиб кетади. Низом-қоидалар яна остин-устун бўлиб кетади, элинг ҳам пароканда бўлади. Орттирган эзгу номинг ҳам йитади.

Бу ҳам майлига-я, сенинг ўрнингга бир ёмон ўрнашади. Бу халойиққа оғир. Улар жон чекиб мудом йиғлашади, азоб-уқубатлар тагида қолишади.

Ёмон киши элни ҳам ёмон йўлга бошлайди. Халқ эса унга эргашиб кетаверади. Бунга шубҳа йўқ.

Шунинг учун сен ёмон иш қилишни хаёлингга келтирма, ёмон сиёсат юритишдан асран. Ишни тугал-пухта бажармайдиганларга ҳам тошни рик берма. Кўнгли очиқ бўлган кишининг овозига қулоқ сол, у ўгит бериб шу ҳақда жуда очиқ гапириб ўтган:

Ёмонга қўшилма, ёмон бўлма сен,
Ёмон иш қилувчи ёнин олма сен.
Мудом эзгу бўлсин сиёсат, феълинг,
Яна иснод аро сира қолма сен.

Ўзғурмиш ўз ўгитларини давом эттирди:

Сенга эзгу етди саралик учун.
Бу эзгуга жигар поралик учун.
Не учун бузарсан бу эзгу ишинг.
Сенга наф бўларми кейин ёз-қишинг?!
Ўз нафинг қўйиб ҳам эл нафин бузиб,
Нима наф тиларсан бунда бўй чўзиб?

Мен гоҳида ўз-ўзимга шундай дейман, буни эшитиб ол, эй ой юзим. Ўзим дунё-давлатларни олиб кўрган эмасман. Тилак-орзуларга ҳам кўнгил қўйганим йўқ. Халойиқ билан ҳеч қандай муносабатим йўқ. Бек-бошлиқлар билан ҳам борди-келди қилмайман. Олам молига кўз ташламадим. Эл-элатнинг аҳволи яхши ёки ёмонлигини ҳам билмайман. Лекин ўз ишларимдан воз кечиб у ёққа борсам бу иш ёмон бўлади. Киши олтин ва кумушларни кўрмаса ҳеч гап эмас, аммо уларни кўргандан кейин жуда кўп нолойиқ ишларни қилиши мумкин. Оламни кезиб хилма-хил ҳолатларни кўп кўрган хитой карвонбошиси бу ҳақда жуда яхши айтган:

Киши фақирликда яшаса қашшоқ,
Эзгу феълни ташлар бойигани чоқ.

Гадой тўқ бўлиб, у бойиса агар,
Тўғрилик йўли тез уни тарк этар.
Бу қут кўрмаган эр агар топса қут,
Қилиғи бузулар, *қилар элга ют.*
Бечора кишининг узайса қўли,
Эл ичра узаяр қўли ҳам тили.

Булар мен айтмоқчи бўлган фикрларнинг биринчиси эди. Энди бошқасига қулоқ сол. Булар ҳақда ҳам айтиб берайин.

Сен бу ҳақда тамоман унутиб юбордингми, ёки ўзинг буларни пардалаб, айтмай турибсанми?!

Биласан, оламдаги мақтов-олқишларнинг сон-саноғи йўқ. Аммо уларнинг энг кўпи вафоли кишиларга тегишли.

Оламнинг бор эса агар низоми,
Кишига кишилик бўлар нишони.
Киши эзгуликка қилар эзгулик,
Шу эзгу жавоби бўлар эзгулик.
Кимки бўлса асли отадан тоза,
Элига наф берар у беандоза.
Элигдан етишди сенга эзгулик,
Қозондинг неъмату егу-кийгулик.

Сендаги бундай санъат ва ҳунарларга, ҳеч шубҳа йўққи, Кунтуғди сабаб бўлди. У сени ўз тарбиясига олиб, парваришлади, сени эл орасида улуғликка етказди. У эзгулик эшикларини сен учун очиб қўйди.

Бугунга келиб элиг кўрсатган бу олийҳимматликларни унутдингми? Эзгуликка қайтариладиган жавоб шу бўладими, у кўрсатган яхшиликларнинг қиммати шу эдими?!

Эй жигарим, сенга мен жуда дағал сўзларни айтяпман. Сен буларга ўкинма, дилингни яра қилма. Рост сўз дағал бўлади, у кўнгилга оғир ботади. Аммо бундай ҳақиқат кўнгилга жойланса, кишига наф беради.

Сен дағал сўзга, яъни тўғри фикрга асло ғазаб қилма, яна қайтараман, рост сўз дағал бўлади, бунга асабингни бузма. Бунга жуда ўхшаб кетадиган бир сўз бор, эй кўркли юзим, эшитгин, уни айтаман:

Ҳақиқат дағалдир, билиб ол буни,
Кейин нафи тегар, шод этар сени,
Ҳақиқат кўнгилга ботади дағал,
Дағал сўз — ҳақиқат, ҳақиқат қани?!

Отанг ўлган пайтда сен жуда ҳам кичкина эдинг. Билиму ҳунарлардан йироқ, аҳволинг танг эди. Элиг сени ўз паноҳига олди, парвариш қилиб тарбиялади. Мана энди сен кишиларга эш бўлдинг. Сенинг қўл остингда ҳамма нарса: от-улов ҳам, ер-суву хазиналар ҳам элиг туфайли етишди.

Дунёда қандай эзгулик бўлса, уларнинг ҳаммасига эришдинг. Олами шонинг ёйилди, номинг дунёга таралди.

Мана шулардан кейин элу элатингни қолдириб, бу ерларга бош олиб чиқсанг, худди ёвга ўхшаб ўзингни четга олсанг ярашармикан?!

Сендан наф етадиган пайт энди етишди. Худди шу пайтда сен ўзингни олиб қочсанг, Кунтуғдининг кўнгли ачиб қолмасмикан?!

У сенга қанчалар яхшиликлар кўрсатди, бу яхшиликларга жавоб бериш керак эмасми, эй яхши номлим?!

Сен мана шуларнинг жавобига лойиқ келадиган иш бошини тутгин, токи одамзод боласи бу ишларингни алқашиб, сен ҳақингда фақат етган вафоли инсон десин, ҳар қадамда отингни мақтасин.

Нима дер эшитгин, киши эзгуси:
Кишилик бўлар чин киши белгиси.

Одамгарчиликка одамгарчилик билан жавоб қайтариш мард кишиларга хос одат. Ҳақиқий инсонийликнинг йўли — шу! Кишиларга ҳар доим кишилик қилгин, одамлар орасида эзгу деган номни орттира бил.

Элиг сенга минглаб яхшиликларни қилди. Ана шу яхшиликларнинг жавобини қайтариш учун чора изла. Кишилар орасида энг яхшиси — вафоли кишидир. Бундай киши эл ичида сара, ишлари тугал ва етук бўлади.

Ўзинг кичиккина ўғлон эдинг, билиминг ҳам йўқ, нодон эдинг. Кунтуғди сени қўллади, бугун эл аро қутлисан. Агар ана шу эзгуликларга муносиб жавоб берсанг, ўзинг оладиган эзгуликлар ҳам янада ортади.

Нима дер, эшитгин, э кўнгли яқин,
Донишманд ўтаркан яқинлик ҳақин:

Бировнинг ошини есанг, қил ишин,
Унинг меҳри ортар, ҳалол е ошин.

Тузу нон ҳақини ўтасанг тугал,
Киши фидо этар ҳаттоки бошин

Ўзинг барча орзу-тилакларингга эришдинг, энди ўзинг ҳам яхши тилаклар қилгин. Эзгулик йўлини тутгин-да, Кунтуғдининг кунларига ҳам керак бўл.

Сенинг шу ҳолатингни кўрибоқ не-не ҳасад қилувчилар кўзларини юмиб олишган — уларнинг кўрарга кўзлари йўқ. Кунтуғдининг бундай ҳиммати жавобига сен ҳам унга эзгу от етказ, токи унинг душманлари ёнсин, уларнинг ичи куйиб кетсин, ёт-бегоналар бўйин эгсин.

Сен кўрсатган шарафли ишлар элигга дуо келтиради. Булар яна ўзингга саодат беради.

Киши асли шундай қилар эзгулик,
Оти олам аро қолар мангулик.

Жуда яхши деган бу тозий тили.
Кишини билишга йўли шу, йўли:

«Киши аслига, кўр, қилиғи нишон,
Бўлар шу қилиғи мисол бегумон.
Киши асли софми — қилиғи равон,
Ёмоннинг қилиғи нишондир, ишон»

Агар элигинг ўз хулқ-одатларини ўзгартирадиган бўлса, кучинг етганича унга йўл-йўриқ кўрсат. Унга билим йўлларини кўрсат.

Сен менга ишониб кенгаш қилдинг, мен ҳам ўз билганларимни баён этдим. Буларга ўзинг билган нарсаларни ҳам қўшиб, мулоҳаза қилиб кўр. Шунда ҳозир қилаётган ишларинг ўзингга ҳам маълум ва ошкор бўлади.

— Бу гапларни жуда яхши айтдинг, — деди Ўгдулмиш, — Мен учун чигал бўлган барча тугунлар ёзилди.

Менга парда эди улар зим-зиё,
Пардани кўтардинг, таралди зиё.

Энди барча ортиқча тилак-орзуларни ташлайман.

Шундай деб Ўгдулмиш ўрнидан турди. Омонлашиб, уйига жўнади. Кечани ўтказиб, тонг отиши билан яна Кунтуғди ҳузурига йўл олди.

БОР СЎЗНИ ТИНГЛАГИН, КЕРАГИНИ ОЛ

Элиг Ўгдулмишни кўриши билан ундан Ўзғурмишни суриштирди. Қардошининг соғлиқ-саломатлигини, қилаётган ишларини сўради.

— Бизни эслайдими-йўқми? — дея қизиқди у.


— Ўзғурмиш ўз қайғуларини бир четга йиғиштириб қўйган, — дея жавоб берди Ўгдулмиш, — фақат бизни сўрайди. Сенга яқинлик қилиб тилидан дуони туширмайди.


— Шундай экан, биз келажакда ўзимизни қандай тутишимиз керак, сен йўл-йўриқларни кўрсат, — деди элиг. Кўзим ҳам, қулоғим ҳам ўзинг. Эл-юрт ичида қандай тенгсиз-яроқсиз бўлса, уларнинг изини қуритгин. Мендан қандай ёрдам керак бўлса, тайёрман. Ниятим: золим аҳли халойиқдан узоқ бўлсин, нодонлар йўқолиб, эл билимдонларданги-на иборат бўлсин. Халқ бойиб, юрт гуллаб-яшнасин.

Ўгдулмиш шундай жавоб қайтарди:

— Менинг ҳам мақсадим — шу. Майли, сенга фарогат, менга бош оғриқ етишсин. Сен учун жоним фидо, аммо ягона илтимосим бор:

Кимни беклар тутса ўзига яқин,
Чақимчи чақади унинг бор-йўғин.
Мени гарчи эзгу тутарсан ўзинг,
Чақимчи чақармн — тугулгай юзинг
Нима дер, эшитгин, баҳодир йигит.
Билиб сўзлагай у насиҳат, ўгит:





«Киши кўнгли гўштдек, уни ҳид бузар,
Гўштингни асра, эй феъли мисли зар.
Чақув тингламаса ҳам гарчи одам,
Чақимчи сўзини тинглар қайси дам».
Беги бўлса зийрак ва қанча доно,
Чақимчи ёндошса, беролмас жазо.
Кўнгил бек эрур, бу тану жон асир.
Совир сўзга гоҳи, гоҳида исир.
Киши табъи тўрт хил: тугал турган ёв.
Бири кулдиради, ғам берар биров.
Бири шошса, бири осойиш тилар.
Бири кулса, бири йиғисин қилар.
Севиндим деганда алам келтирар.
Ғамим кўп деганда, севинч кулдирар.
Шунга ийманарман, эй элим қути.
Чақимчи чақарми, у одам ити.
Кўнгил оғригай ҳам совуйсан ўзинг,
Хизматим ҳам бекор — ўгирсанг юзинг.
Тилагим шудирки, элигим, сенга,
Мени гар чақишса, билдирган менга.
Тубига қадар кўр, сўроқла жуда.
Чора қил нимаки бўлса беҳуда.
Биров чақар бўлса, эшитгин сўзин.
Чину ёлғонини суриштир ўзинг.
Жуда яхши деган киши сараси:
«Эшитгину англа не сўз сираси».
Яна яхши келган мана ушбу сўз.
Бу ишга тутингин, аё етук кўз:
«Бор сўзни тинглагин, керагини ол,
Нокерак сўзларни чегирин дарҳол.
Сўзин эшит, сўра ёлғон-чинини,
Чинин ол, йўқотгин бор ёлғонини.
Ёлғончи кишидан бузилар жаҳон.
Чин айтар кишини яқин тут ҳар он».

Элиг унинг илтимосига рози бўлди, сўнг шундай деди:

Сендан қачон бўлар ёмон йўл-йўриқ.
Оқ сут билан кирар ахир ҳар қилиқ.
Сени сўзлагувчи кишилар менга.
Шубҳасиз ёв бўлур, билими кенг-а.
Қачон тингласам ҳам уларнинг сўзин
Агар сўзласалар кўпу ё озин.
Не янглиг бўлади элида улуг.
Билолмай ўтирса ким эзгу, бузуг.
Менга хизмат этдинг кўп олийжаноб.
Тузу нон ҳақига беролдинг жавоб.

Мендан жавоб лозим энди муносиб,
Токи сенга севинч бўлсин-да насиб.
Нима дер, эшитгин, киши сараси,
Адолати ичида бор овозаси:
«Киши эзгуси ким кишилар боши,
Кишилик қилувчи кишига иши.
Кишига вафо қил кишилик тенги,
Вафоли учун ном қозонар киши».

Ўгдулмиш бу жавобдан хурсанд бўлиб, элигни дуолар қилди. Унга узоқ умр тилади.

— Менга сендан талай эзгуликлар тегди, — деди у. Бунчалик ҳурмат, бойлик, егу-кийгуликларга сабаб — ўзинг. Мен ҳам сенинг барча хизматларингга тайёрман. Ҳозир номинг оламга ёйилди. Яна ҳам эзгуликларни кўзла.

Эл орасида доим обрўни сақлаш учун тўрт нарса керак: бири — тили тўғри, сўзи чин, бутун бўлсин. Иккинчиси, эл-юрт учун қонун-қоидалар мутлақо мувофиқ тузилсин. Очиққўнгил, саховат — учинчи хислат. Эл-элат бошлиқдан доимо мурувват кўришсин. Ниҳоят, тўртинчи хислат. бошлиқнинг жасур ва ботир бўлишидир, токи ёв-душманлар бўйнини эгиб қолсин.

Қайси бошлиқ бу тўрт ишни тугал қилмаса, унинг эли эгасиз қолади. Булар бекликнинг асос-илдизи. Эзгу бошлиқлар шу йўл-йўриқларга амал қилишади. Қадимги аждодлар ҳам шу издан юришган. Қайси бошлиқ бу йўлни тутмаса, у эл-юртидан жудо бўлади; уни қайта қўлга кирита олмайди.

Эл ичида учта тоифа борки, уларни ҳам эсда тутиш лозим.

Бири — алпу мерган, ботир кишилар,
Қилич билан ёвнинг терисин шилар.
Иккинчи — билимдон, донишманд киши,
Кенгашда наф этар, унинг соз иши.
Учинчи — котиблар, билағон улар,
Кирим-чиқим билса, қазноқ ҳам тўлар.
Буларни кузатгин мудом айрича,
Инъом бер уларнинг нафи қадрича.
Нима дер донишманд — киши кўзгуси,
Киши ўлса йитмас, кўр, от эзгуси.
Не эзгу бўлар, кўр, эзгу от олиб,
Нафас тинса, кетмас эзгу от ўлиб.
Агар эзгу ўлса, тирикдир оти,
Ки ҳарчанд жой бўлди унга ер қати.
Тириглик тилама, эзгу от тила,
Отинг эзгу бўлса, тириксан тўла.

Тирикликнинг чини эзгулик ахир,
Бу эзгу тириклик демакдир ахир.

Эзгу қилиқ қилган қолади тирик.
Ёмон бўлсами ким, у ўлди тирик.

Бу ўгитлардан сўнг Ўгдулмиш уйига қайтди. Тўнини ечиб дам олди. Ўша-ўша у бор ишларни манглайидан тер оқизиб қилаверди. Халойиқ роҳат, олам шон топди. Кунтуғди ҳам кунларини шодон ўтказди. Эл адолатда яшади. Ахир адолат элни яшнатади-да!

Кун-ойлар шу тарзда ўтаверди. Олам яшнади. Халқ фаровон ва бой бўлди. Буларнинг бари Ўгдулмиш туфайли бўлаётганини билган элиг ҳам ундан хурсанд эди.

ЎЗҒУРМИШ — КАСАЛ

Кунлар шундай ўтмоқда эди. Бир куни кечаси Ўгдулмиш ётишга ҳозирлик кўрмоқда эди. Ташқаридан овоз келди. У ташқарига одам чиқарди.

Юмушчи қайтиб келиб, ташқарида бир йигит турганини, Ўгдулмишга гапим бор деяётганини айтди. Уни ичкарига таклиф қилишди. Ўгдулмиш чопарга юзланди:

Дедики: қаердан келурсан ўзинг?
Эй доно, не эрур тилагинг, сўзинг?

— Сени Ўзғурмиш сўрамоқда, — деди чопар йигит. Унинг аҳволи оғир. Қийналиб ётибди. Сенга кўзи тўрт.

Йигит кетди тезда отини ниқаб,
Бу-чи, қолди ҳайрон, қўлин ишқалаб.
Уйига бурилди у қайғу этиб,
Ғам-алам кўпайди, севинчи кетиб,
Ётиб кўрди — уйқу сира келмади,
Туни бўлди йилча, ётиб бўлмади.
Ёпиб олди кўзин у уйқу тилаб,
Бораверди уйқу кўзидан йираб.
Яна турди ҳоли бўлиб анча танг,
Оқара бошлади ғира-шира тонг.
Чечакзорда булбул чиқарди овоз,
Уйғоқ дилга хушнуд ором берди соз.
Отин минди, борди қардоши томон,
Қўл ўпди — кўришди етишган замон.
Қариндоши ётар, ҳуши ўзида,
Тўнига тўшанган, енги юзида.

Ўгдулмиш Ўзғурмишдан ҳол-аҳвол сўради
Ўзғурмиш:

— Эй жигарим, йўлим ўнгланганга ўхшайди. Юзингни бир бор кўрмоқчи бўлдим, бироқ сенга ташвиш етди, — деди.

— Касаллик ҳам одамнинг йўлдоши, — деди Ўгдулмиш, — нега сен бундай чиройли бўлмаган гапларни гапиряпсан? Ўлишингни қаердан билдинг?

— Мен туш кўрдим, — жавоб берди Ўзгурмиш.

Ўгдулмиш шундай деди:

— Бу сўзинг яхши эмас, эй феъли кўркам, агар сал касалланган одам ўлиб кетаверса, оламда шу маҳалгача тирик зот қолмаган бўларди. Одам ухлаганда баъзан туш кўради, аммо туш дегани ҳақиқат бўлавермайди-да!

Шундан кейин Ўгдулмиш Ўзғурмишга туш таъбир қилиш ҳақида ўз билганларини айтади. Улар қуйидагича:

Тушга йўрик турли-туман бўлади. Уни ҳар бир киши билмоги шарт.

Кўрган тушни билимсизларга айтмаслик керак. Шунингдек, тушга кечаси — қоронғи тушгандан кейин ҳам таъбир сўралмайди. Кечаси кўрилган тушга таъбир кундузгисидан тамомила бошқа бўлади.

Туш таъбирининг шарт-шароитлари жуда кўп. Энг аввал уларни билиб олиш лозим.

Биринчидан, кўрган тушингни ўзинг йўрма, шунингдек уни ҳар бир учраган кишига ҳам айтавермаслик керак. Кўрилган ҳамма тушни йўриш шарт эмас. Кўрилган тушларга таъбир жуда хилма-хил бўлади, уларни чуқур мулоҳаза қилиш лозим.

Аввало тўш йўришдан тийил, борди-ю йўрмоқчи бўлсанг, бу ишда билимга таян. Тушни бошқа ҳодисалар билан қиёсла, ундаги ҳар бир ҳолатга маъно бер, чуқур мулоҳаза юрит, яхшилаб ўйла.

Тушнинг фойдаси таъбирга қараб бўлади, агар уни йўришнинг уддасидан чиқмасанг, бу туш бефойда бўлиб қолиб кетади. Билимли денгиз каби теран бўлган киши бу ҳақда жуда яхши айтган, уни эшитиб сен юзингни қизил қилиб ол.

Йўриқча қолар туш, тушинг яхши йўр
Туби-аслини бил, уқув бирла кўр.
Не тарз йўрса тушни ўшандек бўлар,
Ёмон йўрма тушни, сенга қилар *қўр*.
Баъзи туш еб ичмак таъсири бўлар,
Яроқсиз озиқдан ёмон туш келар,
Баъзан боғланади у йил фаслига,
Мижоз кучайиши сабаб аслига.
Кичик эрса ўғлон, йил фасли гар ёз,
Нарса қизил бўлса, ернинг ранги бўз,
Қони ошди дегин унинг шубҳасиз,
Унинг томиридан бир оз қон оқиз.
Куз ойи бўлса ҳам йигит навқирон,
Тушида кўринса қизил, заъфарон,
Сариғи кучайган бўлар, эй доно,
Ўзини бўшатса, кетади бало.

Тушида бу ўрта яшар, куз ойи.
Агар кўрса қудуқ, тоғ, олов жойи.
Кучайган бўлади унинг савдоси.
Дори ичса бўлар унинг давоси.
Куз чоғи эса-ю кўрувчи улуғ.
Оқар сув, қор, ёмғир бўлса гар тўлиқ.
Кучайган бўлади унинг балғами.
Иссиқлик берилса, қилинар эми.
Тағин бир тоифа бўлар нойма-ной.
Бу хил туш таъбири бўлмас, ҳойнаҳой.
Узоқ ўйланганда киши кўрса туш.
Таъбири бўлмагай унинг тенгу туш.
Яна биров касбин кўрар тушида.
Унга ҳам таъбир йўқ, уринма жуда.
Буларнинг барига қилиб фаросат,
Таъбирласанг кейин чиқади ҳожат.
Нима дер, эшитгин, таъбирчи ҳаким,
Сўрамоғи лозим туш кўрса ҳар ким:
«Таъбир қилма тушни билиб-билмайин.
Таъбирни не деса, бўлар шундайин.
Алам кўрса тушда, жавоби — севинч,
Севинч кўрса, қайғу келар тундайин».
Тушингнинг таъбири ягона эмас.
Таъбирчи ҳакимлар ягона демас.
Тушда тўлиқ тутса ўзини шодон,
Алам-қайғуларга очилди гумон.
Тушида йиғласа, кўрса кўп алам,
Шодонлик етишар, роҳати — бекам.
Баъзи туш бўлади, таъбири унинг
Бўлаклар учундир, у бўлмас сенинг.
Одамига қараб йўрилар бу туш,
Уни яхши йўрсанг, маъқуллайди хуш.
Баъзи туш кишига амал келтирар,
Баъзи туш кишига касал келтирар.
Бунинг барчасини билишинг керак,
Кейин туш таъбирин қилишинг керак.
У тушинг қанақа, дегин-чи, очиб,
Уни мен йўрайин айириб, ечиб.

ЎЗҒУРМИШНИНГ ТУШИ

Шоти кўрдим, эллик унинг поғнаси,
У тиклаб қўйилган — баланд ва ясси
Унга чиқиб бордим босиб бирма-бир,
То охир санадим ўзи нечтадир.
Тепада сув тутар бир отлиқ одам,
Олиб ичдиму мен қониқдим у дам.

Кейин кўкка учдим ҳаволаб, ишон,
Кўринмай қолибди ўзимдан нишон.

ЎГДУЛМИШНИНГ ШАРҲИ

— Бу тушинг жуда фойдали, — деди Ўгдулмиш. Баландга чиқиш — саодат. Кўтарилиш — омад. Тушда кўтарилса, давлат келади, обрў ошиб, ҳурматинг ортади. Шотига чиққандек, омадинг юксалади.

Ушбу сўзга қулоқ бергин бу маҳал,
Таъбирчи сўзини дебди кўп гўзал:

Шоти туш кўрувчи учун бир омад,
Зина ҳатламоқ ҳам берар саодат.

Қанча кўтарилса, ортар иззати
Етишади унга севинч ва роҳат.

Идишдаги сувни олиб ичганинг,
Узоқ йил яшамоқ бахтин қучганинг

Сенинг кўкка томон учиб бормоғинг,
Омад сари дадил қадам урмоғинг.

Аммо Ўзғурмиш тушининг бундай таъбир қилинишидан қаноат топмайди. Бу туш тамомила бошқача йўрилиши керак, — деди у. Сен айтган таъбирлар менинг тушимга алоқадор эмас. Агар бу тушни сен кўрганингда эди, ўша таъбирлар мутлақо тўғри бўлар эди. Чунки сенинг ҳимматинг ҳамманикидан кўра анча баланд, сенга ўхшаган, одамлар ўз тилаган тилакларини тўлиқ топишади.

Мен-чи? Йўқ, мен тамомила бошқача одамман. Ўзим бу дунё ишларини бир четга суриб, ўзимни улардан олиб қочдим. Мана шу тоғу тошлар орасида аламларга тўйиб юрибман. Мана шу айтилганларни эътиборда тутсак, сен бу тушни менга мослаб йўрмадинг. Энди эшит, бу тушнинг таъбирини ўзим айтиб берайин:

Тушимда кўринган ўша бир шоти,
Менинг таъбиримда — йигит ҳаёти.
Шотининг бошига чиқиб борганим —
Ёшимни тугатдим, насибам едим.
Тепамга етишди бир отлиқ келиб,
Мен ичдим у берган сувини олиб.
У шундай сипоҳий эрур азизим,
Номимни ўчирар, қуритар изим.
У шундай отлиққи, азим ва обод,
Қўлида бузилар тамоми озод.

Идишдаги сувни ичишим тугал,
Тириклик, — дединг сен, — узун ёшга ҳал
Ўзинг айтганингдек, тириклик шу сув,
Агарки ярими қолар бўлса у.
Ярим сув ичилиб, қолсайди ярим,
Ярим қолгай эди тирикликларим.
Идишдаги сувни ичибман тугал,
Тириклик тугади энди бу маҳал.
Нима дер, эшитгин, дононинг ўзи,
Донолар сўзидир ҳар ишнинг кўзи:
«Идишдаги сувни ким ичса ярим,
Тириклик тугади, ярими — берим.
Агар сувни ичса охиргача то,
Тириклик тугади, қазилди гўрим».
Ўзимнинг баландга бориб етганим,
Яшил кўкка секин сингиб кетганим, —
Киши жони эркин, у эрур озод,
Учиб борса бир бор келадими бот.
Бу тушнинг таъбири шу янглиғ, ука,
Бўлакча таъбирнинг ҳожати нега?
Тасалли беришга уриндинг ўзинг,
Ўлим юз тутаркан бекор ҳар сўзинг.
Неча қасру ўрда, безаклиг сарой
Ўлим қаршисида бузилди-ку, ҳой!
Неча мард амалдор, буюк баҳодир
Ўлим ўтрусида қора ердадир.
Зўрға жам этилган талай нарсани
Ўлим ерга тиқди, назар сол, қани!
Ўлим ажаб эмас, туғилган ўлар,
Туғилган бари зот ўлимга келар.
Ажаби будирки, туғилган шу зот
Барини унутар, мангудек ҳаёт!

СЎНГГИ ЎГИТ

Ўзгурмиш яна шундай деди:

— Ўлим — муқаррар. Сен ҳам изимдан борасан. Бироқ тириклигимда айрим сўзларни айтиб қўяйин.

Шундай кейин у Ўгдулмишга бир қатор эзгу ўгитлар берди:

Дуруст сўзла тугал, қавлинг қил бутун
Бўлур, қавли ёлғон кишилар тутун.
Кулар юз, илиқ сўз, феъли эзгу бўл,
Замон сенга бўлиб, қутинг берар қўл.
Сахий бўл, доимо тузу нон ошир,

Киши айбин очма, то имкон яшир.
Ўзни эмас, доим эл нафини бил,
Элингга юк ортма, ўзинг юкчи бўл.
Жуда яхши деган билимдон сара,
Билимдон, саранинг сўзига қара:
Нафи бор кишидир, киши сараси,
Меҳри бор кишидир, киши сараси,
Яна яхши айтар буни заковат,
Заковат йўлида бўлар ҳаловат.
Сахийлик эмас у, улашса тилла,
Сахий жони халқи учун минг фидо!
Икки нарса эрур олам овози
Бири — молу мулку, бир — обрў сози.
Шу икковни олиб яшаса киши,
Ўлим келганида бузилмас иши.
Қариндош, сенга мен очиқ сўзлайин,
Э кўнгли яқиним, нени *кезлайин.*
Шу мулк деб донишманд оламни қўйиб,
Елиб-югуради аламга тўйиб.
Бирови тоғу тош кезади, ётоқ—
Ғор ичида, емиш — ўт, тиканли бутоқ.
Бировига саҳро, дала, биёбон
Азоб чекмоқ учун бўлибди макон.
Бирови-чи, жулдур букилган уча,
Бирови ер кезар кўзи ёш соча.
Бирови ош емас, ўзин сизғирур,
Бирови туну кун оёқда турур.

Хуллас, дунёнинг ишлари шунақа. Менинг илтимосим: бугун ёки кейинроқ кўзим юмилса, сизлардан менга дуолар етиб турса бас.

Бироқ менинг қайғумни қилиб бошингни қуйи солма. Кўп ғам-андуҳ чекма. Бу иш қадимдан бор. Энди уйингга боравер, азизим. Кунтуғдига мендан салом айт.

— Сени бу аҳволда ташлаб кетолмайман, — деди Ўгдулмиш.

Ўзғурмиш унамади. Улар қучоқлашиб хайрлашишди.

ҚАЙТИШ

Ўгдулмиш уйига қайтди. Оқшом тушди.

Қуёш ерга инди, яширди юзин,
Само ҳам қорайди, қидирди изин.
Тўшакка чўзилди, ёта билмади,
Алам-қайғу билан кўз юмилмади.
Секин чиқди уйдан, унинг кўнгли ғаш,
Оламнинг юзи-чи, *мисоли ҳабаш.*

Яна қайтди уйга, тўшакка кириб,
Алам ичра бўлмас сира мизғиниб.
Юзини яширди бу *румий қизи,*
Олам ранги бўлди *ҳабашнинг юзи.*
Ёта билмади у, қаради яна,
Ҳулкар ҳам оғибди, тугабди тун-а!
Шарқдан *Қора қуш* ҳам баланд ўрлади,
Гўё ёв қўлида олов ўрлади.
Бошини кўтарди яна *Етикон,*
Бу *Йилдриқу Айғир* оғиб у томон,
Эрантиз бошини эгибди қуйи,
Қуёш бош кўтарди юз очган куйи.
У туриб ювинди, таранди тоза,
Эзгу дуо қилди дилини ёза.
Олам ранги бўлди гўё олтин — оқ,
Ёлиндек қизарди, қара унга, боқ.
Тўнин кийда тезда отини тутиб,
Саройга етишди уйидан туриб.
Жадаллаб етишди сарой ичига,
Элиг чорлади, у — дами ичида.
Боқиб кўрди элиг: шу Ўгдулмишми?
Ё тушди бошига бир мушкул ишми?!

Кунтуғди Ўгдулмишнинг қиёфасини кўриб ажабланди. Унинг юзи қайғули кўринар, кўнгли тушук эди. Элиг унга юзланди:

Нега сарағайибди бу қизил юзинг,
Нега ранг олибсан оламдан ўзинг?!
Қулай айланар-ку бу даврон сенга,
Хафалик боиси нима, айт менга.
Сенга тугмадим мен бу қошим, *кўзим,*
Бутун ишларингдан розиман ўзим.
Сени қийнадими ё бирор одам,
Нега бўлмаса, айт бу шунча алам.
Сал алам, машаққат етсами сенга,
Роҳату фароғат қаерда менга?!

Ўгдулмиш унга бор гапни айтди. Ўзғурмишнинг аҳволини тушунтирди.

Элигнинг юраги ёнди. Унинг кўзларидан ёшлари оқаверди.

— Шундай экан, уни ёлғиз қолдиришга қандай кўнглинг бўлди? Ёки унинг ёнида бирор киши, табиб ё ҳаким борми? — дея сўради у.

— У ерда қолишимга сира кўнмади, — деди Ўгдулмиш.

Уларнинг иккиси ҳам қаттиқ қайғурди.

Кунлар ўтди. Ўгдулмиш яна элиг ҳузурига келиб, қариндошидан хабар олиш ниятини билдирди. Кунтуғди ҳам унга салом йўллади.

НОХУШ ХАБАР

Ўгдулмиш кечиккан эди. У Ўзғурмишнинг эшигини тақиллатганда, ичкаридан чиққан хизматкор йигит Ўзғурмишнинг вафот этганини айтади. Йигитнинг кўзлари жудолик ёшлари билан тўла эди.

Хизматкор йигит Ўгдулмишга тасалли берди, унинг кўнглини овутди. Иккаласи донишманднинг қабрини зиёрат қилишди. Сўнг кўнгли чўккан Ўгдулмиш уйига қайтди. Қайтишидан олдин йигит унга Ўзғурмиш мерос қолдирган *раква* билан *таёқни* тақдим қилди.

Бу хабарни эшитган элиг ҳам қаттиқ ўксинди. У Ўгдулмишга тасалли берди.

Ниҳоят бир оз ўзига келган йигит Кунтуғдига юзланди. У Ўзғурмиш васият қилиб қолдирган нарсаларини элигга узатди:

— Мана шуларни қариндошим менга хотира қилиб қолдирибди, — деди у. — Улардан бирини олгин.

Элиг таёқни олиб, раквани Ўгдулмишга қолдирди.

— Ўзғурмишнинг ўлими бизга ибрат бўлмоғи керак, — деди элиг. Кунтуғди саройга қайтди. Ўгдулмиш қардошнинг хотираси учун бир неча кун уйида бўлди. Аста-секин қайғуни унутиб, ўз ишлари билан шуғулланиш учун саройга борди.


СУҲБАТ

Кунтуғди Ўгдулмиш суҳбатини соғинган эди. Шунинг учун у келиши билан яна саволларни тизиб ташлади. Эл-юртни янада бой ва фаровон қилиш йўлларини сўради.

— Эй элиг, — деди Ўгдулмиш, — учта ҳолдан фалокат етишади. Булар: овчи итнинг семириши, қўлга ўргатилган қушнинг ҳаддан ташқари тўйиб кетиши ҳамда нафснинг камол топишидир. Уларнинг йўлини кесиб туриш керак. Шундай қилмасанг, қуш овни изламайди, овчи ит семиз ва тўқ бўлса, сен отган нарсаларни келтириб бермайди. Тану жон семирса, яъни нафсинг кучайиб кетса, у ёввойи ҳайвон сифат бўлиб қолади, сенинг тилакларингга қулоқ солмайди.

Қушинг овламаса, унчалик зиён йўқ. Итнинг овдан бош тортиши ҳам ваҳимали эмас. Аммо тану жон, яъни нафсинг туядек семирса, бу — ёмон! У сени ўтга отади.

Саодатли эрур моли йўқ гадой,
Борга тоқат қилса, унинг кўнгли бой
Дунёга келгандан бери одамзод,
Авлоддан-авлодга ўтади ҳаёт.
Ўшалар яшаган замондан буён,
Не-не эрлар ўтди, ҳокими даврон,
Бири доно эди, бирови — мерган,
Ботирлар бор эди кўксини керган,
Биров оз яшади, бирови узоқ,



Бирови гердайди мақтаниб ҳар чоғ,
Гўёки оламга келмаган бўлиб,
Қора ер қатида ётарлар улиб.
Улар ўтди, қолди фақат эзгу ном,
Бу номга йўқолмас, ахир, эҳтиром!

Ўгдулмиш ана шундай эзгу йўл-йўриқларни бераверди. Кун-туғди элиг ҳам унинг сўзларини тутиб, мамлакатни обод, элу халқни шод қилишнинг пайидан бўлди.

Қадрли болалар!

Шу ўринда Юсуф Хос Ҳожибнинг бир тилагини ҳам эслатиб ўтмоқчимиз. У шундай деди:

Тиламадим асло шараф-шону от,
Ўқиса бас дедим яқинми ё ёт.
Ўқувчи ўқиса замонлар ўтиб,
Дуо қилсамикан мени ёд этиб?!

* * *

Китобимиз ниҳоясига етди. Аммо, азиз болалар, биз ишонамизки, сиз бу китобни ёпиб, ўзингизнинг китоб жавонингизга элтиб қўйишдан олдин унда баён этилган фикрларни яна бир марта яхшилаб мулоҳаза қилиб кўрасиз. Бу китобдаги эзгу сўзлар сизнинг қўлингиздан тутиб, эзгу ишларга йўллашига шубҳа йўқ.

«ҚУТАДҒУ БИЛИГ»ДАН

Саъдулла Аҳмад
таржимаси

...Оч, болам, очганинг китоб тенгсиздир,
Тенгсиз билим билан тўлуғ денгиздир.

Қадр ҳам қимматинг, билгил, билимдан,
Билим шукронасин тингла тилимдан.

Бу аввал то охир ҳар бир сўзим дур —
Донишдан парвариш топган узумдур.

Машриқ маликлари, Мочинлар беги,
Кимки заковатли, билимли теги, —

Сўзим кўзга сурди, бир-бир ошурди,
Кифрик аросиға кўздек ёшурди.

Бир қўлда турмади, қўлдан ўтқазди,
Ким мақбул кўрмади, мутлоқ ютқазди.

Туздим нафли китоб, сўз — ўйинчоқмас:
Талáй турклар, эсиз, маънисин чақмас.

Сўзим кўнгил ювар, сув юса қўлни,
Уқиб ўқиғанға кўрсат бу йўлни.

Кўксини тоғ этар, кўзни ёритар,
У дунё-бу дунё доғни аритар.

Мочинлик ҳаким ҳам чинлик донишвар,
Китобим йўлига бахш этиб кишвар;

Машриқ эли, жами туркий ватанда,
Бунингдек китоб йўқ балки жаҳонда.

Бу китоб қадрини билимли билди,
Билимсиз билгани дилимни тилди.

Китобни ҳар кимга берма, бир сўзим:
Ҳар сўзим — кўзимдир, ўзимдир, ўзим!

Билимли билди-ку, бу китоб нархин,
Бошида чарх уриб, ҳар кун жигархун,

Буғрахон даврида, ўзимдан ортиб.
Буйла, хон тилида берибман тартиб.

Бу янглиғ китобни ким битган азал?
Бир битди, боз битмас — мухтасар масал.

Ва ё битган эса, бўл анга товун,
Билдиргил, келтирай мен ҳам мақтовин.

Қаю кент, ўрдага борса ҳангоми,
Юз турли ўзгарди китобим номи.

Ўшал эл буюги, оқил, қариси,
Ўзин қаричига солди бариси:

Чинликлар: «Адабул мулук», деб эди,
Мочинлик: «Анисул мамолик» деди.

Машриқ заминда ким ҳакимдир, билар,
«Зийнатул умаро» номин бердилар.

Эронлик атади: «Шоҳнома туркий»,
Туронлик «Қутадғу билиг», дер, чунки, —

Тафаккур ҳам тилда не турли сўз бор,
Келтирдим, ўзгалар билмоғи душвор.

Яна бу исмни қўйган улуғдир,
Жисми ҳақ нури-ла тўйган, тўлуғдир.

Китобда битибман ажиб ҳайратни,
Туркийлар тилидан олиб ғайратни.

Туздигим ўзингга дўст бил ҳар маҳал,
Яна бу подшога дастуриламал.

Мулк тутувчи киму, аё, мен кимман?
Ҳакимлар айтдигин битган ҳакимман!

Девон тартиблари, шоҳлар қўрғони,
Шоҳларнинг қай йўсин суҳбат қурғони.

Давлат хароботи, бақоси недан?
Недан кетгуси у подшоҳ измидан?

Қўшин йиғмоқ, дағи черик йиғини,
Не йўсин яратмоқ керак тиғини? —

Барчасин элакдан ўтказиб бердим,
Сўзни меъёрига етказиб бердим.

Подшолик ишида, ким билса ўзин,
Иш кўзин билганга ишлатар сўзин.

Билган билим билан беради чирой,
Бўйлаким, чироққа ёғду берар мой.

Раводир подшолар боқса халқини,
Яна подшонинг ҳўл халқдан ҳалқуми.

Яна бу, раият риоя қилсин,
Малик ҳам халқини ҳимоя қилсин.

Подшолик бор ерда уруш бўлди фарз.
Саваш сирларидан ёздим муна дарс.

Қирғин, майдон аро лашкар тузишни,
Қай бир тадбир била ёвдан ўзишни,

Ёздиму тутқаздим ўнғай торози,
Элу юрт маликдан минг қатла рози.

Бу янглиғ подшони севмоқ биссавоб,
Хорижлик шошилар этмоққа тавоф.

Яқин ҳам йироқдан, шоҳким қути бор,
Бел боғлаб келурлар — хизмат эътибор.

Яқин тутганни бил, ўзни яқин қил,
Узоқнинг бошига сўзни чақин қил.

Сиёсат бошини бўш қўйма зинҳор,
Кўнгил бериб, мункир, бузғунчилар бор.

Ўктам, шерюрак бўл, зукко, кенг сийна,
Адлу ҳиммат билан тўлсин хазина.

Раият райин тут, тоқатда тоғ бўл,
Кўйини ёритиб куйган чароғ бўл.

Сўзим — ёдгор сенга, сўзим — насиҳат,
Сен ҳам дуода бўл, токи тан сиҳат.

Сўзим — ҳур, ҳурларнинг пайкари — сўзим,
Сўзи пайкарларнинг сарвари — ўзим.

Сўзим кўрки билан кўркамлиғим бор,
Дағи бу хислатдан хуррамлиғим бор.

Ростлик, орасталик — танга саодат,
Суханворлик бўлди ҳам деса одат.

Билим, поклик билан элим кўз очди,
Элим ёди билан тилим сўз очди.

Чиқиб, саргаштаман, туққан элимдан,
Китобим суғордим тугал билимдан.

Элга тўкма қилиб юракда борин,
Кошғарда тугатдим бу китоб корин.

Хонлар мажлисида ўқилған китоб
Барҳаққим, хор бўлмас — дилимда хитоб.

Тавғоч Қора Буғра — хонлар хоқони
Ийиб, кўп сийлади; суйсин ҳақ они.

Қалам тортган алам ҳақи-ҳурмати,
Хонлик инъомларин аяб турмади.

Яқин тутмоғини кўрдию вожиб,
Вожиб унвон бўлди Юсуф — Хос Ҳожиб.

Хос Ҳожиб важҳидан элда ҳурматим,
Не элатга бордим, иллат кўрмадим.

Бу қутлуғ китобдур, билсанг, каёний,
Мазкур тўрт табаррук мағзин баёни: -

Бири Адолатдур, — тўғрилик асос:
Давлатдур — барака, иқбол унга хос.

Бу бири — Ақлдир, улуғлик тарзи:
Бири Қаноат, бу — офият дарси.

Яна ҳар бирига қўйганман исм,
Эйким, эринмасдан, айтай маънисин:

Кунтуғди элиг деб Адл отини,
Пойига элитдим малик тахтини.

Ақл — Ўгдулмишу Давлат — Ойтўлди,
Ойтўлди вазиру Ўгдулмиш ўғли.

Қаноат Ўзғурмиш номини олди,
Мансабда вазирнинг ёнини олди.

Бу нав тўрт унсурда китоб ҳикмати,
Ҳеч мева ҳосилни бу нав тугмади.

Арабча, тожикча китоблар тўп-тўп,
Тилингда битдигим хўрлайверма кўп.

Исман саховат бу, жисман заковат,
Ўқиганға бергил уқув ва қувват.

Дурдек териб бердим туркий қўшиқни,
Ўқурда қўшиб айт банда — ошиқни.

Кетарман, кетганга очиқдир эшик;
Келганга қолдирдим ибратли бешик.

Илоё, ёрлақа! Ёруб эл кўзин,
Жумла мўминларнинг ёруғ қил юзин.

БАҲОР ТАЪРИФИ ҲАМДА МУҲТАРАМ, МУЗАФФАР, МАДАДКОР, ҲАҚИҚАТ ТАЯНЧИ ТАВҒОЧ УЛУҒ БУҒРО ҚОРАХОН АБО АЛИ ҲАСАН БИННИ АРСЛОНХОН ШАЪНИДА

Қутлуғ насим эсди тонг-ла туғардин,
Яъни, ер беҳишти — эрта баҳордин.

Кофур кетди, замин арғувон бўлди,
Жаҳон безангувчи навжувон бўлди.

Эринчак қиш кетиб, саҳар эпкини
Келинчак баҳорнинг ёйди сепини.

Қуёш қайтди яна қутлуғ ўрнига,
Балиқ қуйруғидан қўзи бурнига.

Ёлонғоч оғочни кўр, яшил кийди,
Юпунлуғ йўқ энди, оташин кийди.

Ер яшил пардасин тортгани ҳамон,
Хоқон карвонлари кетди тўрт томон

Керишиб қир, адир, тоғлар узалди,
Кўк, қизил кийинган бу не гўзалди(р)?

Чечаклар кулдилар очилиб гул-гул
Ерни ипор ҳиди тутибдур буткул.

Чиннигул атрини таратди сабо;
Гул — жаҳон, эгнида бу мушкин қабо.

Қилқуйруқ ҳам оққуш, ўрдак била ғоз,
Ҳавода олиб ҳуш, ўйнар сарафроз:

Осмон карвонига туядек турна,
Куйидан бу кўнглим туяди зурна[1]

Уларқуш[2] ун тортиб, чорлар ўз эшин,
Бўй етган қиз гўё кўнгил бермишин.

Каклик кулиб ўзни қилди масхара,
Қизил оғзи қондек, қоши қоп-қора.

Қора зоғ оғзини очса қағиллаб,
Тантиқ қиз овози чиқди вағиллаб.

Гулзорда минг турли булбул лисони
Туну кун тиндирмас сури Иброни.[3]

Қирмизи чечаклар устида жайрон,
Олам ошуфтаси оҳулар ҳайрон.

Осмон қовоқ уйиб ёш сочар, ваҳ-ваҳ,
Гуллар кулиб-кулиб юз очар, қаҳ-қаҳ.

Дунё таъна қилиб, хафақон сўзин
Айтди: — Кўрмадингми бу ҳоқон юзин?

Тур энди, кўзинг оч, ухлаган бўлсанг,
Сўзимга қулоқ ос, билмаган бўлсанг.

Туман йиллар ёлғиз, маъюс тул эдим,
Эгнимда оқ либос, бугун гул кийдим —

Безандим, ки, улуғ хон бўлди бегим,
Тикайин бу қутлуғ жонимни, эйким,

Булут гумбурлатиб ноғора қоққач,
Яшин чақса, дегин: — Тиғ тортди Тавғоч!

[1]Зурна — нола; нолиш.
[2]Уларқуш — тоғ куркаси.
[3]Сури иброо — Ибройий, Исрофил сури; хуш овоз.

Қилич қиндан чиқди — қўшар эл бошин,
Ноғора товуши доим йўлбоши.

Юриб юрт сўради улуғ Буғрохон,
Ато бўлсин анга бу икки жаҳон.

Эй, давлат таянчи, элнинг суянчи,
Эй, миллат тожисан, диёнат ганжи.

Дуонг ижобатдур, берди тилагинг,
Бу бор иноятда раббим тирагинг.

Эй, дунё жамоли, улуғлик кўрки,
Ўткинчи толенинг изимингда эрки.

Бу чарх айланишин баланд-пасти бор,
Тахту бахтинг тангри қилсин устивор.

Олам қарор топди бошингда, эй хон,
Сенга дунё берди ва менга илҳом.

Ҳур қушлар қуйилиб келди ҳаводан,
Ҳинду ҳам Рум деган неча маъводан.

Дилда хушвақтлиғу қувонч — навоси,
Отингни мадҳ этмак чин муддаоси.

Бу турфа кўрк бирлан очилган чечак,
Хоним, хизматингга шошилган бешак.

Гир атрофга атир сочгани қайси,
Қошин қоқиб қапуғ[1] очгани қайси.

Қайси чилим тутар, майин қўл чўзиб,
Ақлингни элитар айрим кўз сузиб.

Баъзилар Машриқдан — бошда тугуни,
Мағрибдан баъзилар, келиб ҳар куни.

Эшикда турар бахт, иззат кўрсатиб,
Эшикбон эрур вақт хизмат кўрсатиб.

Бу янглиг хизматга тутинди очун,
Егирлар дўст бўлди, очди қулочин.

[1] Қапуғ — қопқа; эшик.

Жаҳонга бонг чалди ҳоқоннинг кўси[1],
Ичқора нечовнинг қочди уйқуси.

Одил сиёсатдан осойиш жаҳон,
Юксак ном қозонмиш бу боис ҳоқон.

Ким сахий суратин кўрмоққа ташна,
Ул ҳоқон юзида турибди яшнаб;

Осуда, вафоли бу қутлуғ дийдор
Аксида сафоли толе пойидор.

Агар безиёнсан, сўрарсан изн,
Бери кел, хизмат қил, кўнгил бер, исин.

Хушфеъл шоҳ истасанг, одил, оққўнгил,
Кўнглинг тилагини кел анда кўргил.

Эй хушхулқ, наслингдан эзгу бу уруғ,
Кўп яша, сенингсиз жаҳон қуп-қуруғ.

Эй, туркка беribдур хонлик муҳрини,
Анинг зикрини қил, анинг шукрини.

Ўтгандан маталдир битта ўғил гап:
Ота ўрни, оти, ота ўғилга.

Турфа туҳфа сенга талайдир, элиг,
Илк менинг туҳфам лек — «Қутадғу билиг».

Ул турфа туҳфалар келар йўқолар,
Қуруқ сўз бўлса ҳам, бу мангу қолар.

Қўлдан кетгусидир, йиғсанг мол-дунё,
Билъакс, дунё кезган боқий сўз — кимё.

Ҳоқоннинг китобга битилди оти,
Бу от боқий қолди, ҳам туркий зоти.

Тилакни тугал қил, юртни зиёда,
Одамга мадад бўл, ё раб, дунёда.

Дўстини эсон тут, ёғийси ўчсин,
Машкулин осон эт, қайғуси кўчсин.

[1]Кўс — довул.

Гул ҳар вақт кўп бўлсин, ёмғирдан қўйма,
Дов-дарахт кўк бўлсин; иримга йўйма! —

Қут, омад келтирсин кажрафтор фалак,
Дўстлар омон бўлсин, душманлар ҳалак.

Бўз ернинг юзини мисдай қизил қил,
Ям-яшил ўт ўссин, ҳам қирмизи гул.

Туркийлар тахтини бахти билан бер,
Бахиллар бўғилсин, нақди билан бер.

Демаким, кўп бўлди кўкнинг кўмаги,
Бу элнинг сен билан орзу-тилаги.

Хўрсинмасдан, хурсанд ошаб ошини,
Ялписи яшасин Луқмон ёшини.

ЕТТИ КАВОКИБ ҲАМ ЎН ИККИ БУРЖ БОРАСИДА

Раббим номи билан бошлай энди сўз,
Ўзи бино қилди, ўзи қошу кўз.

Билгича яратди кулли оламни,
Бу ёруғ ойли ҳам кунли оламни.

Бошда айлангувчи афлок яратди,
Чархи саргаштаи ғамнок яратди.

Осмонни яратди юлдузи билан,
Қора тунни ёруғ кундузи билан.

Кўкда юлдузларнинг қанчаси безак,
Қанчаси башарга йўлчидир бешак:

Бандаси умидвор тикканда кўзин,
Қийналмай тополсин токи юлдузин.

Қай бири баланду қай бири пастда,
Ёруғ ҳам хирадир, раста ва раста.

Тепадан нур бериб туради Зуҳал,
Бу буржда икки йил, саккиз ой тугал

Ундан сўнг Муштарий, — туркийча Ўнғай,
Бир буржда у роса бир йилча қўнғай.

Миррихнинг туркийси — гердайган Кўруд.
Қаҳри наҳр қуритар; мағрурлик бу — ўт.

Яшиқ — Шамс: очунни ёритган Қуёш,
Қоронғу оламни бор этган қуёш.

Ноҳид — Зуҳра исми — севикли Савит,
Кулиб боқса — бахт бу, ғам солмас човут

Уторид — Орзудир ўз исми билан,
Буйла, кўз кўриши — кўз жисми билан

Ялчиқ — Ой; айтишар: Яшиққа келин,
Васл они тўлишиб, кўтарар белин.

Ўн икки бурж — Ўкак булардан бўлак,
Айримлари жуфту айрим: як ба як[1].

Уд — савру олдинда Ҳамал юлдузи,
Ортида Эрандиз — Қучиқ қўшниси.

Асад — Арслон турур, сўнг Буғдой боши,
Улғу, Чазан, Ёйнинг биргадир оши.

Яна Ўғлақ, Кўнак ва Балиқ келди,
Булар туққач осмон ёп-ёруғ келди.

Уч баҳор юлдузи, учтаси ёзги,
Учи куз, қишки ҳам шунча деб ёзгин.

Учи ўт, учи сув, учтаси ҳаво,
Учи хок; шулардан пайдо бу маъво.

Бир-бирга ёв улар, бўлак ҳавоси,
Ёвга ёв йўллади, қилди давосин: —

Адоват туғини паст қилди ёғий,
Йўқса, қўшилмасди алар тупроғи.

Бартараф этди раб бундек кулфатни,
Ўртадан кўтарди хоби ғафлатни.

Бу янглиғ билимни кўп ёздим-ку, боқ,
Барига раҳнамо ақл ва идрок.

[1]Тожикча: — бирга-бир, яъни бир хонали *(тарж)*

БАШАР ҚАДРИНИ БИЛИМ БИЛДИРГАНИ

Одамни махлуқдан айирган эгам,
Зеҳну заковат ҳам бергандир бекам

Тил берди, тилини айлади равон,
Дил берди, бир дилки, озод, фаровон

Хулқ берди ҳам уқув — башардир улуғ;
Билимдан тугунлар ечилди тўлуғ.

Кимда-ким билимга бурди ўз йўлин,
Эзгудан ўзгага чўзмади қўлин.

Билимни буюк бил, уқувни улуғ,
Бу икков жиловин қўймаган қутлуғ.

Сўзим далолати дағи бу сўзим,
Эшитким, тегишинг топарсан қўзим:

Улуғлик заковат остонасида,
Буюклик билимга дастёр аслида.

Заковатли уқар, билимли билар,
Тилакли юраклар билар, интилар.

Билим маънисин бил, нима дер билим:
Билимлидан йўлни чап солди ўлим.

Билимсиз барчаси дардманддир, дардманд,
Бу дард давосига билим ҳунарманд.

Дардингга даво қил, билимсиз дўстим,
Магар билимсизсан, нимага ўсдинг?!

Билимдир, эришсанг, бошга тожу фарр,
Туман орзуларинг тумандан чиқар.

Заковат кўнглида яширин баҳор,
Кўрдингми, билимли қайси элда хор?!

Ҳам амал бошида посбон закийлик,
Бек даври даврони билим била нек.

ТИЛ ФАЗИЛАТИ, ФОЙДА-ЗАРАРИН СЎЗЛАР

Уқув ҳам билимнинг тилмочи бу — тил
Очунда рўшнолик ривожи бу — тил.

Кишилик толеи, эъзози тилдан,
Эйким, ҳаётингга торози тилдан

Оғзинг қафасида тил бу — нарра шер,
Ҳазир бўл, бу ваҳший бир кун бошинг ер

Тилидан тутилган нима дер эшит,
Сўзимга амал қил, ўзингга эш эт:

— Бошга бало келса, тилим бош унга,
Тилимни тил аввал, тегма бошимга.

Танинг тиним билмас, тилинг тинмаси,
Тилингни тийиб юр, тишинг синмаси.

Дилингни қиймалар, ёмон эл тили,
Тилидан қўймайди, ҳасадли феъли.

Билимлидан[1] дарсни тил олди даҫтлаб,
Эй, сен, тил эгаси, тилингни асра.

Агар ўз тилингга эгасан ўзинг,
Тилингдан чиқарма яроқсиз сўзинг.

Донолик рамзи — сўз, билиб сўзланса,
Нодоннинг ўзи ҳам сўзи қўланса.

Кўп сўзлаб топмадим очунда бир наф,
Кўзланган бу наф ҳам сўз кўпидан даф

Сўзни кўп сўзламай, сизлаб айт, оз-оз,
Туман сўз тугунин шу бир сўзда ёз.

Эрким сўз важҳидан тахтга эгадир,
Сўзким, эр бошини пастга эгадир.

Кўп сўзлаб, эзмалик тамғасин олма,
Сўз билмас — соқовдир: бил, ғофил қолма

[1]Яъни, худодан.

Ўйлаброқ йўрик тут, йўриғи бўлак,
Тобора юқори элтар бу йўлак.

Бил, тилин асраган асрабди бошин,
Тилин қисқартмаган қисқартди ёшин.

Олқиш ҳам, қарғиш ҳам — тилнинг таълими,
Элга наф келтирар тилнинг ҳалими.

Агарчи сўзларсан, билиб сўзла сўз,
Сўзинг кўрга кўздир, кўрсин қаро кўз.

Билимсиз кундуз ҳам сўқирдир аниқ,
Билимнинг зим-зиё кечаси ёниқ.

Келишнинг кетиши бордир дунёда,
Сўзингни эзгу қил — умринг зиёда.

Бу икки боисдан қаримас киши:
Бири — некбин сўзи, бири нек иши.

Инсон ўзи ўлиб, сўзи қолди, кўр,
Элига эзгулик тузи қолди, кўр.

Тириклик истасанг, эзгу тут тилинг,
Дилингни эзгу тут, эзгу тут феълинг.

Бу тилни мадҳ этмак бирла тилагим
Тилагинг эрдиким, танла керагин.

Бор сўзни келтирсам, сиғдирмас нақл,
Ўзида бор одам билар: Сўз — ақл.

Сўзламоқдан, ўғлим, сени кўзладим,
Баъзан сўзим тузлаб, ўзим бўзладим.

Сўзладим, бўзладим, сени изладим,
Сўзим сўзишидан ёниқ қисматим.

Мендан улуш қолса, юмушдан ўзга.
Олтину кумушни тенг кўрма сўзга.

Кумушсиз бошингга тушса юмуш ҳам,
Сўзимдан келади, ёмби, кумуш ҳам.

Отадан ўғлига қолгани бу — сўз.
Оталар сўзин тут, нафи ҳам юз-юз.

СЎЗ ЭГАСИНИНГ ЎЗИДАН УЗРИ

Эй, ҳаким, дунёда бир тилагим — сўз,
Ўздан сўнг келганга билдирмагим — сўз

Заковат дер бу нав: Сўздир ибтидо,
Зарарга етмас наф, сўз кетса хато.

Эл тили ёмондир, феъли беомон,
Ҳасади этингни ейди батамом.

Ғам ариб, алмашар тун кундуз билан
Ўзлигим билдирсам тўкин сўз билан.

— Не сир, — деб сўрасанг, — бу не ташвишинг?
Хатодан қўрқмасанг, юришар ишинг.

Одам бору хато, беайб бир худо,
Одам ундан ато, кимдан бу хато?!

Айтиб бер, қайда бор бир одам беайб?
На банда эътибор дунёда, на ғайб.[1]

Билимли оз жуда, билимсиз тўп-тўп,
Закийлар арзанда, заковатсиз кўп.

Кимда-ким билимли, ёвдир билимсиз,
Билимнинг йўлига ғовдир билимсиз.

Кишилик фарқи бор, эшит тилимдан,
Билимдан бу фарқни олди билимдон.

Закийга сўзладим мен ушбу сўзим
Билимсиз тилини тушунмам ўзим.

Уқувсиз жоҳилга йўқ эса ишим,
Оқил хизматида доим эс-ҳушим.

Агарчи куйманиб сўзладим сўзим,
Ийманиб узр ҳам сўрадим ўзим;

Сўзлаган адашар, сўзидан озар,
Заковат эгаси тузатиб ёзар.

Туя бурнидек сўз бурнида балдоқ,
Туя бўйнин бурса, бўйла, сўз андоқ,

Билиб сўзловчидан сўз очсанг, эй мард,
Ҳурматин бажо қил, бундайлар жўмард.

Нек ният қилди ким, билим келди қўл,
Билимдан топилди балки кўкка йўл.

Билим-ла сўзлади ҳар сўзини эр,
Билимни кўк билди, ҳам ўзини ер.

Бўз ерга сўз тушди ҳам яшил кўкдан,
Эр ўзин сўз бирла бор қилди йўқдан.

Тубсиз бир денгиздир, қара, бу кўнглим,
Инжудек чўкиб илм қаърида лим-лим:

Тил ўшал инжуни ташиб чиқмаси,
Ким билсин инжуми ё туз чўкмаси?

Ер ўйиб, тупроқнинг олтин тошини
Олинса, безайдир беклар бошини.

Билимли билимин тортиб чиқди тил,
Тубда йиллаб ётса, дил ёримас, бил.

Заковат қошида кўк тушди чўкка,
Билим-ла кўзлагин учишни кўкка.

Заковат, фаросат эгаси бу бек
Элига нима дер, эй қулоқ сол, тек:

Эй, жаҳон тутмоққа заковат зарур,
Элни кенгайтмоққа жасорат зарур.

Жаҳонгир закийдир — қўлида олам,
Эл феъли, тилини билиб ол, болам.

Олам одам билан безанган кундан,
Эзгу сиёсатни закий юргузган.

Қайси давр бўлмасин, бугундан бурун,
Билимли эр олган энг буюк ўрун.

Бузуқ хулқ заковат нуридан обод,
Билигсиз, темирдек танинг харобот.

Билим билан элинг тозарта кўргин
Тозармаса, қўлинг қиличга ургин.

Билимли беклардан сўраб кўр, асти,
Билигсиз ишини қилич битказди.

Эй, олам тутмоққа керакдир зако,
Эл тилин билмоққа билим мутлақо.

Бу икков бошини тутган комилдир,
Комиллик шоҳликда эзгу омилдир.

Магаркім, сен икки жаҳон тизгинин
Истарсан, чораси унинг эзгулик.

Агар сен эзгулик топмоқ истарсан,
Эзгулик қил ўзинг; сўзнинг қисқаси

Киши мангу эмас, ишидир мангу,
Эзгулик жинсида исмидир мангу.

Магар жисминг эмас, исминг мангудир,
Мангу исминг изни — жисминг мангудир.

ЯХШИЛАР СУҲБАТИН ЯХШИЛИКЛАРИ

Магар халқ устидан қўлингдир узун,
Амал ҳам сўзингда эзгу[1] бўл ўзунг.

Йигитлик ўтару тириклик ўчар,
Бу олам бир тушдек — ул қушдек кўчар.

Тириксан, эзгу бўл, тортгил азият,
Эзгулик охири — битмас хосият.

Эшитким, эзгунинг ушбудир сўзи:
Барчанинг саноғлиқ ерда ризқ-рўзи.

Жаҳонда не янглиғ эрлар туғилди,
Ажал панжасида бари бўғилди.

Хоҳ хоқон, хоҳи қул, хоҳ яхши-ёмон,
Ўзи ҳам исмидан из қолди омон.

[1]Яхши маъносида.

Гар сенга етибди тириклик гали,
Эзгу бўл, ҳозирлан тирик кетгали.

Одамки, охир ҳам тупроқ тўшаги,
Яхши ном тирикдир, мушкул ўчмаги.

Бу икки турли от тилда умрбод,
Яхшидан яхши от ҳам ёмондан дод.

Ёмонга қарғишу яхшига олқиш:
Қай бирин танламоқ сенга боғлиқ иш.

Яхшисан, мақталар яхшилик отинг,
Ёмонсан, таҳқирга нишон ҳаётинг.

Заҳҳокким, нимадан тубан оти хок?
Фаридун не учун ном олди бахтнок?

Бири эзгу эди, эзгудир номи,
То ҳануз оғизда ёмон ҳангоми.

Ёмон ном истарсан ва ё яхши ном,
Олқишми истарсан ё қарғиш мудом.

Ихтиёр ўзингда, ўзингда изминг,
Лек ёмон исмнинг пушмони юз минг.

Синалган ўлтирар тўрда тўкиб қўр,
Синаган, кўрганлар нима дейди, кўр:

Ким ёмон — қарғалди; яхши мақталди.
Ки, ёмон отликдан дод-бедод қолди.

Олдинлаб, кимда-ким, эзгулик иши,
Кундан-кун ёмоннинг кесилди кучи.

Ёмоннинг йўли кўп: на ўнг, на сўл йўқ,
Ёмонлик — бир ўтдир, ўтарга йўл йўқ.

Ёмонлик ўтида ёнади ёмон,
Ёрдам, деб ўлтирма, ёмон беомон.

Ўтмишдан удум бор этгувчи давом:
Хоҳ шоҳи жаҳондир, хоҳ бўлсин авом,

Билим олмоқ магар келди ҳушига,
Ўшал кун қўл урди дунё ишига.

Билимли малик ҳам қони тоза шоҳ
Бил, эзгу қонунлар этибди ифшо.

Ҳозир ҳам, ким эзгу кўзида[1] эзгу,
Элида фозил ҳам элига кўзгу.

Маликким, билимли, ҳаким, донишманд,
Яқинлари дағи аҳли донишдан.

Сўзлаган сўзига қараб иши ҳам,
Оқилдир ҳам иши, ҳам ташвиши кам.

Элни билим билан бошлаб, бойитди,
Бошига билимни ул ҳумой этди.

Авом ғами билан эзгу от олди,
Эзгулар ўлса ҳам, исми ёд қолди.

Ўлимни ҳақ билган халққа яқиндир,
Ўлиб ҳам, тирикка ибрат, ақлдир.

Номин нома қилиб қолдирди бизга,
Эзгулик исмидек олиб тур эсга.

Очунда нима бор ортиқ билимдан?
Билимсизлик асли қаттиқ ўлимдан.

Ёши хўп етилган ҳам боши бутун
Донишманд нима дер, эшит ушбу кун:

— Башарти, билимсиз ўлтирса тўрдан,
Тўр-пойгак, пойгак-тўр, алмашар бирдан.

Донога пойгакдан тегиб қолса жой,
Бу пойгак тўрдан ҳам юксак ҳойнаҳой.

Дунёнинг пойгак ё тўрдан эшиги,
Билимнинг бошида ҳурмат бешиги.

Одамнинг асили, бил, икки турлик:
Бири-бек, бири-нек, яъни билимлик.

Булардан бошқаси, отнинг қашқаси,
Изминг ўзинг билан, гапнинг қисқаси.

[1] Назарида.

Иккидан бирини танла, йўлинг оч,
Учинчи учраса уч чақирим қоч!

Қиличли қўл халққа беради буйруқ,
Қаламли қўлдандир ҳақли йўл-йўриқ.

Алардан мерос — бу эзгу қонунлар,
Амал қилган зотни амалга ўнглар.

Ўликдан тирикка меросдир бу сўз,
Мерос сўз устида икков юзма-юз.

Билимсиз кўр эрур очиқ кўз билан,
Билимли кўрни кўр, кўрди сўз билан.

Кишилик кўрки — сўз, сўз эса талай,
Кел, тилим, эзгу сўз эрни эркалай.

Азалдан бор шундай бир туркча масал,
Мослаб ёзай, мағзин англа муфассал:

Заковат кўрки — сўз, тил кўрки сўздир,
Одамзод кўрки — юз, юз кўрки кўздир.

Инсонким, сўз айтди — лисон туфайли,
Яхши сўз туфайли юзи чиройли.

Некликдан гапирдим, гапирай бекдан,
Бу турк бекларининг таърифи кетган.

Турк беги ичинда оти белгилик
Тўнга Алп Эр эди, қути белгилик.

Билармand, ҳунармand, илмда буюги,
Закийдир, идрокли, халқнинг суюги.

Тожиклар ном берди: — бу Афросиёб,
Алп Тўнга қўлида эл топди зиё.

Беҳад ортиқ эди санъати, илми,
Сўнг жаҳон ишига узатди қўлни.

Тожиклар дарж этди, қолди китобда,
Эса ким эсларди уни шу топда.

Ёзиғли, ботир эр нелар дейди, кўр:
Кўр, тугун ёзиғли эрдан ечилур.

Жаҳон сўрамоққа дил керак осмон.
Қулонни босмоққа яъниким арслон

Жаҳонгир туман минг илм бирла илдам,
Нур сочиб кўтарар туманни элдан.

Шоҳ улким, қиличи ёвни қўрқутса,
Адолат кучидан идора тутса.

БИЛИМ, УҚУВ-ИДРОК ФАРҚИ, НАФИ БУ ТУРУР

Эй ҳаким, тилагим — сўз эдию сўз,
Ул сўзким, билимдан очилди бу кўз.

Уқув-идрок қора тунингга чироқ,
Билим нури билан ёнар яхшироқ.

Идрок, билим элнинг лайлатулқадри,
Бу икки туфайли ерда эр қадри.

Зиёли руҳ боис, қолмай ҳеч ниҳон,
Заковат кўзидан ёрийди жаҳон.

Зукколар сўзи бор, келар узоқдан:
— Осий ҳам билим-ла чиқди дўзахдан.

Қаю хон дилсўзу қойим ҳақ сўзи,
Адолат юзидан тўйди халқ кўзи.

Тамизли ёшни кўр, то етмай ёши,
Тилига бегона ақл талоши.

Идрокли қариса — ариса идрок,
Нораво идрокдан қалам юргизмоқ.

Беақл, телбадан айтай бир нақл:
Бефарқдир — умрини узун, калта қил:

Ҳаётдан бебаҳра, кўнгли бенаво
На ўлик, на тирик—дарди бедаво.

Зукко — ҳур, билимсиз искович қулдир,
Зукко — дур, билимсиз бир ҳовуч кулдир.

Аслан ҳам асрий кўр билимсиз насли,
Асилдан наслдир билимли асли.

Ақл, идрок этар наслингни асил,
Яна бу, билимдан муродинг ҳосил

Қора ер бетида ёритиб йўлин,
Билим баланд қилди одамзод қўлин.

Уқув ҳам идрокли киши асил, нек,
Билимдан битирди эл ишини бек.

Раисми, воизми, — халққа не жоиз,
Ақл идрок боис битди юз фоиз.

Озини оз дема, келар боз идрок,
Магар кам бўлса ҳам, билим қадрнок.

Бу тўртнинг озини оз дема зинҳор,
Донолар сўзи бор, создир, зеҳн сол:

Бу тўртдан бири — ўт, биридир ёғий,
Учинчи — хасталик, умринг тузоғи.

Бошқаси билимдир, билим билан бўл,
Бу тўртнинг фарқини билганинг мақбул.

Ҳар бирин фойда ҳам зарари талай,
Олмоқнинг бермоғи бор-да, ҳар қалай.

Билим — кимё ул, кўзга тўтиё,
Заковат ғазнасин тўлдирган зиё.

Ажаб ўхшашдурур билим ва ипор,
Бировдан беркитиб ушламоқ душвор.

Ипорни яширсанг, ҳиди белгили,
Билими — ошкора, кими бор тили.

Билим ул бойликким, сарф билан битмас,
Ўғри уриб кетмас, шоҳ қўли етмас.

Билим, заковат ҳам кишига кишан,
Кишанким, зарарга юргизмас, ишон.

Севикли от чунки кишанда эмиш,
Эгасин хаёли ўшанда эмиш.

Кишанланган экан, қочмайди кўздан,
Тушоқланган узоқ тушмайди ўздан.

Заковат — ул дўстки, сен билан ўлган,
Билим — қариндошдир қадрингни билган

Билигсизга ёвдир билган, қилгани
Ўзга ёв керакмас ундан кулгани.

Туркийча масал бор, анга қулоқ сол,
Кўнглингга жойлаб ол, англа муфассал;

Донишмандга бўлиб билиг йўлдоши,
Дашномга кўмилиб билигсиз боши:

Билиглиға қутлуғ ризқ ўзи билим,
Билигсиз қилмиши қирқди ўз қўлин.

Эй, магар закийсан, ғазабдан асран,
Қаҳр ҳам қилмаки, шарафсиз аслан.

Бу иккидан йироқ тушди биликлик,
Қаҳр ҳам ғазабдан ўчди тириклик.

Ғазабли асабдан азобда доим,
Қаҳрли иши ҳам топмади қойим.

Ул эрким, амулдир[1], тўғридир иши,
Ичига билигдан ёруғлик тушиб, —

Маъмулдир[2] маъмурдир, хушфеъл, мулойим
Кўнглида кун билан ой юрар доим.

Закий бўл, билимни танлай бил токи,
Хом иш ҳам билимдан пишди ҳаттоки.

Яроқли, яроқсиз фарқини ҳам бил,
Керакли, кераксиз нархини ҳам бил;

Фарқлай бил, нархлай бил, айира билгин,
Иш бошин хайрга қайира билгин.

Билигли ишин кўр, пишиқ, мукаммал,
Емиши — пиширик эрмиш ҳар маҳал.

Тилакка тез етди бу янглиғ киши,
Ҳар икки жаҳонда бежоғлиқ иши.

[1] Оғир, вазмин
[2] Мақбул; хушмуомала.

Қаҳр ҳам ғазабдир жонингга ёғий,
Иккисин танингдан кетмагай доғи.

Қулоққа қуйиб ол доно сўзини,
Тупроққа қаратма қизил юзини:

— Ғазабли билимсиз келди, биларсан,
Ақлсизсан, магар, қаҳр қиларсан.

Илмни ҳукмрон қил ёвуз устидан,
Хушхулқ ҳам ғазабдан кетди юзутбан.

Эшитким, билимли на деб уқтирур,
Сўз била билимни жонга юқтирур.

Бу бир қанча ёвдир, жонингга ғорат,
Таниб, қочсанг, келар танингга роҳат:

Бири — ёлғончи тил, бири — сўз бериб,
Устидан чиқмаслик; пастлик бу — фириб.

Учинчи — чоғардир, ҳеч сезганмидинг?
Умр зое кечди, бир сесканмадинг!

Тўртинчи бу бири — тийиқсизликким,
Ўзин тиймаганни суймаган ҳеч ким.

Бу бири — бадахлоқ, аҳмоқ бус-бутун:
Одамлар уйида қўпорур тутун.

Ёмон тил — бу бири, чақса, ўлим нақд,
Ғазаб ҳам манзилга етказмас ҳар вақт.

Бу барча бирлашса дилга чирмовуқ,
На бахт келмай, на-да қут келмай ёвуқ.

Кўз тиниб, эврон[1] ҳам ўгирар юзин,
Феълини айнитар, маҳв этар ўзин.

Кел, эйким, яхшисан, яхшилик айла,
Яхшининг иши соз, феъли чиройли.

Эшитким, нима дер хулқи хуш киши,
Иши ҳам халқ билан, элда эс-ҳуши:

[1]Фалак.

— Яхшилик яшовчан, ўлмагай ҳаргиз.
Ёмонлик азиз ҳам бўлмагай ҳаргиз.

Юз асра, эъзозла, ёмон ўткинчи,
Яхшининг ўткинчи армон, ўкинчи

Яхши тилагига етди, алқисса,
Ёмоннинг кунига мунги минг ҳисса.

КИТОБГА НОМ БЕРИЛИШИГА ОИД ҲАМДА ҚАРИЛИКДАН ШИКОЯТ

Китобим атадим «Қутадғу билиг»,
Уйингга қут бўлсин, чироққа пилик.

Иложсиз шоирнинг сўздир иложи,
Ҳар икки очунга етар қулочи.

Сўз битдим, битдигим вақтим билдим бахт,
Икки жаҳон бахти-тахтин қилдим нақд.

Кунтуғди элигдан бошладим сўзни,
Бахш этиб элликдан ошганда ўзни.

Кетидан тилимга келди Ойтўлди
Ул қутлуғ кунларнинг чиройи бўлди.

Кунтуғди деганим, бил, адолатдир,
Ойтўлди бу — яъни бахт, саховатдир.

Ўгдулмиш дедим сўнг, иш-қилмиши ўнг,
Оти заковатдир, шарофати чўнг.

Охир Ўзғурмишга бурдим мен юзим,
Они офиятга йўрдим мен ўзим.

Бу тўртнинг устида юритдим сўзим,
Уқиб ол, кўзингни ёритгин қўзим.

Қаттиқ тут, тўғрилик йўлидан озма,
Қадрла, ёшликни қуруқ ўтказма.

Ел билан елвагай йигитлик кетар,
Қаттиқ меҳнат қолар, тириклик йитар.

Тиззангда бор экан, йигитлик кучин
Иззатинг борида сарфла эл учун.

Ўтганга ўкиниб, ўзим иззаман,
Ўтган — ўқ; нафи йўқ, сўзим кесаман[1].

Тириклик қирқдан сўнг қўлингни қирқар
Қуруқ ўткарган, кўр, ўлимдан қўрқар.

Элликнинг илгида қурийди илик,
Тириклик шомида қўрийди пилик.

Қўймай имлаётир энди эллигим,
Йўлим тўсса ўлим, бир пул эрлигим[2].

Шундан қиёс: Ёшки, олтмишдан ошди,
Қиш кирмиш, ул ёзги ҳаловат қочди.

Ўттизнинг ўтини кул қилди эллик,
Олтмиш оладирган не бор тайинлик?!

Эй, эллик — умрнинг учқур кемаси,
Сенга қасд қилмовдим, ўчинг нимаси?!

Ёш экан, тошдан ҳам ундирдим ҳақим,
Энди илгимдаги тайёр ризқ — зақум.

Эй, кўнгил ёйига қаддим ўқ эди,
Кўкни ўққа тутмай ҳаддим йўқ эди,

Қаддимни ёй қилди, кўнглим ҳамон ўқ;
Қариликдан омон топар замон йўқ!

Кел, эй, терговчисан, терга бу кўнглим
Ўткинчи умрнинг эрмаги бўлдим!

Кишансиз ҳам оёқ юролмас энди,
Қора босди, кўзим кўролмас энди

Юракда ўт бори қайтиб ўчмоқда,
Йигитлик тулпори қайси пучмоқда?

[1] Сўзни қисқа қиламан.
[2] Мардлигим демоқчи.

Ўлимга ҳозирлан, эй кўкчин[1], уйғон,
Ўтмишга ўт кетди, қон йиғлагин, қон

Йиллар елдек бенаф кечди кўзингдан,
Гунанг[2] ўзингдану гинанг ўзингдан.

Мунгсиз эгам, сен-ку, мангу тириксан,
Ўлимга ем этиб бизни берибсан.

Муна дуо бирла сендан муддаом:
Муддатни чўз бироз, умр этсин давом

Ўзингдан куч олиб бошланган бу иш,
Илло якун топсин, бер анга кўшиш.

Яратганни тинмай алқа, эй тилим,
Мени ёрлақади, ёритди дилим.

Кўплардан хўб билди, танлаб яратди,
Кўнгилни чўнг, тўғри йўлга қаратди.

Қоронғуда эдим, аритди туним,
Қора ғорда эдим, ёритди куним.

Ўзи кўрсатмаса, йўлимдан озиб,
Ўтда куяр эдим, олди қутқазиб.

Сайлади, сийлади, суйди тўймади:
Дилни янглиш йўлдан тийди, қўймади.

Нур йўллаб, дилимни огоҳ айлади,
Бир йўла тилимни гувоҳ айлади.

Йўлласа, рост йўлга расул йўлласин,
Қўлидан қўймасин, ўзи қўлласин.

Бу барча эгамнинг фазилатидан,
Асраб, азиз тутди мазаллатидан.

Тоат-ибодатсиз, гуноҳкор бу қул
Шукр қилмоқ зикрин унутар нуқул:

Илоҳо, ожизман, биласан ўзинг,
Ўлдирсанг, бўлдирсанг — бир оғиз сўзинг.

[1]Кўкчин кекса.
[2] Гунанг гуноҳинг маъносида.

Агарчи зикрингга қодир эмасман,
Ўзинг шукрингни қил, собир бўл, осмон.

Бу тўғри йўлимда яна рост тутгин,
Эрк тўнин эгнимда сарафроз тутгин.

Жон тарк этса, бу тан — эски қафасни,
Имон тиғи бирлан кесгил нафасни.

На бўлғай, қаро ер қаърида қолсам,
Нурингни ёғдириб, ёрита қолсанг?

Қулоқсиз қулингман, буюрма айбга,
Гуноҳни кечирмоқ ярашар ғайбга.

Жумла мўминларни мутлақ ёрлақа,
Нишон бер, бақодан, чиқаргил ёқа.

ЛУҒАТ ВА ИЗОҲЛАР

	· ноз, инжиқлик, мугомбирона хатти-ҳаракат
«Адаб ул-мулук»	· мамлакат одобномаси, чинликларнинг «Қутадғу билиг»га берган номлари
жазри	· математикада илдиз остида ҳисоблаш усули
адаш	— бирор кимса билан исми бир хил бўлган одам: кўчма маънода дўст, биродар, оғайни, мададкор
адашмоқ	— дўстлашмоқ, яқин бўлмоқ
адақ	— оёқ
адин	— бошқа бўлак, ўзга
адиқ	— айиқ
адруқ	— айирма, фарқ, тафовут
азғон	· саҳро чечакларидан бири
айтиғ	— сўроқ, савол, суриштириш
Айғир	— уч-тўрт ёш ўртасидаги эркак от: бурж-лардан бирининг номи
ал	— қўл
алиг	· қўл
алин	· пешона, манглай
«Анис ул-мамолик»	— ҳукмронларнинг дўсти, «Қутадғу билиг»-га мочинликлар берган ном
апа	— одам, инсон
апанг	— агар, мабодо
ари	· хари, «эшшак», ўтиришга мўжалланган ёғоч курси
арсиқ	· ёввойи, йиртқич, ваҳший, ёвуз
арт	— тепалик, баландлик, дўнглик, довон
артақ	· ёмон, ярашмаган, бузуқ, уятли
артут	— совға, тортиқ
арқиш	· карвон
арқуқ	· ўжар, қайсар, саркаш
арғувон	· арғувон дарахти, *кўч*, арғувоний ранг, қизиллик
ас	· оқ сувсар
асри	— қоплон

Афросиёб — шахс номи, Туроннинг афсонавий қаҳрамони Алп Эр Тўнганинг тожикча номи

ая — кифт, ҳовуч

аяқ — идиш, лаган, коса, қадаҳ

аяғ — белги, унвон, лақаб

Ақл — ақл,идрок, одамнинг билиш, фикр юритиш қобилияти «Қутадғу билиг»да Ўгдулмишнинг бажарган рамзий вазифаси

ақл-идрок — Ўзғурмишнинг Кунтуғди элигга ёзган хатида ақл-идрок ҳам эслатилади. Ақл-идрокнинг туркий атамаси «ўг»дир. Эслаган бўлсангиз, бу сўз асардаги етакчи қаҳрамонлардан бирининг номи таркибида ҳам учрайди? У Ўгдулмиш эди? Ўзғурмишнинг «мендан кўра ҳам кўпроқ нафи тегадиганлар бор. Бу — билим, ақл-идрокдир» деган гапининг «мен ҳушёрлик, саломатликдан ташқари наф берадиган киши — ақл-идрок, яъни Ўгдулмиш ҳам бор» деган маъноси ҳам мавжуд

баз — ёт, бегона, мусофир, ғариб

балду — болта, сопи узун бўлган уруш қуроли

Балиқ — балиқ (сув ҳайвони), буржлардан бирининг номи
Муддат нуқтаи назаридан февралнинг охири — мартнинг бошларига тўғри келади.

балоғат — арабча сўз бўлиб, етуклик, камолот маъноларини беради. Қадимги олим ва шоирлар бу сўзни бадиий адабиётга нисбатан ҳам қўллашган. У мазмуннинг ниҳоятда гўзал, нафис ва таъсирли ифодасини англатган. Бу ерда ушбу маъно кўзда тутилмоқда.

барчин — ипак, шоҳи

барқин — йўловчи, ўткинчи

бағирмоқ — меҳрибон, жонкуяр; бағир аслида жигарни англатса-да, у юрак ўрнида ҳам қўлланаверган. Шунга кўра уларни фарқлашда юрак«бағир» деб, жигар эса «қорабағир» деб юритилган.

бедиз — сурат, расм; безак, нақш, шакл, кўриниш, тасаввур, образ; гўзаллик, чирой

бедизчи — рассом, наққош

бек — юқори даражадаги амал-мартабалардан бири. Бу сўзнинг «берк», «ёпиқ», «мус-

таҳкам», «пишиқ» деган маъноларн ҳам бор. Шулар асосида унинг кўчма маънода «хасис», «қурумсоқ» деган маъноси ҳам асарда учраб туради?

бекач — бека, уй эгаси бўлган аёл

бели бертади — бу ибора белга куч келишига, ортиқча қийинчилик, машаққатларга ишора

белинг — даҳшат, ваҳима, кучли қўрқув

берим — «олим»нинг зидди, савдо-сотиқда бериліши лозим бўлган нарса

берка — калтак, таёқ, қамчи; зарба, жазо

билаклиг — билаги бор, куч, кучли, зўр, ботир

билга — билимдон, доно, донишманд

билиг — билим, фан, маълумот

Бириси кучайди учин босса сал — бу ерда гап киши мижозининг кўринишлари ҳақида боряпти. Анъанавий тиббий қарашларга кўра, киши мижози тўртга бўлинади. У иссиқ, совуқ, ҳўл ва қуруқ бўлиши мумкин. Бу ҳақда шу сўзлар изоҳига қаранг.

битиг — ёзув, хат; китоб ёзилган нарса; мактуб, нома

битигу — қалам, сиёҳдон, ёзув қуроллари

битигчи — хат ёзувчи, котиб

бича — пича, озгина, кам миқдорда

бичоқ — пичоқ

Боласоғун — шаҳар номи. Эски номи Қуз ўрду

босимчи — босмачи, золим, талончи

босинч — зулм, босқин, тазйиқ, сиқув

босинчоқ — эзилган одам, заиф, камситилган, камтар

Ботар — Ғарб, Мағриб, кун ботар

бошчи — бошлиқ, раҳбар, йўлбошчи

будиг — ўйин, рақс

буз — муз

буйруқ — туркий халқларда қадимий амал-мартабалардан бири

бук — бурчак, яшаш жойи, бошпана

булоқ — булоқ, чашма; бўйи қисқа, усти кенг от

булғанук — булғанган, ифлосланган

булғоқ — булғоқ, фитна, ярамаслик

бурж — тупроқ, ғишт ва тошдан қурилиб қоровул учун мўлжалланган минора шаклидаги бино; қалъа ва дўнгликларда қурилган минора шаклидаги мустаҳкам бино; йил давомида Қуёш айланадиган фалак доираларининг ҳар бири: Қўзи (Ҳамал), Уд (Савр), Эрантиз (Жавзо),

Қучиқ (Саратон), Арслон (Асад), Буғдой боши (Сунбула), Улгу (Мезон), Ақраб (Чаён), Ёй (Қавс), Ўғлоқ (Жади), Кўнак (Далв), Балиқ (Ҳут)

бурундуқ — туянинг бурнидан ўтказилган жилов

бутмоқ — ишонмоқ, инонмоқ

бучуқ — пучуқ, ярим, чала

буши — қаҳр, ғазаб; қаҳрли, ғазабкор, золим

Буғдой боши — ўн икки бурждан бири. Саротоннинг туркий номи, у Жавзо ва Асад буржлари ўртасига жойлашган

буғро — эркак туя, умуман ҳайвонларнинг эркаги, нари

Буғрохон — Қорахонийлар сулоласи даврида (840 — 1212) Шарқий ва Ғарбий Туркистон ўлкаларида амал қилган кўпгина давлат бошлиқларининг унвони. Бу ерда эслатилган Буғрохон Қашқар ҳукмдори бўлиб (1102 — 1103 йилларда вафот этган). «Қутадғу билиг» асари унга тортиқ қилинган эди. Унинг тўлиқ номи Тавғоч Буғра Қора ҳоқон (ҳукмдорлик йиллари 1056—1103)дир.

бўга — паҳлавон, алп, ботир

бўгда — ханжар

бўгу — доно, билимдон

бўгтал — орқа сағриси кенг бўлган от

бўка — аждар, катта ва даҳшатли илон

бўлун — қул, асир, банди

бўрк — бўрк, бош кийими

Бўз ер ипорланди қору муз кетиб — аслида «қору муз» ўрнида «кофур» сўзи қўлланган. Ипор ва кофур классик адабиётимизда ўзаро тазод (зид маъноли сўзлар)ни ташкил этиб, бири яшиллик, кўкариш, ёшликни, кейингиси, оқлик, кексайиш, ҳалокатни англатади. Улар кўпинча қоронғи кеча ва ёруғ кундузнинг, ёхуд умуман ёқимлилик рамзининг ифодаси сифатида қўлланган. Улар муаттар ҳидлар тимсоли сифатида ҳам кўп ишлатилади.

бўғиз — бу ерда нафс, таъма маъносида

васият — марҳумнинг ўз яқинларига айтиб ёки ёзиб қолдирган топшириғи, истак ёки насиҳати

уворин — овқат ҳазм қиладиган дорилардан бири

гўжа — гўжа, оқ жўхорини туйиб тайёрланадиган овқат турларидан бири

дол — йўл, йўналиш, оқим

езак — лашкарнинг олдинги қисмида борувчи бўлаги, соқчи, кузатувчи, йўл кўрсатувчи, айғоқчи разведкачилар отряди

ек — жин, шайтон

ер бўлмоқ — бу ибора икки маънода учрайди. 1) ер, яъни тупроқ билан тенг бўлмоқ, бунда обрўдан айрилмоқ, назардан тушмоқ, уятга қолмоқ, қадрсиз бўлмоқ деган маъноларни англатади. 2) Ер, яъни ер шари сингари оғир бўлмоқ. Бунда камтар ва камсуқум бўлиш, вазминлик қилмоқ, босиқликда турмоқ сингари маъноларга эга.

ер қулочла — ерни қулочламоқ, ўлчамоқ, кўчма маънода саёҳатда бўлмоқ, оламни кезмоқ

ети — етти сони; ўткир, кескир

Етикон — Етти оға-ини юлдузлар туркуми

етти андом — киши танасининг етти аъзоси; бош, кўз, қулоқ, оғиз, бурун, қўл ва оёқлар. Баъзан бу саноққа кўнгил ҳам кирган.

Ёз — ёй, камон, «ё», «ёки» айрувчи боғловчиси; Ёй буржи;

ёзим — тўшак, намат

ёз — баҳор фасли, кўклам; *яна қ.* ёй

ёзи — дала, яйлов, чўл, водий

ёзуқ — айб, хато, гуноҳ

ёй — ёз фасли; ёй, камон

ёлин — ёлқин, аланга

ёс — мотам, аза

ётғоқ — қоровул, соқчи

Ёруғ юзли гўзал кўрсатди тишин — «ёруғ юзли гўзал» — Қуёшнинг истиоравий атамаси, «тишини кўрсатмоқ» бу ерда қуёш нурларининг сочилишига ишора

Ёруғ юзли гўзал қоматини кўтарди — Қуёшнинг кўтарилишига ишора

жабру муқобил — алгебра

жамъу тафриқ — математикадаги қўшиш ва айириш амаллари

жов — шуҳрат, донг, шон

жовли бек — шуҳратли бек, қорахонийлар саройидаги амаллардан бири ва унинг эгаси

занги — занги, ҳабаш; *кўч.*тун, қоронғилик ва умуман қора ранг.

зангилар юзи · занги (ҳабаш)ларнинг ташқи кўриниши қорача бўлганлиги учун Шарқ адабиётида тун тасвирида кенг қўлланадиган образ

зарб · кўпайтириш амали

заъфарон — заъфар, заъфарон, ингичка, узун баргли тўқ-сариқ пиёзсимон илдизли ўсимлик; *кўч*, сариқ ранг, сарғишлик

Заҳҳок — ситамкорлиги, қаттиққўл ва зулмпарварлиги билан шуҳрат қозонган афсонавий ҳукмдор. Афсоналарга кўра, унинг елкасига жойлашиб олган икки илон (аждар) одамнинг мияси билан озиқланган.

зоҳид — тарки дунё қилиб, тоат-ибодатга берилган киши, аскет, сўфий

ивиқ — тоғ кийиги, оҳу

иёр иши — металл софлигини синаш, бозордаги тош ва торозилар тўғрилигини, муомаладаги олтин ва кумуш пулларнинг софлиги ва оғирлигини кузатиб туриш

иг · касаллик, дард, оғриқ, бало, офат, иллат, нуқсон, айб

Игдиш — қабила номи, шу қабилага мансуб киши; чорва

игдишчи · чорва билан шуғулланувчи, чорвадор

игламоқ · касалланмоқ

идуқ — қутли, муборак, муқаддас, илоҳий

икки эн бўз — киши ўлганидан сўнг ўраладиган кафан назарда тутилади?

илик-кулмиз — тоғ (ёки чўл) эчкиси, эркак ва урғочи жайрон

илимға — бош котиб, уйғур ва туркий ёзувларда ёзадиган котиб

Ила — географик атама, чўл (яйлов) номи

имга — тоғ эчкиси, серка

инал — онаси хон авлодидан, отаси оддий халқдан бўлган киши, аслзода

инжиқ — қайғу, ғам, алам, ўкинч

иноят — илтифот, лутф, марҳамат, ёрдам

инонч бек — ишончли бек, қорахонийлар давлатидаги амаллардан бири ва шу амал эгаси

инч — тинч, осойишта(лик), тинчлик, фароғат

ипор — классик поэзияда жуда кенг қўлланадиган образлардан бўлиб, гоҳ рангига, гоҳ ҳидига кўра ўхшатилади. Ипор аслида қуритиб олинадиган хушбўй моддалардан

бири? Ранги қорамтир бўлиб, сандал, гулоб, мушк ва заъфарондан қўшиб тайёрланади.

ириғ — ўгит, панд, насиҳат, дағал, қўпол; чидамли, абжир, кучли, мангу, абадий

ирсол — беқарор, саботсиз, вафосиз

исиғ — иссиқ, тафтли, қадимги Шарқ табобатида мижоз кўринишларидан бири.

Искандар — Искандар, қидимги юнон подшоларидан бирининг исми

исрофил найи — ёқимли оҳанг, хуш овозга ишора

ич сўз — ички (яширин) сўз, сир

ич юз — ички олам, маънавий дунё

ичгу — ичимлик, ичиладиган нарсалар

иш — ис, тутун, дуд; *кўч.* қоронғилик

ишар — аёл, хотин киши

ишчи — ишчи, хизматкор

Йилдирик — Зуҳра (сириус) юлдузининг туркий номи

йилдузчи — юлдузчи, мунажжим, астролог

йилмиқ — ингичка, хипча нозик

йипор — *қ.* ипор

йирамоқ — йироқ турмоқ, йироқлашмоқ

йиш — юқорилик, баландлик, *кўч.* қадр, иззат-ҳурмат

йиғоч — ёғоч, дарахт

йўда — болдир, оёқнинг товондан юқори қисми

йўрўғ — таъбир, изоҳ

йўртуғ қур — соқчи лашкар, лашкарнинг олдинги қисми, авангард

касур — «каср»нинг кўплиги, математикада сонлар назариясига оид бўлимлардан бири

кебит — дўкон, ичкилик дўкони, *кўч.* уй манзил, эл

кевал — учқур от, тулпор, йўрға от

кезиг — навбат, тартиб, сира, гал

кеп — шакл, сурат

кезламоқ — яширмоқ, беркитмоқ, сир тутмоқ

кейик — кийик

кем — касаллик, дард, камчилик, нуқсон

кенд — шаҳар, аҳоли ғуж яшайдиган манзил

кесилди тириклар сўзи — тирик мавжудот сўзлаш (ҳаракат)дан тўхтади. Бу ерда тун қоронғилигидаги жим-житлик назарга олинган.

кечиг — кечик, ўтиш жойи, дарё, кўл, сойларнинг кечиб ўтиш мумкин бўлган жойи; *кўч.* имконият восита

кин — кийикнинг мушк бези, мушк

Кисро — Хисравнинг арабчалашган шакли, сосонийлар сулоласи подшоларининг Анушервондан кейингиларининг лақаби.

киш — сувсар, олмахон

кишчи — сувсар тутиш билан шуғулланувчи овчи

Киши табъи тўрт хил тугул турган ёв — «ҳўл» сўзининг изоҳига қаранг.

Кошки унинг сўзларини эшитмаган бўлсам — бу ерда Ўзғурмиш ҳақидаги овоза, шуҳрат назарда тутилади.

Кошғар — Қашқар, географик атама. Шарқий Туркистондаги шаҳар ва вилоят номи

ку — шуҳрат, овоза, донг

кувруг — довул, ноғора

Кунтуғди — чиққан (ёришган тўлишган) кун, Қуёш. Асарнинг бош қаҳрамонига берилган исм. У давлат бошлиғи — элиг тимсолидир? Айни пайтда у Адолат сифатида намоён бўлади.

Кусамиш — Кусамиз, шахс номи, «исталган», «хоҳланган» маъноларини билдиради.

кучкай — золим, зўравон

кўз суви — кўз ёши, *кўч.* уят, андиша, номус

кўз қамар — кўзи қамашади

кўзнгу — кўзгу, ойна

кўк аюқ — амал номларидан бири, оқсоқол

кўкчин соқол — соқоли мош-гуруч рангдаги киши. Қадимги туркий адабиётда катта ёшли, кекса кишиларни тасвирлашда кўп қўлланадиган образ. У кўчма маънода «бошидан кўп нарсаларни ўтказган, тажрибали, доно, доноишманд» маъноларини англатади. Шу вазифани «ўрунг сачли», яъни «сочи оппоқ» бирикмаси ҳам бажарган.

кўмоч — овқат тури

Кўпак — кўза; Далв юлдузлар туркумининг туркий номи

кўни — тўғри, тик, адл, рост, ҳаққоний, яхши, ҳалол, инсофли, пок, одил, эзгу

Кўруд — Миррих юлдузининг туркий номи

кўчмоқ — ўлмоқ маъносида. Қадимги халқлар дунёни иккига ажратиб тасаввур қилишган: бу дунё ва у дунё. «Бу дунё» ўзлари ишлаб, овқатланиб, дам олиб, яшаб юрган моддий оламни, «у дунё» эса кишининг «бу дунё»даги умри тугагандан кейин бошланадиган «ҳаёт»ни англатади? «Икки дунё», «икки олам», «икки жаҳон» иборалари ҳам шу тасаввурлар асосида пайдо бўлган. Уларнинг тасаввурида икки дунё ҳам уй, манзил сифатида намоён бўлган. Шунинг учун ҳам киши ўлганида бир манзилдан бошқасига ўтади, деган ақида ҳосил бўлган. Табиийки, бунда «кўчсам» деган сўз шу маънони ташийди.

лев — овқат, таом

лев-ош — озиқ-овқатлар. Ҳозирги Андижон шевасида «леваш» деган сўз сақланиб қолган. У махсус тайёрланган нон турларидан бирини англатади.

Луқмон — шахс номи, Шарқ халқлари орасида тенги йўқ ҳаким ва донолик тимсоли ҳисобланган афсонавий шахс

мажоз — мажоз, рамз, кўчма маъно, киноя

мактубини ўради — хат жўнатиш ҳозирги шаклига киргунча турли тараққиёт босқичларини босиб ўтган. Қадимда хат ёзилган қоғоз букланмасдан ўралган ва улар хат солинидиган махсус ғилофлар ичига солиб жўнатилган. Бу ерда шу ҳолат назарда тутилмоқда.

малик — мамлакат бошлиғи, подшо, ҳукмдор (арабча «мулк эгаси»)

марҳум — ўлган, вафот этган киши

масал — масал, ҳикматли сўз, мақол

Машриқ — Машриқ, Шарқ, Кун чиқиш томони

маъжун — маъжун, турли дориворларга афъюн қўшиб тайёрланган қувват дориси

Мен ипак жўнатдим, у берди тикан — асарда сўзларни кўчма маънода қўллаш тез-тез учрайдиган ҳодиса. Бу ерда ҳам «ипак» ва «тикан» сўзлари ўз маъноларида эмас, кўчма маънода қўлланган. Ипак жўнатмоқ — ширин сўзлар билан қилинган таклифни, «тикан қайтармоқ» эса ач-

чиқ ва дағал сўзни, яъни рад жавобини билдириб келмоқда.

мижоз — Қадимги Шарқ табобатида инсон организмининг муайян ҳолати, унингча киши мижозини тўрт унсур: қон, сафро, йиринг, ва шилимшиқ ташкил этади ва уларнинг ҳар бири муайян ранг билан боғлиқ бўлади: қон — қизил, сафро — сариқ, йиринг қора, ва шилимшиқ — оқ. Улар орасидаги мувозанатнинг бузилиши киши соғлиғига зарар етказади. Мижоз айни пайтда киши организмининг бирор нарсага бўлган талаби, муносабатини ҳам англатиши мумкин.

мисоҳат — юза(сатҳ)ни ўлчаш илми, геометрия фани

Митридус — мураккаб таркибли дори

Мочин — жанубий Хитой, Мочиннинг бўлак номи Табғачдир. Шунингдек, Чин ҳам Хитойни англатган, фақат бунда Шарқий ва Марказий Хитой назарда тутилган. Ўрта Чинни Хитой, Қуйи Чинни Қашқар дейишган.

муйғоқ — урғочи буғу

мулк — бирор кишининг тасарруфи ёки қарамоғидаги жой ва нарсалар. Кенгроқ маънода бутун мамлакат ҳам англашилади, тор маънода фақат бойлик, мол-мулк ёки уй-жой назарда тутилади.

мурид — мурид, издош, шогирд

мусанниф — тасниф қилувчи, ёзувчи, муаллиф

муқобил — сонлар назарияси, алгебра

муҳтасиб — шариат қонун-қоидаларининг назоратчиси

Низом — маълум иш, масала бўйича қонун қоидалар, тартиблар мажмуи

нужум — юлдуз (илми), астрономия ва астрология

Нушинравон — адолатлилиги билан шуҳрат қозонган афсонавий подшо номи.

овичга // овучга — қари, кекса, чол, катта ёшли киши

овучга сўзи — оталар сўзи, мақол, ҳикматли сўз

Одил соф кишининг орқасида из — «из қолмоқ» — белги, нишон қолдирмоқ маъноларини билдиради. Ўзининг орқасидан из қолдирмоқ дегани яхши номини қолдирмоқ демакдир.

ожун очун — дунё, олам

йўлдан озган, йўлини йўқотган

олиқ — ол (қизил-қизғиш) ранг, чора, тадбир, илож; ҳийла, алдов

олим — олим, олинадиган нарса, «берим»нинг акси

олчи — алдоқчи, айёр, маккор

ориғ — тоза, пок; покиза, муқаддас; тугал, тўла; олийжаноб, азиз, ёқимли

осиғ — фойда, наф, манфаат; улуш, тегиш

Осмон қора кўйлагини йиртмоқда эди — Қуёш чиқишдан олдин қоронғилик дастлаб ерда эмас, тепада — осмонда чекина бошлайди. Қуёш чиқадиган нуқтада узун «дарз» ҳосил бўлади. Тасвир шу ҳолатга ишора.

Осмон жин юзидек қорайди ўнгиб — қадимда жин (дев, пари, аждарлар қаторида) реал борлиқ сифатида тасаввур қилинган ва унинг рангини қора сифатида тасаввур қилишган. Ушбу мисра шу тасаввур натижасидир.

Осмон бўлди мисли Қора қуш ранги — тун қоронғилигига ишора. Умуман «Қутадғу билиг»да табиат ва жамият ҳодисаларини тасвирлашда атрофни қуршаб турган ҳайвонот оламига мурожаат қилиш тез-тез учраб туради. Бу, бир томондан оғзаки ижод таъсири бўлса, иккинчи томондан, мавжуд анъаналарнинг ифодасидир.

оталар сўзи — ота-боболардан мерос бўлиб ўтиб келаётган ҳикматли сўзлар, мақол

отим — мерган, аниқ нишонга отадиган

офият — саломатлик, соғлик, покланиш; асар қаҳрамонларидан бири — Ўзғурмиш ташиган рамзий маъно

очиғ — совға, мукофот, туҳфа; илтифот, марҳамат

оч бўри — сарой амалдорлари назарда тутилади

ошағу — таом, овқат

ош бошчи — ош бошчи, саройдаги дастурхон мутасаддиси; ўша даврдаги амаллардан бири, бу амал хон салор деб ҳам юритилган

ош ишчиси — саройда озиқ-овқатларни тайёрлаш билан шуғулланувчи ходимлар

ошчи — ошчи, ошпаз

Оқибат — оқибат, натижа, пировард; Ўзғурмиш ташиган рамзий маъно

оқин — оқин, тўхтамай оқиб турувчи сув, сел; *кўч.* кўз ёши

оғ — тузоқ, қопқон

оғи — қимматбаҳо нарсалар: лаъл, жавоҳир ва ноёб матолар: ипак, шоҳи-кимхоб

оғин — соқов, гунг, лол

оғир — табаррук, азиз мўтабар; қадр-қиммат, ҳурмат, эътибор, қимматли, қимматбаҳо; вазмин, босиқ, ўзини қўлга олган

оғирламоқ — қадрламоқ, ҳурмат кўрсатмоқ, улуғламоқ

оғирлиқ — ҳурмат, иззат-икром

оғичи — хазиначи, хазинабон

пусуғ — пистирма, тўсатдан ҳужум қилиш ёки ов пойлаш учун фойдаланиладиган яширин қурилма ёки жой

раиййат — оддий халқ, фуқаро

раква — чармдан ясалган идиш, меш

Рум — Византиянинг Шарқдаги номи. Бу ном остида кўпинча бутун Европа ҳам тушунилаверган

румий қизи — Қуёш ва Ойнинг истиоравий атамаси. Агар тасвир кундуз куни билан боғлиқ бўлса, Қуёшни, тун билан боғлиқ бўлса, Ойни англатади.

Рустам — Фирдавсий «Шоҳнома»сидаги асосий қаҳрамонлардан бири. У Ўрта Осиё халқларининг оғзаки ва ёзма ижодида кенг ўрин тутади.

сабо — эрталаб эсган майин ва ёқимли шабада. Одатда у бирор яхшилик хабари билан боғлиқ бўлади.

савдо — инсон танасидаги тўрт унсур (сафро, балғам, қон ва савдо)нинг бири бўлиб, сиёҳ ранглидир. Қадимги тиббий қарашларга кўра у тириклик асосини ташкил этади.

сарап — хасис, бахил

Саратон — ўн икки буржнинг бири, Жавзо ва Асад буржлари ўртасига жойлашган

сан(д)воч — булбул

сақинч — қайғу, ғам

сақизғон — зағизғон, ҳакка

сарт — савдогар, савдо-сотиқ билан шуғулланувчи киши

сақинуқ — мулоҳазали, андишали, тадбиркор, ҳисоб-китобли

сезиг — шубҳа, гумон

Секантир — Зуҳал юлдузининг туркий номи

семиркук — мифологик қуш номи, эҳтимол Семурғ (?)дир.

серим — сабр, қаноат, чидам

серинмоқ — чидамоқ, сабр қилмоқ, қаноат қилмоқ

сизғирмоқ — азият чекмоқ, ич-этини емоқ

сизиғ — оғриқ, дард

силиг — олийжаноб, соф, ҳалол, пок, зариф, юмшоқ табиатли

синич — қуш номи

сипоҳий — отлиқ

сир — сир, ранг, бўёқ

сиринчға — шиша

сир тоши — Мис билан олтинни ажратишда қадимда сир тошидан фойдаланишган. У мисга тегизилса, миснинг ранги кўкимтир тусга кирган, олтиннинг ранги эса ўзгармаган. Шундай қилиб, соф олтин билан мисни фарқлаб олиш мумкин бўлган. Нотаниш одамнинг сўзлари ҳам сир тоши вазифасини бажариши мумкин, яъни сўзларидаги мантиқдан унинг кимлигини билиш мумкин, демоқчи шоир.

сирчи — сирчи, сирловчи

сиғирчуқ — чуғурчуқ

сиғун — эркак буғу

совуқ — «ҳўл» сўзининг изоҳига қаранг

соқиш — ҳисоб-китоб, саноқ, ҳисоб-китоб билан шуғулланувчи фан — математика

су — армия, лашкар

су бошчи — қўмондон, лашкарбоши

сувсар — сув ҳайвонларидан бирининг номи. У XI асрда «тийин» деб аталган. Қадимда, ҳали пул муомаласи юзага келмай туриб, одамлар ўзаро нарса алмаштирганида турли-туман қимматбаҳо мўйналар кенг истеъмолда бўлган. Ўрта Осиё ва Шарқий Туркистон халқлари ўртасида қундуз ва олмахонга ўхшайдиган тийин деган жонивор ҳам шу мақсадда фойдаланилган. Ҳозир пул бирлигини англатувчи «тийин» (сўмнинг юздан бир қисми) шу билан алоқадор.

султон — юқори даражадаги амални билдирувчи унвон

сунғу(н) — найза, санчқи

сунғунгчи — найзадор, қўриқчи

сўз қий — сўз қиймоқ, сўздан қайтмоқ, ваъдани бузмоқ

сўзчи — сўз айтувчи, хабарчи, вакил, воситачи

Сўкич — қирғовул, тустовуқ

Сўқоқ — кийикнинг бир тури, ола рангли кийик

Тавғоч — туркий қабила номларидан бири, шу қабила асосида юзага келган унвон; Хитойнинг умумлашма номи.

така — тоғ эчкисининг эркаги

талим — кўп, талай, анча

тамға — тамға, муҳр

тамғачи — тамғачи, муҳрдор (амал номи)

тансиф — бўлиш, қисмларга ажратиш, математикадаги ҳисоблаш усулларидан бири

тапуғ — хизмат, иш, сиғиниш

тапуғсоқ — меҳнатсевар, ишчан, содиқ

тапуғчи — хизматкор

тариғ — экин, деҳқончилик

тариғлоғ — экинзор, экин экиладиган ер

тариғчи — деҳқон, экин экиш билан шуғулланувчи киши

тафриқ — чегириш, айириш, математик амаллардан бири

тағар — дағал ипдан тўқилган мато; от ёпиғи

тебиз — ҳасад, қизғониш

тегин бек — шаҳзодалардан чиққан бек

тезгинмоқ — айланмоқ, кезмоқ

тезгинч — чарх, фалак; *кўч.* қисмат

текма — ҳар хил турли-туман

телим — *қ.* талим

теник — олмахон

терги — дастурхон

терк(ин) — тез, тезда, тезлик билан

тетик — тетик, серҳаракат

тетир — урғочи туя

теши — очкўз, ебтўймас, очофат

тилдам — сўзамол, чечан

тилмоч — тилмоч, таржимон

тозий — араб, арабий

топиниб-сиғинмоқ — ҳозирги тилимизда бу сўзлар асосан муайян эътиқодга бўйсуниш, амал қилишни англатади. Унинг ҳурмат қилмоқ, қадрламоқ маънолари анча чегараланган. «Қутадғу билиг» ва умуман қадимги туркий тилда эса у «юмуш қилмоқ, бошқалар хизматини адо этмоқ» маъноларини ҳам билдирган.

сиз сингари сўзлар таркибида ҳозир ҳам мавжуд ҳамда «маза, там» деган маъноларни билдиради. «Тотиг» шу маза, там натижасида ҳосил бўладиган ҳолатдир. Уни «лаззат», «маза» деб юритишади.

тоғи - тоғда бўладиган от тури

туби - шамол, бўрон

тугуг юз - «тугуг» сўзи қош ва юзга нисбатан қўлланади. Унинг зид маънодоши «очиқ» ва «ёзиқ»дир. Бу сўзлар ҳозирги тилимизда ҳам кўп қўлланади, аммо «тугуг юз» ёки «қош тугди» иборалари қадимги тилга хосдир. У «юзини буриштириш», «қовоғи солиқлик», «бадрўйлик» маъноларини беради

тудлич - сув қушларидан бири

тузун - тўғри, сара, хушфеъл, яхши

туй - қуш тури, тувалоқ(?)

тумлиғ - совуқлик. Шарқдаги тасаввур ва эътиқодлар озиқ-овқатларни қуруқ, ҳўл, иссиқ ва совуққа ажратади. Бу ерда охиргиси

тунақ - тунаш жойи, кечаси тунаб ўтиладиган жой

Турон — туркий халқлар яшайдиган ўлкаларнинг умумий номи

турк — куч, қудрат; қабила ва айни пайтда туркий тилларда сўзлашувчи халқларнинг умумий номи

Туркистон — Туркистон, туркий халқлар яшайдиган жойлар

туркча - туркий тил, туркийча

турмак - ўраб ёки тугиб тайёрланадиган овқат турларидан бири, кенг маънода умуман овқат

турғоқ - қоровул, посбон

тутуғ - ҳарбий қисм, бўлинма

тутғоқ - айғоқчи, саф, разведка бўлинмаси

туш йўрмоқ - қадимда туш йўриш билан шуғулланувчи махсус кишилар бўлган. Уларни таъбирчи дейишган. Туш таъбир қилишнинг қатор усул ва йўллари бўлиб, уларнинг бири юлдузларга қараб белгиланган. Бу ерда ана шу ҳолат эътиборга олинган.

туға - дард, касаллик, хасталик

туған — лочин; *кўч.* жасур, ботир
Туғар — Шарқ, Кун чиқар
тўнга — арслон; *кўч.* ботир, баҳодир паҳлавон
Тўнга Алп Эр — Алп Эр Тўнга, туркий халқларнинг афсонавий қаҳрамони, Афросиёбнинг асл номи
тўнгуз — тўнғиз
тўнчи — тўн тикувчи, чевар
тўру — чора, тадбир; адолат, сиёсат, қонун-қоида, расм-одат
тўрқу — ипак; *кўч.* парда, чойшаб, ёпқич
тўсуғ — наф, фойда, манфаат
тўшакчи — ўрин-жой ва ётоқхоналар мутасаддиси
тўқли — тўқли, олти ойли эркак қўзи
увут — сиқим, қисим, ҳовуч
Уд — мол, сигир, ҳайвон; ўн икки бурждан бири — Савр буржининг туркий номи. У Ҳамал ва Жавзо буржлари орасида жойлашган
удик — завқ, ҳиссиёт
ужуз — қадрсиз, тубан
узоқ — ўтмиш, ўтган давр, мозий
уз — гўзал, чиройли, ярашиқли; муносиб, лойиқ, мос, уста санъаткор, ҳунарманд, моҳир
ул — асос, илдиз, пойдевор, моя
уламо — олимлар, донишмандлар, илм эгалари
улгу — тарози; ўлчов, меъёр; Ўн икки бурждан бири — Мезон юлдузлар туркумининг туркча номи. У Савр ва Саратон буржлари орасига жойлашган
улиг — улуш, ҳисса, тегиш; баҳра, манфаат
улимоқ — бу сўз аслида ит, бўри, қашқир, шағол каби ҳайвонларнинг чўзиқ овоз чиқаришига нисбатан қўлланади. «Қутадғу билиг»да бу сўз кўчма маънода кишига нисбатан ҳам ишлатилган. Бунда қатъиқ фарёд чекиш, ўкириш, яъни алам ва изтиробларда қолиш назарда тутилган
улуш — қишлоқ
улуғ — бу сўз ҳозирги тилимизда кўпроқ қадрли, эътиборли деган маъноларда қўлланади. Унинг «катта» маъноси ҳам сақланган. Бу ўринда «кичик»нинг зид маъносидаги сўз ўрнида қўлланган
У у Ҳожиб — Улуғ Ҳожиб, сарой амалдорларидан бири, эшик оғаси, китоб муаллифига хизматлари учун берилган унвон

умин — ишонч, умид, истак, илинж
Уркар - Ҳулкар (Сурайё) юлдузи. Савр буржи даги бир гуруҳ юлдузларнинг номи
урогун - тибда қўлланадиган дорилардан бири, кўпроқ Ҳиндистондан келтирилган
урунч - пора, ришват
уча - елка, қомат
Уч ўрда - қорлуқ қабилалари яшаб келган шаҳарлардан бири Маҳмуд Кошғарий уни Андижон билан Самарқанд оралигидаги Сайхун (Сирдарё) қирғоғида деб кўрсатади.
ушоқ сўз — майда сўз, туҳмат, бўҳтон, чақув
ушоқчи — туҳматчи, чақимчи, майда ғап, ғийбатчи
Уқлидус — Эвклиднинг Шарқда тарқалган номи
уқуш - уқув-идроқ, ақл, онг, тушунча, зеҳн
Фаридун - шахс номи, Эроннинг мифологик ҳукмдорларидан бўлиб, Жамшид авлодларидан саналади, у Заҳҳокни енгиб, қоронғи бир ғорга тиқиб қўяди ва бутун инсониятни унинг зулмидан озод қилади.
фол - фол, башорат, ром. Бирор нарса (масалан, қўл, китоб, майда тош, суяк, ойна ва ш. к.)га қараб киши билишга қизиққан нарса ёки ҳодисаларни олдиндан «айтиб бериш», сохта башорат
фуқо - шифобахш ичимлик турларидан бирининг номи
чавгон ўйини - ҳозирги хоккейга ўхшаш спорт тури. Бу қадимги Шарқ халқларида кенг тарқалган оммавий спорт турларидан бўлиб, икки гуруҳга бўлинган чавандозлар қўлларида учи эгри таёқ билан ўртадаги тўпни дарвозаларга киритишга асосланган. Ҳозирги тушунчаларга қиёслайдиган бўлсак, клюшка — чавгонга, тўп (шайба) — тўпга тўғри келади
чазан - чаён; Ақраб буржининг туркий номи
чағри - лочин
чағри бек - саройдаги амаллардан бири
чеврилмоқ - айланмоқ, тескари бўлмоқ, ўгирилмоқ
черик - аскар, лашкар, армия, қўшин, жанг, уруш
чечаклиг - гулзор, майсазор, ўт-ўлан кўп бўлган жой
чигил - туркий халқлар оиласига мансуб қабилалардан бири, шу қабилага мансуб шахс
Чин - Чин, мамлакат номи, Хитойнинг Марка-

зий ва Шарқий қисми

чирғу — бечора, камбағал

чиғой — камбағал, бечора, давлатсиз

чумғуқ — чумчуқ

чурни — сурги дори

чўга — чакмон, тўн, узун енгли ва кенг устки кийим

чўган — чавгон, тўп (яъни гўй)ни уруш учун ишлатиладиган учи эгри спорт таёғи. Бу ерда чавгон ўйини маъносида

чўкут — қисқа, паст, калта

Шаддод — Шаддод, шахс номи

шалисо — тибда фойдаланиладиган дорилардан бири

шариат — диний қонун-қоидалар мажмуи

шат — журъат, жасорат

шатранж — шатранж, шахматга ўхшаш спорт ўйини

шату — шоти, нарвон

шиш — шиш, касаллик

«Шоҳнома» — давлатни бошқариш ҳақидаги асар, бу ерда Фирдавсийнинг машҳур асари кўзда тутилади

шук — жим, оҳиста, ҳаракатсиз

эв — уй, бино; *кўч.* олам, дунё

эвак — шошқалоқ, тезкор

эвлик — уйли, уйи бор, уй эгаси; аёл, хотин, умр йўлдоши

эвирмоқ — айлантирмоқ, ўгирмоқ, тўнтармоқ, ўзгартирмоқ, қайтармоқ

эвран — фалак, даврон

эгин — тана, гавда, елка

эгарсиз ёғоч — эгарсиз ёғоч от, бу ерда тобут назарда тутилади

эмгак — меҳнат, машаққат, азият, азоб

эмганмоқ — қийналмоқ, азият чекмоқ

эмчи — эмчи, табиб

энг — юз, бет

эраж — роҳат, фароғат, ҳузур

эронлиглар — Эрон мамлакатида яшовчилар, эронликлар, форс-тожик халқи назарда тутилади

Эрантиз — Тарози буржи, *яна қаранг:* Улги

эрат — лашкар, қўшин

эрбуз — қоплон, кўч, мард, жасур

эрдам — санъат-ҳунар, яхши фазилат

эрдош — жўра, оғайни, биродар, ошна

эрик — абжир, чаққон

эринчиг — эринчоқ, зерикарли, номатлуб, жирканч, яроқсиз

эркач - така, серка, сурувни етаклайдиган така

эрнак — бармоқ

эрсиг — ботир, мард, қўрқмас; асар қаҳрамонларидан бирининг номи

эсрук — маст, сархуш

эт — гўшт

этиг — чора, тадбир

этмак — нон

этукчи - этикчи, косиб

эчи - аёл

эшук - парда, тўсиқ

югдик - қуш номларидан бири

юз суви - обрў, эътибор, ҳурмат

юзи бўзга айланади - бўз тўқилган матоларнинг энг оддий ва соддаси бўлиб, дағалроқ иплардан тўқилади. Энг олий нав мато ипак ва шоҳидир. Шунинг учун ҳам қадр-қиммат, обрў, яхшилик, ижобий хислатлар ипак ва шоҳига, унинг акси эса бўзга қиёс қилинади. Юзи бўз бўлмоқ — юзи оқариб кетмоқ маъносини ҳам беради. Одатда қўрққан, уят, ор-номус ҳисларини туйган одам шу ҳолатга тушади. Бу ўринда кўпчилик олдида обрўсидан айрилиб, уятга қолиши мумкин бўлган киши ҳолати эътиборга олинган

юзимни ол қилма - юзимни қизартирма, яъни мени уятга қолдирма демоқчи

юзи сувланар — обрў қозонмоқ, эътиборга тушмоқ маъноларини англатади. «Қутадғу билиг»да «обрў»ўрнига «юз суви», «уят, андиша» ўрнида «кўз суви» ишлатилган. «Юз» тожикча «рўй» бўлса «сув» «об»га тенг келади

юз тумурмоқ - юзини буриштирмоқ, қовоғини солмоқ, важоҳати ёмонлашмоқ

юз урмоқ - дуч келмоқ, рўпара бўлмоқ, бостириб келмоқ

юк - юк; *кўч.* ғам, ташвиш

ол — булоқ, чашма; *кўч.* кўз ёши

юла - машъал

юмушчи - хизматкор, ходим

юнд — от, йилқи, уюр

юнгаг — чақув, ғийбат

юнгағчи — чақимчи, ғийбатчи
ют — дард, бало, офат
юғ — мотам, аза
юғоқ — сув қушларидан бири, ранги қора деб тахмин қилинади
юғрут — сузма, қатиқ
юғруш — қадимги туркий халқларда оддий халқдан вазирлик даражасига чиққан одам
ява — ёмон, ярамас, беҳуда
явғу — халқдан чиққан, хоқондан икки даража паст амалдор
ялавоч — элчи
ялингуқ — инсон, киши, одам
Ялчиқ — Ойнинг бўлак номи
янглуқ — одам, киши, инсон; хато, нуқсон, айб
янгу — қ. янгшақ
янгшақ — эзма, сергап, оғзи бўш
яр — жар, тик қоя
ярағчи — яроқдор
ярмақ — пул
яған — фил
яниғ — қайтим, ҳисса, улуш, эваз
яс — зарар, зиён
Яшиқ — Қуёш
яғмо — туркий қабилалардан бирининг номи ва шу қабилага мансуб киши
яғуқ — яқин, масофа нуқтаи назаридан узоқ бўлмаган
ўбри — чуқурлик дара
ўвка — ўпка, гина; қаҳр, ғазаб
ўвут — уят, андиша, номус, ҳаё
ўг — ақл, онг, тафаккур; катта ёшли киши, улуғ; улуғламоқ, мақтамоқ
ўга — доно, билимдон, ақлли
ўгалик — маслаҳатчилик, васийлик, саройдаги амаллардан бирининг номи
Ўгдулмиш — асар қаҳрамонларидан бирининг номи. «Мақталган», «ақл билан етилган» демакдир. «Ўг» XI аср тилида «ақл»ни англатади
ўги — укки, бойқуш, бойўғли
ўгмоқ — мақтамоқ, олқишламоқ
Ўзгурмиш — асар бош қаҳрамонларидан бирининг номи. «Уйғотувчи», «сергаклантирувчи» маъноларини англатади
ўкак — бурж, юлдузлар тўдаси

- ҳукиз, икки ёшдан ошган эркак қора мол; дарё

ўкуш - кўп, талай, анча

ўлутчи - ўлдирувчи, қотил, жосус

ўнг ва чап - қадимда ўнг томон яхшилик, чап томон ёмонлик рамзи сифатида қабул қилинган. Бу эҳтимол Қуёшнинг ўнг — Шарқдан чиқиб, чап — Гарбга ботиши билан ало қадордир. Эртаклардаги учта йўлнинг чапдагиси борса келмас, ўнгдагиси борса келар эканлигини эслант. Иши юришган одамга нисбатан «бугун ўнг томони билан турган», иши юришмаган одамга нисбатан «чап томони билан турган», иборалари қўлланади. Буларда ҳам ўша тасаввурларнинг изи мавжуд

ўнгди - қонун, қоида, низом, одат

Ўнгой - Ўнгой, бурж номи, Муштарий (Юпитер) юлдузининг туркий атамаси

ўнгдун - Шарқдан эсадиган майин шабада

ўртук - парда, тўсиқ

ўтачи - табиб, ҳаким

ўтру - қарши, рўпара, олд; сўнг, кейин

ўтрум — сурги дори, сусайтирувчи дори

Ўтукон — географик атама. Ўрхун дарёси қирғоғидаги тоғли манзиллардан бирининг номи. Хитой манбаларига кўра у Шимолий Мўғулистондаги Ту-Кин тоғларининг туркий номи. Ҳозир у Хангай чўққиси деб юритилади

ўтун - тубан, ярамас, хулқи ёмон

Ўғлоқ — улоқ, эчкининг боласи; Жадий буржининг туркий номи

ўғлоғу — нозик, нозли; эрка, тантиқ

қалиқ — осмон, кўк

қарши - ўрда, сарой

қач - қанча, бир қанча, бир неча

Қайсар - шахс номи, Қадимги Римнинг давлат ва сиёсий арбоби, саркарда ва ёзувчиси Юлий Цезарнинг Шарқда тарқалган номи

қали - агар, зеро, модомики шарт боғловчилари ўрнидаги сўз

қам - қоҳин, ҳаким, табиб, шаман

Қаноат - қаноат, қониқиш, озга ёки борига кўниш, бори билан кифояланиш, нафсни тийиқлик, кўпга, ортиқчаликка интил-

маслик; Ўзғурмиш ташиган рамзий маъно.

қапуғ — эшик, дарвоза

қапуғчи — эшик оғаси, дарвозабон

қапуғ башлар — дарвозабонлар бошлиғи

қаранфул — чиннигул

қасаб — заррин мато, кимхоб, парча

Қашқар — Кораҳонийлар давлатининг шарқий маркази. Бу шаҳар ҳозир ҳам шу ном билан мавжуд бўлиб, у Ғарбий Хитойда Синьцзян — Уйғур Автоном областига киради

қиви — вақтинча, муваққат

қиз — ноёб, нодир, азиз қадрли, қиз, қиз бола

қизил юз — классик адабиётимизда «қизил юз» ёшлик ва шодонлик, ўз иши ва ҳаётидан қониқишнинг сариқ юз (умуман сариқ ранг) кексаликнинг, машаққатли ҳаёт, кишининг яшаш тарзидан норозилик рамзи сифатида қўлланган

қил — қуш номи, қилқуйруқ

қилинч — қилиқ, хатти-ҳаракат, қилғилик

қилиқ — феъл-атвор, кишининг хатти-ҳаракатлари

қилиқсиз — қилиғи ёмон, феъли ёмон

қир — ёвуз, ғаразли

қирмачи — дурадгор, ўймакор уста

қозғонч — қозонч, ишонч қозониш, фойда

қомуғ — барча, ҳамма

қомуғ-турлуғ — турли-туман, хилма-хил

қон оқизмоқ — қон босими ошганда қўлланадиган усуллардан бири

қора — Шарқдаги тиббий қарашларга кўра мижоз кўринишлардан бири. «Ҳўл» сўзининг изоҳига қаранг

қора бош — хизматкор, қул

қора кеш — қора сувсар

қора ом — қора халқ, оддий фуқаро

қора чумғуқ — қора зоғ

қора қуш — Қора қуш, бургут; Муштарий (Юпитер) юлдузининг туркий номи

қорагу — кўр, кўзи ожиз

қорма — талон, талон-торож

Қорун — шахс номи. Афсоналарга кўра у чексиз-чегарасиз бойлиги билан машҳур бўлган

тұ мой — *қ. туғуғ юз*

оққуш, турналарга яқин бир қушнинг номи

куз — тоғнинг кун тушмайдиган томони

Қуз ўрду — Балосоғун шаҳрининг бошқа номи. У ҳозирги Қирғизистон ССРдаги Тўқмоқ шаҳрининг ғарбида бўлган

қулон — овланадиган ёввойи ҳайвонлардан бири

қултғучи — сўровчи, муҳтож, тиланчи, гадой

Қумару — эсдалик, совға, ўгит, панд, васият, мерос; шахс номи — Ўзғурмишнинг муриди

қур — камар, белбоғ; саф қатор; амал, мартаба, навбат, тартиб, сира; тенгдош, тенқур, ҳолат, ижтимоий келиб чиқиш, моя

қуртға — қари, кекса, кўч, қадимги, кўҳна (олам, дунё)

қут — бахт, иқбол, саодат

қут-қив — бахт-иқбол, бахт-давлат

Кучик — Қисқичбақа (саратон) буржи

қушчи — қуш билан ов қиладиган киши, лочиндор

қуғу — оққуш

қўвдаш — юҳо, тўймас, очофат

қўвдақ — кучсиз, ожиз, ориқ, нимжон

Қўзи — Қўзи, Ҳамал буржининг туркий атамаси

қўзи — қўзи, қўйнинг боласи, бу сўз эркалаш, суюш, ҳурмат қилиш маъноларида ўзаро мурожаатларда ҳам кенг ишлатилади

қўлдош — қўлдош, оғайни, ошна, дўст

қўл — қўл, (киши организмининг бур узви маъносида) тоғ чўққисидан пастга тўғри тушган, водийдан баланд жой

қўл тегизмоқ — ушламоқ, ўз ҳукмида тутмоқ, амалга оширмоқ

қўлини узайтирмоқ — ҳар нарсага имконли бўлмоқ, турли иш-ҳаракатларни бажаришнинг уддасидан чиқмоқ маъноларида. Бу ерда билимли киши ҳар бир ишни қила олишга қодир бўлади, деган ақида мавжуд. «Қўли узун» (унинг акси «қўли калта») ибораси ҳозирги тилимизда ҳам кенг қўлланади

қўл-қош — тоғ этаги ва кўриниб турган жойнинг чети, атроф

қўр — чўғ, ўт, *кўч.* зарар, зиён

қўрдай — соқақуш, мешкопқуш

қўтуз — қўтос

қўшиқ — бу ерда «қўшиқ» атамаси ҳозир бизга маълум бўлган алоҳида лирик жанрини эмас, балки умуман шеъриятни, назмда битилган асарни англатади

ғафлат — огоҳсизлик, бепарволик, фаолиятсизлик

ғизо — овқат, ейиладигин нарса

ҳабаш — ҳабаш, қора танли кишилар, *куч*, қора ранг, тун қоронғилик

ҳаво — ҳаво, орзу, ҳавас, кибр

ҳавоси ортмоқ — кибрланиб кетмоқ, такаббурлик қилмоқ

ҳаким — ҳаким, доно, донишманд, олим, табиб

ҳандаса — геометрия фани

хап — дори

Ҳожиб — *қ.* Улуғ Ҳожиб

ҳукамо — ҳакимлар, донишмандлар

ҳўл — Шарқ медицинасининг талқинича, киши организмини тутиб турувчи моддалар тўрт хил бўлиб, улар ўзаро иссиқ-совуқлиги, ҳўл-қуруқлиги ҳамда рангларига кўра тафовутланади. Булар: қон - қизил, иссиқ, сафро — сариқ, совуқ, йиринг — фасод — қора - - иссиқ, шилимшиқ — (ҳўллик) — совуқ — оқ.

МУНДАРИЖА

ЮСУФ ХОС ҲОЖИБ ва унинг «Қутадғу билиг» асари . . . 4
Муқаддима . . . 8
Баҳор мадҳи . . . 10
Инсон қадри билимда . . .
Тилингни авайла — омондир бошинг . . . 12
Икки хил ном қолар тилда бегумон . . . 15
Уқув қут беради, билим шараф-шон . . . 17
Китобга ном беришининг сабаби . . . 20
Қунтуғди ҳикояси . . . 20
Фазилат ва нуқсон . . . 23
Бошингни ўйласанг, асрагин тилинг . . . 28
Оталар сўзи ақлнинг кўзи . . . 31
Васият . . . 3
От ўрнини той босар . . . 35
Фойдали фазилат ва ярамас одат . . . 38
Ўгдулмиш — вазир . . . 39
Билимдан бошланар донолик йўли . . . 40
Бир йигитга қирқ ҳунар оз . . . 44
Ким вазир бўлади? . . . 50
Қўшин бошлиғига керак кўп қилиқ . . . 55
Кишилар эзгуси элчи бўлгани . . . 58
Хат чиройли бўлса, кўнгил очилар . . . 60
Киши эзгуликка ширин жон берар . . . 62
Ўгдулмиш мақтови . . . 65
Эл нима дейди? . . . 66
Ўзғурмиш ҳикояси . . . 67
Ўзғурмишга хат . . . 69
Ўзгурмиш қабулида . . . 72
Ўзгурмишнинг мактуби . . . 79
«Қани гапир, бўтам» . . . 81
Мактуб . . . 83
Иккинчи учрашув . . . 84
Мунозара . . . 85
Ўгдулмиш Ўзғурмишга хизмат қилмоқ урф-одатларини ўргатади 87
Отим бўлсин десанг эл аро мангу . . . 90
Оддий одамлар ҳақида . . . 91
Олим илми элга бўлади машъал . . . 93
Юлдузчилар ҳақида . . . 94
Шоирлар сўз терувчилар . . . 94
Деҳқоннинг қўли кенг . . . 95
Савдогар номингни элга етказар . . . 95
Чорвадор — ҳамма ҳайвонга сардор . . . 96
Ҳайратли ишларнинг эгалари . . . 96
Камбағаллар ҳақида сўз . . . 97

Ўғил-қиз туғилса 97
Улуғ бўлсанг, кичик тутгин кўнгилни . . 99
Меҳмондорчилик фазилати 100
Зиёфат одати 103
Ўзғурмишнинг узри 104
Учинчи уриниш 107
Ўзғурмишнинг ташрифи 108
Ким олдин салом берсин? 109
Сени сўрмоғимга сабаб бор эди . . 111
Ўзғурмишнинг Кунтуғдига ўгити . . 113
Ўзинг тутсанг агар феълингни содиқ . 115
Ўгдулмишнинг ўйи 117
Маслаҳат 118
Дийдор 119
Жавоб 119
Бор сўзни тинглагин, керагини ол . . 123
Ўзғурмиш — касал 127
Ўзғурмишнинг туши 129
Ўгдулмишнинг шарҳи 130
Сўнгги ўгит 131
Қайтиш 132
Нохуш хабар 134
Суҳбат 134
«Қутадғу билиг»дан. С. Аҳмад таржимаси . 137
Луғат ва изоҳлар 164

Для детей среднего и младшего школьного возраста

ЮСУФ ХАС ХАДЖИБ

Благодатное знание

На узбекском языке

Расмлар редактори А. Шоалимов
Техник редактор М. Мирражабов
Корректор Р. Файз
ИБ № 0245

Босмахонага берилди 6.01.89. Босишга рухсат этилди 02.02.90. Формати 60 × 90¹/₈. Банников гарнитураси. Офсет қоғози. Офсет босма. Шартли босма л. 24,0. Шартли кр-оттиск 97,0. Нашр л. 11,88. Буюртма № 150. Шартнома № 58—88. Тиражи 75000. Баҳоси [redacted] «Юлдузча» нашриёти. Тошкент — 83. ГСП, «Правда» газетаси кўчаси, 41

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ орденли босмахонаси, ГСП, Тошкент, «Правда» газетаси кўчаси, 41

И (Турк)
Ю 11

Юсуф Хос Ҳожиб.
Қутадғу билиг (Сўзбоши муаллифи Б. Тўхлиев; Рассом Ш. Муҳаммаджонов).— Т.: Юлдузча, 1989.— 192 б.

Юсуф Хос Хажиб. Благодатное знание.

И (Турк).